

53
1-416
И 37



ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

(Ноиқтисодий олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма)

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги қошидаги Олий ўқув юртлариаро илмий – услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш Президиумининг 17.06.2000 й. 15 – сонли мажлис қарорига асосан тавсия этилган “Иқтисодиёт назарияси” фани ўқув двстурига мувофиқ тайёрланган. Бу ўқув қўлланма қайта иш – ланган иккинчи нашр бўлиб, унда иқтисодий ривожланишнинг умумий муаммолари, макроиқтисодиёт ва жаҳон хўжалигини ривожланиши билан боғлиқ мавзулар содда ва равон тилда баён этилган. Қўлланма хорижий тажриба ва иқтисодиётимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ ўзгаришлар, миллий гоё ва миллий мафкуралар эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув қўлланма ноиқтисодий олий ўқув юртлари, факультетлари, коллеж ва лицей талабаларига мўлжалланган.

Тузувчилар: доц. Умаров К.Ю. (раҳбар), доц. Хошимов П.З.,
проф. Бекнозов Н., доц. Содиқов Н.К.,
доц. Холмирзаев А., и.ф.н. Сапаров Т.О.,
кат. ўқит. Турсунов А.

Тақризчилар: Қодиров А., иқтисод фанлари доктори, проф;
Вахобов А.В., иқтисод фанлари доктори.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон бозор иқтисодиёти томон шахдам қадам қўймоқда. Ўтказилаётган бозор ислохотлари иқтисодий тараққиётда янги давр очади. Цивилизациялашган бозор иқтисоди — келажақдаги демократик, ҳуқуқий ва адолатли жамият учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ислохотлар кишилар онги ва руҳиятида ҳам ўзгариш ясамоқда. Улар орасида янгича фикрлаш, бозор иқтисодини идрок этиш ва унинг талаблари руҳида ишлаш ва яшашга интилиш қарор топмоқда. Боқиман — далик руҳияти ўрнини ишчанлик руҳияти эгалламоқда. Булар — нинг ҳаммаси иқтисодий билимларга қизиқишни кучайтирмоқда. Ёшларни малакали мутахассис соҳиби сифатида иқтисодиётнинг қонун — қоидалари ва сир — асрорларини билишга ўргатишдир. "Иқтисодиёт назарияси" фани фундаментал фан бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг моҳиятини, иқтисодий жараёнларни бошқариш қонунларини ва улардан фойдаланиш йўлларини ўргатади.

Бу қўлланмани тузишда ва мавзуларни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида қўйилган талаблар инобатга олинган. Шунингдек, қўлланмада биз бозор иқтисодиётига кириб келаётганимизни, бу шароитда яшашимиз, фаолият кўрсатишимиз, иқтисодий муносабатда бўлишимизни ҳисобга олиб, бозор иқтисодиёти муаммоларини, унинг сабаб — оқибатларини, қонун — қоидаларини, тушунчаларини, уларнинг бизнинг шароитимизда қай даражада, қандай шаклда амал қилаётганини батафсилроқ ёритишга ҳаракат қилдик.

Мазкур қўлланмада иқтисодий жараёнларни юзаки, кўриниб турган томонлари эмас, балки уларнинг ички моҳияти, зиддиятлари ва боғланишларига иқтисодий жараёнларнинг сабаб ва оқибатларига алоҳида эътибор берилди. Асосий иқтисодий тушунчаларни талабаларга соддароқ қилиб, тушунарли тилда, ҳаётий мисоллар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Ўқув қўлланмада ўқитишнинг янги технология хусусиятлари ҳисобга олиниб, ҳар бир кўрилган масала юзасидан асосий таянч тушунчалар ва атамалар, такрорлаш ва мунозара учун саволлар берилган.

Мазкур қўлланманинг тузилиши, мазмуни, муаммоларнинг баён қилиниш тартиби ва услуби бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазаларни бажонидил қабул қиламиз, у кейинги нашрларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

I Боб. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ

1. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши.
2. Иқтисодиёт назариясининг предмети, мақсади ва вазифалари.
3. Иқтисодиёт назариясининг методологияси.

1. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши

Узоқ даврлар давомида инсоният тафаккури аниқлаган айрим масалалар бугун жуда оддий ҳақиқат ва осон билиш мумкин бўлган нарсага ўхшаб кўринади.

Масалан, ҳаммага маълумки, сиёсат, санъат, адабиёт, маърифат, маданият билан шуғулланишдан олдин, инсонлар озиқ-овқат ва кийим — кечакка эга бўлишлари лозим.

Демак, инсон меҳнат қилиши, хўжаликнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатиши керак бўлади. Инсониятнинг мавжуд бўлишини ва унинг тараққиётини таъминлайдиган асосий фаолият моддий ва маънавий неъматларни яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Бу иқтисодий фаолият деб аталади.

Иқтисодиётга оид билимлар ва унинг сирлари антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофот, Афлотун, Арасту асарларида, шунингдек қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё олимларининг асарларида акс эттирилган.

Фан, яъни иқтисодий тизимнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари тўғрисидаги тизимий билим сифатида иқтисодий назария XVI—XVII асрларда юзага келди. Бу капитализмнинг шаклланиши, мануфактуранинг юзага келиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши, ички ва ташқи бозорларнинг кенгайиши, пул муомаласининг интенсивлашуви давридир.

Иқтисодиёт назарияси фанининг шаклланиши ва ривожланишининг биринчи босқичи бу меркантилизмнинг юзага келишидир.

Меркантилистлар таълимотининг моҳияти бойликнинг юзага келиши манбасига берилган таърифдан иборат (уларнинг хизмати шундадир, чунки улар бу тўғрида биринчи бўлиб фикр билдирганлар). Бироқ улар бу масалани нотўғри талқин қилганлар, чунки бойликнинг манбаини муомала соҳасидан келтириб чиқарганлар, бойликнинг эса пул билан тенглаштирганлар. Мазкур таълимотнинг номи ҳам шундан келиб чиққан, чунки

"меркантиль" таржимада "пуллик" маъносини англатади. Меркантилистлар савдогарлар вакиллари бўлиб уларнинг манфаатларини ҳимоя қилганлар.

Меркантилизмга фикран яқин бўлган таълимот протекционизм сийәсатидир. У миллий иқтисодиётни бошқа давлатлар билан бўладиган рақобатдан божхона тўсиқларини жорий қилиш, мамлакатга чет эл товарлари ва капиталларини кириб келишини чеклаш йўли билан ҳимоя қилиш ва сақлашга йўналтирилган.

Меркантилизмнинг энг кўзга кўринган вакиллари бўлиб Т. Ман (1571 – 1641), А.Монкретъен де Ваттевиль (1575 – 1621), Г.Скаруффи (1519 – 1584), Д. Норе (1641 – 1691), Д. Юм (1711 – 1776) ҳисобланади.

Кейинги оқим "физиократия", яъни "табиат ҳукмронлиги" деб аталган. Улар меркантилистлардан фарқли ўлароқ : "бойлик қишлоқ хўжалигида яратилади ва кўпаяди", – деган ғояни илгари сурадилар. Кейинчалик иқтисод фанининг мумтоз (классик) мактаби намоёндалари бўлмиш А.Смит, У.Петти, Д.Рикардо каби атоқли иқтисодчи олимлар бойлик фақатгина қишлоқ хўжалигидагина эмас, шу билан бирга саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам яратилишини исботлаб бердилар, ҳамма бойликнинг онаси ер, отаси меҳнат, деган қатъий илмий хулосага келдилар.

Марказий Осиёда иқтисодий фикрларнинг ривожланиши Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, А.Навоий ва бошқа дунёга машҳур олимлар номлари билан боғлиқ.

Уларнинг асарларида иқтисодий фикрлар ҳали фалсафий ва бутун ижтимоий билимлар мажмуидан ажралмаган бўлсада катта аҳамиятга эга эди.

Ҳозирги пайтда марженализм, монетаризм, кейнсчилик ва бошқа қатор йўналишдаги иқтисодий таълимотлар йиғиндиси "Экономикс" (Иқтисод) номли китобда мужассамлашган бўлиб, у АҚШ, Англия ва бошқа қатор мамлакатларда дарслик сифатида ўтилади. Рус тилига таржима қилиниб, бизга маълум бўлган П.Самуэльсон, К.Макконнелл, С.Брю китоблари унинг намуналаридир. Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган иқтисодий ғоялар асосида иқтисодиёт назарияси фан сифатида вужудга келган.

2. Иқтисодиёт назариясининг предмети, мақсади ва вазифалари

Иқтисодиёт назарияси — кишилик жамиятидаги ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ва уларга хос бўлган иқтисодий қонунларни ўрганадиган фандир.

Иқтисодчи — олимларнинг асарларини ўрганар эканмиз шунга эътиборни қаратиш мумкинки, иқтисодий ҳодисалар таҳлили бўйича у ёки бу ёндашувларга мос равишда фаннинг предметига берилган таърифлар ҳам бир — биридан фарқ қилади. "Экономикс" дарсликларида фаннинг предметига қуйидагича таъриф берилади: биринчидан, чекланган ресурслар дунёсида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида индивидуаллар ҳаракатини тадқиқ қилиш, иккинчидан, кишиларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни ўрганиш.

Бу таърифлар иқтисодиёт назарияси предметининг баъзи томонларини акс эттиради ва шунинг учун "Экономикс"ни иқтисодиёт назариясининг бир қисми дейиш мумкин. Иқтисодиёт назарияси ресурслардан рационал, оптимал ва самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганишдан ташқари иқтисодий тизимларининг тарихий эволюцияси, миллий бойлик ва жамият фаровонлиги ўсишининг манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучлари таҳлилин ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодиёт назарияси фани ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши тўғрисидаги фандир, шунинг учун унинг предмети ишлаб чиқариш муносабатларидир.

Ишлаб чиқариш муносабатлари — бу ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасида объектив юзага келадиган муносабатлардир.

Иқтисодиёт назарияси таркибан ўз ичига микроиқтисодиёт (алоҳида иқтисодий субъектларнинг хатти — ҳаракати) ва макроиқтисодиётни (бутун миллий иқтисодий тизим хатти — ҳаракати ва амал қилиши) олади.

Иқтисодиёт назариясининг предметини ўрганишда уни аниқроқ тасаввур қилиш мақсадида қуйидагиларни алоҳида ҳисобга олиш зарур:

- тадқиқот соҳаси — хўжалик фаолияти амалга оширилмайдиган иқтисодий ҳаёт ёки муҳит;

- тадқиқот объекти — иқтисодий ҳодисалар;
- тадқиқот субъекти — инсон, кишилар гуруҳи, давлат;
- тадқиқот предмети — "иқтисодий инсоннинг" кишилар гуруҳи ва давлатнинг ҳаётий фаолияти, иқтисодий муҳитда уларнинг хатти — ҳаракати.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт назариясининг асосий вазифаси — иқтисодий ҳодисаларнинг шунчаки талқинини бе — риш эмас, балки уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алоқа — дорлигини кўрсатиш, яъни иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва қонунлар тизимини ёритиб беришдан иборат. У шу билан бошқа аниқ иқтисодий фанлардан фарқ қилади.

Иқтисодиёт назарияси, бошқа фанлар сингари қатор ва — зифаларни бажаради. Биринчи бўлиб иқтисодий назариянинг вазифаларини А.Смит белгилади ва уларни икки қисмга бўлди: позитив ва меъёрий вазифалар.

Позитив — иқтисодиёт назарияси объектив иқтисодий реалликнинг таҳлилин амалга оширади ва унинг ривож — ланиши қонуниятларини аниқлайди. У иқтисодиёт соҳасидаги далиллар, шарт — шароитлар ва ҳодисалар билан иш юритади.

Иқтисодиёт фанининг меъёрий (норматив) томони фирма ва давлатнинг иқтисодий сиёсатини таъминлайди. Ўтказилган таҳлиллар асосида у энг мақсадга мувофиқ услуб орқали ишни қандай ташкил қилиш кераклиги тўғрисида амалий маслаҳат — лар беради.

Шундай қилиб, иқтисодиёт назарияси бошқа аниқ иқти — содий фанларнинг назарий асоси сифатида қуйидаги уч вази — фани (функцияни) бажаради: билиш, амалий ва методологик.

Иқтисодиёт назариясининг амалий аҳамияти шундан иборатки, билимлар олдиндан кўра билишга, олдиндан кўра билиш эса — ҳаракатга олиб келади. Иқтисодиёт назарияси иқтисодий сиёсат асосини ташкил этади, бу орқали эса — хўжалик амалиёти соҳасини ёритиши лозим. Ҳаракат (амалиёт) билишга, билиш — олдиндан кўра билишга, олдиндан кўра билиш эса — тўғри ҳаракатга олиб келади.

Иқтисодий сиёсат ижтимоий ишлаб чиқариш неъматла — рини тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳасидаги давлатнинг аниқ мақсадларга қаратилган тадбирлари тизими — дир. У жамият, унинг барча ижтимоий гуруҳлар манфаатлари — ни акс эттирмоғи лозим ва миллий иқтисодиётни мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиши керак.

3. Иқтисодиёт назариясининг методологияси

Методология масалалари иқтисодий муаммоларни ўрга — нишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт назарияси методологияси — хўжалик ҳаёти, иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш услублари тўғрисидаги фандир.

Методологияни услублар билан, яъни фандаги воситалар, тадқиқотлар услублари мажмуи, иқтисодий категориялар ва қонунлар тизимида уларнинг намоён бўлиши билан аралаш — тириб бўлмайди.

Иқтисодий боғлиқ катта миқдордаги далиллардан иборат бўлиб, уларни билишда иқтисодиёт назарияси турли услублардан (грекча "тадқиқот услуги") фойдаланади.

Диалектик услубнинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодий ҳаётнинг барча ҳодисалари ва жараёнлари ўзаро боғлиқликда ва тўхтовсиз ривожланишда кўриб чиқилади.

Тадқиқотнинг муваффақиятини таъминлаш учун фан асосий нарсаларни ўрганишни қийинлаштирувчи иккинчи даражаги далилларни четлаб ўтади, абстрактлашади, илмий абстракция услубининг моҳияти ана шундан иборат.

Иқтисодиёт назарияси, шунингдек, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантиқийлик, статистик кузатиш, иқтисодий — математик моделлаштириш, иқтисодий эксперимент (амалиёт) методларидан ҳам фойдаланади.

Юқорида номлари келтирилган услубларини қўллаш иқтисодий ҳодисаларнинг турли томонларини тавсифловчи иқтисодий категориялар тушунчалари тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

Иқтисодий категориялар деб, жамият иқтисодий ҳаёти — нинг энг умумий ва муҳим томонларини акс эттирувчи мантиқий тушунчаларга айтилади.

Тадқиқотларни чуқурлаштириш шуни тушунишга олиб келадики, жамиятдаги барча жараёнлар ички, уларга хос бўлган иқтисодий қонунлар билан бошқарилади. Иқтисодий қонунлар иқтисодий ҳодисалардаги пухта, доимо такрорланиб турувчи, зарурий алоқалар ва ўзаро боғлиқларни акс эттирадилар.

Иқтисодий қонунларнинг ҳаммаси биргаликда жамият ривожланиши иқтисодий қонунлари тизимини ташкил этадилар, Бў тизим ўз ичига турли гуруҳ ва кўринишдаги қонунларни олади.

Иқтисодий қонунлар (тарихий тузумларга боғлиқ ҳолда) қуйидаги гуруҳларга ажраладилар:

- 1) Махсус иқтисодий қонунлар.
- 2) Ўзига хос иқтисодий қонунлар.
- 3) Умумий иқтисодий қонунлар.

Махсус иқтисодий қонунлар — биргина ишлаб чиқариш усулида амал қилувчи, маълум, тарихий хўжалик юритиш шакл — ларига хос бўлган қонунлардир. Масалан, қулдорлик, кре — постнойлик даврларидаги тақсимот қонунлари ва бошқалар.

Ўзига хос иқтисодий қонунлар — уларнинг амал қилишига шарт — шароитлар мавжуд бўлган тарихий даврларга хос бўлган қонунлардир. Масалан, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қо — нуни.

Умумий иқтисодий қонунлар — барча тарихий даврларга хос бўлган қонунлардир. Масалан, вақтни тежаш қонуни, эҳтиёж — ларни ошиб бориши қонуни ижтимоий меҳнат тақсимоти ва бошқалар.

Табиат қонунлари сингари иқтисодий қонунлар ҳам обь — еktiv характерга эга. Бироқ иқтисодий қонунларнинг обь — еktivлиги ва мажбурийлиги кишиларнинг амалий фаолияти аҳа — миятини йўққа чиқармайди. Иқтисодий қонунларни ўрганиш ва тушуниш макроиқтисодий вазифаларни ҳал этишга қаратилган иқтисодий сиёсатни тўғри ишлаб чиқиш ва асослашга ёрдам беради.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ишлаб чиқариш муносабатлари — бу ҳаётий неъмат — ларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасида объектив равишда шакл — ланадиган муносабатлардир.

Иқтисодиёт назарияси — кишилик жамияти ишлаб чи — қариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муаммоларни ва уларга хос бўл — ган иқтисодий қонунларни ўрганадиган фандир.

Иқтисодиёт назариясининг тадқиқот соҳаси — хўжалик фаолияти амалга ошириладиган иқтисодий ҳаёт ёки муҳит.

Тадқиқот объекти — иқтисодий ҳодисалар.

Тадқиқот субъекти — инсон, кишилар гуруҳи, давлат.

Тадқиқот предмети — инсон, кишилар гуруҳлари, дав — латнинг ҳаётий фаолияти ва уларнинг иқтисодий муҳитдаги хулқ — атвори.

Иқтисодиёт назариясининг асосий вазифаси — иқти — содий ҳодисаларга оддийгина тавсиф бериш эмас, балки улар — нинг ўзаро алоқадорлигини ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб

бериш, яъни иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва қонунлар тизимини очиб бериш. Ана шу билан у аниқ иқтисодий фанлардан фарқ қилади.

Иқтисодий сиёсат — неъматларни ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳасидаги давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлари тизими. У жамиятнинг, унинг барча ижтимоий гуруҳлари манфаатларини акс эттиришга қаратилади ва миллий иқтисодиётни мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Иқтисодиёт назариясининг методологияси — хўжалик ҳаёти иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш методлари тўғрисидаги фан.

Услугият — иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг тамойиллари, қонун—қоидалари, ҳодисалари тизимидир.

Иқтисодий категориялар — жамият иқтисодий ҳаётининг асосий ва энг умумий томонларини акс эттирувчи мантиқий тушунчалар.

Иқтисодий қонунлар — иқтисодий жараёнлар ўртасидаги доимий такрорланиб турадиган, барқарор аниқ сабаб—оқибат алоқаларини, уларнинг боғлиқлигини ифодаловчи воқеа—ҳодисаларга айтилади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛАР

1. Иқтисодиёт назарияси фанининг предметига таъриф беринг.
2. Иқтисодиёт назариясининг ижтимоий, аниқ иқтисодий, со—циал ва табиий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини кўрсатинг.
3. Хўжалик амалиётини иқтисодий назариясиз тасаввур этиш мумкинми?
4. Ўзингизни текшириб кўринг, қуйидаги тушунчаларни сиз қандай ўзлаштирдигиз: таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт ва аниқ, мантиқий ва тарихий, субъектив ва объектив тушунчаларга мисоллар келтиринг.
5. Иқтисодиёт назариясининг методологияси нима?
6. Иқтисодий қонунлар ва категорияларга таъриф беринг. Уларнинг объектив табиати деганда нимани тушунасиз?
7. Иқтисодий сиёсат тушунчасини тавсифланг.

II Боб. МУЛКЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИ

1. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти.
2. Мулк субъектлари ва объектлари.
3. Мулкнинг турлари ва хўжалик юритиш шакллари. Ху — сусийлаштириш.

1. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Меҳнат орқали авлоддан — авлодга ўтган бойликлар ва табиат инъом этган бойликлар мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмасликка қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, уларнинг социал мақоми юзага келади. Иқтисодиёт доимо мулккий муносабатларга асосланади. Мулкчиликнинг қай даражада ривожланганлиги мамлакат иқтисодий равнақини кўрсатиб беради.

Мулкчилик муносабатлари — жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик, биринчидан, инсон билан бойлик ўртасидаги муносабат, иккин — чидан, бойлик юзасидан кишилар ўртасидаги муносабат. Киши — лар ўзига тегишли бўлган барча буюмларни ўрганишади, ўзлаш — тиришади, чунки ўзгаларнинг нарсаларини ўзлаштирамаслик инсонга хос хусусиятдир.

Мулк соҳиби мустақил ўз мулкига таяниб иш юритади. Мулксиз у ўзга мулкни ижарага олиб, фаолият юритишни, ёки мулкдорга айланиб, ёки ночорликда унга қарам ҳолда ишлаши, бировнинг қўлига қараб юриши мумкин.

Мулкчилик ўзлаштириш борасидаги муносабат бўлар экан, у эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг яхлит — лигини тақозо этади. Мана шу уч жиҳат мулкчиликнинг аж — ралмас унсурларидир.

Эгалик қилиш — мулкка расмий ва ҳуқуқий (юридик) эгалик қилиш.

Фойдаланиш, ишлатиш — мулкни иқтисодиётда амалий қўланиш, ишлатиш ва ундан даромад олишдир. Мулк эгаси уни амалиётда икки хил йўл билан ишлатиши мумкин:

1. Мулкни бевосита ўзи ишлатиши ва ундан олинган фойда бутунлай ўзига тегишли бўлади.

2. Мулкни ижарага бериш. Бундан олинган даромад ижа — рачи ўртасида ҳар хил нисбатларда тақсимланиши мумкин.

Тасарруф этиш — мулк бўлган бойлик тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиб юбориш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асраб авайлаб кўпайтириш ёки уни йўқотиб юбо — ришдан иборат хатти — ҳаракатларни амалга ошира билишдир.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганла — ридек: **"Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади"**¹.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали ри — вожланишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яра — тувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишини ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишини қонун кафо — латлаган. Республикада мулккий ҳуқуқ тан олинади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Мулкдор ўз мол — мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти — ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишдан фойдалана олади. Мулкдор Ўз — бекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар ва доира чегарасида ўзига тегишли мулккий ҳуқуқни амалга ошириш пайтида фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида улар билан шартнома тузиши мумкин.

2. Мулк объектлари ва субъектлари

Мулкчилик муносабати ўзининг объекти ва субъектига эга.

Мулкчилик объекти — бу мулкка айланган барча бойлик турлари. Унга ер, сув, конлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, машиналар, машина — ускуналар, иморатлар ва иншоотлар, мод — дий ва маданий буюмлар, пуллар, қимматли қоғозлар, маҳ — сулотлар — хизматлар, тарихий ёдгорликлар, илмий — техника — вий ғоялар, товар белгилари, товарларнинг ўзи, инсоннинг унумли ва ижодий меҳнат қилиш қобилияти киради. Мана шу моддий ва номоддий неъматларни ўзлаштириш юзасидан мулк — кий алоқа шаклланади. Неъматлар мулкка айлангандагина ўз — лаштирилади.

Мулкчилик субъекти — мулк объектини ўзлаштиришда

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" Т.: "Ўзбекистон", 1995, 43 — бет.

қатнашувчилар, мулкый муносабатларнинг иштирокчилари. Бу — лар жумласига давлат, республика фуқаролари, коллективлар, уларнинг уюшмалари, жамоат ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва бошқа бирлашмалари, халқаро ташкилотлар, бошқа хорижий юридик шахслар ва фуқаролар ки — ради. Турли юридик шахслар ва фуқаролар битта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин. Айтилган субъектларга қараб ўзлаштириш индивидуал, оилавий, ижтимоий — синфий, ҳудудий ва умуммиллий тус олади. Ижтимоий табақалашган жамиятда ўзлаштириш унинг даражаси ва усулига қараб ҳар хил бўлади.

Ўзлаштириладиган мулк икки хил бўлади:

- 1) ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситаларни ўзлаштириш;
- 2) ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш.

Ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштиришда моддий ва меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш соҳибининг мулкига айлангандан сўнг ўзлаштиради. Ишлаб чиқаришдаги ўзлаштириш бирламчи. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг ҳар иккала омили (моддий ва инсон омиллари) бирикади, маҳсулот ва хизматлар яратилади. Мана шу омилларнинг ўзлаштирилишига қараб, меҳнат натижаларига нисбатан мулк шаклланади.

Ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш яратилган маҳсулот — хизматларни, уларни сотишдан келган даромадни кишининг мулкига айланишини билдиради. Ресурслар кишининг мулки бўлса, натижа ҳам уники бўлади. Лекин бу ҳолда эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш яхлит ҳолда ва бир субъект ихтиёрида бўлгандагина юз беради.

Мулкчилик — бу масъулият билан манфаатнинг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Мулкдорнинг манфаати остида, авваламбор, унинг иқтисодий манфаати ётади. Мулкдорнинг иқтисодий манфаати — унинг бойлик эгаси сифатида ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, хатти — ҳаракат, феъл — атворни, иқтисодий фаолият сабабини юзага чиқаради. Мулкдорнинг манфаати нафақат тирикчилик эҳтиёжини, балки мулкнинг миқёси ва характерига қараб, тирикчилик зарурати чегарасидан чиқиб, бойлик орттириш, ижтимоий ҳаётда мартабали мавқега эга бўлиш, обрў орттиришни ҳам ўз ичига олади.

Жамиятда кишиларнинг мулкый мақомига қараб манфаат тўртта гуруҳга бўлинади:

1. Индивидуал манфаат, мулк эгасининг шахсан ўзига теккан даромадда ифодаланади.
2. Корпоратив — гуруҳий манфаат, мулк эгаси бўлган жамият —

моанинг ҳамжиҳат билан ўзлаштирадиган даромади орқали юзага чиқади.

3. Умумдавлат манфаати. Буни давлат бюджети даромадлари ифодалайди.

4. Миллий манфаат. Миллий манфаат — жамиятдаги миллий бойликнинг кўпайишини билдириб, индивидуал, гуруҳий ва умумдавлат манфаатларининг бирлигидан иборат.

Мана шу тўртта манфаатлар заминида хусусий, жамоа, давлат ва миллий мулк ётади.

Мулкнинг тавсифига ва миқёсига қараб амалга оширилади. Унинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Ўз мулкни капитал (сармоя) сифатида ишлатиб, ўзгалар меҳнاتини қўллаб, тадбиркорлик қилиш орқали фойда олиш.

2. Ўз мулкни ижарага бериб, ижара ҳақи олиш.

3. Ўз мулкига таянган ҳолда меҳнати билан даромад топиш, ўз меҳнатига асосланган хўжалик юритиш йўли билан пул топиш.

4. Пул шаклидаги ўз мулкни қарзга фоиз ҳисобида бериш.

5. Ёлланиб ишлаш орқали ўз мулкни бўлган иш кучидан даромад топиш, яъни иш ҳақи олиш. Демак, мулк эгасига наф, фойда келтиради.

Айтилган усулларнинг мавжудлиги мулк фақат бир усул билан амалга ошади деган гап эмас. Бу усуллар биргаликда қўлланиши мумкин.

Мулкдорлик потенциали, яъни таваккалчилик тақлидида ва реал, яъни амалда тасарруф этиш, мулкни ўз билганича ишлатиш шаклида бўлади.

Мулк реал бўлиши учун мулкдор уни ўз манфаати йўлида ишлата олиши, ундан наф кўриши керак. Мулкни ишга солиш ундан наф кутиш билан боғлиқ. Унинг муқобил йўллари ҳам бўлади. Мулкни сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун пулга ер, уй, қимматбаҳо буюмлар, антиквар нарсалар, акция, облигация сотиб олиш мумкин. Бу муқобил усуллардан қайси бирини танлаш келадиган нафга боғлиқ. Агар ер ёки уйни ижарага беришдан тушадиган даромад акция келтирадиган даромаддан кўп бўлса, мулкдор шубҳасиз биринчи йўлни танлайди. Мулк катта бўлса унинг эгаси бирданга бир нечта альтернатив йўллари танлаши мумкин, чунки бир соҳада ютқизса, бошқасидан ютиб чиқади.

Кишиларнинг ҳар бир қадами уларнинг мулкчилик муно — сабатидан келиб чиқади. Ишчи ўз кучининг эгаси бўлганидан ёлғаниб ишлайди, натижада у меҳнати учун иш ҳақи олади. Пул эгасининг акция, облигация, ер — сув, завод — фабрика сотиб олишдан мақсади ўз мулкдан келган даромадни ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўлишдир. Кишилар ўз мулкига таяниб хатарли ишни бошлайдилар, таваккалга ё остидан, ё устидан деган қабилда ҳаракат қиладилар. Мулкнинг мавжудлиги иқтисоди — ётдаги хатти — ҳаракатни олдиндан белгилаб кўяди.

Жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш учун кўпчи — ликни мулк соҳибига айлантириш зарур. Бу мулкий муно — сабатларни демократиялаштириб, халқни миллий бойликнинг ҳақиқий эгасига айлантиради. Мулкка эга бўлишнинг уч асосий йўли бор:

1. Мулкни ишлаб топиш, бунда топилган даромад ҳи — собидан акциялар сотиб олинади ёки пул бошқа йўл билан мулк объектига айланади.
2. Давлат мулкни хусусийлаштириб, ўз мулкига ай — лантириш. Бу усул ҳозирги даврда кенг тарқалган.
3. Мерос орқали мулкка эга бўлиш.
4. Мулкдорларнинг кўпайиши мулк шакллари келти — риб чиқариши мумкин.

3. Мулкнинг турлари ва хўжалик юритиш шакллари

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма — хил бўлишини талаб қилади, турли мулк бўлган товарнинг эгалари бозор муносабатига киришади. Товар муайян мулк объекти бўл — гандагина олди — сотди қилинади. Мулкчилик бозор муноса — батининг бирламчи асоси, лекин унинг ўзи бозорсиз юзага чиқ — майди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкчилик шакллари кўпайиб, фуқаролар мулки, жамоа мулки ва давлат мулки унинг асосий кўринишларига айланади. Мазкур мулк шакллари, ўз навбатида, бир неча мулк турларига бўлинади.

Мулкий муносабатлар турли шакл ва турдаги мулкни ўз ичига олади.

Мулк шакллари — бу ўзлаштиришнинг тавсифидир, яъни унинг кўринишидир, қиёфаси, мажмуидир. Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, ўзгалар яратган бойликни ўзлаштириш, якка тар — тибда, жамоа бўлиб, шерикчилик асосида ўзлаштириш борки, улар мулкчиликнинг ҳар хил шакллари билдиради. Ўзбе — кистон Республикасида қуйидаги шакллардаги мулк мавжуд:

– фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки;

– коллектив (ширкат) мулки, шу жумладан оилавий, маҳалла, кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акциядорлар жамияти, давлат корхонаси жамоасининг, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар концернларнинг мулк, турли хўжалик бирлашмалари ва уюшмалари мулки, юридик шахс ҳисобланган бошқа жамоалар мулки;

– Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий – ҳудудий тузилмалардан (коммунал) иборат давлат мулки;

– аралаш мулк;

– қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари, ташкилотлар ва давлат, шунингдек чет эл юридик шахслар мулки шаклида юзага чиқади.

Хусусий мулк – айрим кишиларга тегишли ва даромад топишга қаратилган мулк. Унинг икки кўриниши мавжуд: 1) индивидуал – хусусий мулк; 2) корпоратив – гуруҳий мулк. Индивидуал мулк бор жойда бойликни ўзлаштириш алоҳи – далашган ҳолда, айрим мулкдор томонидан амалга оширилади. Корхона ижарага бериш ёки акционер жамиятга айлан – тириш танҳо мулкдор ихтиёрида бўлади. Корпоратив – хусусий мулк деганда – маълум бир гуруҳ томонидан бойликни шерикчилик асосида индивидуал тарзда ўзлаштиришдан иборатдир. Мулкнинг бундай шакли ҳиссадорликка таянади. Гуруҳ аъзоси умумий ишга ўз ҳиссасини пай (улуш) сифатида хусу – сий мулкни қўшади ва шу улушининг миқдорига яраша да – ромад олади.

Хусусий мулкдан ташқари шахсий мулк ҳам борки, у ҳам индивидуал ўзлаштиришни билдиради. Аммо у хусусий мулкдан фарқлироқ, даромад топишга хизмат қилмайди, балки шахсий эҳтиёжни қондиришга қаратилади. Асосан истеъмол буюмлари, яъни озиқ – овқат, кийим – кечак, турар – жой, транспорт воситалари шахсий мулк объекти бўлиб хизмат қи – лади. Улар пул топишга эмас, шахсий ҳаёт кечиришга қара – тилади. Бу мулкнинг ўсиш манбаи истеъмолга ажратилган да – ромад ҳисобланади. Шахсий мулкнинг кўплиги жамият бой – лигини билдиради. Хусусий ва шахсий мулк биргаликда фуқа – ролар мулки деб юритилади. Улар ўртасидаги чегара нис – бийдир. Муайян бойлик шахсий мулкдан хусусий мулкка ай – ланиши мумкин. Масалан, муайян бир кишининг топган пули истеъмол товарлари ва хизматларни харид этиб, истеъмол қилишга ишлатилса, у шахсий мулкка айланади. Агар уни ак – цияга айлантириб, даромад топилса, хусусий мулк бўлади.

Жамоа мулки — бойликнинг муайян мақсад йўлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштирилишидир. Бу мулк шароитида ўзлаштириш жамоадан ташқарида бўла олмайди. Ўзлаштириш шарти жамоага кириш — дир. Жамоа мулки меҳнатсиз ўзлаштиришни инкор этади ва корпоратив — хусусий мулкдан фарқлироқ нафақат мулкка, балки меҳнатга ҳам ҳисса қўшишни талаб қилади. Шундагина ўзлаштириш юз беради, ишлаб чиқариш ресурслари биргаликда ишлатилади, аммо олинган натижанинг бир қисми яқка тартибда ўзлаштирилади.

Жамоа мулки майда мулк эгаларининг кўнгилли тарзда ва ўз манфаати йўлида турли жамоаларга бирлашуви орқали юзага келади, унинг объекти моддий бойликлар, субъекти эса жамоа аъзоларидир. Жамоа мулкининг кўпайиши икки йўл билан боради: 1) жамоага янгидан кирган кишилар берган, улар ҳиссасининг умумий мулкка келиб қўшилиши; 2) жамоа олган даромаднинг бир қисмининг моддийлашиб, мулк объектига қўшилиши.

Кооператив мулк — жамоа мулкининг асосий тури, ҳар хил кооперативларга бирлашган кишиларнинг умумий мулки, мулк — даги ҳиссадорликка асосланган бўлиб, гуруҳий мазмунга эга.

Ижарага олинган корхона жамоаси мулки — давлат мулк — кини корхона жамоаси томонидан ижарага олиб ишлатишдир.

Корхона жамоасининг мулки — ишчи ва хизматчилар жамоаси давлатдан ёки хусусий мулк соҳибидан сотиб олган ва умумийлаштириб, биргаликдаги ўзлаштириладиган мулк. Бу ерда мулк иккига ажралмайди, ҳамма мол — мулк ва пул маблағлари корхона жамоаси ихтиёрида туради.

Корхона ва ташкилотлар уюшмаси (ассоциацияси) мулки — маълум мақсад йўлида уюшма ташкил этганларнинг умумий мулки. Ўз фаолиятини уйғунлаштириш, савдо — сотиқ, ишлаб чиқариш, бошқаришни ташкил этиш учун ҳар хил ёки бир хил мулкка оид корхоналар ва ташкилотлар ажратган моддий ва пул маблағи ҳисобидан ташкил топган, лекин иштирокчилар мулкдан алоҳидалашган умумий мулк пайдо бўлади. Уни ҳар бир иштирокчи эмас, балки уюшма тасарруф эта олади. Бу мулк умумий мақсад йўлидагина ишлатилади.

Ижтимоий ташкилотлар мулки — ижтимоий ташкилотлар партиялар, касаба ташкилотлари, халқ ҳаракатлари, турли фонд — лар ва бошқаларга аъзо бўлган ва ўз улушини қўшган ки — шиларнинг умумий мулкидир. У бадал пули, ажратмалар, хў — жалик фаолиятдан тушган даромадлар ҳисобидан пайдо бўлади,



ташкilotлар низомида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишга хизмат қилади.

Диний ташкilotлар мулки — диндорлар ташаббуси билан вужудга келган ташкilotларнинг мол — мулки. Бу мулк ҳам биргаликда тасарруф этилади ва у ўтмишдан мерос қолган диний бино — иншоотлар билан чекланмай, диндорлардан тушган маблағлар, корхона ва ташкilotларнинг хайрия ёрдами, диний маросимлардан тушган даромад ҳисобидан шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунида юқорида кўриб ўтилган жамоа мулки турларидан ташқари оила мулки ва маҳалла мулки қонун билан қайд этилган. Оилавий корхона ва хўжаликлар борки, у ердаги мол — мулк даромад топишни кўзлайди, биргаликда ўзлаштирилади. Бир неча қондош оилалар уюшмаси жамоа бўлиб, унинг доирасида мулк алоқа пайдо бўлади. Оила мулки объекти оилага қарашли мол — мулк бўлиб, у меҳнат воситалари билан бирга истеъмол буюмларидан ҳам иборат. Оила мулки заминида мик — роиктисодиётнинг бир тури — оила хўжалиги амал қилади.

Маҳалла мулки — маҳалла аҳлидан иборат жамоа доирасида унга қарашли бойликнинг ҳамжиҳатлик билан ўзлаштирилишидир. Маҳалла ихтиёридаги бино — иншоотлар (кутубхона, идора биноси), маросимларга хизмат қилувчи асбоб — ағжомлар маҳалла мулкининг объекти бўлса, унинг субъекти жами маҳалла аҳли ҳисобланади. Маҳалла аҳлининг пул маблағлари, давлат (маҳаллий ҳокимият) берган маблағлар, маҳаллада жойлашган корхона ва ташкilotларнинг хайрия ажратмалари ҳисобига маҳалла мулки шаклланади ва ўсиб боради.

Давлат мулки — бойликни ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштирилишидир. Бу мулк давлат пайдо бўлиши билан вужудга келади, аммо унинг мақсади ва миқёси ўзгариб туради. У хусусий ва жамоа мулкидан ўсиб чиқади, яъни уларга тегишли моддий ва маънавий неъматлар давлат тасарруфига ўтади. Давлат мулкининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қуйидагилар ҳисобидан бўлади: 1) мулкнинг миллийлаштирилиши; 2) давлат маблағи ҳисобидан корхоналар қурилиши; 3) жамиятда яратилган, аммо бошқа мулкларга тааллуқли даромадларнинг бир қисмининг солиқ ундириш орқали давлат бюджетига олиниши.

Турли мамлакатларда давлат мулки объекти бир — биридан фарқ қилади. Кўпчилик мамлакатларда ер хусусий мулк объектига киради, Ўзбекистондаги мулк тўғрисидаги қонунга кўра ер, сув, қазилмалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси давлат мулки деб эълон қилинган.

Давлат мулки фақат унга қарашли корхоналар мол — мулки билан чекланмайди, унга давлат ташкилотлари маҳкамаларидаги мол — мулк, давлат бюджетининг пул маблағлари, давлатга қарашли акциялар ҳам киради. Шунингдек, давлатнинг хорижда ҳам мулки бўлади.

Турли шаклдаги мулклар бир — биридан тамомила ажралиб қолмайди, уларнинг ўзаро алоқаси фақат бозор орқали бўлмай, улар киришиб ҳам кетади, натижада аралаш мулк пайдо бўлади. Аралаш мулк муайян бир объектнинг турли мулкдорлар ишти — рокида ўзлаштирилишини билдиради. У ҳозирги очиқ турдаги аралаш акционер компанияларида аниқ ифода этилади. Бу ерда хусусий мулк, жамоа мулки ва ҳатто хорижий мулк ҳиссадорлик асосида бирлашади. Мулк объекти бирлашган ҳолда ишлатилиб, ўз эгаларига даромад келтиради.

Мулккий муносабатларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муҳим ўрин тутаяди.

Давлат тасарруфидан чиқариш — давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига акционерлик жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қа — рашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш — фуқароларнинг ва давлатга таал — луқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектла — рини ёки давлат акционерлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишдир.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг 3 та асосий йўналишлари:

1. Давлат корхоналарини меҳнат жамоаларига бепул топ — шириш.
2. Давлат корхоналарини меҳнат жамоаларига сотиш ёки ижарага бериш, кейинчалик бутунлай сотиб олиш.
3. Давлат мулкини барча жамият аъзоларига тенг бўлиб бериш.

Давлат мулкини топширишнинг амалга ошириш мумкин бўлган шакллари:

1. Корхоналарда мустақил акционерлик жамиятларини бошқа ҳўжалик жамоаларини ташкил этиш.
2. Давлат мулкини аукцион (ким ошди савдо) юридик шахсларга ёки жисмоний шахсларга сотиш.
3. Юридик шахслар томонидан ижарага олинган кор — хоналарни бутунлай сотиб олиш.
4. Давлат корхоналарини меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиш.

5. Фойда келтирмаётган корхоналарни меҳнат жамоала — рига бепул бериш (истисно тариқасида).

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш обь — ектарини сотиш тартиби, нархи, битимларни расмийлаштириш тартиби, маблағи 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Ўзбе — кистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва ху — сусийлаштириш тўғрисидаги қонунда батафсил маълумот бе — рилган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни кўп ук — ладли иқтисодиётни барпо этишдан иборат стратегик вазифага бўйсундирилди. Бунда устиворлик хусусий мулкка, кичик ва ўрта бизнесга берилди.

Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни дав — лат йўли билан қўллаб — қувватлаш учун тадбиркорликни ривож — лантириш фонди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди тузилди. 1995 — 1998 йилларда кичик ва ўрта корхоналар сони 2 баравар кўпайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хусусийлаштиришни қисқа вақт даврида ўтказиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки иқ — тисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш мамлакат иқти — содини ривожланишига ва аҳоли турмуш даржасини яхшилашга, фаровонлигини оширишга олиб келади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Мулкчилик муносабатлари — жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик ўзлаштириш борасидаги муносабатлар бўлар экан, у эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг яхлитлигини тақозо этади.

Эгалик қилиш — мулкка расмий ва ҳуқуқий эгалик қи — лишдир.

Фойдаланиш, ишлатиш — мулк бўлган бойликни иқти — содий фаолиятда қўллаб, хўжалик жараёнига киритиб, ундан натижа олиш.

Тасарруф этиш — мулк бўлган бойлик тақдирини мус — тақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиб юбориш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асраб — авайлаб кўпайтириш ёки уни йў — қотиб юборишдан иборат хатти — ҳаракатлар.

Мулкчилик объектлари — бу мулкка айланган барча бойлик турлари.

Мулкчилик субъектлари — мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатларнинг иштирокчилари.

Мулкдорнинг иқтисодий манфаати — унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, ҳатти — ҳаракат, феъл — атворни, иқтисодий фаолият сабабини юзага чиқаради.

Мулк шакллари — бу давлат, жамоа, хусусий мулклардир.

Хусусий мулк — айрим кишиларга тегишли ва даромад олишнинг асоси бўлиб хизмат қилувчи мулк.

Жамоа мулки — бойликнинг муайян мақсад йўлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштирилиши.

Давлат мулки — бойликни ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштиришидир.

Давлат тасарруфидан чиқариш — бу давлат мулкини ҳар хил мулк шаклларига айлантириш.

Хусусийлаштириш — давлат мулкини хусусий шахслар ихтиёрига ўтишидир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛАЛАР

1. Мулкнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти нимадан иборат?
2. Мулкнинг қандай шаклларини биласиз, уларнинг ҳар бирига таъриф беринг.
3. Мулкни тасарруф этиш деганда нимани тушунасиз?
4. Мулкнинг объект ва субъектларини изоҳланг.
5. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш деганда нимани тушунасиз? Уларнинг йўллари ва шаклларини санаб ўтинг.

III Боб. ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ. ПУЛ

1. Натурал ва товар ишлаб чиқариш ижтимоий хўжалик шакллари эканлиги.
2. Товар ва унинг хоссалари.
3. Пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва асосий вази — фалари.
4. Қиймат қонуни.

1. Натурал ва товар ишлаб чиқариш ижтимоий хўжалик шакллари эканлиги

Авалло бу мавзуни ўрганишни биз товар — пул муно — сабатлари нима? деган саволга жавоб беришдан бошлаймиз. Товар — пул муносабатлари — бозор иқтисодиёти моҳиятини ташкил этувчи муносабатлар: товар ишлаб чиқариш, товар — ларни айрибошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитлигидир.

Хўш, товар ишлаб чиқариш инсон вужудга келган вақтдан мавжудми? Йўқ албатта. Кишилик жамияти ривожланишида товар ишлаб чиқаришдан олдин натурал ишлаб чиқариш мавжуд бўлган.

Натурал ишлаб чиқариш тарихан ибтидоий жамоа ту — зумида мавжуд бўлган, аммо у ҳозирда ҳам примитив турдаги анаънавий иқтисодий тизимларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Натурал хўжалиқда маҳсулотлар бозорда сотиш учун эмас, балки хўжаликнинг ўзида унинг ходимлари ва яратувчилари истеъмоли учун ишлаб чиқарилган.

Натурал ишлаб чиқаришда иқтисодиётни ташкил этиш — нинг асосий муаммолари жуда содда йўл билан ҳал этилган. Нима яратиш, қандай яратиш, маҳсулот кимга мўлжалланган — лигини хўжалик ходимлари фақат хўжалик ичидаги истеъмолни ҳисобга олган ҳолда аниқлаганлар.

Натурал ишлаб чиқариш алоҳидалашган хўжаликлардан иборат бўлган. Бу эса натурал ишлаб чиқаришга чегаралан — ганлик хос эканлигини кўрсатади ва иқтисодий жараёнларни бир доирага қатъий қилиб қўйган, ташқи алоқаларга йўл очишга қўймаган. Натурал хўжалиқда, хом ашёни топишдан тортиб, маҳсулотни тайёр ҳолга келтиришгача бўлган ишларни алоҳида хўжаликларнинг ўзи бажарган. Ишлаб чиқариш қўл меҳнатида асосланган. Бу эса натурал хўжаликка бир қанча асрлар давомида универсал қўл меҳнати хос бўлганлигини кўрсатади.

Натурал хўжалиқда истеъмол ҳажми билан ишлаб чиқа — риш ҳажми бир мунча мувофиқ келган: бу эса ўз навбатида

уларни бир — бири билан боғлаш муаммосини осонлаштирган. Чунки натурал хўжаликка ишлаб чиқариш ва истеъмол ўрта — сида иқтисодий алоқалар хос бўлган, улар "ишлаб чиқариш тақсимот — истеъмол" кетма — кетлиги бўйича рўй берган.

Ишлаб чиқаришнинг натурал шакли ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг шундай да — ражасига хосдирки, бунда ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади ниҳоятда чегараланган ҳамда хажми катта бўлмаган ва таркиби жихатидан деярли бир хил бўлган эҳтиёжларни қондиришга бўйсиндирилган.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиб бориши нати — жасида натурал ишлаб чиқаришга нисбатан ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига мукамалроқ ишлаб чиқариш во — ситаларини қўллашга шароит яратадиган товар хўжалиги ву — жудга келган, унинг куртаклари ибтидоий жамоа тузумини еми — рилиши даврида вужудга келган. Товар ишлаб чиқариш шундай хўжалик тизимидирки, бунда маҳсулот якка, алоҳида ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилади ва уларнинг ҳар бири, бирон хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади, натижада ижтимоий талабни қондирмоқ учун маҳсулотни бозорда сотиш ва сотиб олиш зарур бўлади. Хўш товар ишлаб чиқариш — нинг вужудга келиш сабаблари нимадан иборат? Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва мавжуд бўлишининг иж — тимой — иқтисодий асослари — ижтимоий меҳнат тақсимоти иш — лаб чиқарувчиларнинг алоҳидалашуви, уларнинг иқтисодий мус — тақиллигидир. У ёки бу жамиятда товар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий — иқтисодий моҳияти, тутган ўрни, ривожланганлик даражаси ва амал қилиш чегараси шу жамиятнинг мулкый муносабатларига ва ишлаб чиқариш ихтисослашувининг теранлик даражасига боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, товар ишлаб чиқаришнинг вужудга ке — лиши натижасида бозорнинг шаклланиши инсонларни олдида турувчи "ноёб" чекланган ресурслар ҳар хил неъматлар бўлган "чексиз эҳтиёжлар" нинг дилеммасини ҳал этиш учун чексиз уринишлар натижасидир. Зеро, инсоннинг чексиз эҳтиёжларига нисбатан иқтисодий ресурслар ва инсонларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чекланганлиги сабабли, инсон битта маҳсулотни унумли ишлаб чиқариш, битта соҳада самарали фаолият кўр — сатиши мумкин, аммо унинг эҳтиёжи кўп маҳсулотлар билан ўлчанади. Бинобарин, ресурслар чекланганлиги ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида тармоқлар ҳамда инсон фаолият турига ихтисослашувига сабаб бўлган. Ҳозирги иқтисодиёт меҳнат тақсимотининг ўсиши, ихтисослашувининг чуқурлашуви маҳсули бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат тақсимоти натижасида иш кучи самарадорлиги ошади.

Ихтисослашув натижасида яъни бир маҳсулотлар ортиқча ишлаб чиқарилади, бошқалари умуман ишлаб чиқарилмайди, бу эса маҳсулотни айрибошлаш масаласини келтириб чиқаради. Маълумки, айрибошлаш муносабатлари бозорда рўй беради. Демак, бозорнинг вужудга келишида яна бир муҳим бўгин — бу меҳнат тақсимоти даражасининг ўсиши натижасида товар ва хизматларни айрибошлашнинг шаклланишидир.

Товар бозорнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Товар инсон меҳнати натижасида бозорда айрибошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот. У инсоннинг маънавий, жисмоний, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради.

2.Товар ва унинг хоссалари

Товар икки хоссага эга:

- а) истеъмол қиймати;
- б) қиймати;

Товарнинг истеъмол қиймати маҳсулотларнинг фойдали томонидан кишиларнинг бирон бир истеъмолини қондира олиш қобилиятидан иборат ва ҳар қандай жамият бойлигининг моддий мазмунини ташкил этади. Товар ҳар доим меҳнат маҳсулидир: аммо товар бўлиши учун бозорда айрибошланиши зарур. Демак, у алмашув қийматига эга. Товарнинг алмашув қиймати нима?

Бир товарнинг иккинчи товарга бирор бир нисбатда ай — рибошланишига унинг алмашув қиймати дейилади.

Алмашув қиймати, қийматнинг намоён бўлувчи шаклидир. Товарлар бир — бирига айирбошланганда уларнинг қиймати ҳисобга олинади.

Демак, товар икки хоссага: истеъмол қиймати ва қий — матга эга. Товар истеъмол қиймати ва қийматнинг бирлигидан иборат, аммо бу бирлик зиддиятлидир, бир вақтнинг ўзида икки ёқлама шаклига, яъни ашёвий ва қиймат шаклига эга. Товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги зиддият товарлар сифатсиз ишлаб чиқарилганда юзага келади.

Товарнинг икки хоссаси борлигига сабаб, унда мужас — самлашган меҳнатнинг икки ёқлама характерга эгалигидадир.

Масалан: костюм ишлаб чиқаришда йигирувчилар, тўқи — мачилар, тикувчилар; нонда — нонвой, тракторчи, тегирмончи ва бошқалар иштирок этадилар. Агар ҳар бир аниқ истеъмол қийматида масалан, костюмда маълум аниқ меҳнат гавдаланса, унинг қийматида иш кучи сарфи сифатида умуман сарф қи — линган инсон меҳнати гавдаланади. Аниқ меҳнат турлари бир —

биридан фарқ қилади. Масалан тикувчининг меҳнати нонвой меҳнатида фарқ қилади, чунки биринчиси костюм яратади, иккинчиси эса нон. Инсон меҳнатининг умуман сарфланиши нуқтаи назаридан, яъни инсонни жисмоний, маънавий, руҳий энергиясини сарф этишимиз нуқтаи назаридан тикувчи ва нонвой меҳнати бир хилдир. Демак, товарда гавдаланган меҳнат икки ёқлама характерга эга. Биринчиси — аниқ меҳнат. Иккинчиси, умуман инсоннинг меҳнати ва ақлий энергиясининг сарфи — абстракт меҳнат. Аниқ меҳнат товарнинг истеъмол қийматини, абстракт меҳнат товарнинг қийматини яратади.

3. Пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва вазифалари

Товар қиймати ишлаб чиқаришда вужудга келади, аммо фақат бозорда бир товарни иккинчисига тенглаштириш орқали аниқланади.

Товарларнинг қийматини ўзида акс эттирган товар экви — валент товар дейилади. Масалан, X ва Y товарлар айирбош — ланяпти, яъни $X = Y$. Бунда Y товар, X товарни қийматини ўзида ифодалаяпти. Бунда Y товар эквивалент товар ҳисобланади. Аммо пулни вужудга келишидан олдин эквивалент товар узоқ тарихий ривожланиш жараёнини босиб ўтган.

Демак, алмашув ҳозирги замон шаклига етиб келгунча бир қанча босқичларни босиб ўтади. Қийматнинг энг элементар шакли бўлиб, у бир товар қийматининг бошқа товарда гав — даланишидир. Қийматнинг оддий шакли айирбошлаш энди вужудга келадиган вақтга мувофиқ келади: бу вақтда у ҳали та — содий характерга эга бўлган. Масалан 10 метр мато = 2 қоп ғалла. Бунда товар эквивалент ролини ғалла ўйнаяпти.

Меҳнат тақсимоти ва товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши алмашинадиган товарлар сонини кўпайтиради, қийматнинг тўла ёки кенгайтирилган шакли келиб чиқади, алмашиш жамиятда доимий тус олади. Энди товар қиймати бир неча товарларнинг қийматлари билан ифодаланиши мумкин бўлади, яъни 2 қўй = 2 қоп ғалла ёки 25 метр читга ёки 3 болтага каби.

Қийматнинг кенгайтирилган шакли аста — секин қийма — тининг умумий шаклига айланди. Ҳамма товарлар ўз қий — матларини бир товарда акс этира бошлайдилар.

Масалан:

8 қоп ғалла ёки

10 метр чит ёки

1 болта ёки

2 гр олтин

ва ҳоказо.

= 1 қўй.

Бунда товар — эквивалент ролини битта кўй ўйнамоқда. Бу — нинг натижасида умумий эквивалент келиб чиққан ва бу ролини ўйновчи товарнинг асосий вазифаси одамларнинг шахсий эҳтиёжини эмас, ижтимоий алмашув эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлиб қолди.

Ҳар хил халқларда ва тарихнинг турли босқичларида эквивалент вазифасини турли товарлар бажарган. Ишлаб чиқаришнинг янада тараққий этиши, товар алмашувининг ривожланиб савдо — сотиқ ишларининг миллий доирадан чиқиб кетиши, катта халқаро бозорларнинг пайдо бўлиши ягона умумий эквивалент заруриятини келтириб чиқарган. Шундай қилиб қийматнинг пул шакли келиб чиқди. Умумий эквивалент вазифасини олтин бажара бошлаган. Олтин пулга айланди. Пул ролини тарихда бошқа материаллар ҳам (мис, темир, кумуш) ўйнаган. Шундай қилиб пул — ўзига хос товар, умумий эквивалентдир.

Пулнинг вужудга келишининг асосий сабаби, товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг чуқурлашувидир, бунинг натижасида ортиқча маҳсулотни айирбошлаш зарурияти вужудга келган. Пул эса айирбошлашнинг энг қулай воситаси бўлганлиги сабабли инсонлар томонидан қабул қилинган.

Пулнинг моҳияти: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш, тўлов воситаси, жаҳон пули вазифаларида яққол намоён бўлади.

1. Пул — қиймат ўлчовидир.

Пул турли товарларнинг қийматини ўлчаб, миқдорини таққослаб беради. Товарлар қийматининг пулда ифодаланиши товарнинг баҳосидир.

2. Пул — муомала воситаси.

Товар — пул муомаласи жараёнида пул нақд бўлиши керак, чунки унинг ёрдамида товарлар олди — сотди қилинади. Товарларни пулга айланиши товар ишлаб чиқарувчининг товарни тайёрлашга сарфланган меҳнати жамиятга керакли деб эътироф этилганлигини билдиради. Шунинг учун пулга товар айирбошлаш бозор иқтисодиётининг муҳим томони ҳисобланади.

3. Пул — жамғариш воситаси.

Турли вазият тақозоси муомала жараёнининг узилиб қолишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида пул муомалада бўлмай туриб қолади. Бундай ҳолда пул бойлик тўплаш воситаси вазифасини бажара бошлайди.

4. Пул — тўлов воситаси.

Тўлов мўддати кечиктирилиб сотилган товарларнинг ҳақи тўланаётган вақтда пул тўлов воситасини бажаради. Харидорлар

товарнинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлай — дилар. Натижада пул маълум вақтдан кейингина оборотга тушади. Пул тўлов воситаси вазифасини товар муомаласи соҳасидан ташқарида ҳам бажаради. Хусусан, иш ҳақи тўлашда ҳар хил молиявий мажбуриятлар (солиқ, ижара ҳақи) тўланади.

5. Жаҳон пули.

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши билан товарлар муомаласи бир мамлакат доирасидан ташқарига чиқа бошлайди, яъни жаҳон пулига айланади.

Ўзбекистон миллий валютасининг жорий этилиши

Валюта деганда, кенг маънода, ҳар бир мамлакатнинг ёки давлатнинг миллий пул бирлиги тушунилади, ҳар бир ўзига сиёсий ва иқтисодий мустақил бўлган давлат ўз миллий валютасига — пул бирлигига эга бўлиши лозим. Аммо бунинг учун мамлакат иқтисодиёти ривожланган бўлиши, кўп соҳаларда ўзини — ўзи таъминлай олиши, халқаро иқтисодий жамиятларда эркин қатнаша олиши таъминланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда миллий валюта қадри тушиб кетади. Ҳар бир давлат ўз валютасининг конвертирлашувига, яъни бошқа валюталар билан эркин алмашина олишига эришмоғи керак. Бунинг учун миллий пул бирликлари етарли миқдорда товар заҳиралари билан таъминланган, мамлакат иқтисодиёти мустаҳкам, бақувват, барқарор ривожланаётган бўлиши керак.

Валюта — тор маънода конвертирланган миллий пул бирлигидир. Бундай валюталар жумласига доллар, фунтстерлинг, марка, франк, цена киради. Бу пул бирликлари ўз мамлакатда товарлар билан таъминланган бўлгани учун халқаро даражада ҳам эркин алмашина олади. Иқтисодиёти юксалган ҳар бир мамлакат валютаси ана шундай трансмиллий қувват касб этиши мумкин.

Ҳар қандай мамлакатнинг мустақиллик белгиларидан бири — ўз миллий валютасини чиқариш инқилобий жараён бўлиб, ҳар томонлама тайёргарлик кўрилиши керак. Асосийси — мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик бўлиши, иқтисодий ривожланиш таъминланиши, маълум сармоёга эга бўлишдир.

Ўзбекистонда миллий валютани муомаллага киритиш Марказий Осиёдаги бошқа мустақил давлатларга нисбатан бироз кечиктирилди. Бироқ бу ишнинг ғоят мураккаблиги, масъулияти назарда тутилса, тўғри қилинганлигини тушуниш қийин эмас. Миллий валютага ўтиш маълум тарихий даврни ўз ичига олишини эътиборда тутиб, ўтиш даврида (1993 й. ноябрдан —

1994 й. июлгача) сўм — купон жорий этилди. Сўм — купон маълум маънода миллий пул бирлигига ўтилиши учун тайёргарлик во — ситаси бўлди.

Шунингдек, сўм — купон мисолида миллий валютани кадр — сизлантирмасликнинг маълум жиҳатлари синовдан ўтказилди.

Мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг миллий ва — лютаси — сўмни 1994 йил июль ойида муомалага киритиш мақ — сад эмас, албатта, бу объектив заруратдир. Мақсад — муомалага киритилган миллий пулимиз — сўмнинг кадрсизланишига йўл қўймаслик, унинг харид қувватини мустаҳкамлаш; кейинчалик сўмнинг конвертирлашувига иқтисодий замин яратиш, халқаро миқёсда ўзбек пулининг эътироф этилишига, халқаро ҳисоб — китоблар воситасига айлантиришга эришишидан иборат.

4. Қиймат қонуни

Қиймат деб маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этилган меҳнат миқдори тушунилади. Меҳнат сарфлари жонли (иш кучи сарфлари) ва буюмлашган (ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва ҳ.к.) турларга ажратилади.

Бинобарин, "товарнинг қиймати" деганда, уни ишлаб чи — қаришга кетган харажатлари тушунилади.

Ишлаб чиқарувчининг ҳар доим ҳаракат қилишига, ян — гиликларга интилишига, ишлаб чиқариш харажатларини па — сайтиришга нима ундайди? Бу саволга қиймат қонуни жавоб беради.

Қиймат қонунига биноан товар ишлаб чиқариш ва айри — бошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Бу қиймат — нинг миқдори ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан ўлчанади.

"Ижтимоий" деган ибора аввало шуни билдирадики, то — вар қийматининг миқдори у ёки бу ишлаб чиқаришнинг ўзига алоҳида қилган меҳнат сарфлари билан эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари (ИЗМС) билан ўлчанади, яъни иж — тимой зарурий меҳнат сарфлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд ижтимоий нормал шароитда ва шу жамиятда меҳнат маҳо — ратининг ва интенсивлигининг ўртача даражасида, бирон ис — теъмол қийматини ишлаб тайёрлаш учун талаб қилинадиган иш вақти меҳнат сарфларидир. Агарда хусусий меҳнат сарфлари ижтимоий меҳнат сарфларидан кам бўлса, ишлаб чиқарувчи қулай иқтисодий мавқега эга бўлади ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиб мустаҳкамланиб боради.

Бозор иқтисодиётининг энг асосий талаби ишлаб чиқа — рувчи кам меҳнат сарфлаб, кўп ва сифатли мол ишлаб чиқа — рилгандагина, яъни кишиларнинг талаб ва эhtiёжини тўлароқ

қондиргандагина фойда кўриб ишлаши мумкин, акс ҳолда зарар кўради. Демак, қиймат қонуни ижтимоий меҳнатни ҳисобга олиш ва тартибга солиш ва вақтни тежашни рағбатлантириш вазифаларини бажаради.

Қиймат қонунининг амал қилиши охир — оқибат ишлаб чиқарувчиларнинг табақалашувига олиб келади. Табақалашув — нинг кечиши фақат сарф — харажатлардагина эмас, шунингдек бозор талабини ҳисобга олишга, унга мослаша олишга ҳам боғ — лиқдир. Шунга кўра қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчи — ларнинг меҳнат унумдорлигини ўстириб боришга ёки бошқа бир товар ишлаб чиқаришга ўтишга рағбатлантиради.

Демак, қиймат қонунининг яна бир вазифаси — товар иш — лаб чиқарувчиларни табақалаштиришдир. Бозордаги товар баҳоси асосида қиймат ётади. Шунга кўра қиймат қонуни ба — ҳолар қонуни сифатида кўринади. Лекин, қиймат қонунининг вазифаси баҳо қиймат билан тенг бўлганда ҳам, фарқ қилганда ҳам амалга ошаверади.

Чунки, энг юқори унумдорликка эришган товар ишлаб чи — қарувчилар, бир мунча вақт юқори даромад олиб туришлари мумкин, лекин бу билан уларнинг аҳволи бутунлай кафолат — ланган деб бўлмайди. Агар улар техник ва ташкилий янги — ликларни, кўпроқ самара берадиган ишлаб чиқариш йўлларини мунтазам қидириб топиб ишлаб чиқаришга қўллаб турмасалар, бир мунча вақтдан кейин ўз устунликларидан ажралиб қо — лишлари мумкин.

Шунга кўра, қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни меҳнат сарфини камайтириш ёки камайтирмасликни танлаб олиш эркинлигидан маҳрум қилади. Улар доимо иқтисодий тазйиқ остида бўладилар ва доимо иш вақтини тежаш имкониятларини ахтариш билан шуғулланишга мажбурдирлар. Тарих тажрибаси — қиймат қонуни яратадиган рағбатлар ва тазйиқ ғоят самарали эканлигини кўрсатади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Натурал хўжалик — бу хўжалик юритишнинг шундай шаклики, унда моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чи — қариш алоҳида хўжалик бирлигининг ўз ичида истеъмол қилиш учун амалга оширилишидир.

Товар (бозор) хўжалиги — бу товар ишлаб чиқаришга асосланган ва бозор орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминловчи иқтисодиётни ташкил қилишнинг ижтимоий шаклидир.

Оддий товар хўжалиги — бу мустақил хусусий ишлаб чи — қарувчилар — деҳқонлар ва ҳунармандлар ўртасида айирбош — лаш учун маҳсулот ишлаб чиқариш.

Ривожланган товар хўжалиги — нафақат барча меҳнат маҳсуллари, балки ишлаб чиқариш омиллари, жумладан ишчи кучи ҳам товарга айланади.

Товар — бу ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқа маҳсу — лотларга бозорда пул воситасида айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсулидир.

Товарнинг истеъмол қиймати — бу унинг кишиларнинг бирон — бир эҳтиёжларини қондириш хусусияти.

Товарнинг алмашув қиймати — бу унинг бошқа бир товарга алмашина олиши хусусиятидир.

Товар қиймати — уни ишлаб чиқаришга сарфланган иж — тимой зарурий меҳнат, ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади.

Конкрет меҳнат — товарнинг истеъмол қийматини яра — тадиган меҳнатдир.

Абстракт меҳнат — товар қийматини яратади ("абстракт" сўзи ўзбек тилида мавҳум деган маънони билдиради). Меҳнат аниқ шаклдан қатъи назар умуман сарфланган иш кучидир, жами ижтимоий меҳнатнинг қисмидир. Шунинг учун гоҳида "абстракт меҳнат" деганда инсоннинг нима ишлаб чиқаришидан қатъи назар ақлий ва жисмоний қувватини сарф қилишини тушунилади.

Пул — ҳамма товарларга айирбошлана оладиган ва ҳамма товарлар қийматини ўзида ифода эта оладиган махсус товардир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. **Натурал хўжалик** деганда нимани тушунасиз?
2. **Товарга таъриф** беринг ва унинг хоссаларини тавсифланг.
3. **Пул** бу нима ва унинг моҳияти нималарда намоён бўлади?
4. **Пул қандай вазифаларни** бажаради? Бу вазифаларни тав — сифлаб беринг.
5. **Ўзбекистонда миллий валюта қачон жорий этилди** ва унинг қадрсизланишига йўл қўймаслик учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?
6. **Қиймат** деганда нимани тушунасиз?
7. **Қиймат қонунини** таърифланг.

IV БОБ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УМУМИЙ МУАММОЛАРИ

1. Иқтисодий ривожланишнинг объектив шарт—шароитлари. Чекланган ресурсларнинг самарали ишлатилиши.
2. Жамият олдида турган асосий иқтисодий муаммолар.
3. Иқтисодий тизимлар модели.

1. Иқтисодий ривожланишнинг объектив шарт—шароитлари. Чекланган ресурсларнинг самарали ишлатилиши

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг амал қилиш мақсади бу жамият ва ҳар бир жамият аъзосининг эҳтиёжини қондириш—дир.

Ишлаб чиқариш жараёни бу жамият ихтиёридаги ресурслардан фойдаланиб, жамият аъзолари учун товар ва хизматлар яратишдир.

Эҳтиёжни қондириш мақсадида чекланган ресурсларни ишлатиш иқтисодий ўсиш муаммоларини келтириб чиқаради. Бу муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб, биринчидан, жамият истеъмолнинг чексизлиги ва улар тўлиқ қондирилмаслигидир, иккинчидан, товар ва хизматларни яратиш учун керак бўлган ресурсларнинг чекланганлигидир. Бу муаммо танлаш йўли билан ҳал этилади. Иқтисодиёт назарияси фанининг асосий мақсадларидан бири ҳам бу таҳлил қилиш услуби орқали чекланган ресурсларни танлаш йўли билан истеъмолни максимал қондириш муаммосини ҳал этишдир.

Жамият истеъмолнинг чексизлиги. Истеъмол — шахс ва жамиятнинг яшаши ва тараққий этиши учун керак бўлган заруратдир. Инсонлар учун зарур бўлган товар ва хизматлар ҳажми миллионларда ўлчаниб, уларнинг сони ўсиб бормоқда. Иқтисодчилар, моддий эҳтиёжини, яъни товар ва хизматларга бўлган талабни ўрганадилар. Истеъмолнинг қондирилиши жараёнида унинг миқдори, сифати, таркиби ўзгариб боради ва такомиллашади.

Истеъмолнинг чексиз ўсиб боришини инсониятнинг иқтисодий эволюцияси жараёнида кузатиш мумкин. Ҳар 10 йилда товарлар ва хизматлар ҳажми икки баравардан кўпроқ ўсиб бормоқда. Инсон табиат бойликлари оддий истеъмолдан бошлаб, то табиат, инсон ва ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш босқичларини босиб ўтмоқда.

Истеъмолнинг турлари. Истеъмол турлари 2 хил: бирламчи ва иккиламчи бўлади.

Бирламчи истеъмолга инсон учун биринчи навбатда керак бўладиган буюмлар киради (кийим — кечак, озиқ — овқат, уй — жой).

Иккиламчи истеъмолга эса қолган бошқа буюмлар ва хиз — матлар киради (кино, театр, спорт).

Истеъмолни қондириш манбаи бўлиб моддий бойликлар ҳисобланади. Уларнинг айримлари жамият ихтиёрида чексиз бў — лади (масалан, ҳаво), айримлари чекланган бўлади.

Иқтисодий ресурслар ва уларнинг чекланганлиги. Иқ — тисодий ресурслар — бу товар ва хизматларни яратиш учун керак бўлган табиий, инсоний ва инсон томонидан яратилган ресурслардир.

Ресурслар икки хил кўринишда бўлади:

1. Моддий ресурслар — ер, хом ашё материаллари ва капитал (сармоя).

2. Инсон ресурслари — меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти.

"Ер" тушунчасига: ҳайдаладиган ерлар, ўрмонлар, конлар ва сув ресурслари киради. "Капитал ёки инвестицион ресурс — ларга": товар ва хизматларни яратиш ва уларни истеъмолчига етказиб бериш учун керак бўлган барча воситалар (бино — иншоотлар, асбоб — ускуналар). Капитал товарларни ишлаб чи — қаришни такомиллаштириш ва кенгайтириш учун ишлатиш жараёни (машина, ускуналар, қурилиш материаллари) инвес — тициялаш деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси моддий ресурсларга бой мам — лакатлардан бири ҳисобланади. Президент И.А.Каримов бу бо — рада "Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади — бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган" деб таъкидлаб ўтган¹.

Ўзбекистон ер ости бойликлари ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини ривожлан — тиришнинг асосидир.

"Меҳнат" тушунчасига: товар ва хизматларни яратиш жа — раёнида инсонларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларининг қўлланилиши киради.

"Тадбиркорлик" қобилиятига: барча ишлаб чиқариш омил — ларини унумли ишлата олишдаги махсус инсоний ресурслар киради.

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқа — рорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Т.: "Ўзбекистон", 1997, 230 — бет.

Барча иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш омиллари чеклангандир. Бундай чекланиш нисбийдир. Чунки маълум бир иқтисодий тараққиёт шароитида барча талабни қондириш учун керак бўлган ресурслар чеклангандир. Ресурсларнинг чекланганлиги оқибатида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам чеклангандир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жамият учун керак бўлган товар ва хизматларни ярата олмайди. Шунинг учун жамият олдида қандай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қандай маҳсулотлардан воз кечиш муаммоси туради (масалан, маълум нисбатларда сарёғ ёки замбараклар ишлаб чиқариш). Натижада ижтимоий ишлаб чиқаришни тежамли ва самарали олиб бориш зарурати келиб чиқади.

Ҳар қандай жамият иқтисодий самарадорликка эришиш учун чекланган ресурсларни максимал даражада унумли ишлатиш орқали, максимал даражада фойдали товар ва хизматларни яратишга интилиши керак.

Чекланган ресурсларнинг самарали ишлатилиши. Иқтисодий самарадорлик — бу чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб товар ва хизматларга бўлган жамиятнинг чексиз талабини максимал қондиришдир. Агар қилинган харажатга нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, самарадорлик ошган ҳисобланади ва аксинча, маҳсулот кам ишлаб чиқарилса самарадорлик пасайган бўлади.

Ҳар қандай жамият иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга интилади. Улар чекланган ресурслардан максимал товар ва хизматларни яратишга ҳаракат қиладилар. Бу мақсадга эришиш учун жамият ўзидаги бор ресурслардан тўлиқ фойдаланиши керак. Бунинг учун жамият иш билан бандликни ва ишлаб чиқаришни тўлиқ таъминлаши керак. Тўлиқ бандлик — ни амалга ошириш учун мамалакат иқтисодиёти меҳнатга қодир ҳамма жамият аъзоларини иш билан таъминлаб бериши керак.

Ишлаб чиқаришни тўлиқ амалга ошириш учун чекланган ресурсларни самарали тақсимлаш, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотда ресурсларнинг улуши салмоқли бўлиши керак. Ишлаб чиқаришни самарали олиб бориш учун технологияларнинг энг яхшисини қўллаш керак.

Миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари — нинг эгри чизиги. Жамиятда ресурсларнинг чекланганлиги, уларни самарали ва оқилона ишлатишни зарур қилиб қўяди. Жамият олдида ресурслардан фойдаланишнинг альтернатив ва — рианти мавжуд. Буни биз қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин. Фараз қилайлик, мамалакатда фақат иккита товар тури


ишлаб чиқарилади. Станок ва нон, яъни меҳнат қуроли ва истеъмол буюми. Агар жамиятнинг барча ресурсларини нон ишлаб чиқариш учун ишлатилса, унда максимал миқдорда — 500 тонна ишлаб чиқариш мумкин ва аксинча, ресурсларни барчасини станок ишлаб чиқаришга сарфланса — 15 минг дона ишлаб чиқариш мумкин. Лекин жамият бир вақтнинг ўзида ҳам нон, ҳам станок ишлаб чиқариши керак. Бунинг учун нон ва станокларни ишлаб чиқариш максимал даражасидан пастроқ бўлиши керак. Нон ва станокларни бир — бирига нисбатан ишлаб чиқаришни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

1 — жадвал.

Нон ва станокларни ишлаб чиқариш нисбати.

Имкониятлар	Станоклар (минг)	Нон (тонна)
А	15	0
Б	14	100
В	12	200
Г	9	300
Д	5	400
Е	0	500

Нон ва станокларни ишлаб чиқаришни миллий иқтисо — диётнинг ишлаб чиқариш имкониятларининг эгри чизиги билан намоиш этиш мумкин.



1 — чизма. Миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятларининг эгри чизиги.

Чизмада кўрсатилган рақамларни бир — бири билан чизик ёрдамида боғласак ишлаб чиқариш имкониятларининг эгри

чизиғи ҳосил бўлади. Ишлаб чиқариш имкониятларининг эгри чизиғи жамият учун маҳсулот ишлаб чиқаришда альтернатив имкониятлар мавжуд эканлигини намойиш этади. Ресурслар — нинг барчаси ишлатилган шароитда нон ва станокларни ишлаб чиқаришнинг мумкин бўлган комбинацияларининг нуқталари ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасида бўлади. Ресурслар — нинг чекланганлиги сабабли, жамият бир вақтнинг ўзида ҳам нон, ҳам станок ишлаб чиқариш ҳажмини ошира олмайди ва натижада S нуқтасига силжиб боради.

Ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилган шароитда нон ва станок ишлаб чиқаришнинг комбинациялари эгри чизиқ устида эмас, балки Y нуқтасида бўлади. Бу нуқта шуни кўрсатадики, қўшимча ресурслар ишлатилганда нон ва станоклар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мумкин.

2. Жамият олдида турадиган асосий иқтисодий муаммолар. Иқтисодий ўсиш.

Жамият олдида турган асосий иқтисодий муаммо жамиятнинг чексиз талабларини қондиришнинг жамият, ихтиёридаги чекланган ресурслардан унумли фойдаланишнинг оптимал вариантини излаб топишдир. Ҳар қандай жамият ўзидаги мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган ҳолда учта саволга жавоб топиш имкониятини излаши керак. Бу саволлар қуйида — гилардан иборат:

- ◆ қандай товарлар, хизматлар ва қанча миқдорда ишлаб чиқарилиши керак?
- ◆ қандай усуллар билан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши керак?
- ◆ кимлар товар ва хизматларни сотиб оладилар ва истеъмол қиладилар?

Нималар ишлаб чиқарилиши керак? Айрим шахслар ўзига керак бўлган товарлар билан ўзини ҳар хил йўллар билан таъминлаши мумкин: маҳсулотни ишлаб чиқариш, алмаштириш ёки совға кўринишида эга бўлиши. Жамият эса барча керакли маҳсулотларга бирданига эга бўлолмайди. Шунинг учун жамият олдида қандай маҳсулотларни биринчи навбатда, қандай маҳсулотларни кейинги навбатда ва қандай маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан воз кечиш муаммоси туради.

Ривожланган мамлакатлар бошқа мамлакатлар билан рақобат курашида ғолиб чиқиш учун маълум бир доира билан чекланган товарларни янада яхшироқ ишлаб чиқаришга интилмоқ — далар. Бундай товарлар автомобиллар, ЭҲМлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ривожланмаган мамлакатларда танлов масаласи жуда оғир кечади. Бундай мамлакатларда бутун иш кучи, аҳолига фақат озиқ — овқат ва кийим — кечак ишлаб чиқаришга сарфланади. Аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарур бўлади. Бунинг учун товарлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларнинг бир қисмини ка — питал товарлар, машина ва асбоб — ускуналар ишлаб чиқаришга ва ишлаб чиқариш бино — иншоотларини қуришга сарфлашга тўғри келади. Лекин бундай тақсимот вақтинча турмуш тарзи — нинг пасайишига, оммабоп товарларнинг қисқаришига олиб келади.

Товар ва хизматлар қандай йўл билан яратилиши керак? Жамият аъзолари учун керак бўлган неъматларнинг ярати — лишининг ҳар хил вариантлари мавжуд. Бу неъматлар ким то — монидан қандай ресурслардан ва қандай технология асосида ишлаб чиқарилиши керак? Турли лойиҳалар асосида саноат ин — шоотларини, уйларни ва автомобилларни яратиш мумкин. Би — нолар кўп қаватли ва бир қаватли бўлиши, автомобилларни конвеерда ёки қўлда йиғиш, экин майдонларига маккажўхори ёки ғалла экиш мумкин.

Биноларнинг айримлари бир шахс томонидан, айримлари давлат томонидан қурилиши мумкин (масалан, мактаблар). Ав — томобиль ишлаб чиқаришни бир хил мамлакатда давлат ҳал этса, бошқа мамлакатда хусусий фирма ҳал этиши мумкин.

Кимлар товар ва хизматларни сотиб олади ва истеъмол қилади? Жамиятда яратилган товарлар ва хизматларнинг чек — ланганлиги сабабли, уларни тақсимлаш муаммоси келиб чиқади. Ким бу неъматларга эга бўлиши ва улардан фойдаланиши ке — рак? Товарлар ва хизматлар жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши ёки бой ва камбағаллар бўлиши керакми?, улар ўртасида нисбат қандай бўлади?, ақлий ёки жисмоний меҳнатга кўпроқ эътибор бериш керакми? Бу муаммоларнинг ҳал эти — лиши жамиятнинг мақсадини ва унинг ривожланишини рағ — батлантиради.

3. Иқтисодий тизимлар

Инсоният жамияти ўз тараққиёт йўлида ҳар хил иқти — содий тизимларни қўллаб келмоқда. Улар бир — биридан асосий иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ёндашуви ва услублари би — лан фарқланадилар. Иқтисодий тизимлар тўрт турга бўлинади:

1. Анъанавий иқтисодий тизим. Бу қадимги ва қолоқ иқтисодий тизимдир. Бу тизимда ишлаб чиқариш натурал ха — рактерга эга бўлиб, қўл меҳнатига асослангандир. Иқтисодий

алоқалар чекланган ва анъанага асослангандир. Анъаналар ав — лоддан — авлодга ўтиб, ким учун қандай товар ва хизматларни яратишни белгилаб беради. Техник тараққиёт бу тизимга жуда қийинчилик билан кириб келади, чунки у анъаналар билан зид — диятга кириб боради.

Айрим мамлакатларда махсус иқтисодий ресурсларнинг мажуд бўлиши иқтисодий масалаларни анъанавий йўл билан ҳал қилишга асосланади. Масалан, Бразилияда йилдан — йилга бир хил технология асосида импорт учун кофе ишлаб чиқарилади.

2. Маъмурий — буйруқбозлик иқтисодиёт тизими. Бу тизимда давлат иқтисодиётини тўла — тўқис ўз назоратига олади. Мамлакатдаги ҳамма иқтисодий ресурслар давлат мулки ҳисобланади. Халқ хўжалиги давлат томонидан тузилган марказ — лашган режа асосида бошқарилади. Қандай маҳсулотларни ишлаб чиқариш давлат томонидан белгиланади. Мамлакатда тенг тақсимот тамойили ҳукм суради, ҳеч ким бошқалардан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат меҳнатга бефарқлик ва лаёқатсизлик билан қарашга олиб келади. Натижада яратилган маҳсулотлар миқдори, сифати пасайиб кетади ва маҳсулот тақчиллигига олиб келади. Бундай иқтисодий тизим собиқ социалистик мамлакатларга хос эди.

3. Бозор иқтисодиёти тизими. Иқтисодий муаммолар бозорда бозор муносабатлари орқали ҳал этилади. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни фақат бозордаги талаб белгилайди. Истеъмолчи бозорда қандай товарларни харид қилишни ўзи ҳал этади. Ишлаб чиқарувчиларни даромад топиш ҳаракатга келтиради. Бозордаги эркин рақобат ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотни сифатли ишлаб чиқаришга мажбур этади. Бозор иқтисодиёти мамлакат иқтисодиётини эркинлаштиради ва ривожлантиради. Бозор тизими дунёнинг кўп мамлакатларида бор. Лекин уларнинг ривожланиш даражаси ҳар хил.

4. Аралаш иқтисодий тизим. Давлат томонидан иқтисодиётни тартиблаш, давлат билан тадбиркорлик шакллари уйғунлашиб бориши аралаш иқтисодий тизимни келтириб чиқаради. Бу тизимда бозор воситалари билан бирга режалаштириш амал қилади. Давлат ўз иқтисодий сиёсати билан иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатади. Буни бир нечта мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Швеция иқтисодиётида давлат иқтисодий барқарорликни таъминлашда ва даромадларни қайта тақсимлашда фаол қатнашади. Швеция иқтисодий тизимининг асосини социал сиёсат ташкил этади. Бу сиёсатни муваффақиятли амалга ошириш учун юқори даражада солиқлар олинади. Бу солиқлар ялпи миллий

маҳсулотнинг 50 фоизини ташкил этади. Натижада ишсизлик жуда паст даражага туширилган, аҳолининг ҳар хил гуруҳлари ўртасидаги даромадларнинг фарқи катта эмас, фуқароларнинг социал таъминоти юқори даражада ва Швеция компанияларини экспорт имкониятлари юқоридир.

Япония иқтисодий моделида давлат хусусий сектор билан мукамал тузилган режа асосида ва иш фаолиятини мувофиқ — лаштириш асосида олиб боради. Давлат томонидан тузилган режалар хусусий сектор учун маслаҳат кўринишини олади. Тузилган режалар давлат дастури кўринишида бўлиб, алоҳида иқтисодий бўғинларни умуммиллий вазифаларни бажариш учун бирлаштиради. Япония иқтисодиётида миллий анъаналар сақ — ланиб келинмоқда ва шу билан бирга бошқа мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилмоқда ва амалиётга тадбиқ этилмоқда. Миллий анъаналарни ва бошқа мамлакатлар тажрибасини бирга олиб борилиши Япония шароитида юқори самара бермоқда.

АҚШ иқтисодиётида иқтисодий қонун — қоидаларни яра — тишда ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда, эркин тад — биркорликни, фанни, маърифатни ва маданиятни ривожлан — тиришда давлат муҳим роль ўйнамоқда.

Аралаш иқтисодиёт иқтисодий ресурсларни янада сама — ралироқ ишлатишга, янги технологияларни кашф этиш ва иш — латишга мажбур этади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ишлаб чиқариш жараёни — жамият ихтиёридаги барча ресурслардан фойдаланиб, жамият аъзолари учун зарур бўлган товар ва хизматларни яратишдир.

Иқтисодий ресурслар — товар ва хизматларни яратиш учун керак бўлган табиий, инсоний ва инсон томонидан яра — тилган ресурслардир.

Иқтисодий самарадорлик — чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, товар ва хизматларга бўлган жамиятнинг чексиз талабини максимал қондиришдир.

Капитал — даромад келтирувчи мулк. У ишлаб чиқариш воситалари, товарлар ва пул маблағлари кўринишида бўлади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ишлаб чиқариш жараёнининг вазифаси нимадан иборат?
2. Жамият олдида турган асосий иқтисодий муаммолар.
3. Иқтисодий ресурс тушунчаси ва унинг турларига таъриф бе — ринг.
4. Иқтисодий самарадорлик нима?
5. Иқтисодий тизимларни таърифланг.

V Боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МОҲИЯТИ. БОЗОР ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари.
2. Бозор, унинг вазифалари ва тузилиши.
3. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари.
4. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли.

1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари

Ҳозирги замон иқтисодиёти бозор иқтисодиётидир. Ер юзидаги кўпгина мамлакатлар ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан ривожланиб бормоқда.

Бозор асосида товар – пул муносабатлари ётади. Товар пул муносабатлари – товар ишлаб чиқариш, товарларни айир – бошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитли – гидир. Товар ишлаб чиқаришга оид муносабатлар товарни яра – тишда моддий ва жонли меҳнат сарф этилиши, бу сарф – харажатлар жамият учун зарурий даражада бўлиши, товарнинг сифати ва нархининг мувофиқлиги таъминланиши, индивидуал меҳнат сарфлари зарурий даражада бўлиши, товарлар қиймати меҳнат унумдорлигига тескари пропорционал тарзда ўзгариши каби алоқаларни билдиради. Товар ишлаб чиқарувчилар мус – тақил равишда, бозорга қараб товарларни яратадилар, бозор талаби қондирилгандагина даромад топадилар. Яратилган то – варларни айирбошлаш соҳасидаги муносабатлар сотувчи ва харидор ўртасидаги эркин олди – сотди муносабатларидир. Турли товар ишлаб чиқарувчилар бозорда айни бир вақтда ҳам сотувчи, ҳам харидор вазифасини ўташади. Бозор алоқалари керакли товарлар зарурий миқдорда ва келишилган нархда айир – бошланишини билдиради. Товарлар бевосита эмас, балки пул воситасида айирбошланади. Пул муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради, унинг нуфузи юқори бўлади. Товар – пул муноса – батлари умуминсоний ҳодиса, улар турли тизимларга хос, уларни бир – бирига боғлаб туради. Аммо бу муносабатлар юксак даражада ривож топгандагина бозор иқтисодиёти шаклланади.

Ҳозирги дунёда, айниқса, Ғарб мамлакатларида иқтисо – диёт ҳақида гап кетганда фақат бозор иқтисодиёти тушунилади. Ҳозирги замон назарияларида бозор иқтисодиёти деганда иқ – тисодий хатти – ҳаракатларнинг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг бозор механизми орқали бир – бирига боғ –

ланиб мувофиқлашуви тасарруф қилинади. Бозор иқтисодиёти ғоят кўп қиррали ва мураккаб иқтисодиётдир. Унинг моҳиятини англаш учун унга хос туб белгиларни яхлитлиқда олиб қараш керак. Бу белгилари шаклланиб улгурган, аралаш иқтисодиётга айланган бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келади, бу эса ҳозирги энг ривожланган мамлакатларда аниқ кўринади.

Бозор иқтисодиёти эркин товар — пул муносабатларига асос — ланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, ижтимоий мул — жалга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган ва бошқарилиб (тартибланиб) турувчи иқтисодиётдир. Ўзига хос мулккий муносабатлари, ижтимоий йўналишлари ва тартибланиб туриш усуллари жиҳатидан бу тизим капиталистик иқтисодиётдан ва та — рихда мавжуд бўлган собиқ социалистик иқтисодиётдан фарқ қилади.

Бозор иқтисодиётининг кўйидаги субъектлари мавжуд:

а) иқтисодий мустақил мулк эгаси ёҳуд истеъмолчи бўл — ган айрим кишилар ёки гуруҳлар. Буларга одатда ёлланиб иш — ловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш во — ситаси эгалари киради. Улар тадбиркорлик қилмай, ўз мулки — дан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди;

б) фирма, корхона, хўжаликлар, уларда банд бўлган тад — биркорлар. Улар фойда олиш йўлида мустақил иш юритадилар, ишлаб чиқариш омиллари ишга соладилар;

в) давлат, аниқроғи, давлатнинг барча маҳкама — идора ташкилотлари. Улар ҳам ишлаб чиқариш ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти ус — тидан назорат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алоқага кири — шадилар. Иш кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотади. Улар ўз навбатида ишлаб чиқа — риш омилларидан фойдаланиб товар ва хизматлар яратадилар, уларни таклиф этадилар.

Бозор иқтисодиётининг моҳиятини англаш учун унинг асосий белгиларини кўриб чиқамиз.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси — иқтисодий плюрализм ҳисобланади, яъни мулк шакллари ва хўжалик юритиш усуллари турли — туман бўлишидир. Турли шакллардаги мулк — лар эркин, ёнма — ён, ҳеч бир чегараланмаган ҳолда ривожланади. Турли мулклар мувозанатда бўлиб, айрим мулк шаклининг ҳукм — ронлигига йўл берилмайди. Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи ўз товарини ёки пулини ўзи билганича ишлатади. Бозор иқтисодиёти эркин бўлганидан у ҳар қандай иқтисодий монополизмни инкор этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро муносабатлар ман — фаатларни кўзлаган ҳолда ўрнатилади. Иш юзасидан бўлган муносабатлар (шериклик) эркин шаклланади. Турли ишлаб чи — қарувчилар бир — бири билан манфаатли алоқа ўрнатадилар. Бо — зорда эса харидор билан сотувчи бир — бирини эркин танлайди. Бозор иқтисодиётида товар тақчиллиги бўлмайди, шу сабабдан бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўткази, товар ва хизматларнинг сифатига ва нархига қараб танлаб олиш имконига эга бўлади.

Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси нархларнинг ли — бераллашуви, яъни нарх — навонинг эркин ташкил топишидир. Товарлар нархини давлат юқоридан белгиламайди, нарх айрим ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи тазйқи остида шаклланмайди. Нарх бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотув — чининг савдолашувиға биноан юзага келади.

Бозор иқтисодиёти мослашувчан иқтисодий тизимдир. У шароит ўзгаришларига дарҳол жавоб беради, нима етишмаса, шуни дарҳол ишлаб чиқаришни таъминлайди. Унинг муҳим бел — гиларидан яна бири инновацияға мойилликдир. У фан — техника янгиликларини дарҳол қабул қилади, янги товарларни, янги тех — нологияни ва ишлаб чиқаришни бошқариш усулларини жорий этишини таъминлайди, чунки бу рақобатда ютқазмаслик, яхши фойда кўриш, обрў — эътибор орттириш шарти бўлиб хизмат қи — лади. Бозор иқтисодиёти товарлар ва хизматлар тўқинчилигини юзага келтиради, кўпчилик товарлардан энг яхшисини танлаб олган ҳолда эҳтиёжни қондириш имконини беради.

Аммо бозор иқтисодиётини ҳаддан ташқари олқишлаш керак эмас, унга холисона баҳо бериш зарур. Унинг ўзига хос муаммолари, заиф томонлари ҳам йўқ эмас. Бозор иқтисодиёти миллионлаб ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг фаолияти бўлганидан унга тарқоқлик ва худбинлик (эгоизм) ҳам хос. Бо — зор иқтисодиёти ҳам сакраб — сакраб цикли равишда ривож — ланади, иқтисодий юксалишлар билан бирға инқироз ва танглик ҳам пайдо бўлади. Бозор иқтисодиётининг ҳам, ҳар қандай иқ — тисодиёт каби ўз ривожланиши қонунлари мавжуд. Унга хос қонунлар тизимини икки гуруҳға бўлиш мумкин:

а) умумиқтисодий, лекин бозор иқтисодиётида ҳам амал қилишда давом этган қонунлар;

б) фақат бозор иқтисодиётининг ўзига хос бўлган қо — нунлар. Бозор иқтисодиётига хос бўлган туб белгилар секин — аста шаклланиб, пировард натижада яхлит иқтисодий тизимни ҳосил этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш XX асрга хос бўлган умумба — шарий, яъни умумжаҳон воқелигидир. Халқаро тажриба кўр — сатганидек, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч шакли ёки мо — дели мавжуд:

1) Ғарбий Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли;

2) Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлар йўли.

3) Шарқий Европа мамлакатлари ва МДҲ мамлакатлари йўли.

Юқорида қайд қилинганидек, бозор иқтисодиёти деганда ҳозирги ривожланган мамлакатлардаги иқтисодиёт тушунилади.

Тарихий нуқтаи назардан бозор иқтисодиётининг икки тури мавжуд. Биринчиси — асов ёки ёввойи бозор иқтисодиёти. Бундай иқтисодиётнинг асл намунаси XVIII ва XIX асрларда бўлган.

Аммо ёввойи иқтисодиёт абадий сақланмайди. У цивилизациялашган ёки маданийлашган бозор иқтисодиётига ай — ланиб боради.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига ўтиш деганда ци — вилизациялашган иқтисодиёт сари бориш тушунилади.

2. Бозор, унинг вазифалари ва тузилиши

Бозор иқтисодий категория сифатида такрор ишлаб чиқа — ришнинг айирбошлаш босқичига хосдир. Аммо у ҳар қандай айирбошлашни эмас, балки пул воситасидаги, олди — сотди шак — лидаги айирбошлашни билдиради. Айирбошлашда пул иштирок этмасдан бир товар бошқасига тўғридан — тўғри алмашганда бо — зор муносабатлари пайдо бўлмайди. Бозорнинг энг муҳим шарти айирбошланганда пулнинг воситачи бўлишидир. Бозорда товар муомаласи юз бериб, у икки жараённинг биргаликда боришини билдиради. Бозорда товар пулга алмашади. (Т — П), яъни товарни сотиш юз беради, айнаи вақтда пул товарга алмашади (П — Т), яъни товарни харид этиш келиб чиқади.

Олди — сотди бозордаги яхлит муомаланинг икки томони бўлганидан, унда сотувчи ва харидорни иштирок этиши му — қаррардир.

Бозор — бу сотувчилар ва харидорларнинг товарларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқаларидир.

Бозорнинг субъектлари иштирокчилари ҳам бир хил эмас. Улар икки гуруҳга бўлинади: сотувчилар ва харидорлар. Улар бозор муносабатларида турли вазифани бажарадилар. Сотувчилар — бозордаги товар ва хизматларни таклиф этувчи фирма, корхона ёки айрим ишлаб чиқарувчи, иш кучи, ер — сув, машина — ускуна, бино — иншоот эгаси, пул капитал, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта соҳибларидан иборат бўлиб, улар ўз товарларини сотадилар ёки ижарага берадилар. Харидорлар кенг қатлам истеъмолчилардан иборат бўлиб, улар бозорга ўз талаб эҳтиёжи ва пули билан чиқадиладар. Харидорлар оддий истеъмолчи фуқаролар, ресурслар олувчи ва иш кучини ёлловчи тадбиркорлар, давлат идоралари, жамоат ташкилотларидан иборат бўлади.

Бозор субъектлари ўз манфаатларини кўзлайди.

Ривожланган бозор муносабатига билвосита савдо — сотиқ алоқалари хос, чунки бозор ривожланган сари унинг сирасорларини билиш, олди — берди операцияларини ўтказиш махсус тайёргарлик ва маҳоратни талаб қилади. Бу ишни ихтисослашган тижорат фирмалари, савдо — сотиқ агентлари, брокер, маклер ва дилерлар каби даллолар ўз зиммасига олади.

Бозордаги товарлар муомаласи кенг ва тор доирада юз беради. Кенг маънода бозор барча товарлар ва хизматлар муомаласини билдиради, тор маънода у айрим ёки чекланган гуруҳдаги товарларнинг айирбошланиши демақдир. Кенг маънода бозор ҳудудий жиҳатдан маҳаллий, минтақа, миллий ва жаҳон бозорларидан иборат бўлади. Булар бозор (алоқаларининг кўлами билан ажралиб туради. Албатта, миллий бозор маҳаллий бозордан, халқаро бозор эса миллий бозордан кенг бўлади. Улар фақат олди — сотди ҳажми жиҳатидангина эмас, балки субъектларнинг сони ва таркиби жиҳатидан ҳам фарқ қилади.

Бозор ўз ривожида икки босқичдан ўтади.

Биринчиси, тартибсиз бозор босқичи, бу босқичда бозор алоқалари стихияли тарзда ўрнатилади, ишлаб чиқарувчи учун бозор номаълум бўлади. Стихияли бозорда белгиланган тартиб — қоида амал қилмайди. Бундай бозор маданийлашмаган, ёввойи бозор иқтисодиётига хос бўлиб, ўтмишда мавжуд бўлган. Аммо унинг айрим кўринишлари ҳозир мавжуд. Ҳозирги деҳқон бозори ва чайқов бозорлари тартибсиз бозор намунасидир.

Иккинчиси — бу тартибланадиган бозор босқичидир. Бу шундай бозорки, унга хос бўлган қонунлар кўр — кўрона амал қилавермайди, бозор алоқалари шу қонунларга олдиндан мослаштириб борилади. Бу ерда ноъмалум бозорга ишлаб чиқариш юз бермайди. Бозор ва унинг сегментлари (кичик қисмлари) ол —

диндан таҳлил этилиб ўрганилади, ишлаб чиқариш маркетинг хизмати орқали бозор билан узвий боғланади. Мана шундай бозор ривожланган бозор иқтисодиётига хос, бундай бозор ҳо — зирги ривожланган мамлакатларда мавжуд.

Бозор бир қатор иқтисодий вазифаларни (функцияларни) бажаради.

Бозор айирбошлаш жараёни бўлганидан, у ишлаб чиқа — ришни истеъмол билан боғловчи восита вазифасини ўтайди.

Бозордаги ягона ва универсал харид воситаси пул ҳи — собланади.

Бозорда қиймат шаклининг ўзгариши юз беради. Бозор қийматни товар шаклидан пул шаклига айлантиради. Бунинг учун бозорда ҳам товар, ҳам пул муҳайё бўлиши шарт.

Бозор, иқтисодиётни тартиблашда иштирок этишда ре — гуляторлик функциясини ҳам бажаради. Бу функцияни бозор нархлар воситасида бажаради. Бозор ўзида талаб ва таклифни танлаб, уларни мувозанатлаштиради. Бозор нарх пасайган ер — дан ресурсларнинг чиқиб кетишини, аксинча, уларнинг нархи юқори ерга оқиб келишини таъминлайди. Бу билан бозор ни — мани, қанча миқдорда ва қайси вақтда ишлаб чиқариш керак — лигини аниқлаб беради. Бозор регулятори иқтисодиётни тар — тибловчи куч ҳисобланади.

Бозор халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) тақозо этган иқ — тисодий алоқаларни ўрнатиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бозор меҳнат тақсимотини чуқурлаштириб, ишлаб чиқариш — нинг давлатлараро миқёсда аниқ ихтисослашувини, халқаро ми — қёсдаги талаб — эҳтиёжни мўлжалга олиб юритилишини тақозо этади. Хуллас, бозор халқаро интеграцион алоқаларни ўрнатиш ва уларни кенгайтириш воситаси ҳам бўлади.

Бозор муносабатлари иқтисодий муносабатлар доирасида мустақил, лекин бошқа муносабатларга алоқадор кичик бир ти — зимни ташкил этади.

Иқтисодий алоқалар характериға кўра, бозорни икки катта турға ажратиш мумкин: а) эркин, рақобатли бозор; б) моно — поллашган, рақобат чекланган ёки рақобат мутлақо бўлмаган бозор.

Эркин бозорда сотувчилар ва харидорлар кўпчилик бў — либ, улардан ҳеч бири бозорда ҳукмрон мавқега эга бўлмайди, аксинча улар доимо рақобатда бўлишади. Бу ерда нарх — навони ҳеч ким назорат қилмайди, нарх бозорда эркин шакланади.

Монополлашган бозор — бу озчилик сотувчилар ва хари — дорлар ҳукмрон бўлган, рақобат чекланган ёки рақобат умуман

йўқ бозор. Монополлашган бозорнинг ўзи 3 хил бўлади: монопол рақобатли бозор, олигополистик бозор, соф монополия бозори.

Бозор савдо – сотиқнинг шарт – шароитига қараб кўпгина бўғинларга ажратилади ва улар бозор сегменти деб аталади. Сегмент бозорнинг бир кичик қисми бўлиб, бу ерда харидор – лар чекланган гуруҳ бўлиб, уларга маълум турдаги товарлар со – тилади. Бозорнинг сегментларга ажралишига икки нарса сабаб бўлади: а) меҳнат тақсимоти чуқурлашиб, ғоят хилма – хил то – варлар ишлаб чиқишини ва уларнинг маълум гуруҳ истеъмол – чиларга мўлжалланиши; б) истеъмолчиларнинг социал – ижти – мойий жиҳатидан табақаланиш, улар талабининг ўзаро фарқ – ланиши. †

Бозорни сегментларга ажратиш мезонлари ғоят кўп. Бир сегмент учун аҳолининг қобилияти устивор бўлса, бошқа сег – мент учун рақобатнинг бор ёки йўқлиги муҳим белги бўлади. Сегментлар ҳудудий ва социал – демографик мезонларга қараб ажратилади. Сегментларга ажралиш муайян товарларга нис – батан ҳам юзага келади. Масалан, кийим – кечак бозори, бола – лар кийими, ёшлар кийими, қариялар кийими бозорларига ажралади. Турли – туман сегментлар яхлит бозорни ташкил этади. Бозор ҳажми қанчалик катта бўлса, шунчалик сегментларга бой бўлади.

Бозорни олди – сотди қилинадиган объектлар жиҳатидан қараганда истеъмол товарлари ва хизматлари бозори, ишлаб чиқариш воситалари (ресурслар) бозори, меҳнат (иш кучи) бо – зори, молия бозори, интеллектуал товар бозорларига бўлиш мумкин.

Истеъмол товарлари ва хизматлар бозори истеъмолчилар бозори бўлиб, аҳоли учун зарур бўлган товарлар ва хизмат – ларнинг олди – сотдисини билдиради. Истеъмол бозорида аҳо – лини ўз истеъмоли учун товарлар ва товар сифатидаги пулли хизматларни харид қилади. Бу ерда сотувчилар билан хари – дорлар ўртасидаги олди – сотди муносабатлари юз беради, пул эгаси товар олса, товар эгаси пул олади.

Ресурслар бозори ишлаб чиқаришни юритиш учун зарур бўлган ва товарга айланган меҳнат воситалари, ашё материал – ларнинг тўғридан – тўғри ёки воситачилар орқали олди – сотди қилиниши. Бу бозорда машина, ускуна, асбоблар, бино, ер, хом ашё, ёқилғи ва материаллар олди – сотди қилинади.

Меҳнат бозори – иш кучини олди – сотди қилиш муно – сабатини билдиради. Иш кучи инсонни меҳнат қилиш қоби – лияти сифатида товарга айланади, олди – сотди орқали ишлаб чи –

қаришнинг шахсий омили бўла олади. Потенциал меҳнат қоби — лияти бозордан ўтиб реал — амалда ишлаётган меҳнат қобилиятига айланади. Меҳнат бозорининг бир томонида иш кучи турса, иккинчисида иш кучига муҳтож корхона, фирма, туради. Улар ўртасида айирбошлаш юз беради, бу ишга ёлланиш ва ишга ёллаш шаклида юз беради ва бўлган иш кучини сотиш ва сотиб олишни билдиради.

Меҳнат бозори аниқ шакларда юз беради, улардан энг муҳими меҳнат биржасидир. Меҳнат биржаси товарни иш кучини пулга айирбошлашда воситачилик қилади, иш кучи эгаси билан уни ёлловчи корхона ёки фирма ўртасида туради. Бир — жада иш кучига талаб ва иш кучи таклифи бир — бири билан боғланади.

Молия бозори — бу бозор тизимининг ғоят муҳим унсури бўлиб, молия ресурслари (пул ва пулга тенглаштирилган қоғозлар) бозоридир. Бозор муносабатлари мулкдорлар билан пулга муҳтожлар ўртасида юз беради. Пулнинг бозорга чиқа — рилиши ва ишлатилиши: биринчидан, шахсий истеъмол эҳтиёж — ларини қондирса, иккинчидан, пулдан пул чиқариб олиш эҳтиёжини қондиради.

Молия бозори иккига ажралади: истеъмолни қондиради — ган пул бозори ва капитал бозори. Биринчи бозорга тушган пул ресурси қарзга олиниб, шахсий истеъмол йўлида, масалан, автомашина харид этиш, уй қуриш, саёхат қилиш учун ишла — тилади. Иккинчи бозордаги маблағлар қарзга олинганда, сотиб юборилганда капитал сифатида ишга солиниб, фойда келтира — ди. Шунини ҳисобга олиб капитал бозорини икки майда бўғинга ажратиш мумкин: ссуда капитал бозори ва қимматбаҳо қоғозлар бозори.

Молия бозорининг яна бир унсури валюта бозоридир. Бу ерда турли мамлакатлар валютаси олди — сотди қилинадики, бозорда корхона, фирма, давлат идоралари ва фуқаролар қат — нашади. Улардан бири валюта сотса, иккинчиси — уни сотиб олади. Валюта бозори амалиётда валюта билан савдо қилувчи банклар ва валюта аукциони кўринишида бўлади. Ўзбекистонда валютани олди — сотди қилиш операциялари билан Республика Марказий банки ва Республика Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банки шуғулланади.

Интеллектуал товарлар бозори бозорнинг махсус тури бўлиб, ақлий меҳнат маҳсули бўлмиш товарлар ва хизматлар — нинг айирбошланишини билдиради. У цивилизациялашган бо — зор иқтисодиётида кенг ривожланган бўлади. Бу ерда сотувчилар

ва харидорлар махсус товар ҳисобланган илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, хилма — хил ахборотларни олди — сотди этиш юзасидан муносабатда бўладилар.

Интеллектуал товарлар бозорида илмий — техникавий иш — ланмалар олди — сотдиси катта ўрин тутади. У амалда патент, лицензия ва ноу — хау сотишдан иборатдир. Бу ерда илмий техника — вий янгиликлар харидор мулкига айланиш шарти билан ёки ўз эгаси мулки бўла туриб, вақтинча фойдаланиш шарти билан сотилади.

Бу бозор ишлаб чиқариш инновациясига хизмат қилади, яъни у фан — техника ривожига таъсир этади, шу сабабли унинг аҳамияти нафақат умуммиллий, балки интернационал ҳамдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти илмталаб ишлаб чиқариш — нинг ўсиши, турли хизматлар аҳамиятининг кучайиши билан характерланади. Булар ўз навбатида интеллектуал товарга та — лабни ошириб юборади.

Бозорнинг ўзи яхлит бўлганидек, унинг турлари ҳам бир — бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Меҳнат тақсимо ти мавжуд экан, фаолият турлари, албатта, маълум нисбатда бўлиши шарт. Шу боисдан бозор турлари ҳам маълум мувозанатда ривожланади.

Эркин бозорнинг ривожланиши монопол бозор йўлини тўсади, аксинча ҳол ҳам юз беради. Бозор турларининг бир — бирига мослашуви иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади, чунки шу орқали иқтисодий мувозанат ташкил топади.

3. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари

Бозор иқтисодиёти амал қилиши учун унинг инфрату — зилмаси ишлаб туриши керак. Бозор инфратузилмаси бозор алоқаларини ўрнатишга ва самарали юритишга хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуидир.

“Бозорга ўтишдан олдин бозор инфратузилмасини яратиш зарур. Молия, банк — кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизими яратиш зарур”¹.

Бозор ислохотлари бозор инфратузилмасини яратиш чо — ра — тадбирларини ҳам қамраб олади. Бу инфратузилма беш бўғиндан иборат:

1. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма (транс — порт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 98 — бет.

таъминоти кабилар). Улар бозор иқтисодиётидан олдин ҳам мав — жуд бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уларни тижоратчилик йўлига ўтказишга тўғри келади, яъни улар яхши ишлаб пул топиш ва ўз — ўзини молиялаштириш йўлига ўтказилади;

2. Товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо — со — тиж ишларига хизмат қилувчи инфратузилма (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фир — малари ва агентлари, давлатнинг савдо — сотиқ ва уларни на — зорат қилувчи муассасалар). Тоталитар тизим шароитида маз — кур инфратузилманинг кўпчилик унсурлари бўлмайди, шу боис — дан улар ислоҳот йўли билан яратилади;

3. Молия — кредит муносабатларига хизмат қилувчи инф — ратузилма (тижорат банклари, ўз — ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялар, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳ — камалари, ҳар ҳил пул фондлари). Улар ҳам ислоҳотлар жараё — нида яратилади;

4. Аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфратузилма (уй — жой, коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари). Уларнинг аксарияти бозор иқтисо — диётидан олдин ҳам мавжуд бўлади, лекин уларни ислоҳ этиб, бозор шароитида пулли хизмат кўрсатиш, тижорат йўлига ўтка — зишга тўғри келади. Меҳнат биржалари, ишга жойлаштириш фирмалари эса янгидан яратилади;

5. Ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўл — ган ҳар хил ахборотлар — маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компа — ниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари, давлат муассасалари).

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг ахборот ташкилотлари бўладики, улар фақат давлатга хизмат қилганидан, уларни ҳам бозор учун ишлашга мослаштириш керак бўлади. Бу соҳада, айниқса, иқтисодий ахборот, тадбиркорлик учун жуда зарур бўлади, унга қараб ўз ишини режалаштириш, пулни қаерга, нима учун сарфлаш, қанча товар ишлаб чиқариш, қандай нарх қўйиш каби иқтисодий хатти — ҳаракатлар амалга оширилади.

Инфратузилма тизимида молия — кредит хизмати алоҳида ўрин тутади, чунки бозор иқтисодиёти пулга асосланган. Шу боисдан молия — кредит соҳасини ислоҳ қилишга катта эътибор берилади.

Банк тизими ташкил этилиб, айрим банклар монополияси тугатилади, рақобатлашувчи тижорат банклари очилади, зарур бўлганда инфляциядан қутулиш учун пул ислоҳоти ўтказилади. Валюта муносабатлари, қимматбаҳо қоғозлари билан ишлаш, акция

ва облигация чиқариш тартиби қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Ислоҳотлар валюта аукционлари, инвестиция компания — лари, фонд биржалари очилишини кўзлайди. Улар молия бо — зори, унинг асоси бўлмиш капитал бозорини шакллантиради, унинг амал қилиш тартиб — қоидалари ўрнатилади.

4. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумжаҳон воқеасига айланиши ХХ асрнинг муҳим белгисидир. Инсоният тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти бир қатор муаммоларни, хусусан:

а) муттасил равишда ишлаб чиқаришни ўстириб, тўкин — чиликни таъминлаш;

б) тежамли хўжалик юритиб, барча ресурслардан оқилона фойдаланиш;

в) оммавий фаровонликни таъминлаш;

г) мазмуни ёки шаклидан қатъи назар ҳалол ва самарали меҳнатнинг қадрига етиш;

А) умуминсоний ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга тадбиқ этиш.

Бозор иқтисодиётининг тамойиллари, қонун — қоидалари умуминсоний, аммо бориладиган марра бир хил бўлсада, унинг йўллари ҳар хилдир.

Ўзбекистон кўзлаган стратегик — истиқбол вазифа — мус — тақилликнинг иқтисодий пойдеворини яратишдир. Бу мақсадга эришиш учун бозор иқтисодиётига ўтиш зарурдир. Иқтисодий мустақилликка бозор механизми орқали эришилади, лекин унинг Ўзбекистонда шаклланиши ўзига хос йўл билан юз бермоқда. Бу йўл бозор иқтисодиётининг умумий томонларини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олади.

Бу хусусиятлар қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти кам ривожланган бўлсада, унинг ишончли салоҳияти бор.

2. Ўзбекистон табиий ва меҳнат ресурсларига бой диёр, унинг сахий ери ва меҳнатсевар халқи бор.

3. Республикамиз аҳолисининг ўсиш суръатлари жадал, шу боисдан меҳнат ресурслари тез ортиб боради.

4. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни катта, шу боисдан аҳолининг катта қисми (60%) қишлоқ жойларда истиқомат қилади.

5. Ўзбекистон шарқий цивилизацияга мансуб мамлакат. Бу ерда шарқона иқтисодий кўникмалар, ота — боболардан мерос қолган хўжалик юриштиш усуллари бор.

Бу хусусиятлар Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти сари бориш йўлини танлаш учун асос бўлди. Бу йўл жаҳон таж — рибасига таянган ҳолда, аммо мамлакатимизнинг миллий ман — фаатини, ундаги реал шароитларини ҳисобга олган ҳолда бо — зор иқтисодиётга ўтишни билдиради. Бу йўл бозор иқтисодиётга инқилобий сакрашларсиз; ижтимоий ларзаларсиз, тинчлик ва хотиржамлик шароитида, халқни ижтимоий ҳимоя қилиш орқали секин — аста, босқичма — босқич ўтилишини таъминлайди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек **“Бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамийки фойдали тажрибаларини рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий — иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлай олишдан иборатдир”¹**.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётга ўтишнинг ўзига хос йўли Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан олға сурилган беш тамойилда ифодалаб берилди:

Биринчи тамойил — иқтисодиёт сиёсатдан устивор бў — лиши ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши ке — рак. Иқтисодиёт ўзига хос бўлган ички қонунлар асосида ривожланмоғи зарур. Иқтисодиёт, сиёсатга нисбатан устивор мавқега эга бўлиши лозим. Иқтисодиётга на сиёсат, на мафкура ўз тазйиқини ўтказмаслиги керак.

Иккинчи тамойил — давлат бош ислоҳотчи бўлиши ке — рак. Бу тамойил бозор иқтисодиётга ўтиш тартибсиз равишда, ўзибўларчилик асосида эмас, балки давлат раҳбарлигида амалга ошириладиган ислоҳотлар орқали юз беришини билдиради.

Учинчи тамойил — қонунлар ва уларга амал қилиниши — нинг устиворлигини таъминлаш. Бу тамойил бозор иқтисодиётга ўтиш тартибли равишда, ҳамманинг кенг жамоатчилик иш — тироқида ишлаб чиққан давлат қонунларига сўзсиз риоя этиши орқали боришини билдиради.

Тўртинчи тамойил — фаол ижтимоий сиёсат юритиш. Бу иқтисодиётга кучли таъсир эта оладиган, халқнинг ижтимоий ҳимоясини, унинг фаоллигини таъминлайдиган, ижтимоий адо — латни юзага чиқарадиган сиёсатни олиб боришни англатади. Шу боисдан иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аввал, одамларни, биринчи навбатда, ҳимояга муҳтож қатламни олдиндан кучли

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. Т.: “Ўзбекистон”, 1993., 25 — бет.

даражада ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш зарурлиги инобатга олинади.

Бешинчи тамойил — бозор иқтисодиётига секин — аста, босқичма — босқич ўтиш. Бу тамойил чуқур иқтисодий ислохотларни шошилмасдан, собитқадамлик билан амалга оширишни талаб этади. Бу етакчи тамойил бўлиб, ислохотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характерини белгилаб беради.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганла — ридек **“Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделimiz Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятлари, анъаналар, урф — одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожланишнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади”¹.**

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Бозор иқтисодиёти — эркин товар пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, ижтимоий, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бошқарилиб (тартибга солиниб) турувчи иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиёти субъектлари:

А. Иқтисодий мустақил мулк эгаси ёки истеъмолчи бўлган ай — рим кишилар ва гуруҳлар;

В. Фирма, корхона, хўжаликлар, уларда банд бўлган тадбир — корлар;

С. Давлат, аниқроғи, давлатнинг барча маҳкама — идора таш — килотлари;

Д. Банклар.

Бозор ислохотлари — халқ иштирокида, лекин давлат то — монидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора — тадбирларни давлат назорати остида амалга оширилиши.

Бозор — бу иқтисодий категория сифатида харидорлар ва сотувчилар ҳамда товарлар ва пул ҳаракати бўйича савдо воситачилари ўртасидаги муайян иқтисодий муносабатлар мажмуи бўлиб, у бозор муносабатлари субъектларининг иқтисодий манфаатларини акс эттиради ва меҳнат маҳсулотлари айирбош — ланишини таъминлайди.

Бозорнинг тузилиши — бу бозор унсурларининг ички қурилиши, жойлашиши ва тартиби, уларнинг бозор умумий ҳажмидаги улуши.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 188 — бет.

Бозорлар тизими — турли — туман мезонлар асосида ало — ҳида унсурларга ажратилган барча бозорлар мажмуидир.

Инвестициялар бозори — пул бозорининг бир тури бў — либ, бунда бозор муносабатларининг объекти капитал қўйил — малари ҳисобланади.

Инновациялар бозори — бу янгиликлар, кашфиётлар, рационализаторлик таклифлари бозори.

Бозор сигменти — бу бозордаги савдо — сотиқнинг шарт — шароитига қараб кўпгина бўғинларга ажратилишидир.

Бозор инфратузилмаси — бу бозорнинг савдо — сотиқ — нинг шарт — шароитига қараб кўпгина бўғинларга ажратили — шидир.

ТАКРОЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз? Унинг асосий белгиларини санаб ўтинг.
2. Бозор иқтисодиётининг икки турини тавсифлаб беринг.
3. Бозор иқтисодиёти объектларига нималар киради?
4. Бозор хўжалигининг қандай субъектларини биласиз? Улар ўртасидаги алоқадорликни тавсифланг.
5. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли ва тамойилларини кўрсатиб беринг.
6. Бозор тушунчасига таъриф беринг.
7. Бозор қандай вазифаларни бажаради?
8. Бозорларнинг асосий кўринишларини айтиб беринг ва уларни тавсифланг.
9. Бозор сигменти нима?
10. Бозор инфратузилмасига таъриф беринг. У бозор иқтисо — диётида қандай вазифаларни бажаради?

VI Боб. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ

1. Талаб тушунчаси. Талаб қонуни.
2. Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни
3. Талаб ва таклиф мослиги, бозор мувозанати.

1. Талаб тушунчаси. Талаб қонуни

Бозорда бир томондан товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, иккинчи томондан бу товарларни истеъмол қи — лувчилар ҳаракат қилади. Истеъмолчиларнинг бозордаги ҳа — ракати талаб шаклида намоён бўлади. Талаб — бу энг аввало бирон — бир товар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир. Талабнинг асоси эҳтиёж бўлар экан, эҳти — ёж бўлиб талаб бўлмаслиги ҳам мумкин. Талаб реал (амалий) бўлиши учун товарни сотиб олишга етарли пул бўлмоғи керак, ҳақи тўланмайдиган эҳтиёжни бозор ҳисобга олмайди. Демак, талаб — бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловга қобил, пул би — лан таъминланган эҳтиёждир. Масалан, кимнингдир пальто сотиб олишга хоҳиши бўлса — ю, бироқ бу хоҳиши харид қилиш қо — билияти билан мустаҳкамланмаса, яъни зарур миқдорда пули бўлмаса, хоҳиши рўёбга чиқмайди, унинг пальтога бўлган эҳ — тиёжи бозорда юзага чиқмайди, яъни талабни ташкил этмайди.

Айрим харидор, қандайдир истеъмолчилар гуруҳи ёки бутун жамият харид қилиб олишни хоҳлаётган аниқ тайин то — вар ҳажми талаб қилинган товар миқдори дейилади. Истеъ — молчилар сотиб олишни хоҳлаётган товарлар ҳажми билан ха — ридорлар томонидан реал сотиб олинган товарлар миқдорини фарқлаш керак, чунки улар мос тушмаслиги ҳам мумкин. Кўп ҳолатларда харидорлар реал харид қилиб олиш мумкин бўл — ганига қараганда, баъзи бир товарларни катта миқдорда хоҳ — лайдилар, бу хоҳиш эса уларнинг шу товарларни сотиб олиш учун зарур пулга эга эканлигини, яъни унинг хоҳиши хаёл бўл — масдан амалда бўлишини кўрсатади.

Талаб қилинган товарлар миқдорини бир қанча омилар белгилайди: товар ёки хизматлар нархи, харидорлар диди, таъби; истеъмолчилар даромади: ўринбосар товар ва хизматчиларнинг нархи; мавжуд товар ва хизматларни харид қилиб олувчиларнинг умумий сони; инфляция эҳтимоли ёки тахмини.

Юқорида кўрсатилган омилар таъсирида талабнинг ўз — гариб туриши содир бўлади. Бу ўзгаришда асосий масала, туб негиз талаб ва товар нархининг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Чунки санаб ўтилган омилар орасида нарх ва харид қобилияти талабнинг тез ўзгаришига олиб келади.

Нарх билан талаб миқдори ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Ана шу тескари пропорционаллик талаб қонуни дейи — лади. Бу қонуннинг асосида нималар ётишини қуйидаги ҳо — латлар билан изоҳлаш мумкин.

1. Одатда, кишилар мавжуд товарни уни нархи юқори бўлган шароитда ҳақиқатан ҳам камроқ харид қилиб оладилар. Истеъмолчилар учун нарх, харидни амалга оширишга халақит қилувчи тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Бу тўсиқ қанчалик юқори ва мустаҳкам бўлса, харидорлар кам миқдорда маҳсулот харид қиладилар, нарх тўсиғи қанчалик кам бўлса, шунчалик кўп миқдорда маҳсулот харид қиладилар.

Бошқача сўз билан ифодаланганда, юқори нарх истеъ — молчиларда харид қилиш хоҳишини сўндиради, паст нарх эса бу хоҳишни кучайтиради.

2. Ҳамиша маҳсулот харид қилувчи, ҳар бир шахс маҳ — сулотнинг кейинги бирлигидан камроқ қониқиш, наф ёки лаз — зат олади. Масалан: харидорга оёқ кийим керак, унинг учун бир жуфт оёқ кийимнинг нафлиги ўта юқори, чунки у яланг оёқ юра олмайди. Иккинчи жуфт оёқ кийим уни алмаштириб туриш имконини беради, лекин унинг нафлиги пастроқ, чунки харидор яланг оёқ эмас, уни киядигани бор. Учинчи ва тўртинчи жуфт оёқ кийимнинг нафлиги пасайиб бораверади, чунки эҳтиёж тўйдирилган сари товарнинг истеъмолчи учун нафлиги пасаяди.

Шу сабабли истеъмолчилар маҳсулотнинг қўшимча бирли — гини нархи пасайиб борган шароитдагина харид қилиб олишади.

Умуман, индивидуал истеъмолчиларнинг хулқ — атори улар эҳтиёжларининг қандай қондирилишига, у ёки бу товарнинг қандай наф келтиришига боғлиқ. Наф деб товар ва хизматни истеъмол қилишдан келадиган қониқишга айтилади. Умумий ва меъёрий наф (фойдалилик)ни фарқлаш керак. Умумий наф деб маълум товар ёки хизматлар бирлиги мажмуи тўпламини истеъмол қилишдан олинadиган қониқишга айтилади. Меъёрий ёки чегарали наф эса мавжуд товар ёки хизматнинг қўшимча бирлигини харид қилиш натижасида умумий нафга ўсим бўлиб қўшилган нафни билдиради.

Мисол учун, айтайлик, истеъмолчи жаҳон классиклари китобларини шахсий кутубхонага йиғади. Бу ерда умумий наф кутубхонадаги классиклар китобларни ҳамма тўплами ҳисоб — ланади, бу наф ҳар бир янги китобни сотиб олиш билан ошиб боради. Меъёрли наф — кейинги ҳар бир харид қилинадиган, айтайлик А.Навоий асарларининг навбатдаги тўпلام ёки жид — ларини харид қилишдан келадиган нафга айтилади. Агар ис — теъмолчи А.Навоий асарларини кейингиларини харид қилиб ол —

маган бўлса, унда маънавий неъмат бўлган китобнинг меъёрий нафлиги жуда юқори бўлиб қолаверади. Шахсий кутубхонани шакллантириш жараёнида ўнинчи ва юзинчи китобнинг нафлиги бир хил бўладими? Шубҳасиз йўқ. Чунки кутубхонада китобларнинг тўпланиб бориши эҳтиёж ўткирлигини, чанқоқлигини пайсайтегириб боради. Шунга мувофиқ юзинчи китобнинг меъёрий нафлиги ўнинчи китобга қараганда паст бўлади. Шундай қилиб бошқа товарларнинг истеъмоли ўзгармасдан қолган ҳолда бирон — бир товар ва хизматга эҳтиёж тўйиниб бориши билан бу неъматнинг кейинги бирлигини истеъмол қилишдан қониқиш пасаяди. Бу барча товарларга хос бўлиб, меъёрий нафликнинг пасайиб бориши қонуни деб қаралади. Меъёрий нафликнинг пасайиб бориши мавжуд неъматнинг навбатдаги бирлигини харид қилиб тасарруфидоги товарларни кўпайтирадиган харидор учун улар қадрининг пасайиши билан боғлиқ. Табиийки, ҳар бир истеъмолчи ўзига келадиган умумий нафликни оширишга интилади. Умумий нафликни орттириш принципи қуйидагича: ҳар бир истеъмолчи товарлар тўпланиши харид қилишда даромадни шундай тақсимлаш керакки, у ёки бу товарга сарфланган охириги пул бирлигидан оладиган наф бир хил бўлсин.

3. Маҳсулот нарҳининг пасайиши истеъмолчи пул даромадининг реал харид қобилиятини оширади. Шу туфайли у мавжуд маҳсулотни олдиндагига қараганда кўпроқ харид қила олади. Юқорироқ нарх аксинча ҳолатга олиб келади. Юқори нархлар шароитида қиммат товар ўрнига анча паст нарҳдаги, аммо ўхшаш бўлган товарни сотиб олишга рағбат пайдо бўлади. Истеъмолчиларда қиммат маҳсулот ўрнини арзон товарлар билан алмаштиришга мойиллик мавжуд. Паст нарх шароитида истеъмолчида юқори нарх шароитига нисбатан кўпроқ маҳсулот харид қилиб олиш хоҳиши бўлади. Демак, товар нархи ошиши билан айрим харидорлар сотиб олишни умуман тўхтатади ва ўринбосар товарларни истеъмол қилишга ўтади, харидорларнинг бир қисми эса истеъмолини қисқартиради. Буларнинг барчаси талабнинг пасайишига олиб келади.

Ҳар бир истеъмолчининг шахсий талаби ўзига хос ўзгарилади, улар шакл жиҳатидан бир — бирини такрорлайди. Жаъми бозор талаби ёки муайян бозордаги умумий талаб эса барча истеъмолчилар талабининг йиғиндисидир. Бинобарин, жами талабнинг эгри чизиғи нархларнинг муайян даражасида барча истеъмолчилар сотиб оладиган товар миқдорининг ифодаси сифатида шаклланади.

Айрим олинган бир товарнинг ўзига истеъмолчиларнинг турли гуруҳи талаби ўзгарувчан ёки ўзгармас бўлиши мумкин. Лекин шундай товарлар борки, уларга бўлган талаб ҳамшиша ва

аҳолининг барча гуруҳлари учун амалда ўзгарувчан эмасдир. Би — ринчи галда ҳаёт учун бирламчи бўлган, хусусан, озиқ — овқат маҳсулотлари ана шу хил товарлар гуруҳига киради. Айтайлик, нон нархининг ошиши уни камроқ сотиб олишга келтирмайди, чунки у ҳаёт учун ғоят зарур озуқа. Одамлар нон истеъмол қилишни камайтирмаслик учун бошқа товарларни сотиб олишни қисқартирадилар. Иккинчи томондан нонга бўлган эҳтиёжнинг жисмоний чегараси бор.

Масалан: бошқа овқатлар сероб шароитда нон истеъмоли жон бошига 1 йилда 100 — 120 кг бўлади. Демак, нон нархининг пасайиши уни ҳаддан зиёд кўп, масалан, 300 кг истеъмол қилишга олиб келмайди.

2. Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни

Талабнинг қарши томонидан таклиф туради. Таклиф ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ёки келтириш мум — кин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир. Ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга мўлжалланган товар ҳажми так — лиф қилинган товарлар миқдори дейилади. Товарлар таклифи — нинг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар суммаси билан белги — ланади.

Товарлар ва хизматлар таклифи ишлаб чиқариш миқёси ва унинг таркибига боғлиқ. Бироқ товарлар таклифи яратилган маҳсулотлар миқдорига тенг бўлмаслиги мумкин, яъни товар — ларни таклиф қилиш ва неъматлар ишлаб чиқариш ҳажмлари бир хил бўлмаслиги мумкин. Яратилган маҳсулотнинг фақат бо — зорга чиқариладиган қисми товар маҳсулоти дейилади, унинг бозорга чиқарилмайдиган қисми таклифни юзага келтирмайди. Мисол учун давлат, жамоа ва деҳқон хўжаликларида картошка етиштирилади. Бу хўжалиklar етиштирган картошканинг 10%ни уруғлик учун ўзида олиб қолади. Картошканинг бу қисми товар бўлмайди, таклифни ташкил этмайди. Картошканинг қолгани 90% товар бўлиб сотилади, яъни таклифни юзага келтиради.

Товарлар таклифни маҳсулотнинг товарлик даражасига, шунингдек, бозорга етказиб беришга ҳам боғлиқ.

Таклиф қилинган товарлар миқдорига қатор омиллар, жумладан, товар нархи, ресурслар нархи, ишлаб чиқариш технологияси, солиқлар ва субсидиялар, бошқа товарлар нархи, нарх олиш эҳтимоли, товарни ишлаб чиқарувчиларнинг сони кабилар таъсир этади.

Талаб таклифга ўз таъсирини ўтказади ва уни ўзгарти — ради. Таклифни ўзгаришини таклиф қонуни орқали кўрсатиш мумкин.

Таклиф қонуни бу таклифнинг нархга нисбатан тўғри муносабибига намоён бўлади. Уни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$T_f = T_m \times T_n$$

Бунда T_f — таклиф, T_m — товарлар миқдори, T_n — товарлар нархи.

Бу қонунга биноан нарх қанча баланд бўлса, таклиф шунчалик ошади, ва аксинча.

Нархнинг ўзгариши таклифнинг ўзгариш даражасига таъсир этиши эластиклик (ўзгарувчанлиги) дейилади.

Таклиф ва нарх ўзгаришларини бир-бирига таққослаш эластиклик коэффициентини беради.

$$ЭК = \frac{T_f}{T_n} \text{ (фоиз ҳисобида таклифнинг ўзгариши)}$$

Таклиф эластик бўлиши учун таклифнинг ўзгариш даражаси нархнинг ўзгариш даражасидан юқори бўлиши керак. Натижада эластиклик коэффициенти 1 дан катта бўлади, яъни $ЭК > 1$.

Бозорда таклиф ҳар доим эластик бўлавермайди. Бунга сабаб, таклифнинг нарх ўзгаришига нисбатан пасайиб кетишидир. Бундай ҳолат ноэластик таклиф дейилади.

3. Талаб ва таклиф мослиги. Бозор мувозанати

Талаб ва таклиф бозорнинг икки томони сифатида ҳар хил омиллар таъсирида ўзгариб туради, уларнинг боғланиши нарх орқали бўлади. Талаб ва таклифнинг мос келиши бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабидир, чунки фақат шундай шароитда иқтисодий ўсиш юз беради.

Ҳар бир харидор муайян пул суммаси эвазига кўпроқ ва сифатли товарлар олишга, яъни мумкин қадар арзон сотиб олишга интилади. Сотувчи эса бунга тескари мақсад қўяди: у ўз товарини мумкин қадар қимматга сотишга интилади. Шу сабабли бозорда сотувчи нархи ва харидор нархи мавжуд бўлади.

Талаб ва таклифнинг нархга боғлиқлиги

1 кг гўшт нархи (сўм)	Талаб қўйилган гўшт миқдори (тонна)	Таклиф қилинган гўшт миқдори (тонна)	Талабнинг (+) ва таклифнинг ошиб кетиши (-)
100	8	1	+7
200	6	2	+4
300	4	4	±0
400	2	6	-4
500	1	8	-7

Бироқ сотиб олиш ва сотишдан иборат ҳар қандай аниқ фаолият сотувчи билан харидор ўртасидаги битим натижаси бўлмиш битта нарх бўйича амалга оширилади.

Бозорда товар нархининг шаклланишига талаб ва таклиф қандай таъсир этади? Буни гўшт мисолида кўришимиз мумкин.

Жадвалдан кўринадики, фақат 1 кг гўштнинг нархи 300 сўм тургандагина қўйилган талаб ва товар таклифи миқдори тенг. 300 сўмдан кам бўлганда, мисол учун, 1 кг гўшт 100 сўм турса, товар (гўшт) нинг етишмаслиги кўриниб турибди (талаб = 1 тонна, таклиф = 1 тонна). Бундай ҳолатда талабнинг ортиқлиги (7 тонна) га юз беради. Аксинча, қачонки нарх 300 сўмдан юқори бўлса, айтайлик 400 сўм бўлса, бозорда ортиқча гўшт бўлади. Бундай ҳолатда талаб = 2 тонна, таклиф = 6 тонна. Демак, бу ерда таклифнинг ортиқлиги (4 тоннага) кузатилади. Бу нимага олиб келади? Айтайлик, таклиф талабдан ошиб тушсин, масалан 1 кг гўшт 400 сўм турсин. Икки тонна истеъмолчилар томонидан сотиб олинганидан сўнг, ишлаб чиқарувчиларда 4 тонна гўшт сотил — масдан қолади. Қандайдир фавқулодда ҳодиса юз бериши ҳисобга олинмаса одатий ҳолатда гўштни сотувчи 1 кг гўшт нархи 300 сўмга келгунига қадар уни тушира боради, яъни бунда талаб ва таклиф тенглашади. Демак, таклифнинг ошиб кетиши товар нарх — хининг пасайишини келтириб чиқаради. Шунга ўхшаш талабнинг ошиб кетишида товар нархининг ўсиши содир бўлади.

Бозорда таклиф қилинган товар миқдори билан талаб қилинган товар миқдори тенг бўлган шароитдаги нарх муво — занат нархи дейилади. Шу нарх бўлгани ҳолда талаб қилинган товар ҳажми миқдорий мувозанатни билдиради.

Содда қилиб айтганда, агар зарур товарга бўлган талабни ифодаловчи пул суммасини товарнинг мавжуд миқдорига бўл — сак, мувозанат нархи ҳосил бўлади, бунда бозорда товарнинг ортиқчалиги ҳам, етишмовчилиги ҳам бўлмайди.

Талаб ва таклиф ўзгаришининг тўрт қойдаси бор.

1. Талабнинг ортиши мувозанатлашган нарх ва мувоза — натлашган товар миқдорининг ўсишига олиб келади.
2. Талабнинг камайиши мувозанатлашган нарх ва муво — занатлашган товар миқдорининг пасайишига олиб келади.
3. Таклифнинг кўпайиши мувозанатлашган нархнинг па — сайиши ва мувозанатлашган товар миқдорининг ортишини кел — тириб чиқаради.
4. Таклифнинг қисқариши мувозанатлашган нархнинг ор — тиши ва мувозанатлашган товар миқдорининг камайишини келтириб чиқаради.

Бозор қатнашчилари ҳар бирининг мақсад — муддаоси ўз хусусий манфаатлари билан қувватланади ва умуман иқти —

содиётнинг бир бутун ҳолда муваффақиятли "ишлаб чиқаришга" қаратилмайди. Бир — бирига боғлиқ бўлмаган ёки бир — биридан беҳабар қабул қилинадиган барча қарорларни ўзаро мувофиқ — лашувини бозор механизми амалга оширади. У алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти — ҳаракатларини бир — бирига етказиш ҳамда буларни мувофиқлаштиришни нархлар тизими ва рақобат кураши орқали таъминлайди.

Шундай қилиб, бозор мувозанати бозордаги талаб ва так — лифнинг ҳам миқдор, ҳам тартиб жиҳатидан бир — бирига му — вофиқ келишидир. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиққан бўлади. Талаб ва таклиф узоқ вақт бир — биридан ажралиб қолса, бозор ўзининг меъёридаги ҳо — латини, қиёфасини йўқотади.

Бозор мувозанати талаб ва таклифнинг мутлақ ва абадий мослиги эмас. Бундай мослик умуман олганда барча товарларга нисбатан ва узоқ даврга хос бўлиши мумкин. Айрим товарларга нисбатан мосликнинг бузилиши муқаррар. Чунки эҳтиёжнинг юксалиши оқибатида янги талаб пайдо бўлади ва у дарҳол қондирилмайди. Бозорнинг ишлаб туриши талаб, таклиф, нархлар ва бошқа миқдорий кўрсаткичларнинг ўзгариши орқали намоён бўлади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Талаб — тўловга қобил эҳтиёждир.

Талаб қонуни — талабнинг нархга нисбатан номуно — сиблигидир.

Таклиф — ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқа — рилган ёки келтириш мумкин бўлган жами товарлар ва хиз — матлар миқдоридир.

Таклиф қонуни — таклифнинг нархга нисбатан муно — сиблигидир.

Таклиф эгилувчанлиги — нарх ўзгаришига нисбатан так — лифнинг тартиб бориши.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛААР

1. Талаб қонунига изоҳ беринг.
2. Таклиф қонунига изоҳ беринг.
3. Талаб эластиклиги нима?
4. Таклиф эластиклиги нима?
5. Бозор мувозанатини тушунтириб беринг.

VII Боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг тузилиши.
2. Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари.
3. Ҳозирги замон хўжалик фаолиятини тавсифловчи асосий тушунчалар.

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг тузилиши

Кишиларнинг хўжалик фаолияти ўта мураккаб ва чалкаш турли — туман ижтимоий айирбошлашни акс эттирувчи, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий алоқа — лар шаклидир. Истеъмол — маълум эҳтиёжларни қондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш жараёнидир. Бу барча босқичлар ўзаро боғлиқликда ва ўзаро алоқадорликда бўладилар.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ижтимоий ва такрорланиб турувчи жараёндир.

Ҳозирги кунда маҳсулотлар ва хизматларнинг миллионлаб ва ўн миллионлаб турлари мавжуд ва бу турлар тез кўпайиб бормоқда. Бироқ турли — туман бўлишига қарамай, бу неъматлар кишиларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини: жамиятнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирувчи — ишлаб чиқариш воситаларига бўлган ҳамда одамларнинг шахсий ва oilавий эҳтиёжларини қондирилишига қараб икки турга бўлинадди. Шунга мувофиқ, ижтимоий ишлаб чиқариш ҳам икки бўлинмага ажралади.

I бўлинма, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш;

II бўлинма, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш.

Инсонларнинг эҳтиёжларини қондирувчи неъматлар ва хизматлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва тармоқларида яратилади. "Ижтимоий ишлаб чиқариш" деганда бутун жамият ёки макроиқтисодий миқёсда амалга оширила — диган ишлаб чиқариш жараёни тушунилади.

Хўш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилиши қандай? Ижтимоий ишлаб чиқариш бир — бири билан узвий боғлиқ икки соҳадан иборат.

Булар:


1) Моддий ишлаб чиқариш.

2) Номоддий ишлаб чиқариш.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг тузилишини 1 — ва 2 — чизмалардан кўришимиз мумкин.



Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилиши.



Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлиши керак. Унинг узлуксизлигини такрор ишлаб чиқариш жараёни таъминлаб беради. Такрор ишлаб чиқариш табиатан икки хил бўлади: оддий ва кенгайтирилган.

Оддий такрор ишлаб чиқаришда йил сайин ишлаб чиқариш ҳажми, яъни ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми ўзгармайди.

Кенгайтирилган ишлаб чиқаришда йил сайин ялпи миллий маҳсулот ҳажми ортиб боради.

Жамият тараққиёти учун кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) қанча кўп яратилса, аҳолининг турмуш даражаси шунча кўп ортиб боради. Яратилган ЯММ нинг бир қисми жамият аъзоларининг шахсий эҳтиёжига, қолган қисми ишлаб чиқаришни янгилаш ва ривожлантириш учун ишлатилади.

Яратилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан иборат қисми инвестиция учун ишлатилади.

Инвестиция — бу ишлаб чиқаришда капитални унумли ишлатишдир. Иқтисодийнинг ривожланиши давлатнинг инвестицион сиёсатига боғлиқдир. Инвестиция табиатан икки хил бўлади: ялпи инвестиция ва соф инвестиция.

Ялпи инвестиция — умуман ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган барча маҳсулотлар ва хизматлар йиғиндисидир, яъни инвестицион товарлардир.

Соф инвестиция — ишлаб чиқаришни янгилаш учун йўналтирилган инвестицион товарлардан ташкил топади.

2. Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида инсон табиат объектларига таъсир кўрсатади ва уларга ўзининг моддий эҳтиёжларини қондириш учун яроқли бўлган шакл беради. Демак, ишлаб чиқариш бевосита истеъмол қилиш ёки кейинчалик ишлаб чиқариш мақсадида табиат неъматларини қайта ишлашдир. Ишлаб чиқаришнинг бундай функцияси (вазифаси) унинг ҳар қандай ижтимоий шаклида сақланиб қолади.

Ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш учун ишлаб чиқариш омиллари (ресурсларига) эга бўлиш зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда неъматларни яратиш жараёнида қандай омиллари иштирок этиши тўғрисидаги масалани аниқлаб олиш муҳимдир.

Иқтисодий назариясида ишлаб чиқариш имкониятлари ва натижаларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи ўта муҳим элемент ёки объект тушунилади.

Маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш учун фойдаланила — диган бундай омиллар жуда кўпдир. Бинобарин, ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда ўзининг бир қатор омиллари иштирок этади. Шунинг учун, уларни тавсифлаш эҳтиёжи юзага келади.

Ишлаб чиқариш омилларини ажратишда ва уларни алоҳида гуруҳлар бўйича тавсифлашда турли ёндашувлар мавжуд.

Ишлаб чиқаришни шахсий омили сифатида доим ишчи кучи — инсоннинг меҳнат қилишга бўлган жисмоний ва ақлий қобилиятлари мажмуи кўриб чиқилади.

Ишлаб чиқаришнинг ашёвий омили сифатида ишлаб чиқариш воситалари қабул қилинади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш барча омилларнинг келишилган ҳолда ҳаракатда бўлишини, уларнинг пропорционал миқдорий нисбатини, ўзаро алмашувини ва ҳ.к. таъминлайди.

Маржиналистик назария анъанавий равишда ишлаб чиқариш омилларининг тўрт гуруҳини ажратиб кўрсатади: ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик фаолияти.

Ерга табиий омил сифатида қаралади. Бу гуруҳ элементларига (омиллари) табиий бойликлар, ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган фойдали қазилмалар киради. Бу категорияга ҳайдаладиган ерлар, ўрмонлар ва ҳ.к. киритилади.

Капитал товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда иштирок этувчи неъматлар мажмуи бўлиб, унга асбоб — ускуналар, машиналар, жиҳозлар, омборхоналар транспорт коммуникациялари, алоқа воситалари ва ҳ.к. киради.

Капитал кўп маънони англатади ва пул суммаси сифатида талқин қилиниши мумкин. У фақат моддий предметларгина эмас (ишлаб чиқариш воситалари), балки номоддий элементлар, маълумот, малака сингари инсон қобилиятларини ҳам ўз ичига олади.

Капитал бинолар, иншоотлар, жиҳозларда моддийлашади. Бундай капитал ишлаб чиқаришда бир неча йиллар давомида иштирок этади ва асосий капитал номи билан юритилади. Хом ашё, материаллар, энергетик ресурсларда моддийлашиб бир йўла бир ишлаб чиқариш цикли жараёнида сарф қилинадиган капитал айланма капитал деб аталади.

Капитал товар запаслари (захиралари) кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

Шундай қилиб капитал икки шаклда: натура — буюм ва пул шаклида намоён бўлади.

Меҳнат — бу инсоннинг бирор бир мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, унинг ёрдамида у табиат инъомларини

ўзгартиради ва уни ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мос — лаштиради. Ҳар қандай меҳнат бирор бир натижага эришишни кўзлайди.

Меҳнат неъматлар яратиш ва хизматлар кўрсатишга йў — налтирилган интеллектуал (ақлий) ва жисмоний фаолият ор — қали намоён бўлади. Шахснинг маълумоти, касбий тайёргар — лиги, тажрибаси, ва соғлиғига боғлиқ бўлган қобилиятлари маж — муи инсон капитали, бинобарин бу капитал бўйича оладиган даромади (иш ҳақи) шунчалик юқори бўлади. Инсон капиталига сарфланадиган инвестициялар ҳозирги вақтда жамият учун энг самарали ва тез ўзини қоплайдиган бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти — ишлаб чиқаришни ташкил қи — лишда ташаббускорликни, ишбилармонликни ва таваккалчи — ликни талаб этади.

Тадбиркорлик — гарчанд тадбиркор тушунчаси иқтисо — диётда XVIII асрда пайдо бўлган бўлсада (биринчи марта бу тушунчани инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон ишлатган) у бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва фақат ҳозирги юз йилликда уни ишлаб чиқаришнинг омили сифатида кўриб чиқилади.

Информация (ахборот) механизмлар, машиналар, жиҳозлар тизимида, менежмент ва маркетинг моделларида моддийлашган билимларнинг тизимийлигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш омиллари бир — бирига ўзаро таъсир кўрсатади ва улар ўзаро боғлиқдир. Жамиятдаги ишлаб чи — қариш жараёнидаги омилларнинг даражаси ишлаб чиқариш — нинг ҳажми ва сифатига жуда катта таъсир кўрсатади. Замо — навий технологияларнинг қўлланилиши маҳсулот сифатини ях — шилашга олиб келади ва ишлаб чиқаришнинг шахсий омилига ҳам таъсир этади, яъни унинг малакасини оширишга асос бўлади.

Жамият мунтазам равишда ишлаб чиқариш омилларини такомиллаштириб бориши керак, яъни техника ва технологияни, хом ашё ресурсларини ва малакали кадрларни тайёрлашни.

3. Ҳозирги замон хўжалик фаолиятини тавсифловчи асосий тушунчалар

Бугунги кунда хўжалик юритиш фаолияти тадбиркорлик, бизнес, тижорат, менежмент ва маркетинг каби тушунчалар билан тавсифланади.

Тадбиркорлик бу даромад олиш мақсадида илғорлик (новаторлик), таваккалчилик, кашфиётчиликдан фойдаланишга

асосланган хўжалик юритиш фаолиятидир. Кенгроқ маънода бу иқтисодиёт соҳасидаги ишбилармонлик, ташаббускорлик, фаол — ликдир. Тор маънода бу хўжалик юритувчи субъектнинг иқти — содий фаолиятидир.

Узоқ вақт давомида бизда бу ибора тан олинмас эди ва унинг ўрнига "хўжалик юритиш фаолияти" ибораси ишлатилиб келинар эди. Бизнинг иқтисодий тизимимизга "тадбиркорлик" иборасининг қайтиб қуйидаги зарур шартларни тан олишни англайди:

- ◆ хўжалик юритувчи субъектларнинг формал эмас, балки ҳақиқий иқтисодий ва юридик мустақиллиги;
- ◆ хўжалик юритувчиларнинг хўжалик юритиш фаолияти кўринишлари ва иқтисодий муносабатлар агентларини эркин танлаш;
- ◆ турли мулк шакллари, шу жумладан хусусий мулк шакли мавжудлигини ҳуқуқий тан олиш.

Тадбиркорлик қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

1. Нафақат хўжалик фаолияти ва унинг методларини тан — лашдаги эркинлик, мустақиллик, балки асосийси — новаторлик (илғорлик)дир;

2. Қабул қилинаётган қарорлар, уларнинг оқибатлари ва бу билан боғлиқ бўлган таваккалчилик бўйича жавобгарлик;

3. Иқтисодий ва маънавий муваффақиятга эришишни кўзлаб иш юритиш.

Ҳозирги кунда тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари кенг тарқалган:

- ◆ индивидуал (якка);
- ◆ биргаликдаги (қўшма корхоналар);
- ◆ таваккалчиликка асосланган (венчур), яъни инновацион фирмалар фан — техника тараққиётини изловчилар ва тадбиқ қилувчилар.

Фирмалар фан — техника тараққиётини изловчилар ва тадбиқ қилувчилар.

Бизнес — бу барча хўжалик юритувчиларни ўз ичига олувчи ва уларнинг фаолиятини бир бутунга жамловчи (интеграция қилувчи) тизимдир.

Бизнес тизимининг моҳияти шундан иборатки, бозор иқ — тисодиётининг ҳар бир субъекти ўзининг иши билан шуғулланади ва шу билан бирга жамиятда бизнес ўзларининг иқтисодий ташаббускорлигини, ишбилармонлигини, ишдаги удабуронлигини легал равишда амалга оширувчи кишиларга зарар келтирмаслигига хизмат қилувчи механизмлар ишлаб чиқилган бўлади.

Бизнес шакллари тавсифлаш турли мезонлар асосида амалга оширилади. Истеъмол (уй хўжалиги) ва меҳнат (ёлланма

меҳнат битимлари ва ҳ.к.) бизнеслари мавжуд. Ҳажмига қараб майда, ўрта ва йирик бизнесларни ажратишади. Мулк нор — маларига қараб хусусий, давлат ва коллектив (жамоа) бизнеслари бўлади. Капиталнинг тадбиқ қилиниши соҳасини ҳисобга олиб саноатдаги, савдодаги, таълимдаги, аграр хўжалиқдаги ва ҳ.к. бизнеслар тўғрисида гапириш мумкин. Капиталнинг байналми — наллашуви даражасига қараб миллий ва халқаро (трансмиллий корпорация) ва бошқа бизнесларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Бизнес ташкилий шаклларининг ривожланиши асосида оддий кооперация, мануфактура, фабрика, акциядорлик жамияти, халқаро фирмалари, тўла ўртоқлик, ишонч бўйича ўртоқлик, кооперативлар, аралаш жамият ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Тижорат (коммерция) — бу кишиларнинг савдо фойдасини олишга қаратилган савдо фаолиятидир. Тор маънода бу маҳ — сулотни сотиш ва фойда олиш бўйича муомала соҳасидаги тад — биркорлик фаолиятининг бир қисмидир. Кенг маънода бу ҳар қандай бизнеснинг таркибий қисми сифатидаги савдо би — тимларини тузишдир.

Ижтимоий фаолиятнинг энг янги шакллари лизинг (ишлаб чиқариш воситаларини сотиш учун ижара ва кредитни ўзига хос қўшилиши) ва факторинг (ишлаб чиқарувчи фир — мадан ўзининг мижозларига бўлган талабларини сотиб олиш йўли билан маҳсулот сотиш бўйича савдо битимларининг бажарили — шини жадаллаштирувчи тижорат фаолиятининг шакли)ни кири — тиш мумкин.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ишлаб чиқариш — зарурий товарлар тайёрлаш ва хиз — матлар кўрсатиш учун табиий ресурслар ва материаллар билан бирга ишчи кучи, жиҳозлардан фойдаланиш жараёни ёки ҳаё — тий неъматларни тайёрлаш жараёни.

Ишлаб чиқариш омиллари — ишлаб чиқариш имко — нияти ва натижаларига таъсир кўрсатувчи алоҳида муҳим эле — мент ёки объект.

Ишлаб чиқаришнинг шахсий омили — инсоннинг меҳнат қилишга бўлган жисмоний ва интеллектуал (ақлий) қобилиятлари мажмуи сифатидаги ишчи кучидир.

Ишлаб чиқаришнинг ашёвий омили — барча моддий ишлаб чиқариш воситалари.

Ер — ишлаб чиқаришнинг табиий омили.

Капитал — товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган неъматлардир. Булар асбоб — ускуналар, ма —

шиналар, омборхоналар, транспорт комуникациялари, алоқа воситалари ва ҳ.к. капитал пул суммаси сифатида нафақат моддий ашёларни, (ишлаб чиқариш воситалари), балки инсон қобиляти, таълим ва малака сингари номоддий унсурларни ҳам ўз ичига олади.

Асосий капитал — ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида иштирок этувчи ва ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотта қисмма — қисм ўтказадиган меҳнат воситалари.

Айланма капитал — хом ашё, материаллар, энергетик ресурсларда моддийлашувчи ва бир ишлаб чиқариш циклида сарфланувчи капиитал.

Меҳнат — бу инсоннинг бирор бир мақсадга қаратилган фаолияти бўлиб, унинг ёрдамида у ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун табиат инъомларини ўзгартиради.

Инсон капитали — шахснинг маълумоти, касб маҳорати тажрибаси, соғлиги билан боғлиқ бўлган қобилиятлари мажмуи.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бизнес тушунчаларига таъриф беринг.
2. Ишлаб чиқариш омилига таъриф беринг.
3. Асосий ва айланма фондларга таъриф беринг.
4. Инсон капииталига таъриф беринг.
5. Инвестициялар, инвестицион товар.

VIII Боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ДАРОМАД- КОРХОНАЛАРНИНГ ФОЙДАСИ

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва турлари.
2. Ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий тузилиши.
3. Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси.
4. Ўзбекистонда иқтисодий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш — миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш гаровидир.

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва турлари

Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш жараёни энг муҳим иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади. Бу жараёнда ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси энг асосий омил ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш бирликлари корхона ўз фаолияти натижаларидан имкони борича кўпроқ даромад олишга интилади. Ҳар қандай корхона ўз товарини бир мунча юқори баҳоларда сотишга, балки маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинадиган сарф харажатларни камайтиришга интилади.

Ҳар қандай иқтисодий фаолиятда маълум миқдорда сарфхаражатлар бўлади. Ҳар қандай фирма капитал негизида қурилади. Капитал — фойда топиш мақсадида фирма томонидан ишлаб чиқаришга қўйилган пулдир. Бу пул фирманинг ўз маблағи ва банкдан қарзга олинган пулдан иборат бўлиб, асосий ва айланма капитални ташкил этади (буларни МДҲ мамлакатларида асосий ва оборот фондлар деб ҳам юритилади). Асосий капитал — бино — иншоот, машина — ускуналарга сарфланади, улар узоқ вақт хизмат қилади. Хизмат қилиш даврига қараб уларнинг қиймати ҳар йили қисман яратилган товарларга ўтади. Маҳсулот сотилгач бу қисм пул шаклида яна фирмага қайтиб келади. Шу қисм амортизация дейилади. Масалан, тўқувчилик станогини 500 минг сўм туради ва 5 йил хизмат қилади. Ҳар йили унинг ёрдамида 50 минг метр газлама тўқилади, бу газлама нархи 25 миллион сўм туради, шундан 100 минг сўм станокнинг амортизацияси ҳисобланади ва у станок нархига нисбатан 20 фоизни ташкил этади.

$$\left(\frac{100}{500} \times 100 \right)$$

Ишлаб чиқариш учун ашёвий ресурслар (хом ашё, ярим фабрикат, ёқилғи, электр энергия, ҳар хил материаллар) ва иш кучи керак, уларни олиш учун кетадиган пул айланма капитали (фонди) деб аталади. Ашёвий ресурслар узоқ хизмат қилмайди, дарҳол ишлатилади ва уларнинг қиймати яратилган товарларга бир йўла ўтади. Ресурслар ишлаб чиқаришда қўлланилиб, товарлар ва хизматлар яратилади, улар бозорда сотилгач фирма (корхона) капитали қайтадан пул шаклига келади. Фирма капитали бозорга пул шаклида чиқса, у бозордан ресурс шаклига кириб ишлаб чиқаришга унинг омиллари сифатида қайтади. Фирма ресурслардан фойдаланиб, тайёр маҳсулот яратади, уни бозорга олиб чиқиб, уни пул шаклига айлантиради, сўнгра бир нарса сотиб олингач, ресурсларга айланади. Хуллас, тадбиркор капитали турли босқичлардан ўтиб, турли шаклларга киради ва шу йўсинда доиравий ҳаракатда бўлади. Фирма (корхонанинг) фаолияти бозордан ресурс сотиб олишдан бошланади. Фирма моддий ресурслар, яъни асбоб — ускуна, станоклар, транспорт ва алоқа воситалари, хом ашё, ёқилғи ҳар хил материалларни, меҳнат бозоридан иш кучини сотиб олади, яъни ишчиларни ишга ёллайди. Керак бўлса бинолар ва ерни сотиб олади. Мабодо, зарурат бўлмаса, уларни ижарага олиб, ижара ҳақини тўлайди. Иқтисодий ресурслар учун қилинган сарф ишлаб чиқариш харажатларига айланади.

Ҳозирги даврда ахборот — коммуникация технологиялари тизимини такомиллаштириш ишлаб чиқариш жараёнига, харажатларга, яъни ички маҳсулот миқдорига ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Ахборот — коммуникация технологиялари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш мамалакатлар иқтисодиётининг деярли барча соҳаларига кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Агар Ўзбекистонда барча фирмалар имкон даражасида фойда олишга эришиладиган мақбул иқтисодий тадбирларни оқилона ва тўғри қўллай олсаларгина, рақобатбардош товар маҳсулоти чиқариб, четдан валюта тушумига эга бўлса ёки сарф ва харажатларни камайтириб даромад имкониятларини кенгайтира олса, ўшандагина фирма иши барқарорлашиб бориши мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштирилиши шароитида фирма (корхона)лар ўз фаолияти натижаларидан кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Бунинг учун ўз товариғи анча юқори баҳоларда сотишга, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинадиган сарф харажатларни имкони борича камайтиришга ҳам интилади.

2. Ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий тузилиши

Фирманинг иқтисодий ресурслар учун қилган сарфи ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади. Харажатларсиз ҳеч бир иқтисодий фаолият юз бермайди. Сарф – харажат фойда олишнинг шarti, чунки бусиз ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Корхонанинг харажатлари товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган сарфлар, яъни иқтисодий ресурсларни топиш, харид этиш ва улардан самарали фойдаланиш сарфларидир. Харажатлар табиатан моддийлашган ва жонли меҳнат сарфини билдиради, улар корхонага товарларни қанчага тушганлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Бевосита ишлаб чиқариш харажатлари.

2. Муомала харажатлари.

Ишлаб чиқариш харажатлари деганда, маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш учун қилинадиган барча сарфлар, иш ҳақи, хом ашё ва минерал сарфлар, энергия, амортизация ва бошқа ишлаб чиқаришга боғлиқ сарфлар тушунилади.

Товар бирлигининг қийматида ишлаб чиқариш харажатлари фақат унинг бир қисмини ташкил этади, қолган қисмини муомала харажатлари ташкил этади.

Муомала харажатлари товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказгунча кетадиган сарфларга айтилади.

Кейинги пайтларда асосий фирмага ёрдамчи шахобча фирмалар кўпайди. Булар, маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда, маҳсулотни саралаш, қадоқлаш, сақлаш, олиб бориш, сотиш хизматлари билан шуғулланади. Албатта бундай фирма – лардаги хизмат харажатлари ҳам кўп ҳолларда товар таннархи таркибига бўлади.

Муомала харажатлари ҳам икки гуруҳга бўлинади:

1. Қўшимча муомала харажатлари.

2. Соф муомала харажатлари.

Товарларни, ишлаб чиқарилган корхонанинг ўзида қадоқлаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари қўшимча муомала харажатлари дейилади. Бу харажатлар ишлаб чиқариш жараёнига яқин туриб, товар қийматида киради ва уни қийматини оширади. Сарфланган харажатлар, товарлар сотилгандан кейин олинган пул, тушум суммасидан қопланади. Соф муомала харажатлари эса товар қийматини оширмайди ва ишлаб чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин

олинган фойда ҳисобидан қопланади. Демак соф муомала хара – жатлари фирманинг ўзига тегишли бўлмаган шу товарни тайёр – лаш билан боғлиқ иш жараёнларини бажарадиган бўлимлардаги харажатларга айтилади.

Фирмалар товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун кўплаб хом ашё ресурслари ва ёрдамчи материаллардан фойдаланадилар.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган товарларнинг ҳажмига таъсир этмайдиган харажатлар доимий харажатлар дейилади.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўл – майди, унинг ўсишига ҳам бевосита таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай, ҳатто нолинчи ҳажмида ҳам мавжуд бўлади.

Бунга корхонанинг тўлов мажбуриятлари (заёмлар учун фойз):

- ◆ солиқлар;
- ◆ амортизация ажратмалари;
- ◆ ижара ҳақи;
- ◆ қўриқлаш хизматига тўлов;
- ◆ ускуналарга хизмат кўрсатиш сарфлари;
- ◆ бошқарув ходимлари маоши ва шу кабилар киради.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариладиган товар миқ – дорининг ошиши ёки камайишига таъсир қилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқликда ўзгаради. Бунга хом ашё, материаллар, ёнилғи, транспорт хизмати, ишчилар иш ҳақи ва шу кабиларга қилинадиган сарфлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўз – гарувчан харажатлар йиғиндиси умумий ёки ялпи харажат – ларни ташкил қилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш самрадорлигини аниқлаш учун маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган сарф – харажатларни ҳисоблаш учун ўртача умумий, ўртача доимий, ўртача ўзгарувчан харажатлар тушунчаларидан фойдаланилади.

Ўртача умумий харажатлар ялпи (умумий) харажатлар – нинг ишлаб чиқарилган товар миқдорига тенг.

Ўртача доимий харажатлар доимий харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўртача ўзгарувчан харажатлар ўзгарувчи харажатларни миқдорига чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Хўжалик юритишнинг эркинлаштирилиши бозор иқти – содиёти ривожланиши жараёнида ҳар бир корхона энг юқори даражада фойда олишга эришиш учун ўз иқтисодий аҳволини

доимо таҳлил қилиб бориши керак бўлади. Чунки кучли рақо — батчилик шароитида фойда олишга эришиш учун ишлаб чиқа — ришни зарур миқдорини аниқлаб олиш муҳимдир. Бунда иқ — тисодий таҳлил мезони бўлиб қўшимча харажат тушунчаси хиз — мат қилади.

Қўшимча харажатларни шундай амалга ошириш керакки, оз сарф билан товар сифатига ёки унинг бозор харид дара — жасига катта ўзгартириш киритишга эришилсин.

Аввало, қўшимча харажат деб кейинги қўшилган маҳсу — лотнинг ҳар битта бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларга айтилади.

Тўғри харажатлар ҳам бўладик, булар маҳсулот таннар — хига бевосита қўшилиб унинг таркибига кирадиган хара — жатлардир.

Қўшимча харажатлар эса маҳсулот таннархига устама бўлиб, нарҳда акс этадиган харажатлардир (масалан, автомо — билга магнитофон ўрнатилиши каби).

3. Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси

Корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унуми — нинг ортиши ҳам моддий, ҳам меҳнат сарфларини қисқартиради.

Айни кунда бозордаги нарх, талаб барқарор шароитда меҳнат унумдорлиги харажатларини пасайтириш орқали фой — дани кўпайтиради.

Олинган фойда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қў — шимча маҳсулотнинг ўзгарган шаклидир. Демак фойданинг асл манбаи қўшимча маҳсулот бўлиб, у маҳсулот сотилгандан кейин пул шаклида намоён бўлади.

Товарларни сотишдан тушган ялпи пул тушумидан шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатлар (таннарх) чиқариб ташланса, корхонанинг баланс фойдаси ёки брутто фойдаси қолади. Бу иқтисодий фойда деб ҳам аталади.

Фирма учун фойданинг икки жиҳати бор: биринчиси, фойда массаси, яъни унинг умумий миқдори. Иккинчиси, фойда меъёри, яъни унинг нима эвазига олингани.

Фойда меъёри, фойда миқдорининг умумий харажатла — рига нисбатининг фоизлардаги ифодасига айтилади:

$$\Phi_{\text{м}} \frac{\text{Ф}}{\text{у}} \times 100$$

Фойда меъёри фирманинг жорий сарф — харажатлари на — қадар самарали натижа берганлигини аниқлайди. Бу меъёр

қанчалик юқори бўлса, фирма ихтиёридаги ресурслар муқобил тарзда шунчалик яхши ишлатилган бўлади.

Фойда меъёри ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажмига тўғри мутаносиб ҳамда фойдаланилган, авансланган маблағлар қийматига тескари мутаносиб бўлади.

Шу туфайли фойда меъёри корхона иш самарадорлигини интеграл кўрсаткичи ҳисобланади.

Республикамиздаги кўпгина самарали фирмалар эркин рақобат ва иқтисодиётни эркинлаштирилган шароитда иқтисодий фаолиятларини тўғри ташкил этиб, сифатли, зарур, харидоргир товар маҳсулотларини ишлаб чиқариб, ўз даромадларини ишлаб чиқаришни тезлаштириш, сарф ва харажатларни камайтириш, соф пул тушумларидан ишлаб чиқаришнинг кенгайтиришга сарфлаш ҳамда ҳар бир товар бирлигига кетадиган меҳнат ва сарф — харажатни камайтирган ҳолда фирма фойда меъёрини ошириб, ўз иқтисодий самарадорлигини таъминламоқда.

Жамият нуқтаи назаридан тақрор ишлаб чиқариш самарадорлиги чекланган ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Бу кўрсаткич ўзида ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодалайди. Ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлигига эришиш учун ресурслар корхона ва тармоқлар ўртасида шундай тақсимланиши керакки, натижада жамиятга энг зарур бўлган маҳсулотларнинг маълум турлари ишлаб чиқарилиши керак. Ишлаб чиқариш самарадорлиги жамият учун зарур бўлган ҳар бир товар энг кам сарф — харажатлар (ресурс сарфлари) билан ишлаб чиқаришни тақозо қилади.

4. Ўзбекистонда иқтисодий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш — миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш гаровидир

Ўзбекистон ер ости ва ер усти бойликларига бой мамлакатдир. Бу эса бутун дунёга машҳур чет эл компаниялари ва банкларини жалб этиши табиий ҳолдир.

Ўзбекистон ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади. Бу ерда Менделеев даврий системасининг барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2.7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган, истиқболли жойлар аниқланган. Улар юзга яқин минерал хом ашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 300 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган заҳиралари 370 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга умумий минерал хом ашё салоҳияти 3.3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ликвидлик даражаси юқори бўлган фойдали қазилмаларни ўзлаштиришга қарашилган инвестициялар катта — катта даромадлар келтиради. 1992 йилда олтин қазиб олиш бўйича "Зарафшон — Ньюмонт" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Қиймати 220 миллион АҚШ долларига тенг бўлган завод қурилиши 1993 йил октябрида бошланди ва бор — йўғи 18 ойда 1995 йил май ойида тугатилди.

1995 йилда қўшма корхона олтиннинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди. Ҳозирги вақтда ўзбекистонлик шериклар билан машҳур "Ньюмонт Майнинг Корпорейшн" (АҚШ) ва "Мицуи" (Япония) компаниялари ўртасида Тошкент заҳирасининг олтин рудаси конларини ўзлаштириш ҳақида битим имзоланди. Фаолиятнинг кўпгина соҳаларида ҳам бир қанча бошқа истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Республиканинг табиий бойликларини чет эл компаниялари билан биргаликда ўзлаштириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида Ўзбекистоннинг имкониятлари кенг. Бундай ҳамкорликнинг юқорида келтирилган мисоллари шундай лойиҳаларни амалга ошириш чет элик инвесторларни юксак даражада қизиқтираётганлигини яна бир бор исботламоқда.

Самарасиз корхоналарни тугатиш, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар ихтисослашувини ўзгартириш ишлари билан қўшиб олиб борилиши керак. Ишнинг бу жиҳати янги корхоналар барпо этишдан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли энг асосий вазифа ўтиш даври давомида бутун халқ хўжалиги тузилишини чуқур қайта қуришдан иборатдир. Шундай бир тизимни вужудга келтириш зарурки, бу тизим барча ресурсларимизни ҳисобга олиб Ўзбекистоннинг иқтисодий ва асосий мустақиллигини таъминлаш имконини беради.

2 — чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 12 май 2001 йил V — сессиясида Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳам қатнашди. Давлатимиз раҳбари ушбу қонун лойиҳасининг фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, мамлакатимизнинг ўзида ахборот — техник воситалар ишлаб чиқаришни ва уни дастурий таъминотини ривожлантириш халқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Президент компьютер техникаси, интернет тармоғи салоҳиятидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу —

нингдек, мамлакатимиз мактаблари ва олий ўқув юртларида кенгроқ фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Замон билан баравар қадам ташлаш, бу соҳада ривожланган мамлакатлар даражасига етишга интилиш зарур. Нафақат табиий заҳиралар, балки ақлий салоҳият ҳам катта бойлигимиздир. Шу туфайли биз илғор илмий – техно – логияларни ривожлантиришимиз ва бу соҳада ўз мутахассислари – мизни етиштиришга алоҳида эътибор беришимиз лозим, деб таъ – кидлаб ўтди.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ишлаб чиқариш харажатлари – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилина – диган барча сарфлар.

Ички харажатлар – корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан қилинган харажатлар.

Ташқи харажатлар – ташқаридан жалб қилинган ресурс – ларга тўловларни амалга оширишга кетган харажатлар.

Доимий харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайдиган, у ўзгарганда ҳам миқдорини ўзгартирмайдиган харажатлар.

Ўзгарувчи харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўз – гаришига таъсир этадиган харажатлар.

Ўртача харажатлар – маҳсулот бирлигига тўғри келади – ган харажатлар.

Қўшимча харажатлар – маҳсулотнинг навбатдаги қў – шимча бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар.

Тўғри харажатлар – маҳсулот таннархига бевосита қў – шилиб унинг таркибига кирадиган харажатлар.

Фойда массаси – фойда массасининг ишлаб чиқариш ха – ражатларига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодаси.

ТАКРОЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ишлаб чиқариш сарф – харажатларининг асосий тушунчасини ва таркибини тушунтиринг.
2. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқлар нимадан иборат эканлигини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
3. Ишлаб чиқариш ресурслари таркибида қайси бири узоқ муд – датли харажатларга киради?
4. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтиринг.
5. Фойда нормаси ва массасининг ошиши қандай омилларга боғлиқ?
6. Республикада иқтисодий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланишни тушунтириб беринг.

IX БОБ. НАРХЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

1. Нарх ва унинг функциялари. Нархнинг ташкил топиши. Мувозанат нарх.
2. Нарх турлари. Меҳнатнинг нархи. Сармоя нархи.
3. Рақобатнинг моҳияти. Рақобат турлари.

1. Нарх ва унинг функциялари. Нархнинг ташкил топиши

Бозор муносабатларида нарх муҳим категориялардан бири ҳисобланади. Жамиятда яратилган маҳсулотларнинг аксарияти, кўпчиликнинг меҳнати билан, яъни ижтимоий меҳнат билан яратилади. Натижада яратилган маҳсулотлар қийматга эга бўлади. Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни нархлаш зарурати келиб чиқади. Чунки товарларни айирбошлаш учун улар нархга эга бўлиши керак.

Нарх – бу товар қийматининг пулдаги ифодасидир. Қиймат қонунига биноан нарх қийматга тенг бўлиши керак. Лекин бозор таъсиродиётида нархнинг шаклланишига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Натижада нарх қиймат атрофида тебраниб туради. У ёки бу қийматдан баланд, ё тенг ёки қийматдан паст бўлади. Бозорда нарх ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки нарх орқали ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи сарф қилган меҳнатларини солиштирадilar.

Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг функцияларида (ва – зифаларида) кўриш мумкин. Унинг беш асосий функцияси бор.

Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси. Бунда нарх талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатга бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, таклиф талабга нисбатан камайиб кетса, нарх кўтарилиб кетади. Натижада ишлаб чиқарувчилар юқори фойда ола бошлайдилар. Юқори фойда ишлаб чиқарувчиларни кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди, улар бозорни тўлдирadi.

Бозорда таклифнинг кўпайиши нархларнинг пасайишига олиб келади. Натижада мувозанат нарх пайдо бўлади, талаб билан таклиф ўртасида мувозанат юзага келади.

Ҳисоб – китоб, ўлчов функцияси. Ижтимоий ишлаб чиқа – ришда қилинган харажатлар, фойда, кўрилган зарар, иш кучи маълум нархлар асосида ҳисоб – китоб қилинади.

Иқтисодий тартибловчи функция. Бозор муносабатларида нарх тартибга солувчи вазифасини бажаради. Бозордаги талаб билан таклиф ўртасидаги нисбат нарх воситасида ифода эти – лади. Масалан, агар бозорда талаб таклифга нисбатан юқори

бўлса нархлар кўтарилиб кетади. Юқори нархлар товар ишлаб чиқарувчиларга катта даромад келтиради. Натжижада улар кўп — лаб маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва бозорни тўлдирадилар. Бундай ҳолат нархларнинг пасайишига олиб келади ва талаб билан таклиф ўртасида мувозанат ҳолатини юзага келтиради. Шундай қилиб нархларнинг кўтарилиши ва пасайиши нати — жасида бозор мувозанати юзага келади.

Рақобат воситаси. Ҳалол рақобатнинг кураш усулларида бири бу нарх воситасида кураш олиб боришдир. Фирмалар рақобат курашида энгиш учун, бошқаларга нисбатан баҳоларни пасайтиришга уринадилар. Бунинг учун улар маҳсулот бир — лигига сарф қилинган моддий ва меҳнат харажатларини қисқар — тиришга ҳаракат қиладилар. Ишлаб чиқаришда янги техноло — гияларни қўллайдилар.

Социал ҳимоя функцияси.] Давлат аҳолининг ночор ва камбағал қатламини социал ҳимоя қилиш мақсадида, айрим то — варларга дотациялашган нархларни, яъни арзонлаштирилган нархларни белгилайди. Аҳолининг бундай қатламга арзон озиқ — овқат ва кийим — кечаклар сотилади. Дотациялашган нархлар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қўлланилади ва у вақтинча бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтилгандан кейин дотациялашган нархлар эркин нархларга алмаштирилади.

Нархларнинг ташкил топиши. Бозор иқтисодиётида нарх — ларнинг шаклланишига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Буларга: қиймат, талаб ва таклиф, бозор турлари киради. Нархлар биринчи навбатда товарларни ишлаб чиқариш жараёнида шаклланади. Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат асосида товар қиймати яратилади, яъни сарф қилинган буюмлашган ва жонли меҳнат ҳисобга олинади. Сарфланган меҳнат қанча кўп бўлса, товар қиймати ҳам шунча юқори бўлади, шунга мос равишда нарх ҳам баланд бўлади. Демак, нархнинг даражаси шундай бўлиши керакки, товарни яратиш учун қилинган сарф — хара — жатларни қоплаши ва даромад келтириши керак.

Талаб ва таклиф омили ҳам нархнинг шаклланишида му — ҳим аҳамиятга эгадир. Бозорда талабнинг таклифга нисбатан кўп бўлиши товар тақчиллигини келтириб чиқаради, бундай ҳолат ўз навбатида нархларнинг кўтарилишига олиб келади. Аксинча агар таклиф талабга нисбатан кўп бўлса, нархнинг пасайиши юз беради. Бозорда талаб билан таклиф нисбатининг мажуд бўлиши нархнинг қиймат атрофида тебранишига сабабчи бўлади.

Нархларга таъсир этувчи омиллардан бири — бозор тур — ларидир.

Эркин бозорда нархлар рақобат асосида шаклланади. Эр — кин рақобат бозори мувозанат нархни юзага келтиради. Пре —

зидент И.Каримов бу борада “чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди”¹.

Рақобатсиз бўлган монопол бозорда монопол юқори нарх — лар ўрнатилади. Бунга табиий монополияларни мисол қилиш мумкин, яъни нефть ва газ сотувчи фирмалар.

2. Нарх турлари. Меҳнатнинг нархи. Сармоя нархи

Бозор муносабатлари ривожланиши муносабати билан нархнинг бир неча турлари вужудга кела бошлади. Нарх тур — ларига улгуржи, шартнома, чакана, демпинг, нуфузли, чеклан — ган ва эркин нархлар киради.

Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчилар томонидан йирик товар партияларини кўтарасига сотганда белгиланади. Улгуржи савдо биржаларда амалга оширилади.

Шартнома нархлар — фирмалар ўртасида шартнома асо — сида белгиланган нархлардир. Шартнома асосида тузилган нархлар талаб билан таклиф нисбатига боғлиқ бўлмайди, яъни у ўзгармас нархдир.

Чакана нархларда товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилади ва у улгуржи нархдан юқори бўлади. Чакана савдо супермаркетларда, дўконларда ва бозорларда амалга оширилади.

Демпинг нарх сунъий равишда бозор нархига нисбатан пасайтирилган нархдир. Демпинг нарх керакли бозорга кириб бориш учун ва рақобатчиларга қарши курашиш учун қўлланилади. Демпинг нархлар фирмалар томонидан вақтинча қўлланилади. Улар бозорга ўрнашиб олгандан сўнг нарх кўтарилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат айрим товарларнинг нархини чеклаб қўяди, яъни нархнинг юқори ва қуйи чегарасини белгилайди. Шу билан бирга давлат дотациялашган арзон нархларни белгилайди, у давлат бюджети ҳисобидан арзонлаштирилади.

Нуфузли нарх бозорда монопол вазият вужудга келганда ўрнатилади. Монополиялар ўз маҳсулотига бозорда баланд нархларни ўрнатадилар ва юқори фойда оладилар.

Эркин нарх эркин бозорда талаб ва таклиф асосида келиб чиқади. Эркин баҳо ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи учун қулай нархлардир, у иқтисодий ривожланишга ёрдам беради.

Меҳнатнинг нархи. Иш кучи бозорида меҳнатнинг нархи, яъни иш ҳақи даражаси турли хил бўлган иш кучи ва ҳар хил

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Т. “Ўзбекистон”. 1995. 88 — бет.

иш турлари ўртасида, рақобат асосида келиб чиқадиган талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатга боғлиқ бўлади. Ҳар қандай иқтисодиётда иш ҳақи, даромаднинг асосий кенг тарқалган шакли бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётда кўпчилик жараёнларнинг тартибланиши иш ҳақи билан боғлиқдир. Масалан, номинал иш ҳақи билан реал иш ҳақи ўртасидаги катта фарқ инфляция даражасининг кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Номинал иш ҳақи — бу ишчининг сарф этган меҳнати, вақти учун олинадиган пул қийматидир. Реал иш ҳақи эса сотиб олинадиган товар ва хизматлар нархларининг даражаси билан белгиланади.

Иш ҳақи ўртасидаги фарқлар, ишчиларнинг малакаси ва бажариладиган ишнинг турига боғлиқ. Ишчининг малакаси қанча юқори бўлса, иш ҳақи шунча баланд бўлади. Тунда бажариладиган иш учун ва инсон учун зарарли бўлган ишга қўшимча иш ҳақи тўланади. Малакали ишчилар олинадиган фойдага кўпроқ ҳисса қўшгани учун юқори иш ҳақи оладилар. Малакали ишчилар нархининг баланд бўлишининг яна бир сабаби, уларни тайёрлаш учун қилинган сарф — харажатларнинг кўп бўлишидадир.

Сармоя нархи. Сармоя бозори, бу ишлаб чиқариш омилининг асосини ташкил этади. Бозордаги сармояга: бино ва иншоотлар, техника ва ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган машиналар, асбоб — ускуналар, ер, хом ашё ва материаллар, энергия ва бошқалар киради. Бозорда сармоянинг нархи, ишлаб чиқариш жараёнида уни ишлатиш натижасида олинадиган даромад билан ўлчанади.

Сармоя келтирадиган даромадни бир йиллик фоиз став — каси ўзида акс этадиган, яъни бир йиллик даромадни сармояга нисбатан фоиз ҳисобида ўлчанади.

3. Рақобатнинг моҳияти. Рақобат турлари

Зиддиятлар ҳар қандай тараққиёт, шу жумладан иқти — содий тараққиётнинг асосини ташкил этади. Зиддиятнинг йўқ бўлиши тараққиётни тўхтатиб қўяди. Иқтисодий тараққиётга бевосита таъсир этувчи зиддият бу рақобатдир.

Рақобат — бу ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда маҳсу — лотини сотиш мақсадида мижоз учун курашишдир. Президент И.А.Каримов рақобатнинг аҳамияти ҳақида, **“Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат — бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир”** деб таъкидлаган¹.

¹ И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999, 34 — бет.

Фақат табиий кураш, яъни яшаш учун курашиш тараққиётга олиб келади. Қайси бир мамлакатда рақобат шароити яратилган бўлса, шу мамлакат иқтисодиёти тез ривожланади. Рақобат шароитини фақат эркин иқтисодиётга, эркин бозор иқтисодиётига ўтилганда амалга ошириш мумкин. Бозор қатнашчилари — субъектлари ўз фаолиятларини эркин олиб боришлари, яъни улар бозор кўтарадиган, хоҳлаган маҳсулот ва хизматларни таклиф қила олишлари керак.

Рақобат кураши ишлаб чиқарувчиларни маҳсулот сифатини яхшилашга ва нархини пасайтиришга мажбур этади. Натижада улар иш услубини ва технологияни такомиллаштиришга мажбур бўладилар. Натижада бундан истеъмолчилар, умуман, жамият фойда кўради. Аҳолининг турмуш даражаси кўтарилади.

Бозор иқтисодиёти рақобатнинг бир нечта турини кел — тириб чиқаради. Рақобат турларини: сотувчилар, харидорлар, сотувчи ва харидорлар ўртасидаги, мукамал ва номукамал рақобатлар ташкил этади.

Сотувчилар ўртасидаги рақобат иқтисодий тараққиёт учун хизмат қилади ва рақобатнинг асосий турларидан бири ҳисобла — нади. Сотувчилар рақобатининг икки шакли бор: тармоқ ичида ва тармоқлараро. Тармоқ ичидаги рақобат маҳсулот сифатининг ўсишига ва нархларнинг пасайишига олиб келади. Тармоқлараро рақобат ўртача фойданинг шаклланишига сабабчи бўлади.

Харидорлар ўртасидаги рақобат бозорда товарлар етиш — маганд, товар тақчиллиги шароитида юзага келади. Бундай рақобат сотувчиларга қўл келади, улар товарлар нархини ошириб юборади.

Сотувчи билан харидор ўртасидаги рақобат мувозанат нархларини, яъни бозор нархини юзага келтиради. Бундай ра — қобат икки томонга фойдалидир.

Рақобат турларидан яна бири мукамал ва номукамал рақобатдир. **Мукамал рақобат** бозорда **соф рақобат** кўри — нишида мавжуд бўлади. Соф рақобат шароитида, бозорда то — вар ва хизматларни таклиф қилувчилар, мулк шаклидан ва фир — маларнинг катта — кичиклигидан қатъий назар рақобат қилишда тенг ҳуқуқли ва эркин бўлади. Мукамал рақобатли бозорда нархларнинг шаклланиши талаб билан таклиф қонунига бўй — сунади. Бундай бозорда ҳеч бир ишлаб чиқарувчи ўз тазйиқини ўтказа олмайди. Мукамал рақобат, бозорда товарлар сифатини яхшилашга ва нархини пасайтиришга ишлаб чиқарувчиларни мажбур этади. Натижада бундан истеъмолчилар ва жамият наф кўради. Мукамал рақобат иқтисодий ривожланишга асос бўлади ва уни тезлаштиради.

Номукамал рақобат бозордаги эркин рақобатни чеклаб қўяди. Амалиётда у уч кўринишда: монополистик рақобат, оли — гополия ва соф монополия рақобатида мавжуд бўлади.

Монополистик рақобат бозорида бир нечта йирик бўл — маган фирмалар харидорларга ўхшаш маҳсулотларни таклиф этадилар. Ҳар бир фирма бозорнинг маълум бир қисмига ўз таъсирини ўтказиши, лекин нархларни белгилашда уларнинг таъсири чекланган бўлади. Монополистик рақобат бозорида фирмалар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва нархларни келишиб олишлари қийин бўлади. Улар бир — бирига нисбатан мустақил ҳаракат қилишади.

Олигополия рақобат бозорида чекланган бир нечта йирик фирмалар қатнашади. Улар маълум бир товар турларини ишлаб чиқаришга яқка эгалик қиладилар. Масалан, автомобиль са — ноатида. Бундай бозорда рақобат чекланган бўлади.

Соф монополия рақобати шароитида бозорда битта фир — ма ҳукмронлик қилади. Унга рақобат қилувчилар бўлмайди. Соф монополия икки сабабга кўра вужудга келади: технологик ва табиий.

Технологик монополия янги технология ва техникалар — нинг кашф қилиниши ва йирик фирмаларнинг уларга яқка эгалик қилишидан келиб чиқади.

Табиий монополиялар табиий бойликларга айрим фирма — ларнинг эгалик қилишидан келиб чиқади. Ер ости ва ер усти бой — ликлари чекланганлиги сабабли уларга эгалик қиладиган фирмалар бозорда нархларни белгилашда ўз тазйиқини ўтказадилар. Масалан, нефть ва газ қазиб олувчи фирмалар томонидан.

Номукамал рақобат иқтисодий тараққиётни секинлаш — тиради ва унга зарар етказиши.

Бозор иқтисодиётида рақобат ишлаб чиқарувчилар то — монидан турли усуллар билан олиб борилади. Рақобатнинг ҳа — лол ва фирром усуллари бор. Ҳалол рақобат маданий бозорга ҳос бўлиб, у қонун белгиланган доирада олиб борилади.

Ҳалол рақобат нарх билан рақобат қилишни, маҳсулот сифатини кўтариш ва хизмат кўрсатишни (сервисни) яхшилаш орқали рақобат қилишни ўз ичига олади. Нарх билан рақобат қилишда фирмалар нархни пасайтириш учун маҳсулотни иш — лаб чиқаришга кетган харажатларни, яъни таннархини камай — тириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришадилар.

Фирром рақобат ёввойи бозорга ҳос бўлиб, ноқонуний ва ман этилган воситалар ёрдамида олиб борилади. Фирром рақобатда саноат жосуслиги, рэкет, қўпурувчилик, товар белгисини ўғирлаш, муаллифлик ҳуқуқини бузиш ва бошқа усуллар қўлланилади. Фирром рақобат иқтисодиётга ва жамиятга катта зарар етказиши.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун давлат ра – қобатчилик муҳитини яратади. Бунинг учун давлат бозорда турли мулк шаклларига асосланган ишлаб чиқарувчилар сафини кен – гайтириш чора – тадбирларини қўради, монополиялар юзага келмаслиги учун монополияга қарши сиёсат олиб боради ва монополияга қарши қонун чиқаради. Президент И.Каримов бу борада **“Товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яратиш ва монополиядан чиқариш билан боғлиқ масалалар ечимини яқунига етказиш зарур”**¹ деб таъкидлаганлар.

Бу қонунда бозорда фирмалар ўзаро нархларни белги – лашни келишиб олишлари ва бозорларни ўзаро бўлиб олиш – лари ман этилади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодасидир.

Эркин нархлар – талаб билан таклиф нисбатига боғлиқ бўлган нархлар.

Демпинг нарх – бозорга ўрнашиб олиш мақсадида сунъий равишда товарлар нархини пасайтиришдир.

Рақобат – бу ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда маҳсу – лотларни сотиш мақсадида мижоз учун курашидир.

Рақобат турлари – сотувчлар, харидорлар, сотувчи ва харидор ўртасидаги, мукамал ва номукамал рақобатлардир.

Рақобат усуллари – ҳалол ва фирром усуллардан ташкил топади. Ҳалол рақобат маданий бозорга хос бўлиб, у қонун белгилаган доирада олиб борилади. Фирром рақобат ёввойи бозорга хос бўлиб, ноқонуний йўл билан олиб борилади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Нархнинг таърифини беринг.
2. Нархнинг шаклланиши қандай омилларга боғлиқ?
3. Нарх турлари қандай бўлади?
4. Демпинг нарх қандай бўлади?
5. Рақобат нима?
6. Рақобат турларини санаб беринг.
7. Мукамал рақобатга таъриф беринг.
8. Номукамал рақобат қандай бўлади?

¹ И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижти – мой – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эр – кинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” рўзномаси. 2001 йил 17 фев – рал.

Х БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

1. Тадбиркорликнинг моҳияти, асосий тамойиллари, турлари ва ташкилий шакллари.
2. Фирмаларнинг ихтисослашиши, улар ўртасидаги алоқадорлик. Фирмаларнинг асосий шакллари.
3. Маркетинг ва унинг моҳияти.
4. Менежментнинг моҳияти ва вазифалари.

1.Тадбиркорликнинг моҳияти, асосий тамойиллари, турлари ва ташкилий шакллари

Тадбиркорлик ва бозор иқтисодиёти тушунчаларини бир – бирларидан ажратиб бўлмайди, яъни тадбиркорсиз бозор ва бозорсиз тадбиркорнинг бўлиши мумкин эмас. Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик тушунчасининг синоними сифатида бизНес тушунчаси ҳам қўлланилиб келади. **Бизнес** хўжалик субъекти фаолияти соҳаси ва уларнинг иқтисодий ман – фаатларини тавсифловчи иқтисодий термин бўлса, **бизнесмен** – ишбилармон(иш одами), тадбиркор ва тижоратчи маъноларини билдиради. Умуман олганда бизнесмен ва бизнес тушунчалари тадбиркор тушунчасига нисбатан кенгроқ маънони билдиради.

"Тадбиркорлик – моддий ва пул маблағларини фойда топиш йўлида сарфлаб, бозорга керакли товарлар ва хизматлар етказиб бериб, кишиларга наф келтирувчи, уларнинг ҳожатини чиқарувчи иқтисодий фаолият тушунилади"¹.

"Тадбиркорлик – янги имкониятларни қидириш, янги технологияларни қўллаш жараёни, капитал қўйишнинг янги соҳаларни топиш, эскича сарқитлар ва чегаралардан воз кечиш, ишлаб чиқариш омиларининг уч асосий таркибий қисмини боғлашнинг энг мақбул усуларини топиш"² дир. **Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан тадбиркорлик³:**

– тадбиркорнинг шахсий мол – мулки асосида;

– тадбиркорнинг бошқа жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан ажнабий ҳамда юридик шахсларнинг мол – мулкларини турли шаклларда жалб этиш асосида;

¹ Ўлмасов А. Иқтисодий асослари. – Тошкент "Меҳнат", 1997. 68 – 69 – бет.

² Долан Э. Дж, Лиңсей Д.Е. Рынок: микроэкономическая модель. – Санкт – Петербург, 1992. – С.14 – 15.

³ Уша жойда. 137 – бет.

– тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол – мулкларидан фойдаланиш асосида;

– юқоридаги шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик мулқдор томонидан ҳам, шунингдек унинг мол – мулкни идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Юқордагилардан кўриниб турибдики, тадбиркорлик фао – лиятини йўлга қўйиш учун киши ўз мулкига эга бўлиши, ёки ўз мулкига эга бўлмаслиги мумкин. Мулк соҳиби бўлмаслик тад – биркор бўлиш имкониятини чекламайди, аксинча кишилар ижара муносабатлари орқали ҳам тадбиркорлик фаолиятларини юритишлари мумкин.

Тадбиркорнинг пировард мақсади даромад (пул) топиш ҳисобланади. Тадбиркорлик инсонларнинг ички имконият – ла – рини, қобилиятларини очиб беришга йўналтирилган иқтисодий фаолият бўлганлиги сабабли кўпчилик тадбиркор бўлишга инти – лади. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали аста – секин мам – лакатда мулқдорлар синфи шакллана бошлайди.

Мулқдорлар синфини шакллантириш борасидаги "...энг муҳим ва долзарб вазифа... мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни жадаллаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулқдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш – дан иборат"¹ дир.

Ўзбекистонда тадбиркорлар ижтимоий жиҳатдан йўнал – тирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос равишда ишчи, хизматчи ва деҳқонлар ҳисобидан вужудга кела бошлади. Бу ерда тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилардан, фермерлардан, томорқа хўжалиги соҳибларидан, акциядорлик жамияти аъзоларидан, яқка тартибда ишловчилардан иборат.

Тадбиркорлик фаолияти мамлакатда рақобат муҳитини шакллантиради, инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш учун сифатли товарлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга хизмат қилади.

Тадбиркорликнинг ўзига хос тамойиллари мавжуд:

Мулк эгаси бўлиш. Тадбиркорларнинг ўз мулки бўлгани яхши, лекин у ҳеч қандай мулкка эга бўлмасдан (ўзгалар мул – кини ижарага олиб) ҳам иш юритиши мумкин, лекин тадбиркор ўз мулкига эга бўлса, ўзгалар мулкни ижарага олиб ишлагандан яхшироқ иқтисодий самара олишга ҳаракат қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг снёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент, 1996. 27 – бет.

Иқтисодий фаолият эркинлиги ва фаолият маҳсулини тақсимлаш мустақиллиги. Тадбиркор бозор талабини қондириш мақсадида ўзи танлаган соҳада фаолият кўрсатиши, ўзи хоҳлаган маҳсулотни қандай ва қаерда ишлаб чиқишни, уларни кимга, қачон ва қанчага сотишни, ўзига ҳамкор топишни шахсан ўзи ҳал қилади. Мазкур иқтисодий муносабатлар жараёнида унга тазйиқ кўрсатилиши тамомила инкор этилади.

Даромад (фойда) олишга интилиш. Тадбиркор даставвал ўзининг иқтисодий аҳволини яхшилашга, фойда олишга ҳаракат қилади. Унинг бу мақсади доимо сақланиб қолади. Пировардида у даромад олиш билан биргаликда жамият учун қанчалик керак эканлигини, ўз имкониятларини ўзгалар имкониятларидан яхшироқ эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Ўз фаолиятидаги иқтисодий масъулиятни ҳис этиш. Тадбиркор қайси соҳада фаолият кўрсатмасин у иқтисодий масъулиятни шахсан ўз зиммасига олиб иш юритади, олинган иқтисодий натижага фақат унинг ўзи жавобгар, масъулиятли бўлади.

Иқтисодий таваккалчиликни ўз бўйнига олиш. Тадбиркор иқтисодий хавф — хатарни ҳис қилиб, таваккал қилиб, "синиш"дан қўрқмасдан иш юритади. Агар кутилмаган ҳодиса бўлса, унга фақат тадбиркорнинг ўзи жавоб беради.

Тадбиркорлик қоидалари ва қонунларнинг устиворлигига риоя этиш. Тадбиркорлик фаолиятининг ўз ички қонун — қоидалари ва жамиятнинг қонуний асослари мавжуд. Қонун ва қоидалар қандай кўринишларга эга бўлишидан қатъий назар тадбиркор уларга амал қилиши ва ҳурмат қилиши керак ва шарт.

Рақобат муҳитини ривожланишида ва унинг курашида қатнашиш. Тадбиркор ўз фаолияти давомида сифатли товар ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши орқали рақобатни авж олишига ҳисса қўшиши ва унда ўзи ҳам фаол иштирок этиши лозим.

Тадбиркорлик сир. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар албатта ўзларининг сирларига эга бўлишлари ва уни қаттиқ ҳимоя қилишлари лозим бўлади. Чунки бизнес иши ўзгалардан сир тутилган тақдирдагина катта даромад келтириши тадбиркорга эса фаровонлик бағишлаши мумкин.

Ҳалоллик билан иш юритиш. Тадбиркор ҳалол пул топишга интилиши шарт. Бу тамойил тадбиркор тушунчасининг ҳақиқий табиатига айнан мос келади ва унга зид бўлган ҳар қандай ишларни, ҳаракатларни инкор этади.

Нуфуз (имиж)га эга бўлиш. Нуфуз тадбиркорнинг обрў — эътиборли бўлишини, ўз номига путур етказмасликни, фирма номига содиқликни ва уни эъзозлашни билдиради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқич — ларида давлат тадбиркорлиги (корхоналари) тадбиркорликнинг бошқа турларига нисбатан вақтинча устун бўлади. Ўтиш даврида мулкчилик муносабатларини жуда тезлик билан қайта қуриб бўлмайди, бу жараён узоқ давом этадиган тадрижий жараён бўл — моқлиги даркор.

Давлат корхоналари бюджет корхоналари, давлат ишлаб чиқариш корхоналари ва аралаш компаниялар тарзида фаолият кўрсатадилар. Давлат корхоналарининг барча даромад ва хара — жатлари давлат бюджети орқали ўтади, улар аниқ вазирлик ёки идорага ҳамда маҳаллий бошқарув органларига бўйсунди. Давлат ишлаб чиқариш корхоналари эса ўзларида тижорат корхоналари ва давлат органлари хусусиятларини мужассам этади.

Аралаш компаниялар эса ҳиссадорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган жамиятлар шаклида ташкил этилиб, улар чиқарган акциялар давлатга ва хусусий омонатчиларга тааллуқли бўлади.

2. Фирмаларнинг ихтисослашиши, улар ўртасидаги алоқадорлик. Фирмаларнинг асосий шакллари

Фирма — инглизча (firm, firm's Ftrade name) сўзларидан олинган бўлиб, тижорат мақсадларини кўзловчи корхона, компания ва бошқа хўжалик ташкилоти деган маънони анг — латади. Фирма (корхона) — бозор муносабатларига ўтиш ша — роитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнини амалга оши — рувчи миллий иқтисодиётнинг асосий бўғини сифатида намоён бўлади.

Фирмалар ўз олдига қўйган мақсадларига мос ва хос ра — вишда маълум соҳаларга ихтисослашадилар. Ихтисослашув дара — жаси ва фаолият йўналишига қараб корхонада ишлаб чиқариш омиллари уйғунлашади. Яъни унда муайян техника — технология бирлашади ва маълум касбий малака ҳамда маҳоратга эга кишилар меҳнат жараёнларига киришадилар. Меҳнат тақсимоли корхона ва турдош корхоналар гуруҳига фақат уларга хос, яъни бошқалар бажармайдиган вазифаларни бириктириб қўяди. Корхоналар ўзаро ҳамкорлик тамойилига асосланган ҳолда бошқа корхоналар билан боғланадилар ва бир — бирларининг хизмат — ларидан баҳраманд бўладилар.

Корхоналар маълум бир соҳаларда ихтисослашадилар ва маҳсулотларнинг айрим қисмларинигина яратадилар. Тайёр

маҳсулотнинг мураккаблигига қараб уни ишлаб чиқаришда юз — лаб, ҳатто минглаб, бир ёки бир неча мамлакатларнинг кор — хоналари иштирок этадилар.

Корхоналар меҳнат фаолияти соҳаси ва ихтисослашувига қараб саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, қишлоқ ҳўжалиги, сав — до, тижорат, маиший хизмат, маданий хизмат, даволаш, ўқитиш ва бошқа корхоналарга бўлинади.

Ўтиш даврида эркинлик даражасига қараб корхоналар уч тоифага бўлинади: давлат буюртмаси сақланган корхона, ҳам буюртма, ҳам бозорга ишловчи корхона, фақат бозорга иш — ловчи корхона.

Маъмурий — буйруқбозлик иқтисодиётдан бозор иқтисо — диётига ўтиш даврида корхоналарнинг эркинлиги чекланган бўлади. Ҳаттоки жамоа мулки ҳам амалда давлатлаштирилган бўлади. Шу сабабли кўпгина корхоналар, "давлат буюртмаси сақ — ланган корхоналар" мақомини оладилар. Улар давлатнинг назо — рати остида бўлади ва у белгиланган фаолият билан машғул бўлади. Лекин корхоналар доимо давлатнинг назорати остида қолмайди ва аста — секинлик билан бозор муносабатларига тортила бош — лайди. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш икки ёқлама тус олади:

➤ биринчидан, корхона давлат буюртмаси топшириғи билан ишлайди,

➤ иккинчидан, буюртма ҳажми қисқартирилиб, маҳсулот — нинг бир қисми бозорда ўз билганича сотила бошлайди. Бу ҳолда корхонанинг ҳам давлат буюртмасига, ҳам эркин бозорга иш — лаши имконияти яратилади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши корхонани иқти — содий мустақил бўлишини таъминлайди. Нимани қанча, қандай усуллар билан, қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва уни кимга, қанчага сотиш ва тушган пулни қандай мақсадларда ишлатишни корхонанинг ўзи ҳал қилади. Ёки бошқача сўз билан айтганда, корхона фақат бозорга ишлай бошлайди.

Юқоридаги хусусиятларнинг мавжудлиги корхоналарнинг турли шаклларда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Фирма (корхона)ларнинг шакллари қуйидагича бўлади:

❖ хусусий фирмалар;

❖ масъулияти чекланган фирмалар,

❖ масъулияти чекланмаган фирмалар, яъни ширкатлар;

❖ давлат корхоналари — фирмалари,

❖ аралаш корхоналар;

❖ корхоналар бирлашмаси (консорциум ва концерн);

❖ фирмалар шохобчаси (бўлинмаси) ва ваколатхонаси.

Хусусий фирмалар — айрим шахсларга ва оилаларга қа — рашли бўлиб, индивидуал хусусий мулк ҳисобланади. Бундай кор — хоналар кичик, ўрта бизнесда ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритадилар.

Масъулияти чекланмаган фирмалар — мол — мулки ше — рикчилик асосида эгалик қилинадиган ва олинган даромад қўшган ҳиссасига қараб тақсимланадиган фирмалардир. Бундай фирмада кўрилган зарар шериклар томонидан тенг қопланади.

Масъулияти чекланган фирмалар — жамоа корхонаси бў — либ, унинг мулки таъсис этувчиларнинг пай (ҳисса) маблағи асосида ташкил этилади. Бунда олинган даромад ёки кўрилган зарар қўшган ҳиссасига қараб тақсимланади ёки қопланади. Мазкур турдаги фирмаларга аралаш фирмалар, акционерлик жамиятлари киради. Масъулияти чекланган фирмаларнинг энг кўп тарқалган тури акционерлик жамиятлари ҳисобланади. Ак — ционерлик жамиятлари очиқ ва ёпиқ турда бўлади. Очиқ тур — даги акционерлик жамиятида акциялар эркин сотилиши ва со — тиб олиниши мумкин бўлади. Ёпиқ турдаги акционерлик жамият — ларида эса акциялар бир неча кишилар (корхоналар)га тегишли бўлиб, бозорда эркин сотиб олиниши мумкин эмас. Акционерлик жамиятлари ўзига қўйилган капиталнинг миқдорига қараб ак — циялар чиқаради. Ушбу акцияларни сотиб олган кишилар ак — ционерларга айланадилар ва фойдадан ўз ҳиссаси дивидендни олишга ҳақли бўладилар.

Давлат корхоналари — давлат мулки бўлган ва унинг на — зорати остида бўлган корхоналар. Мазкур корхоналар давлат ва маҳаллий ҳокимият органларига қарашли бўлади ва бир — галиқда давлат секторини ташкил этади. Ўзбекистон Респуб — ликасида ЯИМ ишлаб чиқаришда давлат секторининг ҳиссаси йил сайин камайиб бормоқда. Бу ҳолат ўз — ўзидан бозор муно — сабатларининг ривожланиб, такомиллашиб бораётганлигидан дарак беради.

Аралаш корхоналар — турли мулк шакллари таалуқли фирмалар бўлиб, хусусий, давлат ва жамоа мулкнинг аралаш маблағлари асосида ташкил этилади. Улар сирасига қўшма корхоналарни ҳам киритиш мумкин. Қўшма корхоналар хори — жий ва миллий капиталнинг аралашувида вужудга келади.

Консорциум — корхоналарнинг вақтинча ташкил этилган бирлашмалари. Улар одатда молиявий ишлар юзасидан ташкил этилиб, унга давлат, банклар, молия инвестиция компаниялари, йирик фирмалар, ҳар хил пул фонди ташкилотлари уюшади.

Концерн – ишлаб чиқариш, инвестиция, молия, техника ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида биргаликда иш юритишни кўзлайдиган корхоналарнинг мажмуаси ҳисобланади. Кон – цернлар бир ёки бир неча тармоқлараро бирлашмалар тарзида намоён бўлади.

Фирмалар шахобчаси (филиали) – йирик фирмаларнинг таркибий қисми бўлиб, мустақилликка эга бўлмайди.

Фирмалар иш кўламига қараб **кичик, ўрта ва йирик** биз – несга ажратилади.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд қонунчилик ҳужжат – ларига мувофиқ кичик ва ўрта бизнес (тадбиркорлик) корхоналари фаолият кўрсатади. Улар хусусий тадбиркорликдан фарқли ўла – роқ, юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишади. Қонунларда белгилаб қўйилганидек, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини тоифаларга ажратиш мезонига кўра у ёки бу тоифага қарашлилик ходимларнинг ўртача сони ва фаолият соҳасига қараб белги – ланади. Хусусан ўрта корхоналарда ходимларнинг максимал сони 100 кишини, кичик корхоналарда – 40 кишини, микрофирмаларда эса – 10 кишини ташкил қилади.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг шакли, ихтисос – лашуви ва ҳажми унинг самарали эканлигини кўрсатувчи бел – гилар эмас. Мазкур корхоналарнинг ҳақиқий самарадорлиги уларда маркетинг фаолиятининг қандай йўлга қўйилганлигига ҳам боғлиқ бўлади.

3. Маркетинг ва унинг моҳияти

Маркетинг фаолияти тадбиркорларнинг манфаатлари асо – сида ташкил топади. Модомики шундай экан, аввалги тадбиркор билан ҳозирги тадбиркор ўртасида катта фарқ борлигига эътибор бериш талаб этилади. Аввалги тадбиркорлар ўз фаолиятларида мукамал андозаларга мос келувчи ишлаб чиқаришни ривож – лантириш ва унинг натижаси бўлган маҳсулотнинг сифатига катта эътибор берган бўлсалар, ҳозирги кунга келиб бундай ёндашув етарли даражада замон талабларига мос келмайди. Ҳозир ишлаб чиқаришнинг ва тўловга қобил талабнинг тўла маънода бозорга йўналтирилганлиги ва мослашуви муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ҳам маркетинг фаолиятини ўрганиш ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга.

Маркетинг (инглизча – **market** – бозор деган маънони анг – латади) – бозорни ҳар томонлама ўрганиш орқали фирма ол – дида турган муаммоларни ҳал этишдир.

"Маркетинг" термини биринчи бўлиб АҚШда пайдо бўлди ва амалиётга тадбиқ этилди. Унинг пайдо бўлиши объектив зарурият бўлиши билан биргаликда давр тақозоси ҳамдир.

Маркетингнинг пайдо бўлиши унинг қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

- XX асрнинг 60—80—йилларига келиб товар ишлаб чиқариш, уни сотиш жараёнлари мураккаблашди ва жадаллашди;
- товарлар ассортименти (тури) кўпайди ва улар тез янгилана бошлади;

- товарларнинг маънавий эскириши жараёни жадаллашди;
- ишлаб чиқариш имкониятлари интенсив равишда орта бошлади;

- бозор талабларидаги умумий ва хусусий ўзгаришлар тезлашди;

- тадбиркорлар ўртасидаги рақобат кучайиб кетди ва ҳ.к.лар.

Маркетинг фаолияти натижасида бозор муносабатлари шароитида юзага келиши "хавфи" бўлган аксарият муаммоларни ўз вақтида, оқилона усуллар билан ечиш йўллари топилди. Маркетинг фаолияти юқори даромад олиш борасида корхона имкониятларидан самарали фойдаланиш ва фирма келажagini бозор анъаналарига мос равишда башоратлаш имконини беради.

Маркетингнинг **афзаллик жиҳатлари** шундаки, у замонавий хўжалик юритиш усуллариини ўзида мужассам этади. Шу билан бирга у ўз амалиётида илғор фан—техника янгиликларидан, хусусан, информатика ва кибернетика соҳасидаги янгиликлардан, шунингдек, психология фани ютуқларидан ҳам кенг фойдаланади.

Маркетинг жараёни жуда мураккаб ва ўзига хос жараёндир. Шу боис ҳам унинг моҳиятини баён этишга қаратилган 2000 дан ортиқ таъриф мавжуд. Лекин уларнинг барчаси ҳам маркетингнинг моҳиятини тўла очиб беради деб айтолмаймиз. Масалан: маркетинг тўғрисида Ф.Котляр: "Эҳтиёжни ахтаринг ва уни қидиринг. Сота оладиган товарни ишлаб чиқаринг. Товарни эмас, мижозни севинг" деган фикрларни билдиради.

Маркетингга қандай таъриф берилишига қарамасдан, унинг фаолияти натижасида қуйидагилар таъминланади:

- Бозор ва ундаги талабнинг таркиби, ўзига хослиги, харидорларнинг диди ва нозик жиҳатлари тўғрисида ўз вақтида, ишончли, тўғри маълумотга эга бўлинади;

- Рақобатчиларнинг товарларига қараганда яхшироқ, бозор талабларига айнан мос келадиган, харидорларнинг дидига кўп—

роқ жавоб бера оладиган, товарлар ва уларнинг йиғиндиси (ас – сортименти)ни яратиш имкони пайдо бўлади;

– Маркетинг фаолияти истеъмолчига, унинг талабига ва пировард оқибатда бозорга таъсир этади ва уни ўз назоратига олади.

– Маркетингнинг диққат марказида инсон истеъмоли ётади ва шунга ўхшаш йўналтирилган фаолият туфайли пировард мақсадга эришилади.

Маркетинг фаолияти товар ҳаракатининг деярли барча босқичларида бирдек зарур. Маркетингнинг истеъмолчи талабини тўла қондира олишидаги аҳамиятини қуйидагича босқичма – босқич кўришимиз мумкин¹.

– Истеъмолчи юқори сифатли ва ўзи учун маъқул баҳодаги товарга нисбатан ижобий муносабатда бўлади. Натижада товар осонгина сотиш қилинади ва товар эгаси ўз мақсадига осонлик билан эришади. Натижада кўзланган миқдордаги товарларни сотиб, кутилган даражада фойда олиш мумкин. Бунда соддагина махсус тижорий – маркетинг фаолияти юз беради холос.

– Айрим ҳолатларда товарларни сотиш ва ундан катта фойда олиш учун бозорни чуқур ўрганиш, реклама, баҳо сиё – сати, товарларни сотиш ва сақлаш билан боғлиқ ишларни ба – жариш, қадоқлаш ва товарларни ўраш, товарлар сотилгандан кейинги истеъмол билан хизматларни уюштириш каби ишларни ўз ичига оладиган мураккаб маркетинг тизими талаб этилади. Бу албатта оддий савдо эмас, балки товарлар ҳаракатини меъё – рига етказиш билан боғлиқ барча ишларни амалга оширишдан иборат мураккаб жараённи ўз ичига олувчи маркетинг хизма – тидан иборатдир.

Маркетингнинг ўзига хос жиҳатидан бири унинг истиқ – болга йўналганлигидир. Маркетингнинг бу жиҳати потенциал харидорнинг келажакдаги эҳтиёжларини ва бу эҳтиёжларни қондириш учун муайян товарлар, технологиялар ва хизмат – ларни таклиф этишда кўринади. Маркетинг муносабатларидаги энг муҳим жиҳат – унинг мақсадга йўналтирилганлиги, маж – муалилиги ва маркетинг фаолиятини ташкил этувчи таркибий қисмларини мақсадга мувофиқ равишда ягона “технологик жа – раён”га бирлаштиришда кўринади.

Маркетингнинг вазифаси – корхонанинг барқарор са – марадорлик даражасини, муайян вақт давомида сердаромад – ликни таъминлаш ҳисобланади.

¹ Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999, 268 – бет.

Маркетингдан фойдаланишнинг иқтисодий моҳияти асосий ва айланма фондлар самарасини тезлаштириш, янги товар — ларни яратиш ва уларни ташқи бозорлар томон ҳаракатини тезлаштириш билан чегараланмайди, балки ушбу жараёнларда юқори тижорий самара олиш бош мақсад ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маркетингдан фой — даланиш бозор муносабатларига ўтиш даврида катта аҳамиятга эга ва корхоналарни ушбу даврда яшаб қолишининг муҳим шартини ҳам ҳисобланади.

Корхоналар бозор муносабатлари шароитида яхши фао — лиятга эга бўлиши учун маркетинг фаолиятининг ўзига хос тамойилларига бевосита риоя этишлари ҳам талаб этилади.

Булар қуйидагилардир:

— Бозорнинг тез ўзгарувчан талабини ва тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида шароитларини, уларнинг тадрижийли — гини ва ҳолатини аниқ ҳисобга олиш;

— Ишлаб чиқаришни, маҳсулот ассортиментини ва ишлаб чиқариш — сотиш ва савдо фаолиятини бозор талабларига, иж — тимой талабнинг таркибига ва ривожланишига максимал дара — жада мослаштириш;

— Талабга, бозорга ва товар сотилиш жараёнларига мав — жуд воситалар билан фаол таъсир этиш ва ҳ.к.лар.

4. Менежментнинг моҳияти ва вазифалари

Менежмент (инглизча management) — "...у ёки бу фаолият турини (ташқил этишни ва раҳбарлик қилишни) иқтисодий, молияни ва бошқа инсон ҳаётидаги ишбилармонлик соҳасини ташқил қилиш ва бошқаришни билдиради"¹. Менежмент ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи инсонлар ўртасидаги, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги муносабат — ларни ўрганувчи фандир.

Менежмент ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этишнинг шакл ва усулларини ўрганиш билан бир қаторда ушбу жа — раёнда иштирок этувчи инсонлар ўртасидаги муносабатларни ҳам ўрганади ва бу борада яхши натижаларга эришишни на — зарда тутади.

Менежмент тушунчасини идрок қилишда кўпроқ улар — нинг умумий ва хусусий тушунчалар кўринишидаги фарқларини билиб олиш керак бўлади. Масалан, менежмент тушунчасининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиҳати қуйидагича бўлади.

¹ Фуломов С.С. Менежмент асослари. — Тошкент, 1998, 13 — бет.

Тадбиркорлик фаолияти — бизнеснинг ва иқтисоднинг турли — туман соҳаларида намоён бўлади. Унинг фарқланишидаги хусу — сияти, унинг ақли фаолияти ва чаққон ташаббускорлиги бўлиб, моддий бойликка тўла ёки қисман эга бўлиб, уларни ўз ишини, ўз бизнесини ташкил этиш учун ишлатади.

Менежментдаги энг муҳим тушунчалардан бири — мене — жердир. Менежер малакали бошқарувчи бўлиб, у одамлар ҳа — ракатини ўз мақсадларига эришишга йўналтиради. Тадбиркор аниқ бир ишга эга бўлса, менежер эса хизматчи ҳисобланади. Кичик бизнесда бир шахс ҳам тадбиркор, мулк эгаси ва ҳам менежер вазифаларини бирга бажаради. Аксинча, корпора — цияларда, йирик фирмаларда менежерлар корпуси кўпинча бир вақтда қисман мулк эгаси ҳисобланадилар. Менежер, тадбиркор актив фаолият билан шуғулланувчи одамлар бўлиб, улар муваф — фақиятга эришганларида катта даромад оладилар.

Менежмент махсус фаолият тури сифатида қатор вази — фаларга эгадир. Улар ичида энг муҳими бошқарув вазифаларидир. Бошқарув вазифалари — бу бирор объектга раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган фаолият тури деб тушунилади. Бошқарув вазифа — лари ўзининг таркиби билан бошқарув технологиясини бунёд этади. Бошқарув вазифасининг маъносига иккита элемент киради: у аввал тизимда нима қилинаётганлигини белгиласа, сўнгра қан — дай қилиб саволига жавоб беришни билдиради.

Бошқарув вазифаларини тақсимлаш туркумларида икки хил ёндашув мавжуд.

Биринчиси, бошқарувнинг умумий вазифаларини белги — лаш. Уларга қуйидагилар киради:

- Режалаштириш;
- Ташкил қилиш;
- Мувофиқлаштирилган ва тизимга солиш;
- Назорат;
- Тартибга солиш.

Иккинчиси, бошқарув объекти хусусиятини баҳолашга асосланади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш бошқарувида бутун бир тизимнинг аниқ вазифалари ажратиб кўрсатилади.

Улар қуйидагилар:

- Асосий ишлаб чиқаришни бошқаруви;
- Ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқаруви;
- Хизматга ишлаб чиқаришни бошқаруви;
- Маркетинг бошқаруви;
- Молия бошқаруви;
- Сифат бошқаруви;

- Меҳнат бошқаруви;
- Янгиликлар киритиш бошқаруви;
- Ходимлар бошқаруви ва бошқалар.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Тадбиркорлик – янги имкониятларни қидириш, янги тех – нологияларни қўллаш жараёни, капитал қўйишининг янги соҳа – ларини топиш, эскича сарқитлар ва чегаралардан воз кечиш, ишлаб чиқариш омилларининг уч асосий таркибий қисмини боғлашнинг энг мақбул усуларини топиш.

Хусусий тадбиркорлик – хусусий ташаббус орқали ўз маблағларини ишга тушириш асосида ташкил этиладиган тад – биркорлик.

Жамоа тадбиркорлиги –, фуқаролар гуруҳи, жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этилади.

Шартномавий тадбиркорлик – корхона раҳбари томо – нидан амалга оширилади ва у мулк эгаси ёки унинг ишончли вакили (органи) томонидан маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни олиб жа – вобгарликни ўз бўйнига олади. Раҳбар – тадбиркор фуқаро тад – биркор қандай рўйхатдан ўтса, у ҳам шундай рўйхатдан ўтади ва жавобгарлиги ҳам худди фуқаро – тадбиркорники каби бўлади.

Фирма – инглизча (*firm, firm's* Ftrade name) сўзларидан олинган бўлиб, тижорат мақсадларини кўзловчи корхона, компания ва бошқа хўжалик ташкилоти деган маънони англатади.

Хусусий фирмалар – айрим шахсларга ва оилаларга қарашли бўлиб, индивидуал хусусий мулк ҳисобланади.

Давлат корхоналари – давлат мулки бўлган ва унинг на – зорати остида бўлган корхоналар.

Аралаш корхоналар – турли мулк шаклларига тааллуқли фирмалар бўлиб, хусусий, давлат ва жамоа мулкининг аралаш маблағлари асосида ташкил этилади.

Маркетинг (инглизча – *marketing*) – аниқ истеъмолчилар – нинг талаб(эҳтиёж)ларини имкони борича тўлароқ қондиришга қаратилган ва шу асосда юқори фойда олишни кўзлаган, фирма миқёсида ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишнинг маж – муали тизимидир.

Менежмент (инглизча *management*) – "...у ёки бу фаолият турини (ташкил этишни ва раҳбарлик қилишни) иқтисодий, молияни ва бошқа инсон ҳаётидаги ишбилармонлик соҳасини ташкил қилиш ва бошқаришни билдиради.

Менежер – малакали бошқарувчи бўлиб, у одамлар ҳа – ракатини ўз мақсадларига эришишга йўналтиради. Тадбиркор

аниқ бир ишга эга бўлса, менежер эса хизматчи ҳисобланади. Кичик бизнесда бир шахс ҳам тадбиркор, мулк эгаси ва ҳам менежер вазифаларини бирга бажаради.

Бошқарув вазифалари — бу бирор объектга раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган фаолият тури деб тушунилади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бизнес ва тадбиркорликнинг фарқи нимада?
2. Тадбиркорликнинг қандай турлари бор?
3. Тадбиркорликнинг қандай шакллари биласиз?
4. Фирма нима?
5. Фирмаларнинг ихтисослашувига қараб унинг қандай турларини биласиз?
6. Ўзбекистонда тадбиркорлик ва уни қўллаб — қувватлаш тўғрисида қандай қонунлар ва қарорлар қабул қилинган?
7. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти қандай ривожланмоқда?
8. Маркетинг нима?
9. Менежмент нима?
10. Менежер ким?

XI Боб. БОЗОР ШАРОИТИДА ИШ ҲАҚИ ВА БАНДЛИК МУАММОЛАРИ

1. Иш ҳақи тақсимот муносабатларининг шакли сифа — тида. Иш ҳақи турлари.
2. Меҳнат бозорида рақобат ва иш ҳақи тўлаш. Ўзбе — кистонда бандлик муаммоси, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш.
3. Ҳозирги даврда меҳнат муносабатларини иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларнинг роли.

1. Иш ҳақи тақсимот муносабатларининг шакли сифатида. Иш ҳақи турлари

Иш ҳақининг мазмунини тўғри тушуниб олиш учун энг аввало яратилган миллий маҳсулотнинг тақсимланиш тамо — йиллари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш керак. Ҳозиргача ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (товар ва хизматларнинг) тақсимлаш тамойиллари бўйича турли назариялар мавжуд..

Жумладан, А.Смит тақсимотни айрибошлаш муноса — бат — лари орқали кўриб чиқди. У меҳнат тақсимооти ва инсонларнинг меҳнат натижаларини айрибошлашга мойиллик, умуман олганда, яратилган маҳсулотни пировардида ўзлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Д.Рикардо ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шаклини тақ — симот қонунлари орқали аниқлашга ҳаракат қилган. Демак, бу — ларни қарашларида даромад турларининг у ёки бу шаклини аниқлаб бериш билан бир қаторда манфаатларнинг иккита асосий томони ҳам кўрсатилади. Тақсимот, биринчидан, ман — фаатларнинг қарама — қаршилиги, иккинчидан эса, манфаат — ларнинг ҳамжиҳатлиги асосида бўлиши мумкин.

Иқтисодий назариянинг ҳозирги замон намоёндалари қа — рашларида ҳам тақсимотнинг умумиқтисодий тамойили (қонуни) борлиги қайд этилади. Аммо бунда даромадларнинг тенгсизлиги мавжудлиги инкор этилмайди ва унга сабаб қилиб ресурсларнинг чекланганлиги ва уларнинг нотекис тақсимланиши кўрсатилади.

Барча назарий қарашларни умумлаштирсак, тақсимот му — носабатларида ишлаб чиқариш иштирокчиларининг манфаатлари ифодаланади.

Ишчи даромадининг моҳияти иш ҳақи тўлаш қонуни, яъни объектив иқтисодий боғлиқлик акс этган иш ҳақи иш кучининг қийматига ёки баҳосига кўра аниқланиши билан ифодаланади.

Бу иш ҳақининг миқдори, ишчи томонидан зарурий иш вақтида яратилган қиймат ўлчамига боғлиқлигини билдиради. Агарда ишчининг — қиймати кўтарилса, иш ҳақи ҳам ортиши керак ва аксинча. Меҳнаткашларнинг, ҳар қайси ишчининг иш ҳақи миқдори, ишлаб чиқаришда, бозорда, ижтимоий муносабатлар соҳасида вужудга келган турли хил омилларга боғлиқ.

Уларнинг ичида энг асосийси ишчи кучи қийматининг юқори ва паст даражаси бор. Ишчининг сарф этилган меҳнат лаёқатини тиклашга, унинг малакасини оширишга, оиласини боқишга кетадиган қиймат йиғиндисининг қуйи чегараси бўлади. Кўп давлатларда ҳозирги даврда паст малакали ишчи ва хизматчилар ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган маблағ миқдори камбағаллик даражасини аниқлаш учун, рас — мий равишда, турмуш кечириш минимуми ҳисоблаб чиқилмоқда ва шунга кўра иш ҳақининг энг кам (минимал) миқдори белгилаб қўйилмоқда.

Белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори даражаси пулнинг қадрсизланиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши етарли молиявий маблағлар жамғарилиши каби иқтисодий ша — роитларда кўрилиши мумкин.

Ишчи кучи қийматининг чегараси, яна ўша мамлакатда шаклланган анъанавий удумлار, ижтимоий маданий эҳтиёж — ларни қондириш учун керакли маблағни ҳам ўз ичига олади.

Юқоридаги айтилган назарий фикрларни ва амалий таж — рибаларни ҳамда ҳозирги давр бозор иқтисодиётига ўтишдаги мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларини ҳисобга олиб, яратилган маҳсулотни тақсимлашнинг асосий йўналишларини қуйидагича асослаш мумкин.

— Умуман олганда маҳсулотни, бинобарин, даромадларни тақсимлаш ҳам доим бир хил бўлмай, балки шу даврда амал қилиб турган иқтисодий муносабатлар тизимига, жумладан мулкчилик муносабатларига боғлиқ бўлади.

Яратилган ички миллий маҳсулотнинг унинг ишлаб чиқа — рувчилари ўртасида меҳнатнинг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб тақсимланадиган қисми иш ҳақи деб юритилади.

Иш ҳақи ҳозирги даврда ҳамма мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

Иш ҳақи, ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир.

Иш ҳақининг шакллари ва турлари. Ишлаб чиқаришнинг техник асослари, ишчилар меҳнатининг мазмуни, уларга билим

бериш ва касб — корликка ўргатиш борасидаги ўзгаришлар муносабати билан иш ҳақи шакли ва тизимлари ҳам вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Иш ҳақини ташкил этишда унинг иккита асосий шакли: вақтбай ва ишбай шакллари фарқланади. Вақтбай иш ҳақи ходимнинг малакаси, меҳнатнинг сифати ва ишлаган вақтига қараб тўланадиган иш ҳақидир. Вақтбай иш ҳақи миқдори бажарилган иш вақти миқдорига кўра белгиланади. Бунда иш ҳақи ўлчами бир соат, кун, ҳафта ёки ойга ҳисобланади ва ишланган вақтга кўпайтирилади.

Ишбай иш ҳақи ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулот миқ — дори ёки бажарган ишининг миқдорига қараб бериладиган иш ҳақидир. Маҳсулот бирлиги учун раценка (тўлов), тариф став — касидаги ҳақни ишлаб чиқариш меъёрига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Ҳақ тўлаш шакллари аниқ меҳнат шароитларини ҳисобга оладиган турлари иш ҳақининг тизимини ташкил қилади. Ишчиларнинг бир қисмига тўғри ишбай тизими бўйича ҳақ тў — ланади. Бунда ишлаб чиқариш меъёри қандай даражада бўли — шидан қатъий назар, иш ҳақи маҳсулот бирлиги учун белгиланган раценка бўйича тўланади.

Ишбай — мукофот тизими бир қанча кўрсаткичлар учун мукофот беришни назарда тутади. Ишбай прогрессив ҳақ тўлашда ишчининг белгилаб қўйилган меъёр доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотига унинг бирлиги учун белгиланган раценка бўйича иш ҳақи берилади, меъёрдан оқорисига эса оширилган ҳақ ра — ценка бўйича тўланади. Ишбай иш ҳақининг тизимида якка тар — тибдаги жамоа ва ижара пудратида қўлланиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фарқланади. Ҳозирги даврда ҳақ тўлашнинг жамоа шаклида иш ҳақи бригада, цех ва бошқа бўлинманинг пировард меҳнат натижаларига боғлиқ қилиб қўйилади.

Ишчиларнинг иш ҳақини табақалаштириш энг аввало дав — лат тариф тизими ёрдамида амалга оширилади. Тариф тизими мажмуи ёрдамида тармоқлар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб ишчи ва хизматчилар — нинг иш ҳақи даражаси тартибга солиб турилади.

Тариф тизими, тариф малакаси справочниклари иш ҳақига қўшимча ҳар хил коэффициентларини ўз ичига олади. Тариф — малака справочниклари айрим касблар ва меҳнат турларининг батафсил тарифи, у ёки бу аниқ ишни бажарувчининг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблардан иборат бўлади, шу — нингдек, унда бу ишни тарифлаш учун қўйиладиган разрядлар ҳам кўрсатилади. Тариф сеткасида улар биринчи разрядли иш —

чига ҳақ тўлаш билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзаро нисбатини кўрсатади (биринчи разряднинг та — риф коэффициенти ҳамма вақт бирга тенг).

Тариф ставкалари тегишли разрядга эга бўлган ишчининг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаб беради.

Меҳнат қилиш шароити оғир ва зарарли бўлган ишчи — ларга тариф ставкасига қўшимча ҳақлар белгиланади. Тариф ставкаларига устамалар шаклидаги ҳақ (разрядлар бўйича фарқ — лантирилган) профессионал маҳорат билан белгиланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш ҳақи тўлаш му — носабатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш энг муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги даврда Ўзбекистон иқтисодиётида аг — рар соҳанинг аҳамияти устивор йўналиш бўлиб ҳамма соҳаларни ривожлантириш, айниқса пахтачиликни ривожлантириш зарур, шу билан бирга жаҳон бозорида харидоргир навларни, толаларни етказиб беришни тақозо этмоқда.

Иш ҳақи ва тақсимот муносабатларини оқилона ҳал этиш борган сари жамият манфаатларини уйғунлаштириш омили бўлиб хизмат қилади. Бу ҳолат ижтимоий ишлаб чиқариш самара — дорлигини оширишга аҳоли турмуш даражасини ўсишига ижобий таъсирини кўрсатади.

2. Меҳнат бозорида рақобат ва иш ҳақи тўлаш.

Ўзбекистонда бандлик муаммоси, ишсизларни иқтисодий ҳимоялаш

Ҳозирги даврда барча бозор турлари каби иш ҳақи муносабатлари (меҳнат бозори) иш кучига бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади. Меҳнат иш кучининг функцияси иш кучи эса инсоннинг қобилияти бўлиб унинг жисмидан ажратилмайди. Иш кучини олди — сотди қилиш меҳнат бозорида юз беради, бу ерда ишга ёлланувчилар ўз мулкани таҳлил этадилар, ишга олувчилар эса меҳнатга ўз талабини билдирадилар. Улар ўртасида битим асосида кишилар ишга таклиф этилади, яъни иш кучининг олди — сотдиси юз беради.

Меҳнат бозорининг меҳнат субъектлари қуйидагилардан иборат:

➤ ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган мулкдорлар ва таш — килотлар, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчилар (тадбир — корлар уюшмалари);

➤ ёлланувчи ишловчилар ва ташкилотлар, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчилар (касаба уюшмалари, ишчилар ташкилотлари);

- давлат (уларнинг турлича кўринишлари ва тузилиши бўйича) ишга ёлланувчилар ва жалб қилувчилар ўртасидаги воситачидир.
- Меҳнат бозори бозор иқтисодиёти шароитида бир қатор энг муҳим ижобий хусусиятларга эга:
- ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ишчи кучи такрор ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди;
- ишчи кучининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминлайди.
- ишчи кучининг ҳаракатчанлигини тезлаштиради;
- меҳнат унумдорлигининг ошишига ижобий таъсир кўrsa – тади.

Меҳнат жараёнини бевосита ҳаракатга келтириш унинг ички механизмлари орқали амалга оширилади.

Меҳнат бозори сегментацияси — бу объектив жараён бўлиб, унинг таркибий тузилиши жамиятнинг сиёсий — иқтисодий, ижтимоий омилларининг ривожланиш даражасига, вужудга келаётган табиий меҳнат тармоғига алоҳида шаклланаётган бозор субъектлари, сигментлари турлича хусусиятларга эга бўлган иш — чиларнинг тоифаларига ҳам боғлиқ бўлади. Меҳнат бозори сигментациясини одатда уч белги асосида: профессионал тармоқ, малакавий иш ҳақи ва ижтимоий — демографик ўрганилади. Бу белгиларнинг уйғунлашуви натижасида турли ишчи гуруҳлари, ўзининг мавқеи жиҳатдан, моддий жиҳатдан таъминланиши жиҳатидан фарқланувчи тармоқлар вужудга келади.

“Мустаҳкам ҳудудий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Шу сабабли биринчи босқичда биз ислоҳотларнинг ўз ҳудудий негизини яратишга асосий эътиборни қаратиб келдик”¹.

Ишчининг даромади иш ҳақи тўлаш қонуни, яъни объектив иқтисодий боғлиқлик акс этган иш ҳақи кучининг қийматига ёки баҳосига кўра аниқланиш билан ифодаланади. Бу иш ҳақининг миқдори, ишчи томонидан зарурий иш вақтида яратилган қиймат ўлчамига боғлиқлигини билдиради. Агар ишчининг қиймати кўтарилса, иш ҳақи ҳам ортиши керак ва аксинча. Меҳнаткашларнинг ҳар қайси ишчининг иш ҳақи миқдори ишлаб чиқаришда, бозорда, ижтимоий муносабатлар соҳасида вужудга келган турли омилларга боғлиқ. Буларнинг энг асосийси иш кучи қийматининг ўлчамидир. Ҳар қайси ишчи гуруҳида бундай қийматнинг юқори ва паст даражаси бор. Ишчи кучи

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т., “Ўзбекистон”, 1995 й.

қийматининг чегараси, яъни ўша мамлакатда шаклланган анъанавий удумлар, ижтимоий — маданий эҳтиёжларни қондириш учун керакли маблағни ҳам ўз ичига олади. Белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори даражаси инфляция даражасининг ўсишига, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши, етарли молиявий маблағлар жамғарилиши каби иқтисодий шароитларда кўрилиши мумкин. Амалиётда **номинал** ва **реал** иш ҳақи даражалари фарқланади. Номинал иш ҳақи, ишчининг сарф этган меҳнати, вақти учун олинadиган пул қийматидир. Реал иш ҳақи эса номинал иш ҳақиға сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдоридир, яъни номинал иш ҳақининг харид қувватидир. Меҳнаткашларнинг иш ҳақи даражасига, меҳнат сифатига иш шароити (базарилаётган ишнинг киши соғлиги учун зарарлигига, захарли химикатлар билан ишлаш) ишчининг билими ва малакаси даражаси, ноёб қобилиятга эга эканлиги (айрим спортчилар, музикачилар, артистлар, давлат арбоблари) таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон фан — техника тараққиёти даврида юқори малакали ишчиларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бир вақтнинг ўзида нисбатан мураккаб бўлган меҳнат каттароқ қиймат яратади, шу билан бирга юқори малакали ишчи сарф этган қувватини тақрор ҳосил қилиш учун турмуш шароитини яхшилашни талаб қилади. Меҳнат бозорида ҳам малакали меҳнатга бўлган талаб рақобат курашини вужудга келтиради. Рақобат жараёни ишчиларнинг ўз устида муттасил ишлашини, малакасини оширишни шарт қилиб қўяди. Ишчилар даромадининг миқдори, шунингдек у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Иқтисодий турғунлик ва тушкунлик даврида меҳнатга талаб камаяди, бу эса ишлаб чиқаришнинг ўзидаги қисқариш билан изоҳланади.

Меҳнатга талабнинг мавсумий ўзгариши иш билан банд бўлганларнинг ишсиз қолишини билдиради. Нормал даражадаги ишсизлик иқтисодиёт учун табиий ҳол, чунки иқтисодиёт учун меҳнат заҳираси керак.

Фрикцион ишсизлик — вақтинча ишсизлик бўлиб, иш жойини алмаштириш пайтида юз беради, эски ишдан кетиб, янги ишга ўтганда ишсизлик юз беради.

Таркибий ишсизлик — ишлаб чиқариш таркиби ўзгарган чоғда вужудга келади. Бунда янги соҳалар ривожланиб эски соҳалар қисқаради, эски соҳаларда ишлаб келганлар янги соҳаларга керак касбни дарҳол ўзлаштира олмайдилар, касб ўзгариши мобайнида ишсиз қоладилар.

Мавсумий ишсизлик. Мавсумий ишда банд бўлганлар —нинг мавсум тугагач ишсиз қолиши. Бу ишсизлик қишлоқ хў — жалиги, қурилиш ва оромгоҳлар соҳаларига хос.

Яширин ишсизлик — расман иш билан банд бўлганлар —нинг фақат қисман ишлаши, яъни тўлиқ ишламай туриши. Унга қисқартирилган иш куни ёки қисқа иш ҳафтасига ўтганлар, иш йўқлигидан ҳақ берилмайдиган таътилга чиққанлар киради.

Умумий ишсизлик — товарлар ва хизматларнинг бозори касод бўлиши натижасида уларни ишлаб чиқарганлар меҳнатига талабнинг қисқариб кетиши билан пайдо бўлади. Бу ишсизлик одатда иқтисодий танглик шароитида юз беради.

Ихтиёрий ишсизлик табиий ишсизлик тури бўлиб, бунда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг меҳнат фаолиятидан ўз хо — ҳиши бўйича четлашган, яъни ишлашни ҳохламайдиган қисми тушунилади.

Меҳнат бозори, ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси ишчи кучини истаган жойдан топиши ва сотиб олиши мумкин бўлгандагина вужудга келади.

Ҳозир меҳнат бозорида касбий стратификация вужудга келди: оддидан мавжуд бўлган анъанавий мутахассислик иш — чилари сўнгги пайтларда пайдо бўлган махсус бозор касблари ишчилари (брокерлар, маклерлар, аудиторлар, менежерлар, кўч — мас мулк операциялари бўйича мутахассислар ва бошқалар) би — лан алмаштирилди. Меҳнаткашларнинг ўзига хос "анъанавий" ва "бозор кадрларига" ажралиши юз берди. Иш вақтининг қис — қаришига олиб келадиган иқтисодий ривожланиш тенденциялари меҳнат бозорида амал қилишнинг янги шакларини, эгилувчан меҳнат бозорини (ЭМБ) юзага келтирди. Иқтисодий ЭМБ қан — чалик юқори бўлса, ишлаб чиқариш харажатлари, ишсизлик, ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар шунчалик паст бўлади.

Аҳолининг иш билан бандлиги орта бораётган ҳозирги шароитда мулкчиликнинг турли шакларидаги тармоқ ва кор — хоналар бўйича ишчи кучининг ўтиш оқими фаоллашди. Бу жараён Ўзбекистонда бандлилик муаммоларининг ижобий ечимини топишида ва уни тўғри ҳал этилаётганлигидан далолат беради.

3. Ҳозирги даврда меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба ушмаларининг роли

Ҳозирги даврда меҳнатга ҳақ тўлашни шакллантириш ва ривожлантиришни касаба уюшмалари, давлат ва тадбиркорлар ҳамкорликда олиб боришлари керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишга ёллаш бўйича кор — хона маъмурияти ва ишчилар ўртасида меҳнат шартномалари

асосида шаклланади. Меҳнат шартномалари аввало иш ҳақи ставкаси, меъеридан ортиқча бажарилган ишлар учун қўшимча дам олиш кунлари ва танаффуслар, пенсия фондлари ва соғлиқни сақлашдан ажратмалар ҳамда баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб **истеъмоличлик савати** қийматини тартибга солиш кабиларни ўз ичига олади. Одатда шартнома бир йилга ва бир неча йилга тузилади.

Кўпчилик мамлакатларда меҳнат муносабатларининг ри-вожланишида асосий масала ишсизликни ижтимоий кафолатлашга, ишловчиларнинг меҳнат идорасини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосий ролни **касаба уюшмалари** ҳал этади. Касаба уюшмалар нисбатан кўп сонли ишга ёлловчилар билан музокаралар олиб боради ва уларнинг асосий иқтисодий вазифаси иш ҳақини оширишдан иборат бўлади. Касаба уюшмалари бу мақсадга қуйидаги йўллар билан эришади.

1. Ишчи кучига бўлган талабни ошириш. Касаба уюшмалар нуқтаи назаридан иш ҳақини оширишнинг энг қулай усули меҳнатга бўлган талабни кенгайтириш ҳисобланади.

2. Ишчи кучи таклифини қисқартириш. Касаба уюшмалари ишчи кучи таклифини қисқартириш йўли билан иш ҳақи ставкасини ошириши мумкин. Бунда қуйидаги йўллар билан эришилади: а) иммиграцияни чеклаш; б) болалар меҳнатини қисқартириш; в) пенсияга муддатида чиқишни қўллаб-қувватлаш; г) иш ҳафтасини қисқартиришга ёрдам бериш.

3. Касбни малакали лицензиялаш. Бу маълум меҳнат тури таклифини чеклаш воситаси ҳисобланади. Бунда касаба уюшмалари корхона маъмуриятига касбдаги ишчилар аниқ кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда ишчи қабул қилишга таъсир кўрсатади. Бу талаблар ўз ичига ишчининг таълим даражаси, мутахассислик бўйича иш стажи, тест-синов натижаси ва шахсий тавсифларини олади.

Ҳозирги замон меҳнат муносабатлари ўзида давлатнинг таъсирини ҳам акс эттиради. Давлатнинг қонунчилик фаолияти меҳнат муносабатларининг барча томонларини қамраб олади. У нафақат иқтисодиёт давлат секторининг ишчи кучига бўлган талабини билдиради, балки уни хусусий секторда ҳам тартибга солади, миллий иқтисодиёт миқёсида ишга ёллашнинг асосий ўлчамларини аниқлайди.

Меҳнат муносабатларига давлатнинг ижтимоий дастурлари (кам таъминланган оилаларга ёрдам, ишсизлик бўйича нафақа, ҳар хил ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқалар) катта таъсир кўрсатади. Бу дастурлар бозор таҳликаси юқори бўлган

давлатларда аҳолининг ижтимоий — иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ислохотларнинг самара бериши ва барқарор ривожланиши учун кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан янгича ташкил қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш иш ҳақи ва меҳнат муносабатларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Иш ҳақи — ишчи ва хизматчиларнинг меҳнати миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан олина — диган улушининг пулдаги ифодаси.

Номинал иш ҳақи — пул шаклида олинган иш ҳақи сум — маси.

Реал иш ҳақи — сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори.

Вақтбай иш ҳақи — ишчининг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобга олиниб тўланадиган иш ҳақидир.

Ишбай иш ҳақи — ишлаб чиқарган маҳсулот миқдорига ва бажарган иши миқдорига қараб тўланадиган иш ҳақидир.

Ишсизлик — меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.

Меҳнатга бўлган талаб — жамиятнинг иш кучига бўлган эҳтиёжи бўлиб унинг бозордаги кўринишидир.

Тариф сеткаси — иш тоифалари нисбатига қараб иш ҳақи тўлаш.

Тариф ставкаси — тегишли иш тоифасига эга бўлган иш — чининг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаб беради.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛАР

1. Иш ҳақига таъриф беринг.
2. Реал иш ҳақи даражасига қандай омиллар таъсири остида ўзгаради.
3. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш деганда нимани тушу — насиз ва унинг хусусиятлари қандай?
4. Ишчи кучининг сифати қандай аниқланади. Фан — техника тараққиётида ишчи кучининг сифатига қандай талаблар қў — йилади.
5. Қандай қилиб ишчи кучидан самарали фойдаланишга эри — шилади.
6. Касаба уюшмалари иш ҳақини оширишнинг қандай усул — ларидан фойдаланадилар.
7. Ишсизликнинг асосий турларига тавсиф беринг.

ХII БОБ. ДАРОМАДЛАРНИ АҲОЛИ ГУРУҲЛАРИ ОРАСИДА ТАҚСИМЛАШ. ШАХСИЙ ВА ОИЛАВИЙ ДАРОМАД

1. Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот қонуни — нинг амал қилиш хусусияти ва аҳоли даромадининг шаклланиши.
2. Бозор иқтисодиёти шароити аҳоли даромадларининг табақаланиши сабаблари.
3. Аҳоли турмуш даражаси, оилавий даромадлар тарқиби ва ундан фойдаланиш.
4. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари.

1. Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот қонунининг амал қилиш хусусиятлари

Жамиятда мавжуд бўлган ресурслар ва даромадлар аҳоли ўртасида тақсимлаш тамойилларини ва шаклларини ва бу жараёнда вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни кўриб чиқамиз.

Тақсимотнинг социал — иқтисодий муносабатларни иқтисодий моҳияти бозор иқтисодиёти шароитида кўп мулкчилик муносабатларининг мавжуд бўлиши билан белгиланади.

Тақсимот жамиятнинг иқтисодий тараққиётига ва бозор иқтисодиётининг объектив қонуниятларига боғлиқдир. Кўп мулкчилик шароитида даромадлар қонуний бўлиши ким, нимага ва қанчалик эга бўлиши ҳамда уларни ишлатиш самараси даражасига боғлиқдир.

Тақсимот бир томондан ишлаб чиқариш билан иккинчи томондан айирбошлаш ва истеъмол ўртасидаги алоқани ифода далаб қуйидаги вазифани бажаради:

биринчидан, жами ички маҳсулотда ва миллий даромадда турли мулк шаклларининг, тадбиркорлар ва айрим ходимларнинг иқтисодий меҳнат фаолиятига қараб улушини белгилайди;

иккинчидан, аҳоли гуруҳлари орасида даромадларни ва эҳтиёжларнинг таркибини шакллантириш;

учинчидан, аҳоли гуруҳларининг даромадлар миқдори билан меҳнат фаолиятининг пировард натижалари ўртасида бевосита боғлиқлик ўрнатади, бу тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни ўстиришини рағбатлантиради.

Бозор иқтисодиёти ривожланиб ва мустақамланиб борган сари унга хос бўлган тақсимот тамойиллари ва вазифалари

тобора кенгайиб боради. Бозор иқтисодиёти шароитида бутун тақсимот механизми такомиллаштирилиб, унинг талабига мослаштирилиб, даромадларнинг шакллари хилма-хил бўлиб бормоқда. Шунга биноан, капитал эгаси-фойда, иш кучи эгаси-иш ҳақи, пул эгаси-фоиз ва дивиденд, ер эгаси-рента олади.

Муайян мулк бўлган нарсалар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш омили бўлиб хизмат қилади ва унинг самараси қанчалик юқори бўлса, даромадлар ҳам ўшанчалик юқори ва чексиз бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитига даромадларнинг чекланмаслиги хосдир. Мавжуд муайян шароитда даромадларни белгилловчи самарадорлик мезони бозорда аниқланади. Яъни ресурслардан фойдаланиб яратилган товарлар бозор талабига қанчалик жавоб беради, қанчалик тан олинишига боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар асосан пул шаклида, қисман натура шаклида, бепул ёки имтиёзли хизмат шаклларида ҳам бўлиши мумкин. Сабаб бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳоли томорқаларининг кўпайтирилиши ва давлат томонидан ижтимоий ҳимоя шаклларининг аҳамияти ошиб борди.

Аҳоли даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромад, пенсия, нафақа, стипендия тариқасида тушадиган пул тушумлари, капиталдан оладиган фойда, пулдан олинган фоиз, акциядан оладиган дивиденд, рента шаклида оладиган даромадларни, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар мажмуидан ташкил топади.

Натурал даромад — томорқа хўжалигидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги жамoa хўжаликларида меҳнат ҳисобига берадиган натурал маҳсулотлардан иборат бўлади.

Аҳоли даромадлари таркиб топиши тузилишида иш ҳақи асосийдир, унинг салмоғи асосий қисмини ташкил этади. Шунингдек, даромад миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш ҳақидан товарлар чакана нархи, бозорнинг истеъмол товарлар чакана нархи, бозорнинг истеъмол товарлар билан тўйиниш даражаси (талаб, таклиф, нарх) барқарор ва беқарор бўлишининг таъсири кучли бўлади.

Реал даромад — уни сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори кўринишидаги даромаддир. Бозор иқтисодиётига ўтишда жамият аъзоларининг даромадлари тузи-

лишида уларнинг турли қисмлари ва манбалари нисбати ва турли шакллари ривожланиб боради.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг табақаланиши сабаблари

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти тақсимот муносабатида тенгликни эмас, тенгсизликни келтириб чиқари — ши табиий ҳолдир. Чунки бозор иқтисодиётининг муҳим бел — гиси иқтисодий эркинлик ва эркин рақобат кураши жараёнидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадлари тенг — сизлигининг асосий сабаблари қуйидаги омилларга боғлиқ:

- кишилар интеллектуал, жисмоний, эстетик қобилиятлари — нинг турлилиги;

- билим ва касб тайёргарлигидаги фарқланиши;

- кишиларнинг кўпроқ даромад олиш мақсадида бир неча жой — ларда, ўриңдошлик асосида ишлаши. Интенсив ва қийин шароит — ларда оғир меҳнат қилиш хоҳиши ва таваккалчилик қилишга тайёрлиги;

- мулкка эгаллик қилишдаги фарқи;

- кишиларнинг бозордаги мавқеларидаги фарқлар, уларнинг баҳони ошириб боришига мойилликлари;

- омад, алоқалар, бахтсизлик ва камситилиши.

Бозор иқтисодиёти муносабати шундай қизиқтиришни ву — жудга келтирадики, даромадни кўпайтириш учун юқори фойда олишга зўр бериб уриниш ва рақобатлашиш юзага келади, бу бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятидир.

Сунъий равишда даромадларни тенглаштиришга уриниш, тақсимот тажрибасида адолат тамойилларининг энг типик су — ратда ва ғоят ҳалокатли тарзда бузишдир. Бир текис тақсим — лашнинг энг оддий ва очиқ кўриниб турган намунаси бир — би — ридан анча фарқ қиладиган меҳнат унумлари учун бир хил ҳақ тўлашдан иборатдир. Бир текисда тақсимлаш социал адолат ва моддий манфаатдорликка путур етказиб, социал — иқтисодий та — раққиётни секинлаштиради.

Даромадларнинг тенгсиз бўлишига сабаб нима? Унинг икки сабаби бор: табиий ва ижтимоий сабаблар. Кишилар табиатан жисмоний ва ақлий жиҳатдан фарқли бўлиб, бу уларнинг қоби — лияти ва ишбилармонлигига биринчи асос бўлади. Лекин қоби — лиятнинг ривож топиши ва рўёбга чиқиши ижтимоий сабабларга боғлиқ. Инсон яхши билим олиши, қобилиятига яраша иш билан таъминланиши, бирор фойдали фаолият билан шуғулланиш

имкониятига эга бўлиши зарур. Акс ҳолда, ҳар қандай ақли ва қобилиятли киши ҳам фаолиятсиз бўлиб қолади. Бу жамиятнинг иқтисодий – маданий тараққиёти даражаси ижтимоий – сиёсий тузуми ва бошқа хусусиятларига боғлиқдир¹.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир киши имконияти борича кўпроқ натижага эришиб, кўпроқ даромад олишга ҳа – ракат қилади. Тадбиркор, ўз тасарруфида бўлган мулкни сама – раси юқори бўлган соҳага жойлаштириб, кўпроқ фойда олишга интилади. Иш кучи соҳибни бўлган ишчи ўз малакасини ошириш ва кўпроқ, яхшироқ меҳнат қилиш ва кўп иш ҳақи олишга ҳаракат қилади. Демак, ҳар иккала субъект қонуний ҳолда ўз меҳнати натижасига мувофиқ кўпроқ даромад олиши уларнинг қоби – лиятига боғлиқдир. **“... мустақиллик йилларида одамлари – мизнинг тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Турмуш даражаси, оиласининг фаро – вонлиги, энг аввало, ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда”².**

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг тенгсиз – лиги мавжуд бўлар экан, албатта, бу маълум даражада мулкий тенгсизликка сабаб бўлади. Демак, бой – камбағаллик муаммоси юзага келади.

Хўш, камбағаллик нима? Камбағаллик – бу инсон ўзи – нинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун пул маблағлари етарли бўлмаган, мулк ва бошқа ресурслар билан нисбатан кам таъминланганлиги, моддий ва маънавий эҳтиёжлари паст дара – жада қондирилишидир. Иқтисодиёт назарияси фани ҳар доим камбағалликда нисбий ва мутлақ камбағалликни фарқлайди.

Иқтисодиётда бой ва камбағал аҳоли ўртасида нотенг – ликни Джинни индекси орқали кўрсатилмоқда. Агар бу индекс 0 га қанчалик яқин бўлса, жамиятда шунчалик мутлоқ тенглик ҳолати бўлади. Агар бу коэффицент бирга тенг бўлса, у ҳолда қашшоқлар кўпчиликни, ўта бойлар озчиликни ташкил этади. Йирик ривожланган давлатларда бундай кескин табақаланиш ҳолатлари йўқ. Иқтисодиётнинг ривожланиши юқори даражада бўлганлиги сабабли кам даромадли оилалар кам бўлиб, ўртача ва юқори даромадли оилалар қатори даромад олиш имкониятига эгадирлар.

Аҳоли даромадлари тенгсизлигининг катта бўлишининг асосий сабаби бозор тизимига асосланган тақсимот қонуни –

¹ Ҳайтов А.А. ва бошқалар. “Бозор иқтисодиётининг шаклланиш асослари”. Ан – джон, 1998, 335 – 336 – бетлар.

² И.А.Каримов. Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқ – лаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2000, 2 февраль.

нинг амал қилишидир. Айниқса, кейинги йилларда Республика аҳолиси даромадининг табақаланишидаги тафовути тез ўсиб бормоқда. Даромаднинг минимал даражасидан бир неча баро — бар юқори даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам юзага келди.

3. Аҳоли турмуш даражаси. Оилавий даромадлари, даромадлар таркиби ва ундан фойдаланиш

Аҳоли турмуш даражаси, тушунчаси мураккаб социал — иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг яшаши учун мавжуд бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланишидир. Бу тушунча бир — бирига боғлиқ бўлган социал — иқтисодий кўрсаткичлардир. Бу қуйидагича ифодаланади:

— меҳнат шароити, аҳоли бандлиги ва даромади, истеъмол даражаси ва унинг таркиби, яъни унинг тўйимли озиқ — овқат, сифатли кийим — кечак, пойабзал, маданий — маиший мол — ларга бўлган талабларининг қондирилиш даражасидир.

Аҳоли турмуш даражаси жамиятда ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражаси, шу билан бирга ҳар бир иқтисодий режанинг географик муҳитга, маданий тараққиётга, унинг бошқа халқлар билан иқтисодий — маданий алоқадорлик кўламига боғлиқдир.

Аҳоли турмуш даражаси — мамлакатдаги иқтисодий тараққиёт даражасига мўс келувчи ҳаёт шароитларининг йиғиндиси, жамидир. Турмуш даражаси, ишлаб чиқариш тараққиёт даражасига, товар ва хизматлар мўл — кўллигига, кишиларнинг истеъмол миқдорига ва сифатига боғлиқдир.

Аҳоли истеъмоли мамлакатда ишлаб чиқилган миллий даромаднинг мутлақ ҳажмига, унинг истеъмол ва жамғариш фондларига бўлиниш нисбатига боғлиқ бўлади. Агар жамғариш фондига нисбатан истеъмол фондига кўпроқ ажратилса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши юқори бўлсада, истеъмолнинг ўсиш даражаси паст бўлади ва аксинча. Миллий даромаднинг жамғариш ва истеъмол фондига бўлиниш нисбати мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт ҳолати ва талабига боғлиқ ҳолда бўлади.

Жамғариш ва истеъмол фондини оптималлаштириш иқтисод фанининг муҳим вазифасидир. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий даромаднинг тақсимоотида истеъмол фондига ажратишнинг ўсиб бориши характерлидир. Бунинг сабаби инсон омилига, юқори малакали иш кучига бўлган талабнинг ортиб боришидир. Бусиз юқори иқтисодий ўсишга эришиб бўлмай —

ди. Мамлакатда аҳоли сони ўсади, бу эса маълум даражада истеъмолнинг камайишига ўз таъсирини кўрсатади. Бозор иқти — содиёти ривожланиб бориши асосида аралаш иқтисодиёт ўсиб борган сари иқтисодиёти юқори даражада тараққий этган мам — лакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инсонпарварлик та — мойиллари ўсиб бориши сабабли, миллий даромадни жамғаришга ажратмалар нисбатан қисқариб, истеъмолга ажратиш ортиб бормоқда.

Аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири аҳолининг пул тариқасида оладиган турли даромадлари йиғиндиси бўлиб, турли манбалар ҳисобига шаклланади, улар — дан асосийлари:

- ◆ ёланиб ишловчи ходимларнинг оладиган пул даромад — ларининг асосий қисми иш ҳақи бўлиб, пул даромадининг умумий ҳажмининг шаклланишида салмоқли ўрин тутади;

- ◆ аҳоли пул даромади шаклланишининг яна бир кўрсат — кичи давлат бюджетидан ва бошқа манбалардан бериладиган тўловлардир. Бу манбалар ҳисобидан пенсия ва турли хил нафақалар бериледи;

- ◆ аҳолининг молия — кредит тизими орқали оладиган ҳар хил пул даромадлари ва ҳоказолар.

Аҳоли даромадлилик даражаси ялпи ички миллий маҳ — сулотнинг мамлакат аҳолиси, жон бошига нисбати билан аниқ — ланади. Шунга кўра даромадлилик миқдорига кўра мамлакатлар уч гуруҳга, тоифага бўлинади.

I	Ўртачадан паст даромадли мамлакатлар 695 \$ ва ундан паст
II	Ўртача даромадли мамлакатлар 695 \$ дан 8625 \$ гача
III	Юқори даромадли мамлакат 8626 \$ ва ундан юқори

Аҳоли даромади асосий кўрсаткич бўлиб, у истеъмолнинг ҳамма жиҳатларини ўзида мужассамлаштирувчи умумлашган кўрсаткичдир. Истеъмолнинг миқдорий кўрсаткичи ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, у иш ҳақи миқдорига тўғри пропорционал ва истеъмол товарлари баҳосига (истеъмол буюмлари миқ — дорининг пасайиши бундан истисно) тескари пропорцияда ўзга — риб боради. Агар истеъмол буюмларининг баҳоси ўзгармагани ҳолда иш ҳақи даражаси кўтарилса, сотиб олиш мумкин бўлган товарлар миқдори камаяди. Кишиларнинг эҳтиёжлари доимий эмас. Уларнинг эҳтиёжлари жамият тараққиётининг маҳсулидир. Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, ишлаб чиқаришсиз истеъмол бўлмайди, лекин истеъмолсиз ҳам

ишлаб чиқариш бўлмайди, бундай ҳолда ишлаб чиқариш мақсадсиз бўлиб қолади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадининг табақалашув даражаси кескин ўзгариб кетади, айтилиши вақтда аҳоли шахсий истеъмоли даражасининг ўзгариши ҳам бир хил кечмайди. Истеъмолнинг эластиклиги деганда, оила пул даромади даражасига, шунингдек, бошқа омиллар таъсирига кўра истеъмолнинг ўзгариб боришини тушунмоқ керак. Даромади юқори бўлган оилаларнинг истеъмоли ўзгарувчан бўлиб, улар эҳтиёжларини қондириш учун кўпроқ маблағ сарфлайди ва аксинча. Бинобарин, даромадлар каби турмуш даражасида ҳам тенгсизлик, табақалашув содир бўлади.

Ҳозирги босқичда аҳоли шахсий истеъмолини социал гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли шахсий истеъмолини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: қисқа муддатта фойдаланадиган кундалик буюмлар (озик — овқат маҳсулотлари, баъзи кийим — кечак, уй — рўзғор буюмлари ва ҳ.к.) ўртача, унча узоқ бўлмаган муддатта фойдаланадиган буюмлар (кийим — кечак, пойабзал); узоқ муддатта фойдаланиладиган буюмлар (шахсий уйлар, мебель, электр асбоблар, енгил автомашиналар, велосипедлар, фотоаппаратлар, устки кийим, гиламлар, мўйна кийимлар ва ҳ.к.).

Биринчи гуруҳга кирувчи истеъмол буюмлари қисқа вақт ичида истеъмол қилинади, жамғарилмайди. Иккинчи гуруҳ маҳсулотлари, яъни кийим — кечаклар ва пойабзалдан маълум давр ичида (ўртача бир — уч йил ичида) фойдаланилади. Бу гуруҳга кирувчи буюмларни жамғариш ҳажмини аниқлаш мураккабдир. Учинчи гуруҳга кирувчи истеъмол буюмлардан узоқ вақт давомида фойдаланилади. Бу гуруҳга кирувчи буюмлар узоқ йиллар давомида жамғарилиб борилади.

Оила даромадларининг ўсиши билан оиланинг истеъмол буюмлари учун ажратиладиган маблағ кўпаяди. Даромади паст бўлган оилалар даставвал озиқ — овқатга маблағ сарфлашни афзал кўради. Аҳоли истеъмол даражасининг ўзгариши оила даромадининг миқдорига боғлиқ бўлади. Пул даромад ўсиши билан истеъмол тизими тез ўзгаради. Озиқ — овқатга қиладиган харажатнинг (абсолют ҳажми ўсиб) умумий даромаддаги салмоғи камаяди, шунингдек истеъмол қиладиган товарлар таркибида ўзгариш юз беради.

Юқори сифатли ва тўйимли озиқ — овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ошиб боради. Оилалар ўз бюджетидан озиқ — овқатга сарфланаётган харажатларнинг салмоғини ка-

майтириб, айна вақтда узоқ муддатга ишлатадиган саноат то-варлари, маданий буюмларга ҳамда маданий—маиший мақ-садларга кўпроқ маблағ ажратишга интилади.

Аҳоли пул даромадларининг табақалашиб бориши мулкый табақаланишни, турмуш даражасининг табақаланишига асос-ланиб, унинг бой, ўртача ва камбағал қатламлари аниқланади. Бун-дай шароитда давлат даромадларни қайта тақсимлаш билан даро-мадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш, бой ва камбағал қатламлар ўртасидаги фарқнинг камайишига ҳаракат қилади.

4. Ўзбекистонда социал сиёсатнинг ўзига хослиги ва асосий йўналишлари

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос йўли танланди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тизими жорий этилди. Ўтиш даврининг бешта асосий тамойилларидан бири бўлган кучли ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам узоқ муддатли давлат дастури босқичма—босқич амалга оширилмоқда. Бу даврда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва турли нафақалар миқдори мунтазам оширилиб борилаёпти.

Товон тўловлари, шунингдек имтиёзлар ва турли дота-циялар шаклида билвосита тўловлар амалга оширилди. Шу билан бир вақтда қўшимча социал имтиёзлар комплекси амал қилди. Улар жумласига бошланғич синфлар ва ёлғиз нафақахўрлар учун текин нонушта, 2 ёшгача бўлган болалар учун текин овқатланиш, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун имтиёзли овқатланиш ташкил этилди.

Президент И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессия—сидаги маърузасида: **“Тўртинчи устивор йўналиш — халқ тур-муш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади”¹** деб таъкидлаб ўтган. Ижтимоий ёрдам аҳолининг кам таъминланган қатламига пул ёки натура шаклида бўлиб, иқтисодий фаолиятда уларнинг қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий ёрдамнинг мақ-сади жамиятда кам таъминланган оилаларни, нафақахўрларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни, ишсизларни, ўқиётган ёшларни, шунингдек, социал соҳа ходимларини социал ҳимоялаш ва қўллаб—қувватлаш, минимал даражада турмуш кечиришни таъминлашга қаратилган.

¹ И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999.

Бу ёрдам оилага йўналтирилади ва миллий анъаналари — мизга хос ўзини — ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла орқали берилади.

Аҳоли социал ҳимоясининг иқтисодий соҳаси ижтимоий ишлаб чиқаришда такрор ишлаб чиқарилган тақсимотчилик муносабатларига бевосита боғлиқдир ва макроиқтисодий кўр — саткичларда ўзининг миқдорий ифодасини топади.

Мамлакат миқёсида яратилган миллий даромаднинг бир қисми объектив сабабларга кўра ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этолмайдиганларнинг истеъмоли учун ажратилади. Бу ажратма "Пенсия фонди", "Нафақалар фонди", "Бандлик фонди" номи билан юритилувчи фондлар орқали тақсимланади. Турли мулк шакллариининг мавжудлиги туфайли аҳолининг социал ҳимояси учун ажратилган маблағлар ҳам турли шаклдаги давлат, корхона, муассасалар даромадларининг бир қисмидан, яъни белгиланган меъёрларда шаклланади.

Ундан ташқари, социал ҳимоя фондларига мамлакати — миздаги корхона ва ташкилотлар, хорижий давлатлардан кела — диган ҳомийлик ва инсонпарварлик ёрдамлари ҳам қўшилади. Социал таъминот фондининг асосий қисми давлат томонидан белгиланган меъёрларга мувофиқ миллий даромаднинг бир қисми ҳисобидан шаклланади.

Давлат моддий жиҳатдан муҳтож оилаларга мустақил — ликнинг биринчи йилларидан бошлаб фаол ёрдам бера бош — лади. Адресли ижтимоий ҳимояга ўтилди. Аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ночор қатламига ўз — ўзини бошқариш фуқаролар йигини органлари орқали ижтимоий — моддий ёрдам берила бошланди. Ўтиш даврида қийинчиликлар имкон борича юм — шатиб, аҳолининг ночор қатламларини қўллаб — қувватлаш ва уларни минимал ҳаёт кечиришлари таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январда "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Фар — монни бажариш мақсадида 1999 йил 1 мартдан бошлаб иш — ламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунга қадар нафа — қалар белгилаш ва тўлаш, муҳтож ёлғиз нафақахўрларни озиқ — овқат маҳсулотлари билан таъминлаш фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижти — мой ҳимоянинг ўзига хос хусусиятининг таҳлили шуни кўр — сатадики, Ўзбекистон андозасининг муҳим тамойили босқич —

ма – босқич ва макроиқтисодиётнинг барқарорлиги билан боғланган бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий – социал характериға боғлиқ.

Ижтимоий ҳимоянинг социал – иқтисодий муносабат сифатидаги моҳияти жамият ва аҳоли ўртасидаги муҳтожлик ҳолларида ёрдам, қарияларға кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий аҳвол, ҳаёттий зарурий воситалар билан таъминлаш каби муносабатларнинг манзилли ва мақсадли бўлишидан иборат.

Ижтимоий ҳимоя, пенсия, нафақа, моддий ёрдам, қариялар, беморлар, ногиронларға имтиёзли хизмат кўрсатиш, болаларға кўрсатиладиган ғамхўрлик каби жамият томонидан амалға оширилайётган сиёсатда намоён бўлади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Аҳоли даромадлари – аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натура шаклида олган даромадлари миқдори.

Номинал даромад – аҳолининг пул шаклида олинган даромадлари суммасининг миқдори.

Реал даромад – нарх даражасининг ўзгаришини ҳисобға олган ҳолда аҳоли томонидан реал истеъмол қилинган неъматлар миқдори.

Ижтимоий тўловлар – моддий жиҳатдан кам таъминланган фуқароларға пул ёки натура шаклида ёрдам кўрсатиш тизими.

Ижтимоий сиёсат – даромадларни тақсимлашда иқтисодиёт қатнашчилари ўртасида тенгсизлик натижасида вужудға келадиган зиддиятларни бартараф этишға қаратилган давлат сиёсати.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛАР

1. Аҳоли пул дароамдларини турларини аниқлаб беринг.
2. Натурал даромадни тушунтириб беринг.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг табақаланиши сабабларини кўрсатиб беринг.
4. Аҳоли турмуш даражаси деганда нимани тушунасиз?
5. Аҳолининг турмуш даражаси сифатини ифодалайдиган кўрсаткичларни кўрсатиб беринг.
6. Ўзбекистонда социал сиёсатнинг ўзига хослиги ва асосий йўналишлари нималардан иборат?

ХIII Боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ: АСОСИЙ НАТИЖАЛАР ВА УНИНГ ЎЗГАРИБ ТУРИШИ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси ва унинг кўрсаткич — лари.
2. Ялпи миллий маҳсулот мазмуни ва уни ҳисоблаш усуллари.
3. Миллий даромад, унинг таркиби ва ундан фойдала — ниш.
4. Иқтисодий ўсиш тушунчаси, турлари ва кўрсаткич — лари.
5. Миллий бойликнинг моҳияти, таркибий тузилиши ва Ўзбекистон иқтисодий потенциалидан самарали фой — даланиш.

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари

Ўзбекистон танлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш бўлиб, бу йўл Респуб — ликанинг ўзига хос турмуш шароитини, халқ анъаналарини шарт — шароитларини ва хусусиятларини ҳамда халқ урф — одатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда миллий иқ — тисодиётни шакллантиришга кенг йўл очиб берди. Ўзбекистон Республикаси хўжалик тизимини қайта қуриш, уни таркибий ўзгартириб янгилаш лозим эди. Сабаб: иқтисодий зиддиятлар ғоят кучли бўлиб, амалдаги хўжалик юритиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф этиш қобилияти йўқолган эди. Иқтисодий тараққиёт суръати кескин пасайиб, аҳоли турмуш даражаси ҳам пасайиб кетган эди.

Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган бўлиб, пахта яккаҳоқимлигига хом ашё ва ярим фабрикат маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган, марказга қарашли бўлган аграр ўлка эди.

Республикадаги кўплаб корхоналар бевосита марказ бўй — синувида бўлиб, уларнинг маҳсулотлари қайта ишлаш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол учун мамлакат ташқарисига олиб кетиларди.

“Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга — марказга бу — тунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган”¹. Мус —

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999, 6 — бет.

тақилликка эришган Ўзбекистон хўжалик тизимини қайта қуриш, уни ўзгартиришни, мамлакат ҳудудидаги барча табиий, минерал хом ашё бойликларини, жамики иқтисодий ресурсларни халқ манфаати учун фойдаланиш имконияти вужудга келди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгариш юзага келди. Бир бутун янги энергетика ресурслари, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқлари қурилиб ишга туширилиши, кўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қурилди. Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишга эришишни асосий мақсад қилиб қўяди. Сабаби, ҳар қандай жамиятда аҳолини эҳтиёжи доимо ўсиб боради, бинобарин, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибий тузилиши ҳам доимо талабга мос ортиб бориши, яъни мамлакат умумий ҳолда иқтисодий ўсишга эришиши зарур. Бу ҳолатда биринчидан, иқтисодий ўсиш параметрлари миллий иқтисодиётнинг қанчалик даражада ривожланганлигига баҳо бериш қўлланилса, иккинчидан эса иқтисодий ўсиш мамлакатнинг ривожланиб, тараққий этиб боришини ифодалайди.

Ўзбекистон қисқа даврда ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган янги, мустақиллиги таъминланган, ўз халқи, миллати, манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт шакланмоқда.

Миллий иқтисодиёт янги сифат ва ўсишга мойил бўлган барча ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига қамраб олган яхлит иқтисодиётдир.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнида фан — техника инқилоби таъсирида нисбатан анча юқори ўсиш суръатига эга бўлган тармоқлар туркумининг вужудга келиши биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Уларга нефть, нефтни қайта ишлаш, кимё саноати, газ конденсати, табиий газ, рангли, нодир ва радиоактив металллар, минерал хом ашё ва қурилиш материаллари, радиоэлектроника, ҳисоблаш техникаси ва замонавий тармоқлар ишлаб чиқариш юзага келмоқда.

Ўзбекистон МДҲ давлатларида етиштирилаётган тилланинг 65 фоизини, қоракўлнинг 40 фоизини ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланиш асосида яхлит миллий иқтисодиётни шакллантириш янги ижтимоий муносабат зарурият қилиб қўйилмоқда.

Миллий иқтисодиёт бир бутун тизим сифатидаги иқтисодиёт ҳамда бутун миллий хўжалик даражасида юз бераётган жараёнлар макроиқтисодиёт таҳлили асосида аниқланади.

Иқтисодиётда макродаражада хусусий сектор, давлат сектори, уй – рўзгор ҳўжалиги ва бошқалар, яъни турли хил мажмуалар (агрегатлар) ўрганилади. Бошқача айтганда, муайян белгиларга эга бўлган иқтисодий бирликларнинг бирлашмалари ушбу туркумга хос бўлган фаолият кўрсатиш ва ривожланиш қонуниятлари билан биргаликда иқтисодиётнинг умумий тузилиши битта ягона иқтисодиёт сифатида қаралади. Бу нарса макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тавсифини белгилайди. Шунинг таъкидлаш жоизки, микро ва макроиқтисодиётлар ҳўжалик тайинлиги ва иқтисодий назариянинг бир – бирига боғланган соҳаларидир. Зеро у ёки бу мамлакатнинг иқтисодиётини, у қанчалик кенг миқёсда бўлмасин пировардида айрим кишилар, оилалар, корхоналар меҳнати ташкил этади.

Демак, иқтисодиётни бир бутун қилиб ўрганишда унинг алоҳида таркибий қисмларини ўрганишдан четга чиқиб бўлмайди. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими асосида микро ва макроиқтисодий даражада аниқланиб таҳлил қилинади.

Микро ва макроиқтисодий таҳлили асосида миллий иқтисодиётнинг маълум давр, вақт бирлиги оралиғида ишлаб чиқариш ҳажми ва унга таъсир кўрсатувчи омиллардан фойдаланиш имкониятини беради.

Иқтисодий фаолиятнинг хилма – хил сифат ва миқдор тавсифлари иқтисодий кўрсаткичлар шаклида ифодаланади. Улар ичида энг тўлиғи, кенг қамровлиги ялпи миллий маҳсулот (ЯММ). Унга қараб жамиятда бир йил давомида ишлаган барча товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг жами ҳақида фикр юритиш мумкин.

Миллий иқтисодиётнинг ҳолатини белгиловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар – Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), Ички миллий маҳсулот (ИММ), Соф миллий маҳсулот (СММ), Миллий даромад (МД), иш кучи бирлиги, иқтисодий тангликлар, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши сингари бозор самарадорлиги ва жозибадорлиги жараёнлари, яъни бозорнинг макроиқтисодий бетакрорлиги муаммолари деб номланади.

2. Ялпи миллий маҳсулот мазмуни ва уни ҳисоблаш усуллари

Ҳар бир жамият ўз олдига иқтисодиёт соҳасида иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларига, йил давомида ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмига эришиш, ишсизликни камайтириш,

нархлар даражасини, савдо балансини барқарорлаштириш син — гари мақсадларни қўяди. Белгиланган вазифаларни амалга оши — риш учун иқтисодиётга тегишлича таъсир кўрсатиши керак, унда юз бераётган жараёнларни билмасдан туриб бунга эришиб бўлмайди.

Иқтисодий фаолиятнинг хилма — хил сифат ва миқдор тав — сифлари иқтисодий кўрсаткичлар шаклида ифодаланади. Улар ичида энг тўлиги, кенг қамровлиги — ялпи миллий маҳсулот (ЯММ). Унга қараб жамиятда бир йил давомида ишланган барча товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг жами ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) — миллий иқтисодиётнинг бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмол — чиларга етказиб берилган тайёр товар, пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳосидаги қийматидан иборатдир.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) пул шаклидаги барча мод — дий ишлаб чиқариш тармоқларида йил давомида яратилган маҳ — сулотлар ва хизматлар йиғиндисидан иборат. Ялпи миллий маҳсулот икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси ишлаб чиқа — ришда, ишлаб чиқариш воситаларининг етказилган маҳсулот — ларга ўтказган қиймати, хом ашё, ёқилғи қийматлари ва амор — тизация ажратмаси қисмидан иборат, иккинчи қисми ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг иш ҳақи билан фойда йиғин — дисидан иборат бўлиб миллий даромадни (МД) ташкил этади.

Нархлар даражасининг ўзгариши ҳам макроиқтисодий таҳлил учун катта аҳамиятга эга. Биринчидан, иқтисодий қа — рорларни онгли равишда қабул қилиш учун нархлар даражаси вақтнинг муайян даври мобайнида қай тарзда ўзгаришининг — унинг ошаётган (инфляция) ёки пасаяётгани (дефляция) ва қандай меъёрларда бораётганини билиш зарур. Иккинчидан, бозор иқ — тисодиётида жамиятда барча ишлаб чиқилган товарлар ва кўр — сатилган хизматлар қиймат (пул) ифодасини олади ва статистика томонидан айти шу кўринишда қайд этилади; пул кўрсаткичлари кўпроқ ишлаб чиқариш умумий ҳажми турли хил компо — нентларини ягона ўзакка келтиришда фойдаланилади.

Нархлар даражаси индекс кўринишида ифодаланади. Нархлар индекси товарлар муайян мажмуига нархларнинг ўр — тача ҳисобланган қийматини билдиради. У муайян бир давр ичида нархлар ўртача даражасининг нисбатан ўзгаришини кўрсатади ва ушбу йил нархларни база сифатида танланган бирор бошқа йил нархлари билан таққослаш имконини беради. Ушбу кўрсат — кичнинг умумий формуласи қуйидагичадир.

Ушбу йил нархлари

Нархлар индекси — — — — — x 100%

База йили нархлари

Иқтисод фани ва амалиётда турли таркибдаги нархлар индексларининг анчагина миқдори ишлаб чиқилган ҳамда қўлланилмоқда. Улар ичида энг кўп тарқалганлари — истеъмол нархлари индекси, ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар нархларининг индекси, ЯММ дефлятори.

Фоизли ставка муҳим макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Бу — кредитга бериладиган пул учун тўлов, тўғривоғи йил давомида фойдаланилган бир пул бирлиги учун тўлаш талаб қилинадиган суммадир. Кенг миқёсли фоизли ставкаларнинг бутун бир гуруҳи мавжуд бўлиб, фоиз меъёрининг миқдори бутун бир қатор омилар ёрдамида аниқланади. Биринчидан, кредит берувчининг таваккал қилиш даражаси қанча юқори бўлса, яъни қарз олувчи ссудани тўламаслик эҳтимоли қанча катта бўлса, ссуда фоизи ҳам шунча юқори бўлади. Иккинчидан, бошқа тенг шароитларда узоқ муддатли ссудалар одатда қисқа муддатли ссудаларга қараганда анча юқори фоиз билан берилади. Учинчидан, таваккал қилиш даражаси ва кредит муддатида фоизли ставка ссуданинг миқдорига боғлиқ бўлади. Тўртинчидан, ссуда фоизи даражасига капиталдан олинган даромадларга солинувчи солиқ хусусияти жиддий таъсир кўрсатади. Солиқ меъёри қанча паст бўлса, фоизли ставка ҳам шунча паст бўлиши мумкин.

Номинал ва **аниқ фоизли** ставкалар мавжуд. **Номинал ставка** "жорий" пуллардаги фоизли даромаднинг ссуда миқдорига амалдаги нисбатидир. **Аниқ фоизли ставка** пул қадрсизланишининг даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ижтимоий тизимда муомаладаги пулларнинг миқдори — пул массасининг ҳажми кўрсаткичи ҳам катта аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг инфляциясиз фаолияти учун пул миқдори унга бўлган талабга мувофиқ келиши керак. Талаб узоқ муддатли истиқболда жамиятда ҳосил қилинган даромад ҳажми ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, шунингдек пул бозори мувозанатда бўлган чоғда мавжуд бўлган нархлар даражаси билан белгиланади. Қисқа муддатли талаб эса, бундан ташқари, фоизли ставкалар даражаси ва пул муомаласининг тезлигига боғлиқдир. Санаб чиқилган барча омилар давлат томонидан пул муомаласини ташкил этиш чоғида ҳисобга олиниши керак.

Асосий макроиқтисодий муаммолар ва кўрсаткичлар билан танишиб чиқилгандан сўнг иқтисодиётни бир бутун сифа —

тида янада батафсил ўрганишга киришиш мумкин. Буни, ал — батта, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳаж — мини тавсифловчи жиҳатлардан бошлаш керак, зеро хўжалик ҳаётининг кўпгина бошқа томонлари унинг миқдор ва сифат даражаси билан белгиланади.

Жамиятнинг иқтисодий фаровонлигини ўлчашда ёрдам берадиган анчагина кўрсаткичлар мавжуд. Бироқ, юқорида таъ — кидланганидек, улар ичида энг яққоли — ЯММдир. Миллий ҳисоб — китоблар тизимига асос қилинган ЯММ иқтисодиётда бир йил ичида ишлаб чиқилган пировард товарлар ва кўрса — тилган хизматлар бутун ҳажмининг ялпи бозор қиймати си — фатида аниқланади. Бунда шуни эътиборда тутиш керакки, ушбу йилда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳаммаси ҳам сотилган бўлиши шарт эмас, баъзилари заҳирани тўлдиради. Заҳиралар — нинг ўсиши ҳам ЯММни ҳисоблашда эътиборга олиниши керак, чунки ана шу кўрсаткич ёрдамида ҳосил қилинган барча маҳ — сулот, сотилган — сотилмаганидан қатъий назар, ўлчанади.

Юқорида ялпи миллий маҳсулот ҳақида умумий тасаввур берилган эди. Энди ишлаб чиқариш бутун ҳажмининг бозор — даги қиймати қандай қилиб ўлчаниши мумкинлигини кўриб чиқайлик. Буни икки усул ёрдамида амалга ошириш мумкин: биринчидан, истеъмолчи маҳсулотнинг пировард фойдаланув — чиси сифатида уни харид қилиш учун қанча сарфлаши ҳисоб — ланади, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил этилган бутун иш ҳақи, рента тўловлар, ссуда фоизи ва фойда қўшиб чиқилади. Бошқача айтганда, ЯММ ушбу йилда сотилган маҳ — сулот бутун ҳажмини харид қилиш харажатларини қўшиш йўли билан ёки ушбу йилдаги маҳсулот бутун ҳажмини ишлаб чиқа — ришдан олинган даромадни қўшиш воситасида аниқланиши мумкин.

ЯММни харажатлар бўйича ҳисоблаш. Ялпи миллий маҳсулотни ана шу усул билан ўлчаш учун иқтисодиётда бир йил ичида ҳосил қилинган пировард маҳсулотлар ва хизмат — ларни барпо этиш харажатларининг қуйидаги барча турларини қўшиш зарур:

— уй хўжалиklarини узоқ муддатли ва ҳозир фойдала — ниладиган предметларга, шунингдек хизматларга кетган хара — жатларини ўз ичига оладиган шахсий истеъмол харажатлари;

— ялпи хусусий ички инвестициялар, яъни тадбиркор то — монидан машиналар, ускуналар ва дастгоҳлар харид қилини — ши, қурилиш, заҳираларнинг ўзгариши билан боғлиқ барча ха — ражатлар;

— товар ва хизматларнинг давлат хариди, унга марказий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг корхоналар пировард маҳсулоти ва ишлаб чиқариш омиллари ха — рид қилишга доир барча харажатлар киради (бунга давлат транспорт тўловлари кирмайди, чунки улар жорий ишлаб чи — қаришнинг кўпайишини акс эттирмайди);

— товар ва хизматларнинг соф экспорти, яъни ушбу мам — лакат товарлари ва хизматлари учун хорижий харажатларнинг ана шу мамлакат товарлари фуқаролари ва ташкилотлари чет эл товар ва хизматлари учун сарфланган харажатлардан ошиб кетган миқдори (соф экспорт манфий ҳам бўлиши мумкин).

ЯММни даромадлар бўйича ҳисоблаш. Даромадлар бў — йича ҳисобланганда ялпи миллий маҳсулот тартибига қандай қисмлар киришини қараб чиқайлик.

Иқтисодиётда фойда ва ялпи даромаднинг миқдорини аниқ ҳисоблаш учун тадбиркорлик шўъбасининг ялпи даромадларини амортизация чегирмаларини ҳисобга олиш зарур. Аслини олганда улар — капиталнинг истеъмоли учун чегирмалардир, яъни улар ушбу йил ЯММ ни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган инвестицион товарларни харид қилишга кетади. Тадбиркорлар даромадининг ҳаммасини ресурсларни етказувчилар билан ҳи — соб — китоб қилиш учун ишлатиб бўлмаслиги ана шу турдаги ха — ражатларнинг аҳамияти катта эканлигини белгилаган. Бу хара — жатларнинг бир қисми — айти маҳсулот қийматининг бир қисми ишлаб чиқаришнинг фойдани камайтирадиган чиқимларидир. Бироқ ишлаб чиқариш чиқимларининг бошқа турларидан фарқ қилиб, амортизация бирор бир даромадга қўшилмайди.

Харажатларнинг даромад тўлаш билан боғланмаган яна бир тури давлат оладиган муайян солиқлар билан боғлиқ, улар эгри солиқлар деб аталади. Тадбиркорлар уларни ишлаб чиқариш ҳажми деб қарайдилар ва шу сабабли маҳсулот нархини оширадилар. Бинобарин, йиллик маҳсулот қийматининг бир қисми — товарлар нархлари орқали истеъмолчилар зиммасига юкланадиган эгри со — лиқлардир. Миллий ишлаб чиқаришнинг ушбу тури иш ҳақи, ижара тўлови, фоиз ёки фойда кўринишида чиқа олмайди.

3. Миллий даромад, унинг таркиби ва ундан фойдаланиш

Жами ижтимоий маҳсулот ҳар хил қисмларга бўлинади. Жами миллий маҳсулот қийматининг бир қисми ишлаб чиқа — ришда истеъмол этилган ишлаб чиқариш фондлари ва айланма фондларини қоплашга ажратилади. Буни қоплаш фонди деб юритилади.

Қоплаш фонди бу ишлаб чиқаришда фойдаланган ишлаб чиқариш воситаларининг маҳсулотга ўтказган қийматига тенг — дир. Жами миллий маҳсулот қийматидан, истеъмол этилган иш — лаб чиқариш воситаларининг қийматини чегириб ташланса, яъни

СММ = ЯММ – Амортизация йиллик суммаси

Соф миллий маҳсулот таркибида давлат томонидан эгри солиқ бўлиб, уни чиқариб ташлангандан сўнг қолган қисми жа — миятнинг миллий даромадини ташкил этади.

МД = СММ – эгри солиқлар

Миллий даромад миллий хўжалиқда бир йил давомида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳосидаги қиймати бўлиб, натурал шаклида истеъмол буюм — лари, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга мўлжалланган ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмидан иборатдир.

Такрор ишлаб чиқаришда айнан ана шу босқични: ишлаб чиқариш, тақсимот, муомала ва фойдаланиш босқичларини ўтай — ди. Унинг ҳажми сарфланган меҳнат, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш воситаларининг тежамлигига боғлиқ.

Миллий даромад (МД) моддий неъмат ишлаб чиқарувчи корхоналарда ва кўрсатилган хизматлар қийматининг йиғин — дисидан иборатдир.

Миллий даромад (МД) — моддий неъмат ишлаб чиқариш тармоқларида иш ҳақи ва фойда шаклида яратилган янгидан яратилган қийматдир.

Миллий даромад яратувчи тармоқлар — саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, юк транспорти ва алоқа, савдонинг (ишлаб чиқариш давоми бўлган қисми) ва бошқа тармоқлардир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида мулкни турли шакллари вужудга келди. Шу муносабат билан миллий даро — маднинг социал таркиби бутунлай ўзгариб кетди. Миллий да — ромадни (МД) тақсимлаш ва фойдаланиш унинг ҳажми ва тар — кибига боғлиқдир.

Истеъмол учун харид қилинадиган товарлар ва хизматлар пировард маҳсулотлар деб аталади. Қайта сотиш ёки ишлов бе — риш учун харид қилинадиган маҳсулотлар эса оралиқ маҳсу — лотлар дейилади. ЯММга фақат пировард маҳсулотларнинг қий — мати киритилади, чунки барча оралиқ битимлар аллақачон унга киритилган.

ЯММ ва миллий даромадни (МД) ўсишини таҳлил қи — линганда жорий ва ўзгармас баҳолардан фойдаланилади. Мил — лий даромадни (МД) амалдаги жорий баҳода ҳисоблаш бир йил ичида яратилган қиймат ҳажмидир. Миллий даромад ҳажмини

ўзгармас баҳода ҳисоблашда базис йили баҳоси билан ҳисобланади.

Миллий даромаднинг фойдаланиш хусусиятига қараб истеъмол ва жамғариш фондларига бўлинади.

Жамғариш фонди — бу миллий даромаднинг кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминлайди. Даставвал у асосий ва айланма фондларни кўпайтиради ва такомиллаштиради.

Жамғариш фонди ҳисобига номоддий фондлар (уй — жойлар, шифохоналар, кутубхоналар, мактаблар, санаториялар) қурилади. Жамғарма фонди ҳажмини аниқлашда уй хўжаликлари даромадидан истеъмолга мўлжалланган сарфларини айириб ташлаш унинг қолган қисми жамғарма фонддини ташкил этади.

Агар даромад фондидан истеъмолга мўлжалланган сарфлар миқдори кўп бўлса, жамғарма ҳажми ўшанчалик кам бўлади ва аксинча. Жамғаришнинг моҳияти асосий ва айланма фондларни ҳамда эҳтиёт заҳираларини кўпайтириш учун сарфланишга айтилади. Жамғариш фонди, унинг ҳажми ва таркиби кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ўсиш суръатини белгилаб берадиган омилдир.

Истеъмол фондлари — бу миллий даромаднинг жамиятнинг жами моддий эҳтиёжларини қондиришга сарфланадиган қисмидир. Жами истеъмол фонди ўзининг фойдаланиш хусусиятига қараб, икки қисмга бўлинади: якка тартибдаги ва жамоа бўлиб истеъмол қилиш фондига. Якка тартибдаги ёки жамоа бўлиб истеъмол қилиш фарқланади.

Якка тартибдаги истеъмол фондига моддий неъмат ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлганларнинг иш ҳақи, социал таъминот (пенсия, нафақа, стипендия ва ҳ.к.)

Жамоа бўлиб истеъмол қилиш қисмига жамият аъзоларининг гуруҳлари моддий неъмат ва хизматлардан, яъни маориф, фан, табиат, санъат, маданият ва бошқарув тизими киради. Истеъмол фонди маблағларидан бутун миллий иқтисодиёт қамровида банд бўлган ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини, шу жумладан бошқариш ва мудофаа эҳтиёжларини қондиришда сарфланади. У жамиятда ҳамма аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасаларнинг, илмий муассасалар бошқаришдаги оддий харажатларни ўз ичига олади.

Истеъмол фонднинг асосий қисми шахсий даромад шаклида ходимларнинг қўлига келиб тушади ва истеъмол мақсадлари учун фойдаланилади.

4. Иқтисодий ўсиш тушунчаси, турлари ва кўрсаткичлари

Эҳтиёжларни юксалиш қонунига биноан жамият аъзо — ларининг социал — иқтисодий эҳтиёжлари узлуксиз юксалиб бо — ради. Мазкур эҳтиёжлар эса ўз навбатида кишиларнинг меҳнат қилиши ва иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истеъмол эти — лиши зарур бўлган товар ва хизматлар мажмуидан иборат. Юк — салиб бораётган эҳтиёжларни қондиришнинг ягона воситаси эса иқтисодий ўсиш ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш деб, аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўл — ган моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг кў — пайиб боришига айтилади. Моддий неъматлар деганда биз на — фақат ноз — неъматларни, балки шу билан бирга ишлаб чиқа — риш воситаларини ва ресурсларини кўпайиб ўсиб боришини ҳам тушунамиз.

Иқтисодий ўсиш реал ялпи миллий маҳсулотни (ЯММ) аҳоли жон бошига нисбий нархларида тақсимлаш ёки жамият ялпи ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичларида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий ўсиш **микро** ва **макро** кўламда юз беради. Микроиқтисодий ўсиш хўжалик бўғинлари, фирма ёки тармоқ доирасидаги ўсишни, макроиқтисодий ўсиш эса жамият миқё — сидаги макроиқтисодий ўсишни билдиради.

Иқтисодий ўсишнинг ҳажмини унинг кўлами ва суръати кўрсатади. Иқтисодий ўсиш кўлами яратилган товар ва хиз — матлар ҳажмини билдирса, унинг суръатлари эса, ўсиш тезли — гини кўрсатади.

Иқтисодий ўсишнинг натижаси жамият аъзоларини таъ — минловчи фойдали реал моддий неъматлардир. Айнан улар иқ — тисодий ўсишнинг ҳақиқий мезонидир. Ижтимоий тараққиётнинг олий мезони ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти даражасидир. Мезонга иқтисодий ўсишни аниқловчи кўрсаткичлар мувофиқ келишидир. Улар ўз навбатида статистика ва динамик ҳамда миқдор, сифат кўрсаткичларига эгадир.

Иқтисодий ўсишнинг икки жиҳати бор, уларни фарқламоқ керак. Биринчидан, унинг кўлами ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради, бутун жамиятда қанча маҳсулот ва хизматлар ярати — лишини, уларнинг ўсишини, қандай миқдорда бўлишини кўрса — тади. Ўсишнинг иккинчи томони, унинг суръатлари бўлиб, иқти — содий ўсишни нисбий жиҳатдан ифодалайди, унинг мутлоқ ўсиши эмас, балки ўсиш тезлигини кўрсатади. Унинг ўсиш суръати кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Иқтисодий ўсиш таҳлил қилинишида унинг ҳар икки жиҳати биргаликда кўрилади. Иқтисодий ўсишнинг нафақат миқдорий, балки сифат меъёри ҳам мавжуд. Шу сабабли яратилган маҳсулот ва хизматлар миқдоран кўпайибгина қолмасдан, ўз сифати жиҳатдан талаб — эҳтиёжни қондиришга қодир бўлиши талаб этилади. Қолоқ иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг миқдорий томони бирламчи бўлади, чунки ишлаб чиқариш даражаси паст бўлганлигидан маҳсулотларни танлаб истеъмол этиш имкониятлари чекланган бўлади, сифати етарли бўлма — сада, кўпроқ маҳсулот талаб қилинади.

Ишлаб чиқариш юксалган сари сифатга талаб ошиб боради. Юқори даражада ривожланган иқтисодиёт шароитида маҳсулот ва хизматлар миқдори кўп бўлганда уларни танлаб истеъмол этиш имконияти катта бўлади, бинобарин, сифат устивор аҳамият касб этади.

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар мавжуд, булар:

- табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати;
- асосий капиталнинг миқдори ва таркиби;
- технология даражаси.

Мазкур омиллар ишлаб чиқаришнинг миқдоран ўсишини таъминловчи **таклиф омиллари** деб аталади. Аммо, иқтисодий ўсиш талаб ва тақсимот омилларига боғлиқ. Бунга сабаб:

— биринчидан, жамият иқтисодиётида ўсиб бораётган ишлаб чиқариш потенциални (имкониятини) рўёбга чиқариш учун жами харажатларнинг ҳажмини оширилишидир;

— иккинчидан, ишлаб чиқариш потенциални тўлароқ мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурсларни тўла ишга солиш, шу билан бирга улардан тобора самарали, тежамли фойдаланишини таъминлаш ҳам талаб қилинади.

Ресурсларни турли соҳаларда мақсадга мувофиқ тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши деб аталади. Бундай тақсимланиш иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлайди. **“Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишни ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимида қўшилишнинг энг асосий шарт-шароитларидан биридир”¹.**

Иқтисодий ўсишнинг икки тури мавжуд: **экстенсив** ва **интенсив**.

¹ И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. — Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995, 228 — бет.

Экстенсив ривожланишида иқтисодий ўсишга ишлаб чи — қаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда иш — лаб чиқариш омиллари миқдорини ўсиши ҳисобига маҳсулот ҳажми ошади. Иқтисодий ўсишнинг бу тури ишлаб чиқариш самарадорлигига олиб келмайди.

Интенсив иқтисодий ўсиш йўли яратилган маҳсулот ва хизматлар миқдорини кўпайиши, улар сифатини яхшилаши, ре — сурсларнинг тежамли ишлатилиши, фан — техника ютуқларини тадбиқ этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан амалга оширилишидир. Бу йўл ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самара — дорлигига узвий боғлиқ. Самарадорлик ишлаб чиқариш натижа — ларини харажатларга нисбати билан аниқланади. Самарадорлик қанча ресурс сарфлаб, қанча ва қандай сифатли маҳсулот ва хизматлар яратилганлигини ифодалайди. Макроиқтисодиётда ишлаб чиқариш самарадорлиги ЯММ — пировард натижа билан ўлчанса, микроиқтисодиёт миқёсида эса (корхонада) яратилган соф маҳсулотнинг ёки фонднинг маҳсулот таннархига нисбати билан аниқланади.

Гарчи иқтисодий ўсиш самарадорлигини интенсив усул — лар заминда амалга оширганда барқарорликка эришилса ҳам, аммо барқарорлик доимий тус ололмайди, чунки иқтисодий ўсишда узилишлар ҳам, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишлар ҳам бўлиб туради. Бундай ҳолат иқтисодий ўсишнинг даврий — лиги деб аталади. Иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг гоҳ тез суръатда ўсиши, гоҳ инфляция ва баҳолар даражасининг кўта — рилиб бориши, яъни барқарорлик ҳолатларининг юз бериб ту — рилиши иқтисодий ўсишнинг **цикли** деб аталади. Цикл иқти — соднинг даврий кўтарилиши ва пасайиш ҳодисаларини ўз ичига оладиган, иқтисоднинг тебраниб туриши билан тавсифланади — ган тебранма давридир.

5. Миллий бойликнинг моҳияти, таркибий тузилиши ва Ўзбекистон иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланиш

Иқтисодий ўсиш жамиятда нафақат аҳолининг жорий эҳ — тиёжларини қондирибгина қолмасдан, шу билан бирга унинг миллий бойлигининг кўпайиб бориш манбаи ҳамдир.

Миллий бойлик нима? Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аждодлар меҳнати билан яратилган ва бутун тарихий тараққиёт мобайнида жамғарилган неъматларнинг, ис — теъмол қийматларининг йиғиндисидир.

Миллий бойлик жамиятда аҳолининг турмуши моддий ва маънавий даражасининг негизи, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва пировард натижасидир.

Миллий бойликни ташкил этадиган моддий неъматлар ўзининг ҳосил бўлиши жиҳатдан бир қисми инсон меҳнати — нинг натижаси бўлса, иккинчи қисми ишлаб чиқариш жараё — нига жалб этилган табиий бойлик ресурсларидан иборатдир.

Табиий ресурслар — жамият тасарруфидаги ер, сув, ўр — мон, фойдали қазилмалардан иборат бўлиб, улар миллий бой — ликнинг моддий неъматлар қисмини яратишни асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Миллий бойликнинг моддий буюмлашган қисми жамиятда авлодлар меҳнати, яъни ишлаб чиқаришнинг унумли меҳнатининг натижасидир.

Миллий бойликнинг ўзига хос хусусиятлари унинг меҳнат маҳсули эканлиги ва кўпая бориши, жамғарила бориши, такрор ҳосил бўлиши ва муайян мол — мулк сифатида кишилар тасар — руфида бўлишидир.

Миллий бойлик, унинг таркибий тузилиши ва уни ташкил этган қисмларнинг сифати, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш — нинг муҳим омилдир, мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичидир. Миллий бойлик ҳажмининг кўпайиши — халқ турмуш даражасини оширишнинг зарур шартидир. Кен — гайтирилган такрорий ишлаб чиқариш жараёнида миллий бойлик фақат ўсибгина қолмасдан, янғидан яратилган маҳсулотлар ҳи — собига тўлдирилиб ва доимо янгилашиб боради, шу тариқа иқти — содий тараққиётнинг натижаси юзага келади.

Миллий бойликнинг асосий қисми бўлган асосий ва ай — ланма фондлари, саноат ишчилари, аграр сектор ходимлари, ин — женер — техник ходимлар ва илм — фан соҳиблари билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ташкил этади. У муайян давлатнинг жамият ишлаб чиқариши ва фаровонлигининг у ёки бу даражасини ҳам таъминлаш лаёқатини ифодалайди.

Миллий бойликнинг бир қисми ишлаб чиқариш ресурс — лари сифатида сарфланса, иккинчи қисми истеъмол воситаси сифатида сарфланади.

Жамият ихтиёридаги миллий бойлик, унинг ишлаб чиқа — риш ресурслари шу жамиятнинг иқтисодий куч — қувватини, яъни иқтисодий салоҳиятини ташкил қилади. Иқтисодий потенциал — жамиятнинг ишлаб чиқара олиш қобилиятидир. Бундай қоби — лият яратилган ялпи миллий маҳсулотда ишлаб чиқаришнинг пировард натижасида ўз ифодасини топади. Эришилган иқти — содий салоҳият — амалда ишлатилган салоҳият бўлиб, бугунги

ишлаб чиқариш даражасини билдиради, келажакдаги салоҳият эса тўла — тўқис ишлатиладиган салоҳият бўлиб, ресурслардан максимал даражада фойдаланишни тақозо этади. Бўлажак са — лоҳият амалда эришилган салоҳиятдан ортиқ бўлади.

Иқтисодий салоҳият қуйидаги унсурлардан иборат: меҳ — нат салоҳияти, техника — технология салоҳияти, илм — фан (ин — теллеktуал) ва табиий салоҳиятлардир.

Меҳнат салоҳияти ишлаб чиқаришга лаёқатли аҳоли қисми бўлиб, унинг миқдорини ишга яроқли кишилар сони ташкил этса, сифати эса аҳолининг билим даражаси, касбий малака ва тажри — басига боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда бу унсурнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ҳиссаси 20 — 25 фоизни ташкил этади.

Техника — технология салоҳияти жамиятнинг ихтиёридаги машина асбоб — ускуналар миқдори, уларнинг техникавий ва технологик даражаси ва таркибидан иборат.

Табиий салоҳият чекланган бўлиб, у ер, сув заҳиралари, ўрмон ва ер ости бойликлари, сув бойликлари, иқлим қулай — ликларидан иборат. Табиий ресурсларнинг камёблиги туфайли вужудга келадиган қийинчилик ва тўсиқларни илмий — техни — кавий потенциал ёрдамида бартараф этиш мумкин. Масалан, Япония табиий ресурслари салоҳиятининг камёблигини, унинг юксак техника — технология салоҳияти ёрдами билан қоплайди.

Ўзбекистон бой табиий моддий ва меҳнат ресурсларига эга. Олтин, кумуш, мис, вольфрам, калий, қўрғошин ва қора металлур — гияга бой. Республика тоғ — саноат комплекси ҳамда хом ашё ва ишлаб чиқариш базаси иқтисодий тараққиётнинг қандай боришини кўп жиҳатдан белгилайди. Ўзбекистон 55 хилдаги турли қазилма бойликларга эга. Уларнинг умумий қиймати 3,3 триллион АҚШ долларига тенг.

Ўзбекистонда тупроқ ва ўсимлик ресурслари мавжуд бў — либ, у интенсив қишлоқ хўжалиги учун қулай. **"... биз ўз ихтиё — римиздаги ғоят бой табиий маъдан хом ашё меҳнат ресурс — ларига мустаҳкам таянишимиз, улардан энг самарали фой — даланишни ҳисобга олишимиз лозим"**¹.

Ўзбекистон хом ашё етиштиришга мўлжалланган иқти — содиётнинг бир томонламалигини қатъий бартараф этиб, унинг ресурсларини замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришга йўналтириш, барқарор иқтисодий ўсишни, аҳоли фаровонлигини таъминлашининг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишининг энг асосий шартига айланади.

¹ Каримов И.А. "Деҳқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи". Т., "Ўзбекистон", 1994, 36 — бет.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб туша – диган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги суммаси.

Ички миллий маҳсулот (ИММ) – бир йил давомида мам – лакатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотлар ва хизматларнинг бозор ба – ҳосидаги қиймати.

Соф миллий маҳсулот (СММ) – ЯММ дан амортизация ажратмалари суммасини чегириб ташлангандан қолган қиймат суммаси.

Миллий даромад (МД) – йил давомида янгитдан вужудга келтирилган қиймат бўлиб, СММдан эгри солиқларни чегириб ташлашдан қолган қиймат суммаси.

Миллий ҳисоблар тизими – ЯММ, ИММ ва Миллий да – ромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, фойдаланишни қиймат шаклида ифодаладиган ўзаро боғлиқ ҳисоблаш тизими.

Инвестициялар – ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, такомиллаштириш, асосий ва айланма фондларни кўпайтиришга сарфланадиган маблағлар.

Иқтисодий ўсиш – ЯММ (СММ, МД) йиллик миқдори – нинг мутлоқ ўсиши.

Миллий бойлик – инсоният жамияти тараққиёти томо – нидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойлик.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни айтинг.
2. ЯММ нима?
3. Нима учун ЯММни ҳисоблашда фақат пировард маҳсулот – ларнинг қиймати эътиборга олинади?
4. ЯММни ҳисоблашдаги икки ёндашувнинг моҳияти қандай?
5. ЯММни ҳисоблашда дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қандай ҳисобга олинади?
6. ЯММ ва СММ бир – биридан нима билан фарқланади?

1. Аграр муносабатларнинг моҳияти ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги хусусиятлари.
2. Ер рентаси ва унинг турлари
3. Агробизнес ва унинг турлари.
4. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси ва унинг таркиби.

1. Аграр муносабатларнинг моҳияти ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳиблик ҳиссини уйғотиш мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжалиklarини қайта тузиб, уларни хўжалик мол-мулкининг бир қисмини, муайян улушини деҳқонларга бириктириб қўйишга асосланган хўжаликларга айлантириш, хўжаликларнинг ўзида ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек (фермер) ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим"¹ деб таъкидлаб ўтган.

Аграр муносабатлар иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос тури ҳисобланади. "Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ, шунинг учун ҳам ерга эғалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар"² дейилади.

Бошқа бир таърифда эса "Ер билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар" деб аталади³ дейилган.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, ер билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар аграр муносабатларнинг асосини ташкил этади. Шу сабабли аграр муносабатларнинг асосий хусусиятлари ҳам ерга узвий боғлиқ бўлади.

Уни қуйидагича асослаш мумкин:

❖ ернинг аграр ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатидаги хусусияти: ернинг нархи ва унинг сифати агробизнеснинг

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Т. "Ўзбекистон". 1997. 202-бет.

² Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т., 2000. 152-бет.

³ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Тошкент, "Меҳнат", 1995, 338-бет.

бошқа ресурсларини танлаш, уйғунлаштириш ва улардан фой — даланишнинг турли вариантларини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади;

❖ қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ноз — ластиклиги бу соҳадаги даромадларнинг паст бўлишини белги — лайди: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқа — рилиши уларнинг фойдалилик даражасини камайтиради.

Аграр муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — атроф — муҳитда бўлаётган табиий жараёнларнинг *унга* бевосита таъсир кўрсатишидир. Мазкур жараёнлар ернинг маҳ — сулдорлигида ва ушбу соҳадаги ишлаб чиқаришга таъсир кўр — сатувчи иқлим, об — ҳаво шароитларида ўзининг аксини топади.

Ерда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча тар — моқлари, шу жумладан қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилиш корхоналари жойлашади. Ер ости ва устидан транспорт йўллари ўтади, ер остидан қазилма бойликлари қазиб олинади ва ерда ўрмон хўжаликлари юритилади. Ерда турар — жой, маданий — маиший бинолар қад кўтаради. Демак, ҳар қандай иқтисодий фаолият, шу жумладан аграр соҳадаги фаолият ер билан узвий боғланган бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида ер товарга, тадбиркор — лик объектига айланади. Аммо ер ресурслари маконда табиий равишда чекланган, уни такрор ишлаб чиқариб бўлмайди. Ер таклифи ер нархининг ортиши билан кўпайиб, аксинча кама — йиши билан тушиб кетмайди. Шу сабабли ер таклифи мутлоқ ноэластик (ўзгармайдиган) бўлади. Ер ўзининг шу хусусият — лари билан бошқа ресурслардан фарқланади.

Ерларнинг мутлақ ноэластиклиги тўғрисидаги фаразларни ҳам қандайдир маънода инкор этишга асос бор. Чунки ерларнинг мутлақ ноэластиклиги фаразини сусайишига қуйидаги омиллар таъсир этади:

❖ янги ерларни ўзлаштириш;

❖ уларга инвестицияларни кенг жалб этиш;

❖ ерлардан самарали фойдаланиш йўлларини топиш орқали ер таклифини кўпайтириш;

❖ ерлардан нооқилона фойдаланиш натижасида уларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан, умуман олганда муомаладан чи — қиб кетиши ва ҳ.к.лар.

Аграр муносабатлар бозор муносабатлари шароитида ян — гича мазмун касб этади. Ерга бўлган мулкчилик муносабатлари аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этади. Демак, аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларнинг асо —

сини ердан фойдаланиш характери ҳал этади. Бу нима дегани, бу ердан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва тасарруф этиш деганидир. Қишлоқ хўжалигидаги яратилган меҳнат натижа — ларидан фойдаланиш, эгалик қилиш ҳам айнан ана шу жиҳатларга боғлиқ бўлади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: **“Бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи — негизи — ерга мулкчилик масаласидир. Ер — ўлкамизнинг энг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаш учун асосий шарт — шароитларни яратиб беради. Шу сабабли Республиканинг келажаги, Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатларининг қандай ташкил этилишига боғлиқдир”**¹ деб оқилона фикр юритади ва шу соҳадаги келгуси тадбирларни белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатга бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари яхлитликда олиб борилишини талаб этади ва иқтисодиётнинг аграр секторини ташкил этади.

Аграр соҳадаги асосий ресурс ер, лекин у чекланган, ерни меҳнат жараёнида яратиб бўлмайди. Кўпгина ресурслар ўзининг муқобилларига эга, аммо ер бундай хусусиятдан маҳрум, аммо ернинг муқобил ишлатиш усуллари кўп. Шу сабабли ерга бўлган талаб доимо ортиб боради, яъни эгаси йўқ ер бўлмайди. Шу сабабдан ерни ишлатиш учун текинга берилмайди, ер эгасига ундан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш керак.

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунларида ердан фойдаланишнинг тўловларга асосланганлиги қайд этиб ўтилган. Бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда ердан фойда — ланишда ана шу хусусиятни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ер хўжалик юритиш объекти сифатида эгаллаб олинади, яъни ерда турли хўжаликлар ташкил топади. Яроқли ерлар бўш турмайди. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида таъкид — ланганидек: “Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин”². Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” қонунининг 10 — моддасида “Фуқароларга фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муд —

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.З. Тошкент, 1996, 216 — бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999. 20 — модда.

датта ижарага берилади" деб ёзиб қўйилган¹. Ёки Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги" қонуни — нинг 8 — моддасида "... деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ер — ларда 1 гектаргача ўлчамда берилади" дейилган².

Ер мулк ҳисобланади, шу сабабли ундан ер эга(мулкдор) — ларининг розилигисиз фойдаланиб бўлмайди. Ердан фойдаланиш учун унинг эгасига ҳақ тўлаш керак. Ер участкасидан фойда — ланганлик учун тўланадиган ҳақ рента дейилади, Шу сабабли кейинги бўлимда ер рентаси ва унинг турлари тўғрисида фикр юритилади.

2. Ер рентаси ва унинг турлари

Аграр муносабатларнинг асосини рента муносабатлари ташкил этади. Ер рентаси — ижарачининг ер участкасидан фой — даланганлик учун тўлови ёки ер эгасининг даромади³ дир. Қишлоқ хўжалигида ер эгаси(мулкдор) ердан фойдаланганлик учун ерни ишлатувчилардан тўлов олади. Мазкур тўловнинг миқдори (ернинг бозор нархи) бир томондан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган тадбиркорларнинг ялпи талаби билан, иккинчи томондан ер эгаларининг таклифи ўртасидаги алоқадорликка узвий боғлиқ бўлади.

Ер эгаси яратилган маҳсулотнинг бир қисмини ўзлаш — тириб олади. Бу ер давлатникими, хусусийми аҳамияти йўқ. Дав — лат уни ер солиғи, хусусий ер эгалари эса ердан фойдалан — ганлиги учун тўлов сифатида олади. Шунинг учун ер рентаси ер эгалигини иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализация қилиш) шаклидир.

Ер рентасининг бир неча хиллари мавжуддир. Булар қу — йидагилар:

- ◆ Абсолют ер рентаси,
- ◆ дифференциал (табақалашган) рента — I,

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисидаги" қонуни. 10 — модда, 1998 йил, 30 апрель.

² Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги" қонуни. 8 — модда, 1998 йил, 30 апрель.

³ Загорулько М.М. Основы экономической теории и практики: Учебно — ме — тодическое пособие. — Волгоград: Изд. Волгоградского университета, 1994. — С.238.

- ◆ дифференциал (табақалашган) рента — II,
- ◆ монопол рента,
- ◆ мутлоқ рента,
- ◆ Ундирма саноатда олинадиган рента,
- ◆ қурилиш участкалари учун олинадиган ренталардир.

Абсолют ер рента — таклифининг чекланганлиги, мулк эканлиги ва унинг сифатидан қатъий назар ер эгаларига тегадиган даромад. Абсолют ер рентасининг вужудга келиш механизми шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳам, ерга ҳам талаб ошган пайтда энг ёмон ерлардан ҳам фойдаланилади ва бу ерлардан олинган даромад тадбиркорнинг даромадини ҳам, рентани ҳам бериши керак. Яъни маҳсулот одатдагидан юқори нарҳда сотилади. Бу абсолют рентани ҳосил қилади ва ер эгаси уни ўзлаштиради. Мана шу рента абсолют ер рентаси деб ном олган. Агар ер ижарага берилганда шу ерда турли хил иншоотлар, бинолар қурилган бўлса, уларнинг ижара ҳақи алоҳида ҳисобланади.

Ерларнинг сифати уларнинг географик ўрнига ва унумдорлигига қараб турлича бўлади. Ернинг миқдори ва сифатини табиатнинг ўзи чеклаб қўйган, инсон уни кўпайтиришга ҳам қодир эмас. Шу ҳолатга мос равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини фақат яхши ва унумдор ерларда тўплаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Мазкур ҳолат ер участкаларидан олинадиган рентанинг ҳам ўзига хослигини белгилайди. Дифференциал (табақалашган) рента ана шундай ҳосил бўлади ва у ернинг сифатига қараб олинади ҳамда у рентанинг абсолют рентадан ортиқча бўлган қисмидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотига талаб (тўловга қобил талаб) катта бўлса, ерни маҳсулдорлигининг пастлиги ва жойлашувининг ноқулайлиги ҳам етарли даражада эътиборга олинмайди. Аксинча, бундай ҳолат нархларнинг шаклланишидаги ижтимоий нормал шароит ҳисобланади. Ўртача ва яхши ерларда хўжалик юритувчилар эса кўпроқ қўшимча маҳсулот (фойда) олиш имкониятига эга бўладилар ва фойда доимий тавсифга эга бўлади. Мазкур ҳол дифференциал (табақалашган) рентанинг вужудга келиши учун шароит яратади.

Тупроқнинг ҳосилдорлиги икки хил бўлади: табиий ҳосилдорлик ва иқтисодий ҳосилдорлик. Модомики шундай экан, рента ҳам турлича бўлади. У дифференциал рента — I, ва дифференциал рента — II га бўлинади.

Дифференциал рента — I — ернинг табиий унумдорлиги (тупроқнинг ҳосилдорлиги)га ва унинг жойлашувига қараб оли —

нади. Маълумки, ерлар сифат жиҳатидан фарқланади. Ерлар —нинг ноэластиклигини назарда тутадиган бўлсак, ёмон ерлар (ҳосилдорлиги паст ерлар) ҳам бўш қолмайди ва такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади. Лекин бу ерларга сарфларган харажатлар нисбатан кўпроқ ва олинадиган фойда эса шунга мос равишда камроқ бўлади. Аксинча, ерларнинг сифати яхши — ланиб борган сари улардан олинадиган маҳсулотнинг ва фойда —нинг миқдори ҳам ортиб боради. Энди масаланинг нозик бир жиҳати бор, бу ҳам бўлса бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг бир хиллигидир. Ерларнинг сифатига қараб уларга сарф қилинган харажатлар эса турличадир. Худди ана шу фарқ дифференциал рента — I ни ҳосил қилади.

Ўзбекистон Республикасида ерлар сифат жиҳатидан 5 турга бўлинади: жуда яхши ерлар, яхши ерлар, ўртача ерлар, ёмон ерлар ва ўта ёмон ерлар. Давлат ушбу ерлардан олинадиган рента (со — лиқ)нинг адолатли бўлишини назарда тутган ҳолда Республика — даги ерларнинг сифатини аниқлаш ва уларни бонитетини белгилаш борасида катта ишларни амалга оширди. Ҳозирги кунда ерлардан олинаётган солиқлар ерларнинг бонитети балига қараб олинади.

Тупроқнинг табиий унумдорлигининг ўзи дифференциал рента — I нинг пайдо бўлишига етарли даражада асос бўлол — майди. Ерларнинг географик жойлашиши, яъни унинг транс — порт йўлларига, йирик шаҳарларга, қишлоқ хўжалиги ва бошқа бозорларга нисбатан қулай ёки ноқулай жойлашувига қараб ҳам дифференциал рента — I ҳосил бўлади.

Дифференциал рента — II — тупроқнинг иқтисодий ҳосил — дорлиги натижасида ҳосил бўлади. Иқтисодий ҳосилдорлик деганда, ерга қўшимча маблағ сарфлаб, унга ишлов бериб ҳо — силдорликни сунъий равишда ошириш тушунилади. Мазкур тадбир натижасида хўжаликларнинг маҳсулот бирлиги ҳисобига қилаётган сарф — харажатларининг улар олаётган даромадга нисбатан кама — йиши кузатилади. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бир хил бўлганлиги сабабли, ерга яхши ишлов берган хўжаликлар яхшироқ даромад оладилар. Яъни, улар ўзлари қилган сарфларига нисбатан олган устама даромад (қўшимча иқтисодий фойда) дифференциал рента — II ни ҳосил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш даврида дифференциал рента — II нинг бир қисми давлат фондига жалб қилиниши ижобий самара беради. Давлат ерларнинг ҳола — тини яхшилашга ва пировард оқибатда бу рентанинг ҳосил бў — лишига ўз ҳиссасини қўшади. Давлат ўзининг устивор иқтисо — дий мақсадларига мос равишда транспорт йўллари қурилишига,

ирригация — мелиорация ишларини йўлга қўйишга капитал маб — лағлар сарфлайди, техникалар, кадрлар, минерал ўғитлар етказиб беради. Шундай қилиб, дифференциал рента — I ва II ер эгаси бўлган давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ўрта — сида тақсимланади.

Монопол рента ўзига хос табиий шароитига эга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (узумнинг алоҳида навлари, цитрус экинлари, чой ва ҳ.к.лар)нинг ноёб турларини етиштириш им — кониятини берадиган ер учун унинг эгасига тўланадиган рен — тадир. Бундай ерларнинг таклифи жуда оз бўлиб, аксинча талаб жуда катта бўлади. Мазкур ерларда маҳсулот нархларининг юқори бўлиши кўпинча тўловга қобил талаб даражаси билан белгиланади. Натижада монопол нархлар шундай маҳсулотларнинг индивидуал қийматидан анча юқори бўлиши табиийдир ва у ишлаб чиқаришга кетган харажатлардан анча юқори бўлади ва пировардида ер эгалари монопол рента олиш имконига эга бўладилар. Монопол рента ижара ҳақининг юқорилигида ҳам ўз ифодасини топади.

Фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки ундирма саноатда ҳам қўшимча даромад олинади. Маълумки, фойдали қазилма конлари жойлашуви жиҳатидан ҳам, коннинг бойлиги жиҳати — дан ва қазиб олиш шароитларининг ўзига хослиги билан ҳам бир — биридан фарқ қилади. Худди қишлоқ хўжалигидаги син — гари ўрта ва яхши конлардаги корхоналар қўшимча фойда ола — дилар, у ҳам рентага айланади.

Қурилиш участкалари учун тўланадиган рента — ерлардан қурилиш объектларини жойлаштириш учун тўланадиган рента. Ер билан қурилишни ажратиб бўлмайди, ҳар қандай бино ер устида қад кўтаради. Аммо қурилиш участкалари учун олинадиган рентанинг ўзига хос хусусияти шундаки, мазкур рента бошқа ренталарга нисбатан юқори бўлиши талаб этилади. Айнан шу талаб бажарилган тақдирдагина ушбу ерлар ижарага берилади. Қурилиш участкаларидан ундириладиган рента ушбу ерларнинг географик ўрни, транспорт йўллари, алоқа воситалари, сув объеклари, соғломлаштириш масканлари, иссиқлик қувурларига боғлиқ бўлади ва ернинг сифати бу жойда рол ўйнамайди.

3. Агробизнес ва унинг турлари

Агробизнес деганда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес тушунилади ва у бозор тизимининг таркибий қисмларидан би — рини ташкил этади.

Бозор муносабатлари шароитида агробизнеснинг қуйи — даги хусусиятлари мавжуд:

❖ бу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нисбатан бир хиллиги;

❖ бу соҳада мустақил маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўта кўплиги ва шу сабабли уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори рақобатбардошлиги;

❖ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг доимо бир хил эмаслиги сабабли ундаги бозор конъюктурасининг беқарорлиги;

❖ аграр соҳада тадбиркорлик хавф — хатарининг юқорилиги;

❖ бозор мувозанатини ушлаб туриш мақсадида давлат ара — лашувининг мавжудлиги ва бошқалар.

Агробизнес ривожланган бозор иқтисодиёти мамалакат — ларига хос бўлиб, унга қишлоқ хўжалигининг ўзи, шу соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятлари киради.

Агробизнеснинг мақсади истеъмол бозорини тўла — тўқис таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат. Агробизнес иш — тирокчилари — тадбиркор фермерлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тадбиркорлари ва ниҳоят шу маҳсулотни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчилардир. Булардан ташқари агробизнес доирасига банклар, суғурта ва молия компаниялари ҳам жалб қилинади.

Агробизнес авваллари қишлоқ хўжалиги билан чекланса, кейинчалик у агросаноат интеграцияси натижасида агросаноат комплексини қамраб олади.

Агробизнеснинг энг тарқалган тури фермер хўжаликлари ҳисобланади.

"Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир"¹.

Фермер хўжаликлари иқтисодий адабиётларнинг кўпчи — лигида "ферма", "оилавий ферма" деб талқин этилади. Ривож — ланган бозор иқтисодиёти шароитида оилавий фермер хўжаликлари кенг тарқалган. Улар юксак даражада ихтисослашган ва замонавий фан — техника ютуқларига таянган хўжалик ҳисобланади, улар юксак меҳнат унуми ва сифатли меҳнатни таъминлашга қодир бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда айрим олимлар унга "... ферма ёки оилавий ферма хусусий қишлоқ хўжалиги корхонаси бўлиб, унинг мақсади фойда шаклидаги пул

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисидаги" қонуни. 1 — модда, 1998 йил, 30 апрель.

даромади олишдир. Фермалар асосан шахсий ва ижарага олинган ерларда фаолият кўрсатадилар" деб таъриф берадилар¹.

Фермер хўжаликларига қандай таърифлар берилишига қа — рамасдан уларнинг пировард мақсади даромад олиш ҳисобланади.

Масалан, АҚШ фермер хўжаликлари бир неча ташкилий шакллардан иборат. Бундай ҳолат Европа мамлакатларининг фермер хўжаликларига ҳам хос. Булар шахсий оилавий фер — малар, шерикчилик ва қишлоқ хўжалиги корпорацияларидир.

Шахсий (индивидуал) фермалар уларнинг энг оммалашган тури ҳисобланади. Бундай хўжаликларга АҚШ фермер хўжа — ликларининг 9/10 қисми тўғри келади. Бу фермер хўжаликлари ерларининг 70 фоизини эгаллагани ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 60 фоизини ишлаб чиқаради.

Фермер хўжаликларининг бошқа бир шакли шерикчилик бўлиб, у ўзида бир оиланинг турли авлодларини бирлаштиради. Фойда ва зарарни тақсимлашда аввал кўйилган маблағларнинг салмоғига қаралади. Шерикчилик қариндошларнинг ери, мо — лиявий, моддий меҳнат ресурсларини бирлаштириш имкония — тини бериб, пировардида қишлоқ хўжалигининг самарадорли — гини ошишига олиб келади.

Фермерчиликнинг яна бир шакли қишлоқ хўжалиги кор — порацияларидир. Корпорациялар мустақил юридик шахс бўлиб, чекланган масъулиятга эга кўрчилар (пайчилар, ҳиссадорлар)дан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари тезлик билан кўпайиб бормоқда, натижада 1999 йилда фермер хўжа — ликлар сони 23 мингдан зиёдни ташкил этди, уларнинг 10 минг — дан ортиқроғи чорвачиликка ихтисослашган.

1998 — 1999 йилларда Республикада етиштирилган гўштнинг 90 фоизи, сутнинг 92 фоизи, картошканинг 76 фоизи, сабзавотнинг 70 фоизи, меванинг 61 фоизи, полиз маҳсулотларининг 53 фоизи, узумнинг 50 фоизи деҳқон хўжаликлари томонидан тайёрланди.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга катта эътибор берилди.

Пахта экиладиган майдонлар тегишли суратда қисқарти — рилиб, донли экинлар майдони кенгайтирилди. Умумий экин майдонларида донли экинлар салмоғи 1991 йилда 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1998 йилда 35,9 фоизга ўсди². Фермер хўжа —

¹ Кемпбелл Р., Макконнелл, Стенли Р. Брю Экономикс. Т.1. — М., 1992. — С.238.

² Фуломов С., Усмонов Қ. "Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди". Т. 2000 й. 48 — 49 — бетлар.

лигидан ташқари агробизнес турлари ҳам бор. Улардан бири агрофирмадир. Агрофирма муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхонадир.

Агрофирмаларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари бор:

❖ Бу ерда қишлоқ хўжалиги ва саноат ресурслари бир — лашади;

❖ Ягона ишлаб чиқариш циклида аграр ва индустриал тех — нологияларнинг уйғунлашувига эришилади;

❖ Тармоқлараро ишлаб чиқариш алоқаларининг жадал — лашуви кузатилади;

❖ Бозор инфраструктураси аграр, саноат ва савдо фирма — лари ва уларнинг хўжаликлараро коммуникациялари талабларига мослашади ва ҳ.к.лар

Агробизнеснинг йириклашган тури — бу агросаноат бир — лашмаларидир. Бундай бирлашма бир неча хўжалик ва корхо — налар фаолиятини интеграциялаштиради. Бу ерда ишлаб чиқа — ришнинг бир неча ўзаро боғланган турлари, уларга хизмат кўр — сатувчи ва тижорат иши билан шуғулланувчи корхоналар бирла — шади. Фермер хўжалигидан фарқлироқ бирлашмалар танҳо (ин — дивидуал) хусусий мулкка асосланмайдилар. Бирлашма ишти — рокчиларининг мустақил шахсий (индивидуал) мулки билан биргаликда умумий жамоа — корпоратив мулки ҳам бўлади.

Агробизнес ишига фермерлар ассоциацияси (уюшмаси) ва иттифоқлари ҳам хизмат қилади. Улар кўнгилли ва пайчилик маблағига асосланган уюшма бўлиб, ўз аъзоларига хизмат кўрса — тади, уларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

4. Агросаноат интеграцияси.

Агросаноат мажмуаси ва унинг таркиби

Мамлакат истеъмол бозорида қишлоқ хўжалигининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Тармоқнинг мақсади аҳолини озиқ — овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қара — тилган. Мазкур мақсадларга эришиш эса уни саноат, савдо ва бошқа тармоқлар билан ҳам мустаҳкам алоқада бўлишини ва бу тармоқлар билан уйғун ривожланишини талаб этади. Яъни замо — навий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш агросаноат интеграцияси доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов **“Қиш — лоқ жойларида замонавий технологияга эга ҳаракатчан кичик корхоналар очиш ҳисобига янги иш жойлари ташкил**

этишни энг муҳим вазифалардан биридир. Қишлоқда мутлақо янги тармоқларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани, коммуникациялар тармоғини, замонавий маиший ва сервис хизматини кўрсатишни барпо этиш вазифасини олганмиз"¹ деб таъкидлаган.

Бу тадбир амалга оширилса қишлоқдаги ишлашни ҳоҳловчиларни ҳаммасини иш билан таъминлаш мумкин.

"Агросаноат интеграцияси — қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларни узвий бирикиши жараёнидир"².

Агросаноат интеграцияси кўп қиррали, ўзига хос, мураккаб иқтисодий жараён. Агросаноат интеграциясининг қандай даражада эканлиги унинг мамлакат кўламида, минтақа ёки корхона доирасида юз беришига узвий боғлиқдир. Юқори даража (бутун мамлакат ва минтақалар кўлами)даги агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро алоқалари кучайишида, халқ хўжалиги озиқ — овқат (тармоқ) ва минтақа агросаноат мажмуалари ташкил бўлиши ва ривожланишида ўз аксини топади.

Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи халқ хўжалиги тармоқлари мажмуасидир.

АСМ қуйидаги тармоқлардан иборат:

- қишлоқ хўжалиги;
- қишлоқ хўжалиги учун машина ва жиҳозлар етказиб берадиган саноат тармоқлари ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган тармоқлар;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, сотиш);
- одамлар ҳаёти ва фаолиятини умумий шароитларини таъминлайдиган инфратузилма (йўл транспорт хўжалиги, алоқа моддий — техника хизмати маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва тара хўжалиги).

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган тармоқларни, ижтимоий инфратузилма одамлар турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъмин —

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Т. "Ўзбекистон". 1997 й., 203 — 204 — бетлар.

² Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Т., 2000, 157 — бет.

лайдиган соҳаларни (уй – жой, маданий – маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш) ўз ичига олади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора – тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга”.

Республикада 2000 йилгача мўлжалланган қишлоқ ижти – мой инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда 1998 – 2000 йилларда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Фақат 1999 йил “давомида қишлоқда 1965 км сув қувурлари тармоғи ишга туширилди. 4844 км газ тармоқлари қурилди. Маблағ билан таъминланадиган барча манбаалар ҳисобидан умумий майдони 6,83 млн кв м. уй – жой бинолари фойдаланишига топширилди. Қишлоқда 204 қишлоқ врачлик пунктлари қурилди. Натижада 200 қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолиси малакали врачлар ёрда – мидан фойдаланиш имокниятига эга бўлди.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Аграр муносабатлар – ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар.

Ер таклифининг мутлоқ ноэластиклиги. Ер ресурслари маконда табиий равишда чекланган, уни такрор ишлаб чиқариб бўлмайди. Ер таклифи ер нархининг ортиши билан кўпайиб, аксинча камайиши билан тушиб кетмайди. Унинг шу хусусияти ер таклифининг мутлоқ ноэластик (ўзгармас)лиги дейилади.

Ер рентаси – ижарачининг ер участкасидан фойдалан – ганлик учун тўлови ёки ер эгасининг даромади.

Ундирма саноатдаги рента – ер қаъридаги қазилма бой – ликларга, уларнинг сифатига, қазиб олиш харажатларига қараб олинадиган рента.

Қурилиш участкалари учун олинадиган рента – ерни фа – қат тупроқнинг сифатига қараб эмас балки унинг жойлашган жойини ҳисобга олиб ва ерни бошқа усулда ишлатишдан кўра кўпроқ фойда олишга қараб ундириладиган рентадир.

Ижара муносабатлари – ердан ҳақ тўлаш шарти билан маълум муддатга фойдаланиш юзасидан келиб чиқадиган иқ – тисодий алоқалар.

Агробизнес – деганда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес тушинилади ва у бозор тизимининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади. Кенг маънода, бунга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган бизнес турлари киради.

Агрофирма – муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхонадир.

Агросаноат бирлашмалари–агросаноат – қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг бир неча ўзаро боғланган турлари, уларга хизмат кўрсатувчи ва тижорат иши билан шуғулланувчи корхоналар бирлашмаларидир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Аграр муносабатлар ва унинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Нима учун ерга бўлган мулкчилик шакли аграр муносабатларнинг асосини ташкил этади?
3. Рента нима ва унинг қандай турларини биласиз?
4. Ерга бўлган талабнинг нозластик(ўзгармас)лиги тўғрисида нима биласиз?
5. Ер нархи нима ва у қандай ҳисобланади?
6. "Ижара ҳақи" ва "ер рентаси"нинг фарқларини изоҳланг.
7. Агробизнесни қандай тушунасиз?
8. Ўзбекистонда аграр соҳани ислоҳ қилиш ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
9. Аграр соҳани ислоҳ қилишда фермер хўжаликларининг роли қандай?
10. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида шахсий томорқа хўжаликларининг ўрни қандай бўлади?

XV БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИ. ПУЛ МУОМАЛАСИ. БАНКЛАР

1. Молия муносабатларининг таркиб топиши, унинг моҳияти, ва вазифалари.
2. Давлат бюджети ва унинг тузилиши.
3. Солиқ тизими ва унинг вазифалари.
4. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари.
5. Кредитнинг моҳияти, шакллари, вазифалари.
6. Банк тизими ва уларнинг асосий вазифалари.

1. Молия муносабатларининг таркиб топиши, унинг моҳияти ва вазифалари

Молия атамаси латинча "financia" ва французча "financia" сўзларидан олиниб тўлов, даромад маъносини билдиради. Молия иқтисодий категория бўлиб, товар – пул муносабатларининг маҳсулидир. Молия ўз моҳиятига кўра давлат ва корхоналар ихтиёридаги барча пул маблағларининг ташкил топиши, тақсимоти ва улардан фойдаланиш хусусида вужудга келадиган муносабатлар тизимидир.

Молия муносабатлари пул муносабатларининг бир бўлаги бўлиб, давлат бюджети, ҳар хил жамоатчилик фондлари, сугурта фондлари, давлат валюта захиралари (резервлари), фирмалар, ташкилотлар, тижорат бўғинларининг пул фондлари ва бошқа махсус фондлар молия тизимининг асосий бўғини бўлиб, такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш мақсадида тақсимланади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида макроиқтисодиётдан тортиб бутун макроиқтисодиётнинг турли поғоналарда пул ресурслари ҳосил бўлади. Шу сабабли уларнинг юзага келиши ва айниқса сарфлаш жараёнининг тартибга солиш зарурияти вужудга келади. Бу вазифани молия тизими бажаради.

Демак, молия муносабатлари, аввало, пул шаклида ҳаракатланади. Айнан шу пул муносабатлари молиянинг амал қилишининг зарурий шартидир. Молия муносабатлари такрор ишлаб чиқаришнинг тақсимот фазасида ИМ (ижтимоий маҳсулот) қийматини аввалдан белгиланган мақсадлар учун тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади.

Пул жамғармаларининг ҳаракати жараёнида давлат, фирмалар ва ташкилотлар, ҳудудлар ва алоҳида тадбиркорлар ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи жамики иқтисодий муносабатлар молиявий муносабатларни вужудга келтиради.

Молия давлатнинг хўжалик фаолияти жараёнига таъсир кўрса — тишнинг асосий дастаги бўлиб хизмат қилиб, амалда иқтисодиётни бошқаришнинг ҳамма томонларига воситачилик вазифасини бажаради.

Молия тизимининг иқтисодиётдаги асосий вазифаси:

1. Молия иқтисодий жараёнларни, тадбирларни молиявий таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш, яъни ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларини ҳаракатини молиявий таъминлаш ва хизмат кўрсатиш пул фондларига шакллантириш ва ишлатиш.

2. Молиянинг тақсимловчи вазифаси, моддий неъмат ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ЯММ, айниқса МД давлат ва турли мулк шаклларига асосланган фирмалар иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда кўринади. Бунда МДнинг бир қисми корхоналар ва аҳоли да — ромадларидан олинадиган турли хил солиқлар олиш, рента ва божхона тўловлари, акциз йиғинлари орқали давлат ихтиёрида тўпланади.

Ўз ихтиёрига тўлаган МД нинг катта қисмига давлат молия воситасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва моддий эҳтиёжларига (уй — жой қуриш, тиббиёт хизмати, маориф, нафақа, стипендия), даромадлар даражасини ушлаб туришга, миллий муҳофазага, агароф — муҳитни муҳофаза қилишга сарфлайди.

3. Молиянинг рағбатлантирувчи вазифаси, ЯММ ва МД давлат бюджети, ижтимоий суғурта фонди, махсус фондлар, корхоналар фондларига белгиланган мақсадни бажариш учун тақсимлайди, яъни молиявий кафолатлашдан иборат.

4. Молиянинг яна бир вазифаси солиқларни тўғри ташкил этиш ва уларни белгиланган мақсад йўлида фойдаланиш назоратини амалга оширади.

Давлат молияси макроиқтисодиётни тўлиқ қамраб олади ва ўз таркибига давлат бюджети, давлат ижтимоий суғуртаси, (нафақа фонди), давлат мулк ва шахсий суғуртаси, давлатнинг бюджетдан ўзга фондларни ҳам ўз ичига олади. Бинобарин, молия тизими давлат манфаати учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида молия тизими Молия вазирлиги томонидан бошқарилади. Молия вазирлиги Марказий молия ташкилоти шаклида давлатнинг ягона молиявий сиёсатини юритиб, молияни ташкил этишга умумий раҳбарлик қилади.

2. Давлат бюджети ва унинг тузилиши

Давлат бюджети — давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш учун сарфланадиган марказлаштирилган пул

фондидир. У ўзаро боғланган икки қисми: келиб тушадиган маблағлар, белгиланган даромадлар ва чиқимларнинг барча тур – ларини ўз ичига оладиган харажат қисмларидан иборатдир.

Мамлакат иқтисодиётининг хусусиятига қараб бюджет икки поғонали ёки уч поғонали тузилишга эга. Ўзбекистон Респуб – ликасида икки поғонали бюджет тузилиши мавжуд бўлиб, у мар – казий давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Давлат бюджети ўз ичига ҳамма маҳаллий бюджетларни қамраб олади. Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмлари қуйидагича:

Бюджет даромадлари манбаи	Давлат бюджети харажатлари таркиби
1. Корхоналар, фирмалар фойдасидан солиқлар. 2. Акциз тўловлари. 3. Божхона тўловлари.	1. Иқтисодиётни молиялаш – тириш (инфратузилма обь – ектлари учун капитал маблағ – лари, корхоналарга дотация, қишлоқ хўжалигига субси – дия)лар бериш.
4. Давлат заёмларидан ке – ладиган даромад. 5. Пул эмиссияси келтир – ган даромад.	2. Ижтимоий – маданий соҳага (соғлиқни сақлаш, маориф, спорт ижтимоий нафақалар, маҳаллий ҳокимиятлар.
6. Давлат оладиган дивидент, фоиз, ижара ҳақи.	3. Мудофаа харажатлари 4. Маъмурий бошқарув хара – жатлари.
7. Давлат мулкани сотиш – дан келадиган даромад.	5. Илмий ишлар ва илмий – техника дастурлари учун харажатлар.
8. Ташқи иқтисодий фао – лиятдан тушадиган даро – мад. 9. Солиқсиз даромадлар. 10. Рента тўловлари. 11. Қўшилган қиймат со – лиғи. 12. Суда фонди маблағлари ва бошқа даромадлар.	6. Ташқи сиёсатни таъмин – лаш учун харажатлар, дипло – матия шохобчалари ва ташқи мамлакатлар заёмлар учун харажатлар. 7. Давлат қарзи бўйича тўлов – лар. 8. Мақсадли дастурлар учун харажат. 9. Кредитлар ва ўзга мамла – катларга ёрдам ва бошқа харажатлар.

Харажат ва даромад тенг бўлганда бюджет балансга эга бўлади. Харажатнинг даромаддан ошиб кетиши бюджетнинг етишмовчилигини билдиради. Бюджет тақчиллигининг сабаб – лари қуйидагилар: иқтисодий танглик даврида даромадларнинг пасайиши ва МД ўсишининг пасайиши; давлат бюджетига ту – шувчи акциз солиқларининг қисқариши.

Бюджет тақчиллигининг ўсиши мутлоқ миқдорда ва унинг ялпи миллий маҳсулот ЯММ га нисбатида аниқ намоён бўлди. 1999 йил Республикамиз давлат бюджетининг тақчиллиги ЯММ

га нисбатан (1,8) фақат 2 фоизни ташкил қилган¹. Буни қоплаш учун давлат солиқларни оширишга, давлат қарзини кўпайтиришга (бу эса бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиради), шунингдек қўшимча миқдорда пул чиқаришга мажбур бўлади (бу эса пулни қадрсизлантиради).

Иқтисодий харажатлар таркибига, шунингдек ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани маблағ билан таъминлаш: йўллар, портлар, аэродромлар қурилиши, алоқа воситалари, электр, газ ва сув таъминоти, ирригация иншоотларини барпо этиш ва сошлаб туриш, тиббиёт, ўқув юртлари, уй — жой фонди, маданий тадбирлар ва спорт корхоналари ҳамда ташкилотларини таъминлаб туриш киради.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида, ҳо — зирги пайтда давлат бюджети даромадларининг кўп қисмини жойларга бериш ва маҳаллий бюджетларни мустақамлаш учун йўналтирилмоқда.

Маҳаллий бюджетларга кенг иқтисодий эркинлик бериш туманлар, шаҳар, вилоятларнинг мустақиллигини таъминлайди. Бюджетларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш манфаат — дорлиги ошди ва бюджетдан фойдаланиш интизоми мустақ — камланди.

Кўп мамлакатларда маҳаллий транспорт, сув ва газ таъ — миноти, мактаб, шифохона ва уй — жойлар қурилиши, шаҳар — ларни таъмирлаш, коммунал хўжалик ва ҳоказолар маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланади. Уни даромадларнинг бутун бир мажмуи: савдо билан шуғулланиш учун лицензиялар ва ҳуқуқ бериш солиғи, уйларни, ер, ўрмонларни ижарага бе — риш ва сотишдан олинган даромад, суд товонлари, атроф — му — ҳитни ифлослантирганлик учун жарималар, шунингдек мар — казий бюджетдан олинувчи ёрдам пули тўлдиради.

Президент И.А.Каримов "Ўзбекистонда иқтисодий исло — хотларни чуқурлаштириш йўлида" асарида бюджет сиёсатининг энг муҳим вазифаси иқтисодиётни бюджет камомадини чеклаш ҳисобига барқарорлаштириш вазифаларини ҳал этиш зарур — лигини таъкидлади.

3. Солиқ тизими ва унинг вазифалари

Ҳар бир мамлакатда солиқ тизимининг ташкил этилиши, уларнинг таркиби, ундириб олиш услублари маълум даражада ўзига хос хусусиятларга эга. Шу билан бирга солиққа тортиш

¹ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз. "Халқ сўзи", 2000 й., 15 февраль.

объектларида, тамойилларида бир қатор умумийликлар ҳам мавжуд. Солиқлар давлат томонидан фискал сиёсат ўтказиш миқёсларида ундирилади ва мажбурий характер касб этади.

Солиқ иқтисодий категория сифатида солиқ олувчи билан солиқ тўловчилар ўртасида доимо такрорланиб турадиган иқтисодий воқеликни билдиради.

Солиқ — бу мустақил ишлаб чиқаришда фаолият қилувчи субъект даромадининг бир қисмини қонун асосида белгиланган шаклда ва маълум миқдорда давлат ихтиёрига олишдир. Солиқлар асосан, давлатнинг фирмалар, концернлар, ташкилотлар, аҳолидан ундириладиган пул маблағларидир.

Солиқлар солиқ тўловчиларнинг фақат даромадидан ундирилади холос. Маълум солиқ тизимини яратишда давлат даромадларнинг максимал бўлиши заруриятини, солиққа тортишнинг самарали ва адолатли бўлишини ҳисобга олиш керак. Турли хил харажатлар ва даромадлар солиққа тортилиши мумкин.

Солиқ ундирилишининг манбалари:

- товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорида;
- сотувчилар ва харидорлардан;
- уй хўжаликлари ва компаниялардан;
- даромад манбаи ва харажат.

Одатда солиқлар қуйидаги кўринишларда бўлади:

- жисмоний шахслардан даромад солиғи сифатида;
- юридик шахслардан даромад солиғи сифатида;
- турли хил эгри солиқлар сифатида;
- ижтимоий фондга ажратмалар сифатида;
- истеъмолчига нисбатан алоҳида хилдаги солиқлар сифатида;
- мол — мулк солиғи;
- ҳада ва мерос солиғи ва ҳоказолар.

Солиқлар шахсий ва ҳуқуқий бўлади. Шахсий солиқлар фақат аҳоли даромадларидан ундирилади. Ҳуқуқий солиқлар жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан ундирилади.

Кўп укладли иқтисодиётда солиқ ундириладиган субъектлар кўп бўлади. Солиқ объекти — бу солиқ ундириладиган даромад ёки мол — мулкдир. Солиқ ундириладиган объектлар: даромад, капитал, ер, тадбиркорнинг хўжалик фаолиятидан, айрим товарлар, қимматбаҳо қоғозлар ва ҳоказолар.

Солиқ ундириладиган объектларни қуйидагича ажратиш мумкин:

- даромад (аҳоли, корхоналар, фирмалар);
- мулк (ҳаракатдаги мулк, яъни капитал сифатида даромад келтирувчи) ва ҳаракатда бўлмаган мулк;

— мулкни меросга қолдиришдан, қимматли қоғозлар со-
тишдан, божхона тўловлари ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида табақалаш —
тирилган солиқ мезонлари мавжуд бўлиб, даромад миқдорига
биноан прогрессив тарзда солиқ ундирилади.

Солиқларнинг ижтимоий вазифаси даромадлар ва солиқ
ставкалари ўртасидаги нисбатда мувофиқ прогрессив, регрессив
ва пропорционал усулда ундирилади.

Прогрессив солиқ даромад ўсиб бориши билан ўртача солиқ
ставкаси ҳам ўсиб боради.

Регрессив солиқ усулида солиқ миқдорлари тадбиркор
даромадига нисбатан камайиб боради. Айрим солиқ тўловчиларга
имтиёзлар яратилади.

Пропорционал солиқ усулида даромад миқдоридан қатъий
назар ўртача солиқ ставкаси ўзгармайди.

Амалиётда учала солиқ ундириш усулидан фойдаланиб, улар
асосида давлатнинг ижтимоий вазифаси бажарилиши кўзда
тутилади. Солиқнинг учинчи вазифаси давлатнинг иқтисодий
тартибга солишда фойдаланилади.

Тўғри ва эгри солиқлар мавжуд. Тўғри солиқлар уй
хўжаликлари ва жисмоний шахслар даромадларидан ундирилади.
Эгри солиқлар, солиқ тизимининг бошқа бўғинларига хос бўлиб,
солиқ юки истеъмолчилар зиммасига тушади, яъни товар ва
хизматлар нархига қўшилади.

Тўғри солиқлар — давлат томонидан солиқ тўловчиларнинг
даромадлари ёки мол — мулкдан ундириладиган солиқлардир.
Даромад (иш ҳақи, фойда, фоиз ва ҳоказо) ва мол — мулкнинг
қиймати (ер, уйлар, қимматбаҳо қоғозлар ва ҳоказо) тўғри
солиқларнинг объекти ҳисобланади.

Тўғри солиқларнинг энг кўп тарқалган турлари:

— даромад солиғи (у тўловчининг соф даромади — яъни
даромадга солинади, ундан моддий сарф — харажатлар ва
солиқдаги имтиёзлар чегирилади. Даромад солиғи асосан иш ҳақи
берилиши ва даромаднинг бошқа турларида, шунингдек махсус
молия органларига манбаларини кўрсатган ҳолда барча ишлаб
топилган суммани ўз ичига олган даромадлар тўғрисидаги
декларацияни тақдим этиш чоғида чегириб қолиш йўли билан
ундирилади. Агар даромад ўсиши билан даромад солиғининг
миқдори кўпайса, у ўсиб борувчи солиқ, агар ягона ставка бўйича
ундирилса, пропорционал солиқ деб аталади);

— корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқ (олинадиган
фойдасига марказий ҳукумат ҳам, маҳаллий ҳокимият ҳам солиқ

солинадиган корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари даромадларидан олинадиган солиқ);

— капиталнинг ўсишига солинувчи солиқ (мол — мулк олди — сотдисидан олинган даромаддан ундирилади. У мол — мулкнинг бозор нархи билан уни харид қилиш нархи ўртасидаги фарқ натижасида ҳосил бўлган даромаддан ундирилади);

— мерос ва совға қилишга солинувчи солиқ (мол — мулкни бир миқдордан бошқасига беришда унинг қийматидан ундирилади. Мерос ва совға қилишда мулкнинг бутун миқдорига солиқ солинади).

Эгри солиқлар — товар ёки кўрсатилган хизмат нархига устама кўринишдаги солиқлар. Ушбу товарнинг харидори бўлган истеъмолчи эгри солиқни тўловчи ҳисобланади. Эгри солиқларнинг энг кўп тарқалган турлари:

— айланма солиғи (муомалада бўлган товарлар катта миқдорининг қийматидан ундирилади);

— акциз солиғи (маълум товарларга қўйиладиган солиқ: сигаретлар, вино, ароқ, бензин ва ҳоказо);

— қўшилган қиймат солиғи (ишлаб чиқариш ёки муомаланинг ҳар бир босқичида қўшилган қиймат қисмидан ундирилади. Қўшилган қийматта иш ҳақи, амортизация, кредит учун фоиз, электр энергияга, транспортга, рекламага кетган сарф — харажатлар киради. Биттагина товар бошқатдан сотилаётган бўлса, солиқ харид ва сотиш нархлари ўртасидаги айирмани ҳосил қилувчи қўшилган қийматдан ҳисобланади. Сўнгра бу солиқ товарнинг узил — кесил нархига қўшилади, яъни бунда ишлаб чиқарувчининг эмас, балки истеъмолчининг даромади солиқ солиш объекти бўлади);

— фискал монопол солиқлар (фақат давлат томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар — тамаки, спирт, гутурт, туз ва ҳоказоларга солинади);

— божхона товонлари (хориждан олиб келинадиган, мамлакатдан ташқарига олиб кетиладиган ёки унинг ҳудуди орқали олиб ўтиладиган товарларга солинадиган солиқлар. Солиқ миқдори кўпинча солиқ солинадиган товар қийматига фоиз тарзида белгиланади. Божхона товонларини камайтириб ёки кўпайтириб, давлат экспорт ва импорт савдо операцияларини рағбатлантиради ёки чеклайди).

Солиқ тизими адолатли бўлиши иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди. Солиқ тизими, солиқ объектлари, солиқ меъёрлари дунёдаги муайян мамлакатларда бир — биридан кескин фарқ қилади. Сабаб солиқ тизими муайян мамлакат иқтисодиёти

хусусиятига, тараққиётига мувофиқ шаклланади. Масалан: АҚШда даромад солиғи иш ҳақининг 31 фоизини, Францияда 57 фоизни, Швецияда эса 72 фоизни, Ўзбекистон Республикасида 35 фоизни ташкил этади. Кейинги йилларда бу солиқ меъёрининг анча пасайиши сезилмоқда.

Ҳар бир давлат йиғилаётган солиқ ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Сабаб давлат бюджети, маҳаллий бюджет сарф – харажатлари миқдори кўпайиб бормоқда.

4. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари

Пул товарлар айланишининг умумий эквивалентидир. Де – мак, товарлар ўз қийматларини пулда ифодалайди ва ўз баҳосига эга бўлади. Пул муносабатлари истеъмол қиймати сифатида намоён бўлади, сабаб исталган вақтда хоҳланган шароитда, хоҳланган товар қийматига айланади. Демак, пул умумий эҳтиёж предмети бўлиб, умумий истеъмол қийматини ифодалайди. Пул ҳақиқатда алоҳида ўзига хос истеъмол қийматига эга бўлиб, алоҳида махсус идеал умумий қиймат бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги пул ва банк ҳужжатларининг қуйидагича тавсифи мавжуд:

♦ битишувлар учун пул (M1). Булар жорий ҳисоблари (омонат банклардан "йўқлаб" олингунча) бўлган қоғоз ва металл пуллар, нақд қоғоз пуллар.

♦ Пул (M2), унга M1 пуллари, шунингдек муддатли ҳисобларга жойлаштирилган, яъни белгиланган муддат мобайнида (бир неча ойдан тортиб ундан ошиқ муддатга) банк ва омонат банклардан олиб бўлмайдиган пуллар киради.

Пул муомаласи – бу товарлар айланишига ҳамда нотовар характеридаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган активларнинг ҳаракатидир. Нақд пул муомаласига банкнотлар ва металл тангалар хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоблар, чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси пул агрегати деб юритилади.

Вексел – бу муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик тилхатидир. Вексель, энг аввало, бир шахс томонидан иккинчисига ёзиб берилган қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғознинг бир шаклидир. Векселни ҳар қандай тўловга қобил корхона ва ташкилот ёзиб бериш ҳуқуқига эга. Шу тариқа савдо битими

нақд пул ёки чек эмас, балки кредит ҳужжати ва вексель воситасида амалга оширилади, у вексель соҳибига кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг вексель берувчидан унда кўрсатилган пулни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Векселлар икки хил бўлади: оддий ва ўтказма. Оддий вексель — қарз олувчи томонидан кредиторга берилган қарзни тўлаш мажбуриятидир. Ўтказма вексель кредитор томонидан ёзилиб, у кўрсатилган муддатда муайян миқдордаги пулни учинчи шахсга тўлашни кўрсатади. Векселлардан фойдаланиш маълум чегарага эга. Векселни тақдим этувчи шахс қарзини ўз вақтида тўлай олишига ишонч мавжуд бўлган ҳолдагина улар товарга ҳақ тўлаш чоғида қабул қилиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 2 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида”ги қарори Респуб — ликада вексель муомаласини ташкил этилишининг барча ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Ўзбекистонда вексель муомаласини ташкил этишнинг яна бир ўзига хос хусу — сияти шундаки, муомалага чиқарилган ҳар бир вексель олдиндан эмитентнинг тўлов қобилиятини аниқлаб, банклар томонидан рўйхатдан ўтказилади

Гаров шаҳодатномаси. У — савдо ва тижорат операция — ларини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин бўлган кўчма ва кўчмас мол — мулкнинг қарздор томонидан гаровга қўйилиши ҳақидаги кредит ҳужжати дир. Хусусан, гаров шаҳодатномаси асосида банкда нақд пул билан кредит ёки ссуда олиш мумкин, шунингдек харид қилинадиган ҳақ тўлаш учун фойда — ланса бўлади.

Кредит карточкалари. У — кичик ўлчамдаги пластик ёки металл карточка кўринишидаги ҳужжат бўлиб, банкдаги ҳисоб соҳибининг шахсини тасдиқлайди ва унга нақд пуллар ёрда — мисиз мол ва кўрсатилган хизматга ҳақ тўлаш ҳуқуқини беради. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг кўпчилики савдо марказлари, дўконларида кредит карточкалари ёрдамида битимга келишиш, харид қилиш учун мўлжалланган махсус автоматлар, компьютер тизимлари мавжуд, кўчаларда автомобиль манзил — гоҳлари, муассасаларида кредит карточкалари соҳибларига нақд пул берадиган автоматлар ўрнатилган. АҚШда, масалан, 80 — йиллар охирида муомалада барча типлардаги 200 миллиондан ортиқ, Буюк Британияда салкам 30 млн. кредит карточкаси бўлган. МДХ мамлакатларида улар ҳозирча салкам 30 минг дона.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда

амалга оширилади. Энг асосий қонунларидан бири муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.

Пул муомаласи нисбатан мустақил бўлиб, ўз қонуниятларига биноан амал қилади.

Товар муомаласини таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдорини қуйидаги омиллар белгилайди: сотиш учун таклиф этилаётган товар ва хизматлар ҳажми, уларни нархлари, кредит учун тўланадиган сумма, кредитнинг қайтарилиб берилиши ва ниҳоят пул айланишининг тезлиги. Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда, муомала учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_m = \frac{T_b - X_k + X_t}{O_t};$$

бунда:

P_m — муайян даврда муомала учун зарур бўлган пулнинг миқдори;

T_b — сотилиши лозим бўлган товарлар баҳосининг суммаси;

X_k — ҳақи сотиш давридан бошқа вақтда тўланадиган баҳосининг суммаси;

X_t — ҳақи тўлаш муддати келган товарлар баҳосининг суммаси;

O_t — пул айланиши тезлиги.

Мазкур формула пул муомаласи қонунини ифодалайди. Муомалада бўлган пул бирлиги миқдорининг товарлар баҳоси суммасидан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши инфляцияни билдиради (инфляция ва унинг оқибатлари 16 — мавзуда тўлиқ берилган.)

Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 1 июлдан бошлаб миллий ўзбек сўмини муомалага чиқарди. Биринчидан, миллий валютанинг муомалага чиқарилиши Ўзбекистон давлатининг ўз миллий валютасини эътироф этиши бўлса, иккинчидан, иқтисодий мустақилликни тиклашдаги энг муҳим ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий йўналишдаги ютуқ бўлди.

Ўзбекистон Республикаси сўми мамлакат ичкарисида хорижий валютага эркин айирбошлашни таъминлашдир. Бу муаммо ҳал этилиб, Марказий Банк билан 19 та банк валюта биржасида қатнашмоқдалар. Ўзбек сўми чет эл валюта бирликларига эркин алмаштирилмоқда.

Давлат Марказий Банк билан пул — кредит тизимидаги резервлар миқдорини ўзгартириш билан ҳам пулнинг таклифи талабига таъсир этади. Резервлар миқдор ўсиши пул таклифи —

ни қисқартиради, аксинча банкларнинг резервлардаги пул миқдорини камайтириш сиёсати пул таклифини ўсишига сабаб бўлади. Шу йўналишлардаги тадбирлар асосида давлат миллий валюта барқарорлигини таъминлаш чораларини амалга оширди.

Ўзбек сўмини мустаҳкамлаш учун давлат бозорларни товарларга бўлган талаб ва таклиф мувозанатини вужудга келтириш учун тадбиркорларга кредит бериш ва миллий товарлар миқдорини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Валюта заҳирасини кўпайтириш ва мустаҳкамлашга эришиш, экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорига маҳсулот олиб чиқувчи корхоналарни рағбатлантириш, инфляцияга қарши чоралар кўриш ва унинг даражасини пасайтириш, ўзбек сўмининг қувватини ошириш мустақиллик истиқболи учун хизмат қилдиришдир.

5. Кредит моҳияти, шакллари ва вазифалари

Кредит — эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маб — лағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиши ва қайтариб бериши юзасидан келиб чиққан муносабатлардир. Кредит муносабати икки субъект ўртасида, пул эгаси, қарз берувчи ва қарз олувчи ўрта — сида юзага келади.

Кредит муносабатлари субъектлари корхоналар (фирма — лар), ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари, аҳолининг тадбиркорлик билан фаолият қилувчи қисмидир. Бу субъектлар бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ва ҳам қарз берувчи бўлиши мумкин.

Кредит муносабатларининг объекти корхоналарнинг иш ҳақи берилгунча товар сотилгунга қадар вақтинча бўш турган пул маблағлари; асосий капитални (асосий фондни) тиклаш учун ажратилган амортизация ажратмалари, корхоналарнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва реконструкция қилишга боғлиқ бўлиб жамғарилган маблағлари, аҳолининг омонат банкларида жамғарилган жамғармалари, келгуси ишлаб чиқариш жараёни — гача бўлган даврда вақтинча бўш турган айланма маблағларининг бир қисми сифатида корхона пул ресурслари, давлатнинг жам — гарилган пул ресурслари, чет эл давлатлари ва бошқа субъект — ларнинг пул ресурслари ва ҳоказолар.

Кредит қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексель, чек, сертификатлар ва ҳоказо) юзага чиқариб уларни

хўжалик амалиётига жорий этади.

2. Бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантиради.

3. Қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди.

4. Қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқти – содий ўсишни таъминлайди.

5. Кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан назорат қилади, иқтисодиётни тартибга солади, кредит учун фоиз ставкаларини табақалаштириб, давлат томонидан кафолатлар ва имтиёзлар беради.

Кредит бериш маълум қоида – тамойилларга асосланади. Яъни кредит ўз эгасига қайтарилиши шарт, кредит маълум бир мақсад учун маълум муддатга бериш, фоиз тўлаш шартларидан иборатдир.

Кредитнинг шакллари: банк кредити ва тижорат кредити.

Банк кредити объекти – пул капиталидир. Банк кредити ўзининг муддати, мақсадли берилиши ва бошқа қоида ва им – тиёзлари асосида тижорат кредитидан фарқ қилади.

Банк кредити капитал жамғариш, аҳоли ва фирмалар пул маблағларини капиталга айлантириш каби вазифани бажаради.

Тижорат кредити – бир корхонанинг иккинчи корхонага сотилган товар учун муддати кечиктирилган тўлов кўринишида амалга ошади. Тижорат кредитининг асосий воситаси векселдир. Тижорат кредити товар айланишини тезлатиб, ундан келадиган фойдани ўзлаштиришдир. Ривожланган давлатларда банк ва тижорат кредитлари бир – бирлари билан қўшилиб кетган.

Банк ссудалар бериш асосида **истеъмолчилик кредити** – хусусий шахсларга узоқ муддатта истеъмол қилинадиган товар – ларни харид қилиш учун (мебель, автомобиль, телевизор) маълум муддатга берилади. Истеъмолчилар кредитига чакана савдо – сотиқ қилувчи дўконларнинг тўлови кечиктирилган савдоси кўринишида бўлади. Истеъмолчилар кредити асосан 3 йил муддатга берилади. ЎзДЭУ автокомпанияси маҳсулотлари 7 йилга берилмоқда. Истеъмолчилик кредитининг фоиз ставкаси анча юқори бўлади.

Ипотека кредити – кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилади. Бундай ссудалар бериш воситаси, банклар ва корхоналар чиқарган ипотека обли – гациялари ҳисобланади.

Кредитнинг яна бир шакли – **давлат кредитидир**. Бунда қарз олувчилар давлат ва маҳаллий ҳокимият ташкилотларидир. Улар қимматли қоғозлар бозорида молия – кредит ташкилотлари орқали заёмлар чиқариб, пул маблағларини тўплашни бажаради. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йиллари давлатнинг кре –

дит бериш фаолияти кенгайиб, уй – жой қурилиши, қишлоқ хў – жалик ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, бозор инфратузил – масини ривожлантириш мақсадида кредитдан кенг фойдала – нилмоқда.

Халқаро кредит – мамлакатлар ўртасида ссуда капита – лининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатида намоён бўлади. Халқаро валюта фонди, Халқаро Тараққиёт ва Тиклаш банки, Жаҳон банки турли мамлакатларга кредит беришнинг марказларидир. Халқаро кредит товар ёки пул (ва – люта) шаклида берилди. Кредитор ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат, халқаро ва минтақавий ташкилот – лардир.

Кредит иқтисодиётда бир қатор вазифани бажаради. Жум – ладан, пул маблағларини қайта тақсимлаш вазифаси: аҳоли, корхоналар, давлатнинг вақтинча пул ресурсларини ссуда капитали тарзида иқтисодиётнинг зарур бўлган тармоқларини, корхоналарини ривожлантириш учун қайта тақсимланишидир.

Кредитнинг яна бир вазифаси – капитал тўплануви ва марказлашувини тезлаштиради. Кредит муомала харажатларини тежаш вазифасини бажариб, пул банкнотлари ўрнига вексель, чек, банкнот каби ҳисоб – китоб ҳамда пул ўтказиш шаклида муомала билан пул муомаласини тезлаштиради. Кредитдан иқ – тисодиётни тартибга солишда дастак сифатида фойдаланилади.

Қарзга берилган пул ҳисобига олинадиган даромад **фоиз** ёки **фоизли даромад** дейилади. Олинган фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбати ва юзга кўлайтмаси **фоиз ставкаси** ёки **фоиз меъёри** дейилади.

Кредит асосида жамият учун муҳим бўлган соҳалар та – раққиётини таъминлаш ва тадбиркорлар фаолиятини тартибга солиб туради. Жамиятда иқтисодиётнинг энг долзарб, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган соҳаларнинг тараққиётини жадаллаштириш имкониятларини юзага келтиради ва таъминлайди.

6. Банк тизими ва уларнинг асосий вазифалари

Бозор иқтисодиётининг негизини банк тизими ташкил этади. Хилма – хил бўлган банк тизими ўз ичига банк тарти – ботларидан ташқари, бозор фаолияти жараёнида шаклландиган, кредит бериш, қимматли қоғозлар олди – сотдиси, молиявий хиз – матларни амалга ошириш, инвестициялар, ссуда ва ҳоказолар борасидаги иқтисодий муносабатларнинг деярли бутун мажмуини олади.

Банкларнинг бир неча тури мавжуд. Улар ичида энг кенг тарқалгани – **тижорат банки**, унинг асосий вазифалари – аҳо – лининг, корхоналарнинг омонати сифатида келиб тушадиган

пулларни жамғариш, кредит бериш, турли хил молиявий хизматлар кўрсатишдир. МДХ мамлакатларида ҳозирданоқ салкам 200 мингта давлатники бўлмаган, акцияли ва хусусий тижорат банклари пайдо бўлган. Инвестиция банки бозор хўжалиги бутун – бутун тармоқларига муддатли кредит бериш ва уларни инвестициялаш билан шуғулланади, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар – акциялар, облигациялар, хазина билетлари, банкнотлар, купонлар ва ҳоказолар билан операциялар ўтказади.

Одатда инвестиция банклари фонд биржаси билан яқиндан боғланган бўлади, бундай биржада портфель инвестициялари амалга оширилади, яъни эгаллаб олиш, ишлаб чиқаришни қайта қуриш, янги молларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида бирон – бир корхонанинг акциялари, облигациялари сотиб олинади, ҳамда сотилади. Инвестиция банклари шунингдек, мижозларнинг буюртмалари бўйича қим – матбаҳо қоғозлар билан бўладиган операциялар билан бирга турлича далоллик хизматларини кўрсатади.

Ихтисослаштирилган банклар муайян тармоқлар корхо – налари ёки фаолият соҳаларига кредит бериш ва уларни маблағ билан таъминлайди. Масалан, қишлоқ хўжалик, қурилиш, ташқи савдо ва бошқа банклар мавжуд. Ипотека банки (юнонча "ипо – тека" – гаров) ихтисослаштирилган банкнинг алоҳида тури бўлиб, унинг асосий вазифаси турли кўчмас мулкни – ер, иморатларни гаров қилганда ссуда беришдан иборат. Ипотека банклари асосан фермерлик ривожланган мамлакатларда тарқалган.

Марказий (ёки давлат) Банки давлатнинг мулкидир. У пул, облигация эмиссияси (чиқарилиши) билан, шунингдек мамлакат – нинг бутун банк тизимини бошқариш, назорат қилиш билан шу – гулланади. Масалан, Федерал Резерв Тизими (ФРТ) деб аталадиган АҚШ марказий банки тижорат, инвестиция ва ихтисослашти – рилган банкларга кредит беради, уларнинг фаолиятини суғур – талайди, бошқаради, давлат облигациялари, хазина билетларини сотиб олади ва сотади. Марказий банк, одатда, ижрочи, ҳоки – миятга (президент, ҳукуматга) қарам бўлмайди, унинг фаолиятини фақат мамлакат парламенти бошқаради. Олмонияда – Бундес – банк, Францияда – Франция Миллий банки, Италияда – Италия давлат банки, Ўзбекистонда – Ўзбекистон Республикаси Миллий банки марказий банк ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти" тўғрисидаги қонунда белгиланишича, тижорат банклари ва ак – цияли пай асосида ташкил топган хусусий банклар бўладик, улар "кредит ҳисоб – китоб ва ўзига хос банк хизматини кўрса –

тадилар". Тижорат банклар фаолиятнинг асосий мақсади фойда олишни кўзда тутди. Тижорат банкининг даромад манбаи мижозларнинг банк хизмати учун тўлаган ва активларидан — заём, кредит, қимматли қоғозлардан олинган фойда ҳисоб — ланади. Шунингдек Ўзбекистонда кўплаб ихтисослашган тижорат банклар иқтисодийнинг турли соҳаларида тижорат тамойил — ларида кредит — пул операцияларининг муайян турларини амалга оширмоқда. Саноат қурилиш банки — саноат, транспорт, алоқа ва моддий — техника таъминоти соҳаларида замин, ғалла, пахта, банклар, агросаноат комплекси тармоқлари ва бошқа соҳаларида; Тадбиркор банки майда ва ўрта бизнес, кооператив ва яқка тар — тибдаги меҳнат фаолияти соҳасида кредит — пул операцияларини амалга оширади.

Халқ банки — мамлакатда омонат ишларини бажаради, нақд пулсиз ҳисоб — китоб қилишни ва аҳоли учун касса вазифасини амалга ошириши, аҳолига шахсий эҳтиёжларига кредит бериши ва шу каби операцияларни амалга оширади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт — импорт операцияларини амалга оширувчи корхона ва муассасаларга кредит беради, аралаш қўшма корхоналарга кредит беришда қатнашади, тўпланган валюта режасининг ижарасини, валюта ресурсларидан тежаб самарали фойдаланишини назорат қилади, шу билан бирга ташқи иқтисодий операцияларга оид ҳисоб — китобларни ташкил қилади ва амалга оширишни таъминлайди.

Ихтисослашган инвестицион ва ипотека банклар — махсус кредит муассасалари бўлиб, улар операцияларига облигация ҳамда қарз мажбуриятлари бошқа турларини чиқариш йўли билан узоқ муддатли ссуда капитални жалб қилади ва уларни мижозларга тавсия этади. Инвестицион компаниялар, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотиш йўли билан ҳуқуқий инвесторлар пул ресурсларини тўплайди ва уларни корхоналар, акция ва облигацияларга жойлаштириб фойда олишни кўзлайди.

Ипотека банклар — бу кўчмас мулк (ер ва иншоот) ҳи — собига узоқ муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасалар. Ипотека банкининг пул ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Ипотека банкдан олинган ссуда уй — жой ва ҳар хил иншоотлар қуриш, кор — хоналарни реконструкция этиб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун фойдаланади.

Банклар икки хил — пассив (суст) ва актив (фаол) опера — цияларни амалга оширади. Пассив (суст) операциялар ёрдамида пул ресурслари жамланади, актив (фаол) операциялар ёрдамида улар жойлаштирилади ва тақсимланади. Банкда пул ресурслари

ўзининг ва жалб этилган маблағлар ҳисобига шакллантирилади. Банкни таъсис этиш чоғида (таъсис капитали), шунингдек фойда ва даромад олиш асосида ҳосил бўладиган капитал ўзининг маб — лағларига киради.

Пул ресурсларининг асосий қисми эса жалб этиладиган омонатлар (депозитлар) ва бошқа банклардан келиб тушадиган маблағлар ҳисобига шакллантирилади. Депозитлар икки хил бў — лади: йўқлаб олинувчи ва муддатли. Биринчиси — омонатчи то — монидан исталган пайтда йўқлаб олиниши мумкин бўлган жорий ҳисоблардаги маблағлар. Одатда уларга энг кам фоиз тўланади. Банк ўз харажатларини мижоз, омонатчи ўз ҳисобида мавжуд бўлган пул маблағларидан тўлиқ фойдаланмаслиги эвазига қоп — лайди. Бунда қатъий касса қолдиғи ҳосил бўлади, уни банк турли иқтисодий субъектларга ссуда ва кредит сифатида беради.

Иккинчи ҳолдаги депозитлар кўрсатилган муддатларга қўйилади, у тугамагунча мижоз пулини талаб қилиб олишга ҳақли эмас. Бундай ҳолда омонатчиларга йўқлаб олинувчи омонатларга қараганда анча катта фоиз тўланади.

Юқорида таъкидланганидек, банк бошқа банклардан ссуда, кредит олиш йўли билан пул ресурсларини жалб этиши мумкин. Хусусан, марказий банк тижорат банкларига, агар улар ўзла — рининг туловга қобилликлари ва ишончлиликлари хусусида ка — фолат бера олсалар, муайян ҳисоб фоизи билан кредит беради.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Молия — пул фондларининг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланишини тартибга солиш билан вужудга келадиган муносабатлардир.

Молия тизими — турли даражадаги молиявий муассасалар бўлиб, молиявий муносабатларга хизмат қилади.

Давлат бюджети — давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш учун сарфланадиган марказлаштирилган пул фонди дир.

Бюджет тақчиллиги — бюджет даромадлари билан хара — жатларининг номувофиқлиги бўлиб, харажатларнинг даро — мадлардан ортиқча бўлган фарқ.

Давлат қарзлари — бюджет тақчиллигини қоплаш мақса — дида давлат томонидан жалб қилинган молиявий ресурслар.

Бюджет баланси — харажатлар ва даромадларнинг тенг бўлиши дир.

Солиқлар — жамиятда яратилган соф даромаднинг маълум бир қисмини бюджетга олиш услуги.

Пул муомаласи — нақд пул бўлиб, товарлар айланиши ва

нотоварлар ҳаракати учун тўлов ва ҳисобларга хизмат қилади. Айнан бир жараёнининг доимо бир хилда такрорланишидир.

Пул тизими — товар муомаласининг ривожланиши нати — жаси бўлиб, давлатлар томонидан қонунчилик асосида мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш.

Кредит — банкда бўш турган пулларни қарзга бериш.

Банк — италянча "саррофлик дўкони", ҳозирги даврдаги банк тушунчаси — пул ва пул капиталини сафарбарлаш, жам — гариш, ҳаракатлантириш ва тақсимлашни амалга оширадиган ташкилотдир.

Банк фойдаси (маржа) — олинган ва тўланган фоиз сум — маси ўртасидаги фарқ.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛАР

1. Молиянинг иқтисодий мазмунини тушунтиринг ва иқтисодий вазифалари нимадан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағларининг шаклланиш ва тақсимланиш хусусиятлари ҳақида мулоҳаза қилинг.
3. Давлат бюджети миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда қандай роль ўйнайди?
4. Бюджет тақчиллиги нима?
5. Солиқнинг энг кўп тарқалган турларини аниқланг.
6. Маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг асосий мод — даларини санаб чиқинг.
7. Пул муомаласининг мазмунини ва муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлашни тушунтиринг.
8. Кредитни нима зарур қилиб қўяди? Кредит тушунчасининг мазмунини баён қилинг.
9. Кредитнинг асосий турларини санаб кўрсатинг ва уларнинг асосий вазифаси нима?
10. Марказий банкнинг вазифаси қандай?
11. Тижорат банки билан инвестиция банкини таққосланг.

ХVI Боб. ИНФЛЯЦИЯ. ИНФЛЯЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

1. Инфляция тушунчаси. Инфляция турлари.
2. Талаб ва таклиф инфляцияси. Ҳозирги замон инфляцияси.
3. Инфляция оқибатлари. Инфляцияга қарши сиёсат.

1. Инфляция тушунчаси. Инфляция турлари

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида талаб билан таклиф ўртасида номуносивлик бўлиб туради. Бу номуносивлик нархларнинг ўсишига олиб келади. Нархларнинг ўсиши эса инфляцияни келтириб чиқаради.

Инфляция – пулнинг товар ва хизматларга нисбатан керагидан ортиқча чиқарилиши ёки товар ва хизматларнинг пул массасига нисбатан камайиб кетиши натижасида нархларнинг ўсиши ва пулнинг қадрсизланишидир.

Давлат томонидан муомалага керагидан ортиқча пул чиқарилади, яъни пул эмиссияси амалга оширилади, натижада бозорда нархлар ўсиб кетади ва пул қадрсизланади, яъни инфляцияга учради.

Ишлаб чиқарувчилар ҳам инфляция сабабчиси бўладилар. Улар товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни қисқартириб юборадилар, натижада товар тақчиллиги келиб чиқади ва нархлар ўсиб кетади. Кераклигидан ортиқ пулларнинг пайдо бўлиши ва нархларнинг ўсиш инфляциясига ташқи кўриниши бўлса, миллий хўжаликнинг номуносивлиги ва умумий мувозанатнинг бузилиши унинг асл моҳиятини ташкил этади. Жаҳон иқтисодий адабиётларида миллий хўжаликни номуносивликка олиб келадиган учта асосий куч ажратиб кўрсатилади.

– давлат томонидан ўз вазифасини адо этиш учун қоғоз пул эмиссиясига, ташқи савдога, ноишлаб чиқариш, авваламбор ҳарбий ва бошқа харажатларга монополия ўрнатилиши;

– касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасини ва муддати белгилаш монополияси;

– нархни ва харажатларни белгилашга йирик фирма-ларнинг монополияси.

Юқорида кўрсатилган учта куч бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва ҳар бири алоҳида талаб ва таклифнинг ўсишига ёки пасайишига, улар ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига сабабчи бўлиши мумкин.

Инфляциянинг турлари. Иқтисодиётда инфляциянинг бир неча турлари мавжуд. Буларга: очиқ инфляция, яширин инфляция, мувозанатлашган ва мувозанатлашмаган инфляция, кутила — диган ва кутилмайдиган инфляция киради.

Очиқ инфляция талаб билан таклифнинг ўзаро муносабати натижасида нархларнинг чексиз ўсиши натижасида юзага келади. Бундай инфляция, иқтисодиёти бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларга хосдир.

Яширин инфляция нархлар ва даромадлар устидан маъмурий — буйруқбозлик назорати ўрнатилган мамлакатларга хосдир. Нархлар устидан кучли назорат қилиш натижасида нархлар юзаки қаралганда ўзгармас бўлади, лекин пул массасининг кераклигидан ортиб кетиши товар тақчиллигини келтириб чиқаради. Натижада талаб таклифдан ортиб кетади ва улар ўртасидаги мувозанат бузилади.

Товар тақчиллиги шароитида қороз пулларга товарларни фақат "қора бозорда" сотиб олиш мумкин, лекин бундай бозорда нархлар давлат томонидан белгиланган қатъий нархлардан бир неча баравар юқори бўлади. Натижада яширин инфляция юзага келади.

Мувозанатлашган ва мувозанатлашмаган инфляция. Мувозанатлашган инфляция шароитида ҳар хил товар гуруҳларининг бир — бирига нисбатан нархи ўзгармайди. Бундай инфляция бизнес учун хавфли эмас. Лекин вақти келганда нархларни ошириб туришга тўғри келади.

Мувозанатлашмаган инфляцияда турли товарларнинг нархи мунтазам равишда ва ҳар хил нисбатларда ўзгариб туради. Мувозанатлашмаган инфляция бизнесга катта зарар етказиши мумкин. Капитални унумли жойлаштириш мумкин бўлган соҳаларни танлаш жуда қийинлашади.

Кутиладиган ва кутилмайдиган инфляция. Кутиладиган инфляция бу олдиндан башорат қилинадиган ва ҳисобланадиган инфляциядир, кутилмайдиган инфляция бунинг аксидир.

Мувозанатлашган ва кутиладиган инфляция комбинациялари иқтисодиётга катта зарар етказмайди. Мувозанатлашмаган ва кутилмайдиган инфляция иқтисодиёт учун ўта хавфлидир.

Нархларнинг ўсиш суръатига қараб инфляциянинг уч тури мавжуд:

- ◆ оддий ёки ўрмаловчи инфляция суръати йилига 2 — 3 фоиз бўлади.

- ◆ сузиб юрувчи инфляция, бунда нархлар тез ўса бошлайди, йилига 10 фоиз атрофида.

♦ югурувчи инфляция ёки гиперинфляция, нархлар ойига 40—50 фоиз атрофида ўсади, иш ҳақи билан нархлар ўртасида фарқ жуда катта бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетади, йирик корхоналар зарарига ишлайди ва инқирозга уч—райди, иқтисодий алоқалар бузилади, бартараф муносабатларига ўтилади.

Иқтисодий танглик билан инфляциянинг биргаликда юз бериши **стагфляция** дейилади.

Иқтисодиётнинг турғунлик ҳолатига тушиб қолиши **стагнация** деб аталади.

2. Талаб ва таклиф инфляцияси. Ҳозирги замон инфляцияси

Талаб инфляцияси жами талабнинг ўзгармас жами так—лифга нисбатан тез ўсиб боришида содир бўлади. Лекин жами талабнинг, ишлаб чиқариш ҳажмига иш билан бандликка ва нархлар даражасига бўлган нисбатан мураккаб жараёндир. Масалан, жами талаб ошса, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди, ишсизлик камаяди, нархлар секин—аста кўтарилади. Ишлаб чиқаришнинг кенгайишига қараб, заҳиралар камайиб боради, зарур бўлган иқтисодий ресурсларни излаш қийинлашади. Ишлаб чиқаришга малакали кадрларни жалб қилиш, уларга баланд иш ҳақини тўлашни зарур қилиб қўяди. Натижада ишлаб чиқариш харажатлари ошиб кетади ва нархлар кўтарилади.

Талаб инфляциясининг келиб чиқиш шартлари:

- ❖ иш билан бандликни ва иш ҳақининг ўсиши натижасида аҳоли томонидан талабнинг ўсиши;
- ❖ иқтисодий ўсиш даврида инвестицияларнинг кенгайиши ва капитал товарларига талабнинг ортиши;
- ❖ давлат харажатлари ўсиб бориши (ҳарбий ва социал буюрт—маларнинг ўсиши).

Таклиф инфляцияси ишлаб чиқариш харажатларининг нархи ошганда содир бўлади. Кейинги пайтларда жами талаб—нинг пасайиши шароитида нархларнинг ўсиши натижасида пайдо бўлган инфляция тури жаҳон тажрибасида тез учраб турибди.

Маҳсулот бирлигига сарф қилинган харажатларнинг ор—тиб бориши ишлаб чиқариш ҳажмини ва даромадни қисқар—тириб юборади. Натижада таклиф этилган товарлар ва хиз—матлар ҳажми қисқаради, нархлар кўтарилади. Демак бундай ҳолда талаб эмас, балки ортиқча ишлаб чиқариш харажатлари нархларни ошириб юборади. Таклиф инфляциянинг асосий манбаи бўлиб, хом ашё ва энергиянинг қимматлашуви нати—жасида нархларнинг ва иш ҳақининг ўсишига хизмат қилади.

Инфляциянинг сабаблари. XX аср ўрталарига келиб индустриал ривожланган мамлакатларда шакланган бозор механизмига инфляцион тенденциялар хос бўлиб қолди. Бунга икки асосий омил сабаб бўлди: молия ва пул — кредит тизимини тубдан қайта ташкил этилиши ва иқтисодийнинг олигополистик тузилишининг шаклланишидир.

Эркин рақобат тадбиркорларнинг юқори фойда олиш мақсадида нархларни оширишни чеклаб турган. Пулнинг айланлигини ва нарх — навонинг нисбий барқарорлигини олтин тангалар стандарти таъминлаб турган. Банкнотларнинг олтин тангаларига эркин алмашинуви пулнинг қадрсизланишининг олдини олган. Булардан ташқари, банклар муомалага банкнотларни ўзидаги олтин заҳиралари қийматининг ҳажми миқдоорида чиқара олганлар.

Нархларнинг ўзгаришида иқтисодийнинг ҳозирги замонавий босқичи туб бурилишга олиб келди. Пул муомаласида қоғоз пуллар олтинни бутунлай сиқиб чиқарди, пул — кредит механизми эса пул массасининг кўпайишига қулай шароит яратиб берди.

Иқтисодийнинг кўпгина тармоқлари олигополистик тузилиш кўринишига эга бўлди. Буни биз йирик бизнес томонидан бир хил турдаги маҳсулотларга нархларни ўрнатиш сис-темати олиб боришда кузатишимиз мумкин.

XX асрда нархлар ўсишининг янги тенденцияси ривожлана бошлади. Лекин асрнинг биринчи чорагида нархларнинг ўсиши вақти — вақти билан иқтисодий инқирозлар билан узилиб турди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида деярли ҳамма бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда нархларнинг ўсиши кузатилди. Бу даврда инфляцион жараёнларнинг асосини ишлаб чиқариш кучларининг бузилиши ташкил этди. Ишлаб чиқаришдаги салбий ўзгаришлар молия ва пул муомаласи соҳаларига таъсир кўрсатди: бюджетдаги камомад, давлат қарзи ўсиб кетди ва пул эмиссияси кучайиб кетди.

Урушдан сўнг нархларнинг ўсиб бориш тенденцияси сақланиб қолди. Нархлар мунтазам равишда барча мамлакатларда ўса бошлади. XX асрнинг 70 — йилларида инфляция ўсишининг муҳим омили, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши бўлди. Шу билан бирга инфляциянинг ўсишига ташқи омиллар ҳам таъсир этди. Булар долларнинг девольвацияси ва жаҳон бозорида хом ашё нархининг кўтарилиши.

Ҳозирги замон инфляцияси бир нечта хусусиятларга эга:

Биринчидан, авваллари инфляция айрим ёки бир нечта мамлакатларда содир бўлган, ҳозир эса нархларнинг ўсиши бутун жаҳон характери олиган.

Иккинчидан, инфляция ҳар хил мамлакатларда ҳар хил суръатлар билан нотекис ва сакраш йўли билан содир бўл — моқда.

Учинчидан, замонавий инфляция онда — сонда эмас, балки сурункасига бўлмоқда.

Тўртинчидан, инфляциянинг характери ўзгарди: 80 — йил — лар ўртасигача "ўрмаловчи" инфляция эмас, балки "югурувчи" инфляция ўз мавқеини эгаллади. Шу билан бирга 80 — йиллар ўрталарига келиб ривожланган капиталистик мамлакатларда инфляция суръати пасая бошлади. Бунинг бир нечта сабаби бор.

1. Жаҳон иқтисодиётининг циклик ривожланишининг ўзига хослиги, 1980 — 1992 йиллардаги иқтисодий инқироздан сўнг депрессиянинг чўзилиб кетиши. Инқироздан сўнг иқтисодиётнинг секин — аста тикланиши, оммавий ишсизлик товар ва хизматларга бўлган талабни қисқартириб юборди. Бу эса ўз навбатида нархларнинг ўсишини секинлаштирди.

2. Меҳнат унумдорлиги динамикасидаги силжишлар. Меҳ — нат унумдорлигининг ўсиши ва ишлаб чиқариш харажатларининг қисқариши, ички ва ташқи бозорда рақобатнинг кескинлашуви монополиялар томонидан нархларни кўтаришни чеклаб қўйди. Бу эса инфляциянинг пасайишига сабаб бўлди.

3. Молия соҳасидаги ўзгаришлар 70 — йиллар ўртасига нисбатан 80 — йилларда бюджетдаги камомад камайди, нати — жада давлат молиясининг инфляциясини пасайтирди.

4. Жаҳон бозорида энергия хом ашёси товарларига нарх — ларнинг пасайиши.

Лекин шунга қарамасдан инфляцияга ҳали барҳам бе — рилгани йўқ. Истеъмол товарлар нархи ўсиб бормоқда. Инф — ляция суръати ўзгариб турибди.

3. Инфляция оқибатлари. Инфляцияга қарши сиёсат

Инфляция барча мамлакатлар иқтисодиётига катта зарар етказмоқда, айниқса "югурувчи" ва "гиперинфляция". Унинг оқибатида ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал муомала соҳа — сига оқиб ўтади, чунки муомала соҳасида капитал тезроқ ай — ланади ва катта даромад келтиради; пул муомаласи қонунининг бузилиши натижада мамлакат ичидаги товар айланиши тар — тибсиз бўлади; талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат бузилади; кредитга ва кредит тизимига салбий таъсир кўрсатади; пул тизи — мининг тартибсизланишига олиб келади. Шундай қилиб инфля — ция такрор ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари ўртасидаги

мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлади. Яъни ишлаб чиқариш ва муомала соҳалари ўртасида. Шу билан бирга инфляция на — фақат мамлакат ичидаги иқтисодиётга, у яна халқаро валюта муносабатларига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Биринчидан, нархларнинг ўсиши миллий валютанинг қадрсизланишига ва унинг сотиб олиш қобилиятининг пасайи — шига олиб келмоқда.

Иккинчидан, инфляция жаҳон бозорида нархларнинг кў — тартилишига олиб келмоқда.

Учинчидан, нархларнинг ўсиши экспорт маҳсулотининг рақобатга бардош беришини пасайтирди, натижада ташқи сав — до тақчиллигини ошириб юборди.

Тўртинчидан, валюталарнинг сотиб олиш қобилиятининг нотекис пасайиши валюталарнинг нозквивалент алмашувини кучайтиради, валютанинг расмий ва бозор курси мос келмай қолади, натижада валюталар курси ўртасидаги нисбатни қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда инфляция, нафақат мамлакатлар — нинг ички муаммоси бўлиб қолди, балки халқаро валюта муно — сабатларининг асосий бузувчи кучига айланди.

Инфляцияга қарши сиёсат. Иқтисодиётни тартибга со — лиш учун инфляцияга қарши курашиш дастурини тузиш мақ — садга мувофиқ бўлади. Бундай дастур инфляцияни келтириб чиқарадиган сабабларни ва омилларини чуқур ўрганиш асосида тузилади ва бу дастурда инфляцияни йўқотувчи ва камайти — рувчи иқтисодий сиёсат олиб борилади.

Инфляция шароитида хўжаликни бошқаришга икки ёқ — лама ёндашиш мумкин: биринчиси, инфляцияга мослашувчанлик сиёсати бўлса, иккинчиси инфляцияга қарши олиб бориладиган сиёсатдир.

Инфляцияга мослашувчанлик сиёсати. Бундай сиёсат олиб борилганда бозор иқтисодиёти субъектлари томонидан ўз иқти — содий фаолиятида пулнинг сотиб олиш қобилиятининг пасайиб бориши орқали инфляцияни ҳисобга оладилар. Жаҳон тажри — басида пулнинг сотиб олиш қобилиятини пасайиши туфайли кўрилган зарарни қоплашнинг икки усули мавжуд. Кенг тар — қалганларидан бири бу фоиз ставкаларини индексация қилиш. Одатда бу усулда инфляцияга нисбатан фоиз ставкаси кўтари — лади. Иккинчи усулида инвестициянинг бошланғич пул суммаси индексация қилинади, у вақти — вақти билан олдиндан келишил — ган индекс асосида тартибланиб турилади.

Фирмалар инфляция шароитида иқтисодий сиёсатини ўзгартирадилар. Масалан, улар инвестицияларни тезда қайта —

риб олиш мумкин бўлган қисқа муддатли лойиҳаларни амалга оширишади. Айланма маблағларнинг етишмаслиги, фирмаларни акция ва облигациялар чиқариш орқали ташқи манбаларини қидиришга мажбур этади. Бундай ҳолат фирма қарзининг кўпайиб кетишига олиб келади. Натижада фирма қарзини тўлолмаслик, банкротлик ҳолатига тушиб қолиш мумкин.

Инфляция шароитида фирмалар фойдани ишлатиш сие – сатини ўзгартиришга мажбурдирлар. Бир томондан фирма фаолиятига иқтисодий қизиқтиришни кучайтириш учун, менежерлар фойданинг бир қисмини ишчи ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирадилар. Иккинчи томондан инфляция шароитида даромадлар камайиб харажатлар ошганда фирма эгалари ишлаб чиқаришнинг қисқариб кетмаслиги учун соф фойданинг анча қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфлашга мажбур бўладилар.

Инфляцияга қарши кураш олиб боришда кейнстилар та – рафдорлари, “таркибий инфляция” ва “таклиф иқтисодиёти” вакиллари ўз дастурларида иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг фаол қатнашувига катта эътибор беришган, яъни нархлар ва иш ҳақи ўсишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, тадбиркорликни солиқлар орқали рағбатлантириш, яшаш учун зарур бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришни қўллаб – қувватлаш.

Инфляцияга қарши тадбирлар. Давлатнинг инфляцияга қарши сие – сатининг бошқа вариантларидан бири бу бозор иқтисодиётига давлат аралашувини чеклашдир. Монитаризм дастурига асосан иқтисодиётда давлат фаолигига нисбатан бозор регуляторлари кенг қўламда қўлланилиши тавсия этилади.

Амалиётда ривожланган мамлакатларда юқори инфляцияга қарши курашда аралаш дастурлар қўлланилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам инфляцияга қарши кураш дастури тузилган. Президент И.А.Каримов ўз сўзида “Пулнинг қадрсизланишига қарши қаратилган қатъий чораларни кўриш ва яқин беш йил ичида пулнинг қадрсизланиш даражасини йилига 6–8 фоиз камайишига эришиш зарур”¹ деб таъкидлаб ўтган.

“Пулнинг қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган қатъий чора – тадбирлар инфляция кўрсаткичларини прогноз қилинган даражада сақлаб туриш имконини берди”², деб айтиб ўтди.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Т., “Ўзбекистон”. 1999.

² Президент Каримов И.А. нинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 17 феврал 2001 й.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Инфляция — қоғоз пулнинг қадрсизланиши.

Оддий ёки ўрмаловчи инфляция — инфляция суръати йилига 2—3 фоиз бўлади.

Сузиб юривчи инфляция — бунда нархлар тез ўса бош — лайди, йилига 10 фоиз атрофида.

Югурувчи ёки гиперинфляция — нархлар ойига 40—50 фоиз атрофида ўсади.

Стагфляция — иқтисодий танглик билан инфляциянинг биргалиқда юз бериши.

Стагнация — иқтисодиётнинг турғунлик ҳолига тушиб қолиши.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Инфляция моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Инфляция турларини санаб беринг.
3. Инфляция оқибатларини гапириб беринг.
4. Инфляцияга қарши сиёсат.

XVII Боб. ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРТИБЛАНИШИ

1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибланишининг назарий ва амалий асослари.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни ривожлантиришнинг шакллари ва йўналишлари.
3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда давлатнинг роли.

1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибланишининг назарий ва амалий асослари

Тарихан тартибсиз, ўзибўларчиликка асосланган, ёввойи иқтисодиётдан, тартибланиб турувчи, цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтиш юз беради. Иқтисодиётни тартиблаш — бу ундаги турли бўғинлар фаолиятининг бир — бирига боғланиш ва мос ҳолда ривожланиб боришидир. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асосчиларидан бири Жон Мейнард Кейнс ҳисобланади. Кейнсчилик иқтисодиёт фанида янги оқим сифатида 1929 — 1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг бевосита юзага келди. У назариясини ўзининг 1936 йилда нашрдан чиққан “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” асарида баён қилиб берди. Кейнс иқтисодчилар орасида иқтисодиётга аралашуви заруриятини далиллаган дастлабки иқтисодчи эмас эди. Иқтисодий сиёсатнинг асосларини ишлаб чиққан биринчи иқтисодчи Девид Рикардо бўлди. Ундан ташқари иқтисодиётни бошқаришнинг монетар назарияси мавжуд. Бутунги кунда иқтисодиётни бошқаришнинг пул назарияси, инфляция билан кураш муаммолари 1976 йилги Нобель мукофоти совриндори америкалик Мильтон Фридман бошлиқ Чикаго мактаби олимлари томонидан зўр бериб ишлаб чиқилмоқда.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг неоклассик модели. Бу йўналишдаги иқтисодчилар давлатнинг жамиятдаги даромадларини оқилona тақсимлаш ва аллокацион — яъни иқтисодиётдаги ресурсларни самаралироқ жойлаштириш мақсадидаги вазифаларни тасдиқ қиладилар. Неоклассик йўналиш тарафдорларининг фикрига кўра капиталнинг эркин оқиб тушиши учун тўсиқларни бартараф этиш учун ҳам давлатнинг тартиблаш механизми зарурлигини таъкидлайдилар.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни тартибга солиш борасида давлат муҳим вазифаларни

бажаради. Давлат иқтисодиётга фаол аралашиб бозор меҳанизмнинг амал қилишига кўмаклашади, рақобатчилик муҳитини яратиб аҳолини бозорнинг салбий оқибатларидан ҳимоялаш чора-тадбирларини кўради. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад бозор муносабатларини муайян ва маълум йўналишлар асосида ривожлантириб, иқтисодий тангликнинг олдини олиш ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасайишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Ривожланган мамлакатларга бозор иқтисодиётининг давлат томонидан тартибга солиниши оқибатида иқтисодий тангликнинг кескинлиги бир мунча пасаяди, ундай ҳолатдан тез чиқиб кетишга, баъзан эса унинг олдини олишга эришмоқдалар, аҳолининг турмуш даражаси анча яхшиланган. Аҳолининг турли ижтимоий табақалари ўртасида ижтимоий бирдамлик, келишув вужудга келмоқда.

Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш борасида тараққий этган мамлакатлар тажрибасига суянган кўпгина ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиш йўлига ўтиб олдилар. Улардан баъзи бирлари чунончи, Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань, Гонг-Конг, Малайзия ва Таиланд янги индустриал мамлакатлар деб атала бошланди.

Бозор муносабатлари эндигина шакллантирилаётган собиқ буйруқбозлик иқтисодий тизимидан холис бўла бошлаган Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов **“Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилайди. Иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариш керак”**¹.

Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш бўйича ривожланган мамлакатларда ҳозиргача тўпланган бой тажрибаларни ўрганиш ва уларни Республикаимизнинг миллий ҳусулияларини эътиборга олган ҳолда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам давлатнинг, уни тартиблашнинг назарий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т. “Ўзбекистон”, 1995, 10–11–бетлар.

Бозор мувозанатининг вужудга келиб, беқарорликнинг мутассил такрорланиб туриши бозор регуляторининг унинг иқтисодиётни тартиблашининг объектив механизмининг барқарор мувозанатини сақлашга қодир эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун бозор мувозанатини таъминлаш, уни сақлаш учун иқтисодиётни тартиблашнинг объектив бозор механизmidан ташқари, унга кўмаклашувчи давлат механизмига зарурат туғилади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида давлат бош ислоҳотчи, яъни иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ташаббускори ва етакчиси ҳисобланади.

Давлат иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми тўлиқ бажара олмаган вазифаларини ўз зиммасига олади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг асосий мақсади иқтисодий мувозанатга эришиш асосида тушқунлик ва тангликнинг олдини олиш; ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодиёт равнақи учун имкониятлар яратиш, шунингдек аҳоли турли табақалари ўртасида ижтимоий мувозанатга эришишдан иборатдир.

Маълумки, иқтисодий субъектлар ўзаро рақобатда бўлгани ва ўзларининг шахсий ва жамоавий манфаатлари юзасидан фаолият кўрсатгани учун уларнинг худбинлик манфаатлари умумдавлат, жамият манфаатларига зид келиб қолишлари ҳам мумкин. Шунинг учун давлат иқтисодиёт субъектлари манфаатлари ва фаолиятларининг жамият, давлат манфаатларига зид келиб қолмаслигини, унга зиён етказмаслигини назорат қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун давлат иқтисодий субъектларининг макроиқтисодиёт миқёсидаги алоқа ва боғланишларни тартибга солади.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни ривожлантиришнинг шакллари ва йўналишлари

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим воситаларидан бири, ўз мулки бўлган тармоқ ва корхоналарни бошқариш, яъни бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдир. Давлат мамлакат ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмини мулк эгаси сифатида бевосита ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилади, режалаштиради ва уни назорат қилади. Давлат мулки ва соҳибкорлиги кўлами бозор иқтисодиёти шароитида чекланган бўлади. У асосан мамлакат иқтисодиётини самарали ривожланиши учун имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Давлат ўз корхоналарининг товарларини ва хизматларини паст даражадаги, аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш хара — жатларига яқин бўлган баҳолар билан сотади. Бу билан аҳоли турмуш даражасининг ошишига, хусусий ва бошқа корхона — ларнинг самарали ишлашига, халқ хўжалиги тармоқларининг маълум нисбатларини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Давлат ўзига қарашли корхоналарни ижарага бериш, меҳнат жамоа — лари, хусусий шахсларга сотиш, акционерлик жамиятларига айланттириш йўли билан аралаш мулкни шакллантириш орқали иқтисодийнинг бошқа мулк доираларининг ташаббускорлиги — га, самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Давлат, биринчидан, ўзига қарашли тармоқ ва корхона — ларнинг самарали ишлаши учун хом ашё, асбоб — ускуналар, ик — кинчидан, бошқарув аппарати ходимларини молия билан таъ — минлаш, учинчидан, меҳнатга лаёқатсизлар, қариялар, етим болалар, камбағаллар ҳамда кўп болали оилалар, ёлғиз қаров — сиз кишиларга ёрдам мақсадида истеъмол товарлари ва хиз — матлар билан таъминлаш, тўртинчидан, ҳарбий анжомлар, қу — рол — яроғлар, армия учун лозим бўлган истеъмол товарларни ва хизматларни ишлаб чиқариш. Бешинчидан, турли хил та — бийй офатларнинг олдини олиш учун давлат заҳираларини таш — кил этиш мақсадида товарлар сотиб олади. Бунинг оқибатида давлатнинг товарлар ва хизматлар бозори шаклланади. Давлат бозори муҳим ижобий рол ўйнайди. Бу бозор кафолатли бўлиб, унинг тўлов қобилияти давлатнинг бюджет ва валюта фонди орқали таъминланади. Бу бозор давлат буюртмалари орқали тартибга солинади, унда келишилган баҳолар амал қилади ва унинг иштирокчиларига барқарор фойда келтиради.

Ўзбекистон Республикасида давлат иқтисодий жиҳатдан кўмакка муҳтож бўлган аҳолини социал ҳимоялаш мақсадида истеъмол товарларини ва хизматларни харид қилиш тобора ортади, фан — техника инқилоби талабларига биноан фунда — ментал фан, илғор илм талаб тармоқларни ривожлантириш, маориф, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, давлат корхо — налари ва ташкилотлари учун товарлар харид қилиш, давлат буюртмаларини бериш салмоқли бўлади.

Иқтисодий тартибга солишнинг энг муҳим шакллари — дан бири дастурлаш ва режалаштиришдир. Ушбу тартибга солиш шаклининг зарурияти ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши, меҳнат тақсимооти ва кооперациялашувининг чуқурлашуви, давлат мулкнинг мавжудлиги, иқтисодийга йўналтирилаётган капитал маблағлар ҳаракати ва оқибатларининг узоқ муддатлигидан ҳамда

бозор конъюнктурасини ўрганиши билан ифодаланади. Шу боисдан ҳамма ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболи аниқланади, дастурланади ва режалаш — тирилади. Иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболини аниқлаш (прогноزلаштириш) қисқа муддатга (1—2 йил), ўрта муддатга (5 йил), узоқ муддатга (20 йил)га мўлжалланади. Бунда мавжуд ўтган даврдаги иқтисодий ривожланиши бозор конъюнктурасининг ўзгариб бориш тенденцияларига асосланиб, келажақдаги иқтисодий аҳволнинг қандай бўлиши, қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги башорат қилинади. Бу — экстрополяция усули дейилади, олинган маълумотларга эса хусусий ишбилармонларнинг капитал маблағлар қўйиш режаларни турли сўровлар орқали ўрганиб бориш орқали аниқликлар ва тузатишлар киритилади.

Прогнозлар асосида иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилади. Дастурларда иқтисодиёт ривожланишининг моддий ва социал мақсадлари кўрсатилади. Мақсадларни амалга ошириш учун капитал маблағлар қўйиш режалари тузилади, ишлаб чиқариш ҳажми билан талаб ўртасидаги нисбатлар ўрғанилади. Турли ишлаб чиқариш билан импорт ўртасидаги боғлиқлик, ишлаб чиқариш билан истеъмол, ишлаб чиқариш билан экспорт, экспорт билан импорт ўртасидаги боғлиқликлар аниқланади. Бунинг учун тармоқлараро балансни тузиш, аҳоли рўйхатини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бизда бир неча марта тармоқлараро баланс тузилган, аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилган. Иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат дастурлари асосида режалар қабул қилинади. Илгари маъмуриятчилик, буйруқбозликка асосланган жамиятда иқтисодий режалар буйруқбозлик хусусиятига эга бўлиб, юқоридан белгиланиб, қуйидаги хўжалик бўғинлари учун мажбурий эди.

Бозор иқтисодиёти ва мулкнинг кўп шакллари мавжуд бўлган шароитда эса дастур ва режалар давлат корхоналари учун мажбурий, хусусий сектор учун эса таклиф, индекатив хусусиятга эга бўлади. Ишбилармон, тадбиркорларнинг режаларга амал қилишларини рағбатлантириш мақсадида уларга турли имтиёзлар, яъни солиқ тўлашда, кредит, субсидиялар, хом ашё, ёқилғи — энергия, асбоб — ускуналар олишда, товарларни экспорт қилишда имтиёзлар берилиши лозим бўлади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Рес-публикасининг Тараққиёт Истиқболини белгилаш ва Статистика қўмитаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ижтимоий — иқтисодий тараққиётнинг

концепцияларини қисқа ва узоқ муддатли режаларини, Рес — публика ва минтақаларга доир тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш; аҳолини социал ҳимоялашга оид таклифларни асослаб бериш, меҳнат фаолиятини ва тадбиркорлик имкониятларини кўпайтириш, иқтисодий аҳволни соғломлаштириш йўлларини белгилаш, бозор муносабатларига ўтишнинг асосий қоида ва йўналишларини шакллантириш ва унга мос равишда услубларини такомиллаштириш; халқ хўжалиги тузилмасини қайта қуришга оид таклифлар тайёрлаш, халқ хўжалиги балансларини тузиш асосида иқтисодий номутаносибликларни бартараф этишга оид таклифларни ишлаб чиқиш; экспорт — импорт ишларини давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш соҳасидаги йўналишларини белгилаш Ўзбекистон давлат қўмитаси ушбу вазифаларни бошқариш орқали иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида муҳим ўрин тутди.

Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш — иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврдаги стратегияси устивор ва — зифаси ҳисобланади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараёндир.

Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда танглик ҳодисаларининг олдини олиш, иқтисодиётнинг ҳолатини ифода қилувчи мезон бўлиб хизмат қиладиган кўрсаткичларни яхшилашга, шу билан бирга мамлакатни тангликка олиб келган ички сабабларни ўрганиш, чалғишлар ва номутаносибликлар бўлиши мумкинлигига ўз вақтида эътиборни қаратиш, танглик ҳодисалари келиб чиқишининг олдини олиш тадбирларини фаол амалга ошириш фоят муҳим.

Барқарорлаштириш сиёсати — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслиқдир. Шунингдек, у пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсати тидир.

3. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг роли

“Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур”¹.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т., 1998, 113 — бет.

Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий сиёсатининг натижаларини қуйидаги маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.
Йиллик ўсиш суръатлари

	1996	1997	1998	1999
Ялпи ички маҳсулот	1,7	5,2	4,4	4,4
Саноат маҳсулоти ҳажми	6,0	6,5	5,8	5,9
Ялпи қишлоқ хўжа – лиги маҳсулоти	7,3	5,8	4,0	6,0
Асосий капиталга киритилган инвес – тициялар	7	17	15	7,8
Аҳоли жон бошига даромадлари	2,2	1,9	42,9	61,2

Ўзбекистон Республикаси. Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлиги маълумотлари асосига тузилди. 1999 й.

Ҳозирги даврда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим шакллари қуйидагилардан иборатдир. Давлат мулки ва тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни дастурлаш ва режалаштиришга доир фаолиятлар, иқтисодий монополизмга қарши қўлланувчи чора – тадбирлар, молия – кредит муносабатларини тартибга солиш чора – тадбирлари, давлатнинг баҳони тартибга солиш сиёсати, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш аҳамиятининг ўсиб боришидир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни самарали ривожлантириш учун давлат мулки бўлган тармоқ ва корхоналарни бошқаришга катта эътибор берилмоқда.

Биринчидан, қазиб чиқарувчи тармоқлар маҳсулотлари Республиканинг энг муҳим миллий бойлиги ҳисобланади. Энергетика ва транспорт эса халқ хўжалигининг ҳаётий қон томирлари дир. Шу билан бирга уларнинг капитал ҳажмкорлиги юқори ва айланиш муддати узоқ бўлганлиги учун хусусий корхоналарнинг бу соҳадаги ташаббускорлиги чекланган бўлади. Шу сабабларга кўра, ушбу тармоқларни давлат бевосита бошқариши мақсадга мувофиқдир. Ҳамма ривожланган мамлакатларда ҳам давлатнинг капитал маблағларининг кўп қисми ушбу соҳаларга йўналтирилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодий мустақилликни қўлга киритиш учун машинасозлик, шу жумладан автомобилсозлик,

ускунасослик, фан — техника инқилоби вужудга келтирган элект — ротехника саноати тармоқларини ривожлантириши зарурдир. Бу янги тармоқлар қарор топиши давлат тадбиркорлик фаолияти доирасида бўлади.

Учинчидан, фан — техника инқилоби шароитида фан ва техникага раҳбарлик қилиш ҳам давлат қўлида бўлади. Давлат энг қимматли фундаментал фанлар соҳасида илмий ишларни молиялаштиради.

Давлат ўзига қарашли корхоналарни ижарага бериш; меҳнат коллективларига, хусусий шахсларга сотиш, акционерлик жамиятларига айлантириш йўли билан аралаш мулкни шакллантириш орқали иқтисодиётнинг бошқа мулк доираларининг таъминоти — шаббускорлигига, самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатнинг хусусий, жамоа ва бошқа тоифадаги корхоналардан товар ва хизматларни сотиб олиши иқтисодиётни тартибга солишнинг бир усули ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторларини ривожлантиришда чет эл инвестицияларининг роли ва ўрни шубҳасиз муҳим аҳамият касб этмоқда. 1999 йилда иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилинган чет эл инвестициялари ҳажми 10 млрд. доллардан ошиб кетди. 1999 йилнинг ўзидаёқ 2 млрд. доллар сармоя ўзлаштирилди. Умумий чет эл инвестицияларини 15 фоизи нефть ва газ саноатида, 12 фоизи машинасозлик ва 11 фоизи транспорт ва телекоммуникация секторида, 10 фоизи кимё саноатида, 4 фоизи енгил саноатда ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга оширишда дунёнинг 25 дан ортиқ давлатлари иштирок этмоқда. Улар орасида айрим йирик инвестор давлатларининг улуши қуйидагича бўлмоқда: Буюк Британия — 22 фоиз, Малайзия — 16 фоиз, Туркия — 12,6 фоиз, АҚШ — 10 фоиз, Япония — 9,7 фоиз, Жанубий Корея — 8,9 фоиз, Германия — 6,7 фоиз¹.

Ҳозир Республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга меҳнат заҳиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210—220 минг кишига кўпайиб бормоқда. Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти унинг ёш ва касб таркибидир. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI аср бўсағасида меҳнат заҳиралари юксак меҳнат фаолияти

¹ Абулқосимов Х.П., Вахобов А.В. ва бошқалар. "Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари". Т. ТДТУ. 2001 й. 61 — бет.

ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликни ташкил этишига имкон беради.

Шу билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшлар фаолиятининг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли заҳирасидир. Ҳозир қишлоқ хўжалигида барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, энг аввало, саноатга ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз асарларида бозорга ўтишдан олдин бозор инфратузилмасини яратиш зарурлигига катта эътибор берган. **"Инфратузилмани бирданига яратиб бўлмайди. Бу анча узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён бўлиб, бошқа талаблар билан бир қаторда юксак касбий маҳоратга эга кадрлар бўлишини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам, аҳоли ҳам хўжалик фаолиятининг янги шароитларига руҳан мослашишини талаб қилади"**¹ — деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг иккинчи босқичида бюджет сиёсати ва солиқ тизимининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, молиявий, меҳнат, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш вазифалари белгилаб берилган. Бунинг учун Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: **"Давлат харажатлари, уларнинг таркиби шундай ташкил қилиниши керакки, улар айни ана шу мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши ва бу ҳол бозорга ўтиш жараёнига ҳар томонлама кўмак бериши лозим"**².

Солиқ тизимини такомиллаштириш ва ўзгартириш корхоналарга солинадиган солиқларни камайтириш тамойилига асосланади. Шунингдек, давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш йўли билан маҳаллий бюджетларни мустақамлаш вазифаси қўйилган солиқ тизимининг ислоҳ қилиниши оқибатида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва кишиларнинг меҳнат фаолигини кучайтиришнинг омилларини ву-

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". Т. "Ўзбекистон", 1995 й., 98 — бет.

² Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". Т. "Ўзбекистон", 1995 й., 204 — бет.

жудга келтириш мақсад қилиб қўйилди. Ушбу ўзгаришлар ҳо — зирги замон кейнсчилик назариясининг муҳим жиҳатларини қўллашга асосланган, Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш хусусиятларидан келиб чиққан иқтисодий йўналишдир.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Иқтисодиётни тартиблаш — бу ундаги турли бўғинлар фаолиятининг бир — бирига боғланиши ва мос ҳолда ривож — ланиб боришидир.

Иқтисодиётни тартиблашнинг неоклассик модели, йўналиши — иқтисодиётчиларнинг фикрича капиталнинг эркин оқиб туриши учун тўсиқларни бартараф этишга давлатнинг тартиблаш механизми зарурлигини таъкидлайдилар.

Иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболини аниқлаш (прогнослаштириш) — ҳар хил муддатларда белгиланади. Қисқа муддатга (1 — 2 йил), ўрта муддатга (5 йил), узоқ муддатга (15 — 20 йил) га мўлжалланади.

Антимонополь қонунчилиги — давлатнинг иқтисодиётда монополия — якка ҳукмронлигига қарши кураш сиёсатини олиб бориши.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛАР

1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибланишининг назарий асосларини тушунтириб беринг.
2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибланишининг мақсади нималардан иборат?
3. Иқтисодиётни тартибга солишнинг турли андоза ва моделла — рини тушунтириб беринг.
4. Ўзбекистонда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга со — лишнинг яна қандай шакллари биласиз?
5. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда чет эл сармояларининг аҳамиятини қандай изоҳлайсиз?

XVIII Боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

1. Жаҳон хўжалигининг вужудга келишининг объектив асослари.
2. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакллари.
3. Жаҳон бозорининг рақобат марказлари.

1. Жаҳон хўжалигининг вужудга келишининг объектив асослари

Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши объектив тарихий жараён бўлиб, ҳар хил мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашувидан иборатдир.

Жаҳон хўжалиги бу халқаро меҳнат тақсимотига ва жаҳон бозорига асосланган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалардир.

Жаҳон хўжалиги XIX аср ва XX аср бўсағасида капитализм шароитида вужудга келди. Фан – техника тараққиёти натижасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида миллий иқтисодиётлар ривожланиб ички бозордан ташқи бозорга ўтиш зарурати пайдо бўлди. Меҳнат тақсимоти нафақат бир мамлакат доирасида, у мамлакатлар ўртасида ҳам амалга оша бошлади. Натижада халқаро меҳнат тақсимоти вужудга келди. У жаҳон хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг муҳим омилига айланди.

Ишлаб чиқаришни машиналаштирилиши, кооперациялаштирилиши меҳнатнинг бир мамлакат чегарасидан чиқишга ва байналмилаллашувига олиб келди.

Жаҳон хўжалиги ўз объекти ва субъектига эгадир. Халқаро миқёсда ресурсларнинг тақсимланиши ва самарали ишлатилиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, унинг кооперацияси, иқтисодий интеграция, савдо – сотиқ, илмий – техникавий ҳамкорлик, қолоқлик ва қашшоқликка чек қўйиш, экологияга зарар етказмайдиган иқтисодий фаолият юргизиш кабилар умумжаҳон муносабатларининг объекти бўлса, турли давлатлар, халқаро ва миллий фирмалар, халқаро ташкилотлар уларнинг субъекти ҳисобланади.

Жаҳон хўжалиги маълум бир қонуниятлар асосида ривожланади. Жаҳон хўжалиги бозор қонуниятларига амал қилади. Жаҳон хўжалигида иқтисодий алоқалар ривожланиб боради ва уларнинг шакллари ўзгариб боради, иштирокчилар

доираси янги мамлакатлар ҳисобидан кенгайди. Кейинги йилларда бу доирага Марказий Осиёнинг ёш давлатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам кириб келди.

Иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви халқаро иқтисодий интеграцияни юзага чиқарди ва интеграция уларнинг энг олий шаклига айланди. Мамлакатлараро, минтақалараро интеграция оқибатида умумжаҳон интеграцияси билан якунланади.

Жаҳон хўжалигининг муҳим қонуниятларидан бири, бу турли мамлакатларнинг тараққиёт даражаси жиҳатидан бир — бирига яқинлашувидир. Бу жараён мамлакатлараро рақобат асосида бўлади, кам ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларга айланиши юз беради. XIX аср охирида Англия саноати энг ривожланган мамлакат бўлса, XX асрнинг 70 — йилларига келиб АҚШ, Япония, Франция, Германия, Канада ва Италия ҳам ривожланган мамлакатларни ташкил этди. 80 — йилларнинг ўрталарига келиб уларнинг сафига Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар — Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия ва Таиланд келиб қўшилди. Турли мамла — катлар иқтисодий даражасининг яқинлашуви ва тенглашуви цивилизациялашган муносабатлар натижаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви мамлакатлар иқтисодиётини бир — бирига боғлаб қўяди. Натижада тенг ху — қуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар мамлакатларнинг кам ри — вожланган мамлакатларга таъсирини кучайтириб, уларнинг ри — вожига кўмаклашади.

2. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакллари

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклларида бири бу савдо — сотиқдир. Халқаро иқтисодий алоқаларда савдо — сотиқ жаҳон бозори орқали амалга оширилади.

Жаҳон бозори — халқаро меҳнат тақсимоти орқали мам — лакатлар ўртасидаги олди — сотди муносабатларидир.

Жаҳон бозори товарлар, хизматлар, молия, илмий каш — фиётлар, меҳнат бозорларидан иборат. Халқаро меҳнат тақ — симоти қанчалик чуқурлашса, жаҳон бозори шунчалик кен — гаяди, у ерда сотиладиган товарлар ва хизматлар кўпаяди. Жаҳон бозорининг ўзига хос инфратузилмаси мавжуд. Бу инфрату — зилмани халқаро товар биржалари, фонд биржалари, банклар, аукционлар, молия — суғурта, савдо — саноат компаниялари, ишга ёловчи фирмалар ташкил этади. Жаҳон бозорида мамлакатлар объектив ва субъектив сабабларга кўра маълум товар ва хизмат — ларга ихтисослашган бўлади ва улар бир — бирига товар етказиб

беради. Ихтисослашувнинг объектив сабабларини мамлакатларнинг географик жойланиши, иқлими, ер ости ва ер усти бойликлари ташкил этади. Субъектив сабабларини эса мамлакатдаги фан ва техниканинг ривожланганлиги ва малакали кадрлар ташкил этади.

Жаҳон бозорида турли мамлакатларда харажатлар ҳар хил бўлганлиги сабабли экспорт ва импортнинг қулайлигини ёки ноқулайлигини келтириб чиқаради. Агар товарларни ишлаб чиқариш харажатлари мамлакат ичида жаҳон бозоридан паст бўлса, экспорт қулай ҳисобланади ва аксинча агар, харажат юқори бўлса, импорт амалга оширилади. Натижада мамлакатлар ўзидаги кам харажатли товарларни экспорт қилишга ва кўп харажатли товарларни импорт қилишга интилади.

Жаҳон бозорида махсус нархлар — шартнома нархлар мавжуд, бу нархлар байналмилал харажатларни талаб ва таклиф нисбатини ва рақобатни ҳисобга олади. Натижада жаҳон бозоридаги нархлар талаб ва таклифга қараб ўзгариб боради. Аммо шундай товарлар борки, уларни ишлаб чиқарилиши табиий шароит билан чеклангандир. Масалан нефть, газ, кўмир ва қиш — лок хўжалиги маҳсулотлари. Натижада уларни ишлаб чиқарувчилар монопол мавқега эга бўладилар ва рақобат чекланганлиги сабабли монопол нархлар юзага келади. Буларнинг ҳаммаси табиий монополиялар деб аталади.

Жаҳон бозори миллий иқтисодиёт ривожига кучли таъсир этади. Ҳозирги даврда бир мамлакат доирасида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларини ишлаб чиқариш мумкин эмас. Натижада ривожланган мамлакатлар АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлар ўзига керак бўлган товарларни жаҳон бозоридан харид қилишга мажбур. Масалан, АҚШ какао, кофе, ипак, никель, табиий каучук, олмос каби маҳсулотлар импортига муҳтож.

Жаҳон бозорида мамлакатлар иқтисодий мавқеига қараб табақаланади. Улар икки гуруҳга: тайёр маҳсулот етказиб берувчи ва хом ашё етказиб берувчи мамлакатларга ажралади. Ривожланган мамлакатлар кўпроқ тайёр маҳсулотларни экспорт қилишса, ривожланаётган ва қолоқ мамлакатлар кўпроқ хом ашёни экспорт қиладилар.

Жаҳон бозори орқали пул капитали, иш кучи ва технология мамлакатлар ўртасида тақсимланади.

Жаҳон хўжалигида мамлакатлар ўртасида илм — маърифат — техника ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга давлат бюджети ва йирик компаниялар ҳисобидан ҳар хил пул фондлари ташкил

этадилар, бу фондлардан турли ёрдамлар кўрсатадилар. Маса — лан, Ўзбекистонга бозор иқтисодиётига ўтиш учун Европа Тик — ланиш ва Тараққиёт банки, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи ҳисобидан кадрларни бепул ўқитиш, хорижда уларни малакасини оширишга ёрдам бермоқда.

Жаҳон хўжалигида давлатлараро капитални тақсимлаш иқтисодий ўсишга хизмат қилмоқда. Мамлакатлараро капитал экспорти юз бермоқда. Ривожланган мамлакатлардан ривож — ланаётган ва қолоқ мамлакатларга капитал экспорт қилинмоқда.

Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш халқаро хусусиятга эга. Трансмилий корпорациялар (ТМК) юзага келмоқда. ТМК би — ринчидан, ўз капиталидан келиб чиқади, иккинчидан, фаолият доираси жиҳатидан халқаро хусусиятга эга бўлади. ТМК бир нечта мамлакат миллий капиталининг бирикишидан ташкил топади.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакларидан бири бу иқтисодий интеграция алоқаларидир.

Иқтисодий интеграция — миллий бозорлар ва миллий хў — жаликлар бирлашмасидир. Бу бирлашма давлатлараро иқти — содий келишув шаклида бўлади.

Интеграцияни оддий шакларидан бири эркин савдо му — ҳитини ташкил қилиш ҳамда божхона солиқларидан озод қи — линишидир. Интеграциянинг яна ташкил этишдир. Бунда савдо чекланишлари ва бир шакларидан бири божхона идтифоқи — дир. Бу шаклда ташқи савдо чекланишлари тўхтатилади, ягона ташқи савдо тарифи ўрнатилади. Юқорида кўрсатилган икки ҳолда ҳам давлатлараро келишувлар фақат муомала соҳасини ўз ичига олади.

Иқтисодий интеграциянинг мураккаб шаклига шундай иқ — тисодий иттифоқ кирадики, бунда божхона интеграциясига уму — мий иқтисодий сиёсат ва валюта сиёсати қўшимча қилиб кири — тилади. Интеграциянинг бундай шаклига Европа Иқтисодий Иттифоқи мисол бўла олади. Европа Иқтисодий Иттифоқи 1957 йил ташкил топиб, унга 15 та мамлакат аъзодир.

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривож — ланиб бориши иқтисодий интеграция жараёнларини тезлаштиради.

3. Жаҳон бозорининг рақобат марказлари

Жаҳон бозорида мамлакатлар ўртасида рақобат кураши олиб борилади. XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган мамлакатлар ўртасида рақобатнинг кескинлашуви жаҳон хў — жалигида рақобатнинг уч асосий марказини вужудга келтирди. Бу марказларни АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония ташкил этади.

XX асрнинг 60–йилларигача АҚШ жаҳон хўжалигида ҳукмронлик қилар эди ва унга қарши рақобат қилувчилар йўқ эди. Лекин 60–йиллардан кейин жаҳон бозорида кучлар нис–бати ўзгара бошлади. Ғарбий Европа ва Япония жадал суръат–лар билан ривожлана бошлади. Натижада уч марказ ўртасида рақобат кучайиб кетди.

АҚШ ҳозирги даврда улкан ишлаб чиқариш ва фан–тех–ника имкониятига, катта ички бозорга эгадир. Бунга қўшимча, у қўпгина табиий ресурслар билан ўз–ўзини таъминлай олади. Шу билан бирга АҚШ монополиялари четга капитал чиқаришни кенгайтирмоқда.

Ғарбий Европа маркази кенг ривожланган регионал ички алоқаларга, бир–бирини тўлдирувчи иқтисодий структуралар–нинг мустаҳкам чирмашиб кетганлигига, “Умумий бозор” доира–сидаги интеграция жараёнлари туфайли ишлаб чиқариш ва ка–питалнинг байналмилалашувига таянади.

Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари эга бўлган қўпгина устунликларда, аввало, ўз хом ашё базасидан маҳрумдир. Лекин у бу камчиликларни чет эл, кейинги вақтда эса ўз техно–логиясини самарали қўллаш ҳамда импорт қилинган хом ашёдан самарали фойдаланиш, ўз иқтисодиётини юксак даражада мосла–шувчанлиги, меҳнат унумдорлигининг тез ўсиши, энг кўп талаб қилинадиган саноат товарларини ишлаб чиқаришга фан–техника имкониятларини сафарбар этиш билан қопламоқда.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Жаҳон хўжалиги – халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон бозорига асосланган мамлакатлар ўртасидаги алоқалар.

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) – мамлакатларнинг товар ва хизматларининг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

Халқаро иқтисодий интеграция – мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши асосида, улар иқтисо–диётининг яқинлашуви ва бирлашувидан иборатдир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Халқаро меҳнат тақсимоти нима?
2. Иқтисодий интеграция турлари?
3. Жаҳон бозорининг инфратузилмасини нима ташкил этади?
4. Ихтисослашувнинг объектив ва субъектив сабабларини нима ташкил этади?
5. Жаҳон бозоридаги рақобат?

ХІХ БОБ. ЖАҲОН БОЗОРИ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМИ

1. Жаҳон хўжалиги тизимида ҳозирги замон иқтисодий муносабатлари ва шакллари.
2. Халқаро валюта муносабатлари ва валюта тизимлари.
3. Халқаро савдонинг мазмуни ва унинг иқтисодиётдаги роли.
4. Халқаро молия кредит ташкилотлари ва уларнинг фаолиятлари.

1. Жаҳон хўжалик тизимида ҳозирги замон иқтисодий муносабатлари ва шакллари

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожланишининг энг муҳим характерли хусусиятларидан бири турли мамлакатлар ва хўжалик манбалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиб бориши муҳим жараён ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигида ҳар бир ўзгаришлар (жаҳон бозорида нарх — наво ва алоҳида мамлакатнинг жорий имкониятларидан тортиб дунё иқтисодиётидаги таркибий силжиш ўзгаришлар ва халқаро имкониятлар фаолиятлари) дунёдаги ҳамма мамлакатлар манфаатини ўзига тартади. Давлатнинг савдо, ишлаб чиқариш, валюта, молия соҳаларида жаҳон ташкилотларига боғлиқлик объектив реал воқелик ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти қанча — лик ривожланган бўлишига қарамасдан, уларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қилмасдан унинг тўлақонли иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин эмас.

Дунё бир — биридан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи, турли хил ижтимоий — иқтисодий тузилмалар, халқаро гуруҳларга бўлинган. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади. Миллий хўжаликлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар негизида шаклланган жаҳон хўжалиги асосида халқаро меҳнат тақсимоти ётади.

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматлар маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ифодалайди. Алоҳида мамлакатларнинг бундай ихтисослашуви маҳсулотлари устун даражада экспортга йўналтирилган халқаро ихтисослашган тармоқнинг шаклланишига олиб келади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси ҳам

ўзига хос йўл танлаб жаҳон иқтисодий ривожланиш тизимига, интеграцион жараёнларга кириб бормоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа ўн йиллик тарихий даврида Республиканинг суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистонни 165 дан ортиқ давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 43 мамлакат ўз элчихонасини очган.

Халқаро иқтисодий муносабатларда айирбошлаш, савдо соҳасидан кўпроқ ишлаб чиқариш соҳасига кўчиб, тобора иқтисодий ҳамкорликнинг кенг кўламли очилмоқда. Энг йирик банк ва молия органлари нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Республикада 88 та чет эл ваколатхоналари рўйхатдан ўтган. Шунингдек, Ўзбекистонда 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 26 давлатда — АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Хитой, Покистон ва бошқаларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистон барча турдаги халқаро муносабатларда фаол иштирок этиб жаҳон мамлакатлари билан яқин қўшничилик, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, тенглик ва бир — бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида халқаро ҳуқуқлар ва конвенциялар дастурлари асосида жаҳон ҳамжамиятига қўшилган. Республикамиз жаҳон бозори ва унинг барча турида иштирок этиб ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб бормоқда.

Жаҳон бозори жаҳон хўжалигининг бир қисми бўлиб, мураккаб, динамик тарзда ривожланиб борувчи зиддиятли ва кўп қиррали тизимдан иборатдир. Шиддат билан ривожланаётган илмий — техника тараққиёти миллий иқтисодиётдаги таркибий силжишлар хўжалик ҳаётини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва услубларини ривожланиб бориши халқаро иқтисодий муносабатларнинг қиёфасини ўзгартириб юборди.

Ташқи алоқалар халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолатидир.

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожланишининг энг муҳим характерли хусусиятларидан бири — турли мамлакатлар

ва хўжалик регионлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиб бориши ҳисобланади.

Жаҳон хўжалиги деб, жаҳондаги барча мамлакатларнинг саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи иқтисодий алоқа лари ва жаҳон бозорининг муштарак, мураккаб, доимо кенгайиб ривожланиб борувчи ҳосиласига айтилади.

Жаҳон хўжалигида ҳар бир ўзгаришлар дунёдаги барча мамлакатлар манфаатини ўзига тортади. Мамлакатнинг савдо, ишлаб чиқариш, валюта — молия соҳаларидаги жаҳон тамойил — ларига боғлиқлик объектив реаллик ҳисобланади.

Дунё бир — биридан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи турли хил халқаро гуруҳларга бўлинади. Мамлакатларни гуруҳланиши ҳар хил мезонлар асосида шакл — ланади.

XX асрнинг сўнгги йилларида етакчи мамлакатлар иқти — содий ривожланишининг туб сифат ўзгаришлари ҳамда жаҳон хўжалиги тузилишида, ўсиш суръатларида бўлган ўзгаришлар — нинг кучайиб бориши, халқаро муносабатларнинг ҳозирги бос — қичидаги хусусиятларини белгилаб беради.

Шу билан бирга мамлакатларни жаҳон хўжалиги алоқа — ларида фаол қатнашувларига халақит берувчи мафкуравий ва сиёсий тўсиқларни олиб ташланиши ҳар бир мамлакатта хал — қаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан манфаатдор бў — лишига имкониятлар очиб берди.

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларига умумий асосда ён — дошиб хўжалик тизимларининг хусусиятларига мос равишда давлатларнинг учта гуруҳини ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар ривожланган, ривожланаётган ва бозор иқтисодида мавжуд бўлмаган мамлакатлар.

Ривожланганлик ҳамда муқобиллик бўйича учта гуруҳга ажратиш мумкин. Булар:

1. Шимолий Америка гуруҳи: АҚШ, Канада ва Мексика. (Жаҳон ялпи маҳсулотининг 29 %и).
2. Фарбий Европа гуруҳи — бозор иқтисодиёти ривожланган Европа мамлакатлари (Жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 32%и).
3. Япония гуруҳи — Япония ва тез ривожланаётган Жануби — шарқий Осиё мамлакатлари (Биргина Япония ҳиссасига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 15%и тўғри келади).

Таъкидлаб ўтиш керакки, бу уч гуруҳга кирувчи давлатлар ўртасидаги жаҳон бозорида ўз таъсир доирасини кенгайтиришда ва иштирокини оширишга қаратилган кучли рақобат, ҳозирги замон халқаро муносабатларининг моҳиятини очиб беради.

Ривожланганлик даражаси бўйича ҳам ўз навбатида учта гуруҳ фарқланади: кам, ўртача ва юқори даражада ривожланган мамлакатлар.

Шимолий – шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал (ЯИМ), юқори даромадли нефть экспорт қилувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқалар), шу жумладан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия) ҳар хил регионал иттифоқлар ва гуруҳлар ажратилади.

Ҳар бир мамлакат ўзининг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига қараб жаҳон бозорига турли хил товар ва хизматлар етказиб беришга ихтисослашади.

Миллий хўжаликлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар негизида шаклланган жаҳон хўжалиги асосида халқаро меҳнат тақсимоти ётади.

Халқаро меҳнат тақсимоти халқаро иқтисодий муносабатлар, яъни турли мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқалари негизида ётади ва қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- ◆ товар ва хизматлар билан халқаро савдо;
- ◆ капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
- ◆ иш кучи миграцияси;
- ◆ ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси;
- ◆ фан ва техника соҳасида айирбошлаш;
- ◆ валюта кредит муносабатлари.

Халқаро хўжалик алоқалари айрим олди – сотдилардан мол етказиб беришлар, ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида амалга ошадиган, узоқ муддатли йирик кўламли савдодаги иқтисодий ҳамкорликкача ўсди.

Ташқи савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлди.

Ўзбекистоннинг халқаро ташқи савдо алоқаларида Хитой, Россия, Германия, Италия, Туркия, Украина, Ҳиндистон, Малайзия ва Корея мамлакатларининг улушлари каттадир.

Ўзбекистон хорижий мамлакатларга пахта толаси, электр энергия, хизматлар, қора ва рангли металллар, кимё ва пластмасса ва ундан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, автомобиллар, минерал ўғитлар, нефть маҳсулотларини чиқариш, валюта тушу – мини кўпайтириш, доимо жаҳон бозори конъюнктурасига мос товарлар чиқариш зарурлигини кўрсатмоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаб жиҳатларидан бири ишчи кучининг халқаро миграцияси ҳисобланиб, у ўз ифодасини меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитида иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишини билдиради.

Халқаро миграция жараёнини иқтисодий омиллар билан бир қаторда сиёсий, этник, маданий, оилавий ва бошқа омилларни ҳам тақозо этади.

Миграция икки таркибий қисмни ўз ичига олади:

1. Эмиграция — малакатлардан доимий яшаш жойига чиқиб кетишни.
2. Иммиграция — мамлакатга доимий яшаш учун кириб келишни билдиради.

Шу билан бирга фан — техника ютуқлари бўйича халқаро айирбошлаш бир қатор шаклларда амалга оширилади.

У илмий — техникавий ахборотлар, мутахассислар, фан соҳаси ходимлари билан айирбошлашни тадқиқот ва янгиликларни лицензия асосида беришни, илмий — тадқиқот ишлари ўтказишни, умумий фан — техника ва технологияни ишлаб чиқариш бўйича қўшма тадбиркорликни ўз ичига олади.

Жаҳон савдосида хизматлар экспорти товарлар экспортидан фарқ қилади. Чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади.

2. Халқаро валюта муносабатлари ва валюта тизимлари

Товарлар, хизматлар, сармоя ва ишчи кучларини бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ҳаракати пул массаси орқали юзага чиқади.

Ана шу ҳаракатни тартибга солиш зарурати халқаро валюта тизими ва регионал валюта тизимларини шаклланишига олиб келадики, у халқаро валюта алоқаларини "табiiий" бозор ривожланиши билан биргаликда уларни миллий қонунчилик ва давлатлараро валюта битимлари асосида мувофиқлаштирувчи ҳар хил шакллари мавжуддир.

Валюта (том маънода қиймат, баҳолар бу малакатнинг пул бирлиги) доллар, марка, фунт — стерлинг, рубль, сўм ва бошқалар.

Халқаро иқтисодий алоқаларда миллий ва чет эл валютаси фарқлари ҳисобга олинади.

Миллий валюта бу Ўзбекистон Республикасининг банкнот ва майда (чақа) пул кўринишидаги пул белгилари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси пул бирликларида (сўм) ифодаланган.

Ҳар бир мамлакатнинг валюта тизими халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ана шу мамлакатнинг қонунчилиги асосида шаклланади. Халқаро валюта тизими халқаро валюта

муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- ◆ миллий валюталар;
- ◆ олтин;
- ◆ халқаро валюта бирликлари: СДР, ЕВРО;
- ◆ валюта курсларини белгилаш ва уни ушлаб туриш меҳа –

низми;

- ◆ халқаро тўловларни бараварлаштириш тартиби;
- ◆ валютанинг қайтарувчанлиги;
- ◆ халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби;
- ◆ валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро

муассасалар тизими.

Ҳозирги даврда мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатлари тўлов воситаси жаҳон пули асосида амалга оширилади. Шундай пул тарзида асосан АҚШ доллари қабул қилинган. Миллий валюталар курси бир – бирига ва АҚШ долларига қиёсла – ниб уларнинг қиймат нисбати аниқланганда валюта муносабати пайдо бўлади.

Давлатлараро ҳисоб – китоб ягона валютада юритилиши учун аниқ белгиланган валюта курси талаб қилинади. Валюта курси барқарор бўлиши зарур. Шу боисдан халқаро алоқаларда сузиб юрувчи (тебранувчи) валюта курси маъқул топилган. Бу маълум чегара доирасидагина ўзгариб турадиган валюта курси бўлиб, уни меъёрий деб аташ мумкин.

Мазкур курс унинг юқори ва қуйи чегараси доирасида ўзгариб туради. Барча валюталар курси АҚШ доллари орқали белгиланади. У ягона тўлов воситаси бўлганидан ҳамма валюталарни курси долларда ифодаланади. Уларнинг ўзаро курси ҳам доллар орқали ифодаланади. Миллий пул бирликларини халқаро ҳисоб – китобларда қатнашиши мамлакатнинг ривожланиш даражасини уни жаҳон айирбошлашдаги ўрнини ишончли тадбиркор, шерик сифатида ифодалайди.

Ўзбекистон 1992 йилда Халқаро Валюта Фонди ва Умум – жаҳон Банкнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Жадал суръатлар билан халқаро валюта муносабатларини кенгайтирмоқда ва шунинг учун миллий валютани мустаҳкамлаш унинг харид қувватини ошириш Республика ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда олтин ўзининг асосий тўлов, ҳисоб – китоб воситаси хусусиятини йўқотган бўлсада, у ҳар қандай мамлакат валюта резервларининг асосий қисмини ташкил этади ва

ундан айрим ҳолларда муҳим ташқи савдо операцияларига хизмат кўрсатиш ва кредитларни кафолатлашда фойдаланилади.

Олтин биринчи марта XVIII асрнинг охирида Буюк Бри – танияда (1816 й.) монометализм шаклида эквивалент бўлган мо – нометализм – бу ҳам пул тизимида мустақил унсур бўлиб, бунда битта металлга барча товарлар қийматини ўзида акс эттирувчи умумий эквивалент роли берилади.

Муомалада металдан зарб қилинган тангалар ва ўша ме – талга тенглаштириладиган қиймат белгилари юради. Тарихан узоқ вақт давомида бундай умумий эквивалент вазифасини олтин бажариб келди.

Олтин монета стандарти қуйидаги иқтисодий ҳолатнинг намоён бўлишини англатади.

1. Олтин тангалар муомалада бемалол ҳаракатда бўлади.
2. Олтин пулнинг барча вазифаларини бажара олади.
3. Олтин тангалар эркин зарб этилади.
4. Жисмоний шахслар ва давлатлар ўртасида олтин чеклан – маган миқдорда ҳаракат қила олади.

Кейинги пайтларда 1976F78 йилларда Ямайкада 4 – Жаҳон валюта тизимини юзага келтириш мақсадида ўтказилган дав – латлараро келишувда давлатлар қарз мажбуриятлари ва бошқа тўловларини олтин билан қоплаш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.

1976 йил 1 январидан бошлаб Халқаро Валюта Фонди то – монидан олтиннинг қатъий белгиланган жаҳон баҳоси бекор қилинди.

Қатъий белгиланган валюта курсини бекор қилиниши:

- ♦ валютанинг хавф – хатарини кучайтиради;
- ♦ халқаро савдода капитал кредитлар ҳаракати хавфли бўлиб қолади. Чунки биргина валюта курсининг ўзгариши нати – жасида миллионлаб зарар кўриш мумкин.

Масалан, Германияда Фолксваген компанияси 1985 йилда биргина шу сабаб туфайли 483 миллион долларни йўқотган.

Халқаро Валюта Фонди эркин сузиб юрувчи курсларга ўтишни тавсия этгандан сўнг:

- ❖ халқаро кредитларни тўлаш қийинлашиб қолди;
- ❖ давлатлар бирин – кетин тўловга ноқобиллигини эълон қила бошлади.

1982 йилда Мексика биринчи марта ўзининг тўловга ноқо – биллигини эълон қилди. Ундан кейин Бразилия, Африканинг қатор давлатлари худди шундай қилишди. Чунки берилган хал – қаро кредитларнинг 60 фоизи эркин сузиб юрувчи ставкалардаги кредитлар эди.

Кейинги йилларда резерв валюта сифатида халқаро пул бирликлари ҳам (СДР, ЭКЮ, ЕВРО) фойдаланилмоқда. Резерв

валюта жавоб бериши керак бўлган асосий талаб уни конвертирлашувидир.

Валюта конвертирлашуви деганда уни бошқа валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади.

Ҳозирги вақтда валюталар, эркин конвертирланадиган, қисман конвертирланадиган, конвертирланмайдиган валюталарга ажратилади.

Эркин конвертирланадиган валюта — бу амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш жорий операциялар (ташқи савдо, айирбошланиш, халқаро туризм) ҳамда кредит ва инвестиция операциялари билан боғлиқ бўлган тўловлар бўйича амалга оширилади. Эркин конвертирланадиган валюталарга АҚШ доллари, Канада доллари, Европа ҳамжамияти мамлакатлари (ЕВРО), шунингдек, Швеция, Швейцария, Япония миллий валюталарини киритиш мумкин. Улардан валюта нархларини аниқлашда фойдаланилади. Масалан, ўта муҳим маҳсулот ҳисобланган нефть ва бошқа энергия ташувчилар бир қатор металл нархлари АҚШ доллариди қайд этилади.

Қисман конвертирланадиган валюта — бу миллий валюта бўлиб, фақат баъзи бир хорижий валюталарга айирбошланади, шунда ҳам халқаро тўлов оборотининг барча турлари бўйича эмас. Масалан, фақат жорий операциялар тўловга рухсат берилади ёки ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчилар учун хорижий валютани сотиб олишда ва сотиш ҳуқуқига чеклашлар қўйилади.

Конвертирланмайдиган валюта — бу вақтинча фақатгина ички тўловга хизмат қилади ва хорижий валютага айирбошланмайди.

Ташқи конвертирлашда тўловларнинг чет элда амалга оширишга ва активларни ушлаб туришга рухсат берилади. Валюталарнинг конвертирланиши кўпчилик мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг муҳим мақсади ҳисобланади ва жаҳон таърибасининг кўрсатишича кўпчилик мамлакатларда рақобатга бардошли саноат базаси ва халқаро резервлар барпо этилгандан кейин киритилган.

Масалан, Франция, Италия ҳамда Япония ўз миллий валюталари тўлиқ конвертирланишини фақат 80 — йилларнинг охирида жорий этдилар.

Ҳозирги вақтда халқаро ҳисоб — китобларда миллий валюталар билан бир қаторда халқаро ёки мамлакатлараро пул бирликлари (ЕВРО) тобора кенг қўлланилмоқда. Улар банкнот шаклига эга эмас. Банкларда ҳисоб — рақамларига ёзиб қўйиш орқали нақдсиз тўловлар учун фойдаланилади.

3. Халқаро савдонинг мазмуни ва унинг иқтисодидедаги роли

Жаҳон савдоси ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида ка — питални четга чиқариш имкониятлари юзага келди ва унга боғлиқ равишда халқаро валюта, молия — кредит муносабатлари ривож — ланди.

Ташқи савдонинг вужудга келиши икки муҳим объектив сабаблар билан изоҳланади.

Биринчидан, бу табиий ва хом ашё ресурсларининг мам — лакатлар ўртасида текис тақсимланмаганидир. Масалан, Яқин Шарқ мамлакатлари ҳиссасининг жаҳон нефть заҳираларининг 66 фоизи тўғри келса, мис, табиий газ, боксит ва бошқа кўплаб фойдали қазилмалар заҳираларининг 70 — 80 фоизи ривож — ланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бир вақтда кўплаб саноати ривожланган мам — лакатларда бу табиий бойликлар етишмаслиги туфайли уларга эҳтиёж катта.

Мамлакатлар бўйича табиий бойликларнинг нотекис тақ — симланганлиги, бир қатор ривожланган мамлакатларда фой — дали қазилмалар заҳираларининг камлиги, шунингдек, ёқилғи, хом ашё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тез ўсиб бориши — бу ресурсларни кенг айрибошлашни ҳаётий заруратга айлан — тиради.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасидаги фарқ нархларнинг турлича бўлишига, уларни олиб келиш ва олиб чиқиш ҳисобига қўшимча фойда олиш имкониятини беради. Агар хом ашё ресурсларини асосий етказиб берувчилар ривожла — наётган мамлакатлар ҳисобланса, саноати ривожланган мамла — катлар мураккаб машиналар, асбоб — ускуналар етказиб берув — чилар ҳисобланади. Тараққий этган мамлакатлар ҳиссасига жа — ҳондаги турли машиналар, асбоб — ускуналар савдосининг 80 фоизидан ортиғи тўғри келади.

Халқаро савдо айирбошлашнинг ва ташқи савдо опера — цияларининг асосий кўринишлари. Ташқи савдо халқаро ай — рибошлашнинг аъъанавий шакли сифатида қуйидаги кўриниш — ларни ўз ичига олади:

- ♦ маҳсулотларни айирбошлаш, ёқилғи хом ашё маҳсу — лотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари.
- ♦ хизматларни айрибошлаш муҳандислик — маслаҳат хиз — матлари, транспорт хизматлари, туризм ва бошқа хизматлар.

Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси 30 фоиздан ошиб кетди.

♦ янги илмий — техник маълумотларни айрибошлаш: лицензиялар ва “ноу — хаулар”. Улар ҳиссасига халқаро савдо оборотининг 10 фоизига яқини тўғри келади. Халқаро маҳсулотлар, хизматлар ва фан — техника маълумотларини айрибошлашнинг барча кўринишлари ташқи савдо операциялари ёрдамида амалга оширилади. Улар ўз навбатида экспорт, импорт, реэкспорт ва реимпорт операцияларига бўлинади.

Экспорт операциялари — маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқариш.

Импорт операциялари — маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш.

Реэкспорт операцияси — аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб кетиш.

Реимпорт операцияси — аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.

Уларнинг ичида экспорт ва импорт операциялари асосий ҳисобланиб, жаҳон савдо ҳажмини ва унинг ривожланишини белгилаб беради.

Ҳозирги даврда халқаро савдонинг ривожланиш хусусиятлари ва йўллари йилдан — йилга халқаро савдо жараёни ривожланиб, жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг тахминан 15 фоизини ташкил этади. Бунда АҚШ, ривожланган ғарб давлатлари ва Япония йирик экспорт ва импорт қилувчилар бўлиб ҳисобланади, ҳозирги жаҳон савдоси фақат юқори ўсиш суръатларига эмас, балки тармоқ ва ҳудудий тузилишдаги ўзгаришларни ҳам ифодалайди.

Жаҳон савдоси ривожланишининг бу хусусиятлари юқори даражада ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши динамикасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Ташқи савдо товар айланиши, айниқса, Жанубий — Шарқий Осиёнинг “Янги саноати тараққий этган мамлакатларида”, Хитой, Туркия ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда юқори суръатларда ўсмоқда. Бироқ шунга қарамай, жаҳон савдосидаги етакчи ўринни ҳозирги кунда ҳам АҚШ, Ғарбий Европа давлатлари ва Япония эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ташқи савдо алоқаларини сезиларли даражада фаоллаштирди. Бу алоқалар республикалар савдо балансида ижобий қолдиққа (сальдога) эришиш, импорт ва экспорт тузилишини яхшилашга

йўналтирилгандир. Кейинги йилларда биринчи марта четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажмининг ўсиши таъминланди. Йил якуни лари бўйича ташқи савдо айланмасида 317,3 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди¹.

Республикаларимизда ташқи савдони ривожлантиришнинг муҳим муаммоларидан бири экспорт ва импорт тузилишини тубдан ўзгартириш ҳисобланади.

Экспортда ҳали ҳам пахта толаси ва минерал ўғитлар чиқариш олдинги ўринларни эгаллайди. Саноатнинг қайта ишлаш ловчи тармоқларини келажакда ривожлантириш четга маҳсулотларни олиб чиқишда, енгил ва оғир саноатдаги тайёр буюмлар ҳиссасини тезда кўтаришга ва экспорт тузилишини яхшилашга имкон беради. Иқтисодий имкониятлар Ўзбекистонда яқин келажакда озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш учун хом ашёни кенг кўламда экспорт қилишга имкон беради. Республика ўзининг савдо соҳасидаги меъёрлари доирасини кенгайтирмоқда. Уларга МДҲ мамлакатлари билан бир қаторда Бельгия, Голландия, Франция, Германия, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Корея Республикаси, Индонезия, Хитой, Польша, Малайзия ва бошқалар бор. Айниқса Россия Федерацияси билан савдо оборотини 2 млрд. долларга етказиш учун Президентимиз И.А.Каримовнинг Россияга 2001 йил май ойида қилган ташрифиди келишиб олинди. Ҳозир бу соҳада амалий чора-тадбирлар кўриломоқда.

Республикада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириб бориш миллий иқтисодийнинг кўтарилишига унинг тузилишининг такомиллашувига ёрдам беради. Ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини оширишни таъминлайди.

4. Халқаро молия кредит ташкилотлари ва уларнинг фаолиятлари

Жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон маънавий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида халқаро молия ташкилотлари ташкил этилган эди. Улар ичида энг аҳамиятлиси халқаро валюта фонди (ХВФ) ва қатор йирик банклар — Умумжаҳон Банки (УБ), Европа Тиклаш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ),

¹ Каримов И.А. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий — иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2001 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъруза. "Халқ сўзи" рўзномаси, 17 феврал 2001 йил.

Халқаро ҳисоб — китоблар банки (ХХКБ), Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ), Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) ва бошқалар ҳисобланади.

1944 йил Бреттон — Вудсда (АҚШ) валюта — молия масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг анжумани бўлди ва унда 44 давлат ҳукумати вакиллари қатнашди. Анжуманда қатор битимлар, жумладан, Халқаро Валюта Фонди тўғрисида, Халқаро Тиклаш ва Тараққиёт Банки, Умумжаҳон Банки тўғрисида битимлар тузилди. Бу битимлар 28 мамлакат томонидан имзоланди ва улар БМТ доирасида йирик жаҳон молия ташкилотларини яратишнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) 1945 йилнинг охирида иш юрита бошлади, ҳозирда унга 178 мамлакат аъзодир. Унинг асосий мақсади аъзо давлатлар валюта — молия сиёсатини мувофиқлаштириш ва уларга тўлов балансини тартибга солиш ҳамда валюта курсини сақлаш учун қарз бериш ҳисобланади. Бунинг учун фонд тўлов балансида қийинчиликлар сезаётган ўз аъзоларини молиялаштиради, уларнинг хўжалик юритиш усуллари яхшилашга қаратилган техник ёрдам кўрсатади.

Жаҳон валюта тизимининг ривожланишида валюта операциялари ва кредит оқимларини халқаро миқёсда тартибга солишда БМТнинг ихтисослашган муассасалари қаторига кирмайдиган йирик молиявий ташкилотлар катта роль ўйнайди. Уларга Европа Тиклаш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ), Халқаро ҳисоб — китоблар банки (ХХБ), Осиё тараққиёт банки ва бошқалар киради. Бу банк 1991 йилдан иш юрита бошлади ва унинг таъсисчилари 34 мамлакат ҳисобланади. Уларга Марказий Европа мамлакатлари, АҚШ, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Туркия, Кипр, Малта, шунингдек Европа ҳамжамияти комиссияси ва Европа инвестиция банки киради. У Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида тузилган.

Ўзбекистон халқаро молия — кредит ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириб борган сари халқаро интеграцион жараёнга муносиб шерик сифатида кириб бормоқда.

АСОСИЙ ВА ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Халқаро меҳнат тақсими (ХМТ) — алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматлар маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувидир.

Жаҳон бозори — жаҳон хўжалигининг бир қисми бўлиб, мураккаб, динамик тарзда ривожланиб боровчи, зиддиятли ва кўп қиррали тизимдан иборатдир.

Иш кучининг халқаро миграцияси – меҳнат ресурсла – рининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишини билдиради.

Монометализм – пул тизимида мустақил унсур бўлиб, бунда битта металлга барча товарлар қийматини ўзида акс эт – тирувчи умумий эквивалент роли берилади.

Валюта конвертирлашуви – унинг бошқа валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади.

Эркин конвертирланадиган валюта – бу амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валютага эркин ва чек – ланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир.

Экспорт операциялари – маҳсулотларни чет мамлакат – ларга чиқариш.

Импорт операциялари – маҳсулотни хорижий шерик – лардан сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.

ТАКРОРАШ УЧУН САВОЛААР

1. Жаҳон хўжалик тизимидаги ҳозирги замон иқтисодий му – носабатларининг шакларини изоҳлаб беринг?
2. Халқаро меҳнат тақсимотининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
3. Жаҳон валюта тизимининг таркибий қисмларини асослаб беринг.
4. Халқаро савдо муносабатлари ва унинг ҳозирги даврдаги ривожланиши хусусиятлари нималардан иборат?
5. Халқаро Валюта Фондларининг вазифаси ва таркибий тизи – мини тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистоннинг халқаро бозорга қўшилиб боришининг йў – налишларини кўрсатинг.
7. Халқаро молия ташкилотларини изоҳлаб беринг.

XX Боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР

1. Инсоният тараққиётида умумбашарий муаммолар —нинг моҳияти.
2. Умумбашарий кўламдаги муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш йўллари.
3. Ўзбекистон Республикасининг экологик муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.

1. Инсоният тараққиётида умумбашарий муаммоларнинг моҳияти

Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай жадал юритилган хўжалик фаолияти, Рим клубининг "XXI аср йўли" деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, "Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди. Мутахассисларнинг баҳолашларича, 2000 йилга бориб ўрмонлар эгаллаб турган майдон қуруқликнинг 1/6 қисминигина ташкил этади, ҳолбуки, 50 — йиллар улар 1/4 қисмини эгаллаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда. Жадал суръатлар билан юз бераётган урбанизация жараёнлари шаҳарларнинг асосий агломерациялари энг йирик ифлослантириш манбаларига айланиб қолишига олиб келди. Бунинг натижасида бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган турли — туман касалликлар сони ортиб бормоқда¹.

Ҳозирги вақтда жаҳон фан — техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий захиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Шу билан бирга дунё аҳолиси йилдан — йилга ўсиб бормоқда, бу ўсиш кўпроқ миқдорда озиқ — овқат, ёқилғи, кийим — кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқаришни талаб этади. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатда қисқаришига, чўл — саҳроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа салбий ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари". Т., "Ўзбекистон", 1998, 506 — бет.

Бетўхтов давом этаётган қуролланиш пойгаси, атом, ки — мёвий қуроллар ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа тур — ларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш инсоният яшайдиган муҳит учун жуда катта хавфдир.

Ҳозир, XXI асрда, фан — техника тараққиёти жадал суръ — атлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўғрофий — сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан био — сферага кўрсатилган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий та — раққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муноса — батларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда.

Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўъ — тадил атроф — муҳит шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларнинг муқаддас ва дахлсизлигини алақачонлар эътироф этган.

Инсоният учун умумбашарий муаммоларнинг долзарб — лиги (қуролланиш пойгаси, термоядро ҳалокати хавфи, атроф — муҳитнинг ифлосланиши, аҳоли турмуш даражасининг ёмон — лашуви турли хил касалликларнинг кучайиб бориши) дунё бў — йича бу муаммоларни бартараф қилишда кучларни умумлаш — тириш лозимлигини таъкидламоқда. Жаҳон иқтисодий жараён — лари умумлашувининг кучайиб бориши борган сари умуминсоний қадриятлар асосида маданийлашган халқлар иттифоқини тузиш ва шу орқали давлат, жамият, ҳар бир шахснинг ривожланиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги, манфаатларнинг уйғунлашу — вига эришиши лозимдир.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалигида борган сари умумий, чекланган, миллий ва умумбашарий муаммоларнинг боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорлиги кучайиб бормоқда. Жаҳон хўжалиги иқ — тисодий муаммоларининг мураккаблиги ва кескинлиги замо — навий цивилизация ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси билан характерланади.

Инсоният учун биринчи даражали вазифа сифатида ер юзида тинчликни сақлаш, урушларнинг олдини олиш — кимё — вий, биологик, айниқса термоядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, конверсияни кенгайтириш, чекланган, умумбашарий ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олишдир.

Умумий вазифа сифатида мамлакатлар учун ёқилғи — энергетика ва хом ашё муаммосини ҳал қилиш ҳам зарур.

Тезлик билан кўпгина қолақ мамлакатлар учун озиқ — овқат муаммосини ҳал этишга ёрдам бериш, очлик, қашшоқлик,

касалликларга (эпидемияга қарши кураш, айниқса энг хавфли касалликлар юрак хасталиги, рак, СПИД)га қарши курашиш.

Юқорида қайд қилиб ўтилган муаммолар мажмуасини ҳар томонлама ўрганиш ва уни ҳал этиш зарурлигини тақозо этади. Жаҳон ҳамжамияти бу муаммоларни биргаликдаги куч – ғайрат – ларини умумлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали ечиши мумкин. Бу эса умумбашарий муаммоларни иқтисодий – сиёсий жиҳатдан янгича ташкил қилиш заруриятини вужудга келти – ришни тақозо этади.

Жаҳон интеграция йўли билан давлатлар ўртасида савдо алоқаларидан иқтисодий алоқаларга, кейинчалик ягона иқти – содий комплексга қўшилишни зарур қилиб қўяди.

Ҳозирги дунёдаги муаммоларни таҳлил қилиш учун мин – тақавий ва умумбашарий муаммоларнинг ўзаро алоқадорлигига эътиборни қаратиш керак. Умумбашарий муаммолар янги бос – қичда сиёсат, иқтисодий экологиялар билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Иккинчи йўналиш “кўп қутблилик” ва “кўп қир – ралилик” кўринишида дунё иқтисодиётида алоҳида мамлакат, малакатлар гуруҳлари бўйича жаҳон хўжалигида намоён бў – лади. АҚШнинг аста – секинлик билан жаҳон иқтисодиётидаги йўлбошчилиги “янги индустриал” давлатларнинг Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида биринчи ва иккинчи авлодарининг пайдо бўлиши янгича иқтисодий фикрлашга олиб келмоқда. Цивилизациянинг умумбашарий муаммоларини алоҳида олинган давлатлар билан ҳал қилиш мумкин эмас. Инсоният эҳтиёжларига жавоб берадиган янги хилдаги халқаро муносабатларнинг ривожланиши ҳозирги даврда жаҳон ҳамжамияти олдига умумбашарий муаммолар ягона механизмини ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этади. Шу билан бирга бундай ҳолатда алоҳидалашган манфаатлар нуқтаи назаридан эмас, балки бутун дунё халқлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда янги меъёрлар ишлаб чиқилиши керак. Умумбашарий муаммоларни тадқиқ қилишда уларни таҳлил этишнинг бошланғич услубини, тамо – йилларини аниқлаш, ижтимоий – иқтисодий жиҳатларини аж – ратиб олиш кўндаланг бўлиб туради. Мана шу жойда турли тадқиқотлар ўртасида тафовут кўринади, лекин инсониятнинг келажаги тўғрисидаги ғамхўрлик, кўпгина танг вазиятлардан чиқиш йўлини топишга интилиш барча қарашларни бирлаштириб туради.

2. Умумбашарий кўламдаги муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш йўллари

Умумбашарий миқёсдаги муаммоларни ҳал этиш борган сари ўз аҳамияти жиҳатидан инсониятнинг ҳаёт — момот ма — саласи сифатида қаралмоқда. Бу масалани ҳал этиш учун жаҳон миқёсидаги ҳамкорлик ҳаётий зарурият ҳисобланади. Бу ҳолат ўз навбатида турли халқаро ташкилотлар фаолиятини актив — лаштиришга, объектив шарт — шароитларни вужудга келтиришга қаратилмоғи зарур.

Биринчи йўналишда, БМТнинг сифат жиҳатидан ҳозирги даврда, бу халқаро ташкилотнинг янги келажақдаги концеп — циясини ишлаб чиқиш масаласидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Стокгольмдаги йиғилишида, ташкилотда исло — хотлар ўтказиш жараёнида “БМТни иқтисодий ва сиёсий соҳа — лардаги фаолиятини кучайтириши ва фаоллаштириши зарур” деб таъкидланади.

Иккинчи йўналиш — жаҳон ҳамжамияти кучларини умум — лаштириш, халқаро ҳамкорлик қилишга йўналтириш, халқаро молиявий ташкилотлар, Халқаро Ривожланиш ва Тараққиёт банки билан Халқаро Валюта Фондлари тузилиши ва фаолиятларини аниқ белгилаб олиш.

Учинчи йўналиш, бир — бири билан боғлиқ икки ғоя: умум — башарий муаммоларни бошқаришнинг мустақил халқаро комис — сияси ва олий даражадаги умумбашарий муаммоларга бағиш — ланган бутунжаҳон йиғилишини чақариш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожланишининг энг муҳим характерли хусусиятларидан бири турли мамлакатлар ва хўжалик минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларнинг ўсиб бориши ҳисобланади. Жаҳон хўжалигида юз бераётган ҳар бир ўзгаришлар (жаҳон бозоридаги нархлар ҳаракати, алоҳида олинган мамлакатнинг экспорт имкониятидан тортиб дунё иқ — тисодиётидаги таркибий силжишлар ва халқаро монополиялар фаолиятларига) дунёдаги барча мамлакатлар манфаатини ўз ичига олади. Ҳар бир давлатнинг савдо ишлаб чиқариш, валюта молия соҳаларидаги жаҳон тамойилларига боғлиқлиги объектив реал воқелик ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳар қандай мамла — катнинг иқтисодиёти қандай ривожланган бўлишидан қатъий назар, жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қилмасдан унинг тўла қонли иқтисодий ривожланишини асло таъминлаши мумкин эмас. Дунёдаги бир — бирларидан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи турли хил ижтимоий — иқтисодий тузумлар

халқаро гуруҳларга бўлинган. Жаҳон ҳамжамияти мамлакат — ларини туркумлаш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади. Дунёдаги жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлашга (гуруҳлашга) умумий асосда ёндашиб, хўжалик тизимларининг хусусиятларига мос равишда давлатларнинг учта гуруҳини ажратиш кўрсатиш мумкин: ривожланган бозор иқтисодиёти, ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти мавжуд бўлмаган мамла — катлар. Ривожланганлик даражаси бўйича ҳам ўз навбатида учта гуруҳ фарқланади, кам, ўртача ва юқори ривожланган мамла — катлар. Шимолий — Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар, юқори даромадли нефть экспорт қи — лувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқалар), энг кам ривожланган мамлакатлар, шу жумладан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия) ва ҳар хил минтақавий иттифоқлар ва халқаро гуруҳларга ажратилади. Бу жараёндан Ўзбекистон ҳам четда қолгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ик — кинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида иқти — содий вазифалардан бири сифатида “Мамлакатимизнинг экс — порт салоҳиятини ривожлантириш ва мустақамлаш, иқти — содиётимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш”¹ вазифасини белгилаб берди.

Бугун жаҳон муаммолари комплексининг маркази ва боғ — ловчи бўғини инсон ва унинг келажагидир. Жаҳоншумул муаммолар нафақат илмий изланишлар соҳаси, балки миллий ва халқаро миқёсларда фаол сиёсий ва иқтисодий фаолият соҳаси ҳамдир. Янги минг йилликда давлат ва халқларнинг муштарак бунёдкорлик ҳаракати инсоният олдида турган биринчи навбат — даги вазифа бўлиб қолди. Хавфсизлик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ҳам таркиб топиши ва амал қилиши зарур. Бу ташкилот умуминсоний муаммоларни кенг муҳокама қилишга, уларни ҳал этишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чи — қишга, барча давлатларнинг ижтимоий тузуми ва тараққиёт даражасидан қатъий назар, уларнинг манфаатлари мувоза — натини ахтариб топишга, ресурсларга тегишли эҳтиёжларни аниқлашга, халқаро ҳамдўстлик манфаатларига мос келадиган аниқ дастурларни ишлаб чиқишга имкон берадиган ҳукумат — лараро универсал механизмдир. Ҳозирги шароитда бажари — лаётган дастурлар ва лойиҳалар биргаликда куч — ғайрат сарф — лашни талаб қилади.

¹ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз. Халқ сўзи. 2000 й. 15 феврал.

Умумжаҳон муаммоларини ҳал этишга ёрдам берадиган лойиҳаларга, шунингдек, жаҳон космик ташкилоти тузиш лойи — ҳасини, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тузилмасидан хавфли касалликларга, жумладан СПИДга қарши ҳамкорлик қилиш учун фойдаланиш лойиҳалари ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. Тинчлик учун жаҳон ҳаракатида иштирок этаётган миллий ва халқаро даражалардаги кўпгина тавсия ва урушга қарши таш — килотлар халқаро ҳамкорликка ҳисса қўшмоқдалар. Кейинги йилларда айниқса, табиат ва тинчликни сақлаш учун курашга чақирувчи экологик йўналишдаги уюшмалар бу ҳамкорликка кенг миқёсда қўшилмоқда.

Жаҳонда вазият тобора мураккаблашиб ва кескинлашиб бормоқда. Шу сабабли атроф — муҳитни муҳофаза қилиш му — аммолари олдинги ўринга қўйилмоқда. Бизда жаҳон океани ҳам, коинот ҳам битта, у ёки бу мамлакатда экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлган муаммонинг намоён бўлиши қанчалик хилма — хил бўлмасин, у умумий хусусиятга эгадир. Бугун ер юзининг биосфераси, атмосфераси, гидросфераси ва литосфе — расига тааллуқлидир. Атроф — муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро концепция ва ҳаракат дастурини, турли — туман илмий — техникавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқа вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ. Булар орасида экологик ҳимоя иқтисодий жиҳатдан олдинги ўринга қўйилмоқда.

Инсоният олдида янги технология ишлаб чиқариш мада — ниятини шакллантириш вазифаси турибди. У ўз моҳиятига кўра экологик маданиятга айланмоғи лозим. Бу ерда чиқитсиз техно — логия устун технология бўлиб майдонга чиқмоқда. Булар ёрда — мида ишлаб чиқариш билан табиат ўртасидаги қарама — қарши — ликни юмшатиш, кейинчалик эса тугатиш, иқтисодий ўсишнинг экологик чекланишларини олиб ташлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақа — вий, халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО, ЭКО, ОИК, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда¹.

Тарихни, можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўр — тасидаги ҳамкорлик олдинга ҳаракатлантиради. "Ҳозирги ду — нёда умумбашарий муаммолар тизимида хавфсизлик ва бар —

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқа — рорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Т., "Ўзбекистон". 1997 й., 303 — бет.

қарорлик фақат ҳарбий – сиёсий жиҳатларнигина назарда тутиб қолмайди. Иқтисодий, экологик ва маданий, маънавий жаб – ҳалар ҳам жуда муҳим бўлиб, ҳоҳ минтақада бўлсин, ҳоҳ бутун сайёрамизда бўлсин – бизнинг тинч ва гуллаб – яшнаётган умумий уйимиз ана шулардан ташкил топади”¹.

Умумбашарий муаммолар – тарқоқ ҳодисалар ва жараёнлар эмас. Биз уларнинг бир – бири билан боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шунинг учун дунёнинг яхлитлигига унинг муаммолари бир – бири билан чирмашиб кетганлигига, бутун сайёрамизда ҳамкорлик зарурлигига асосланувчи мулақо янги концептуал ёндошувлар ва амалий тадбирлар зарур. Инсон юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал эта олади. Бунинг учун инсоният етарли илмий – техникавий ва моддий имкониятларга эга. Фақатгина бу йўлда барча давлатларнинг ҳамкорлиги зарур.

3. Ўзбекистон Республикасининг экологик муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари

Ҳозирги даврда экологик хавфсизлик ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. “Очиқ айтиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий – буй – руқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Аниқроғи, бу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларининг келажагига, табиий бойликлари сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг “қалб нидоси бўлиб келган”².

Экологик муаммолар алақачонлар миллий ва минтақа – вий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган, Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади. Бу хавфни анча кеч, XX асрнинг 70 – йилларига келиб англай бошладик. Инсоният ҳан – дай хавф қаршисида турганлигини атроф – муҳитта инсон фао – лияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этади.

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб масала. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқа – рорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”. 1997 й., 333 – бет.

² Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажақ сари”. Т., “Ўзбекистон”. 503 – бет.

Экологик муаммолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда мутахассисларнинг баҳолашича жуда мураккаб, айтиш мумкинки, хавфли вазият вужудга келмоқда. Бундай вазият ни — мадан иборат?

Биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Марказий Осиё шароитида ер табиат инъом этган бойликдир. У одамларни боқади, кийинтиради. Бевосита деҳқончилик билан боғланган оилаларнигина эмас, балки маълум бир тарзда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор барча тармоқлар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган Республиканинг барча аҳолиси фаровон турмуш кечириши учун моддий негизини яратади. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатни кела — жагини белгилаб берадиган омил ҳамдир.

Бу ҳол Ўзбекистонда айниқса яққол намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан — йилга кучайиб бормоқда.

Республиканинг 447,4 минг кв.км дан ортиқ бўлган уму — мий майдонининг атиги 10 фоизигина экин майдонларини ташкил этади. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 кв км га 51,4 киши тўғри келади. Ҳолбуки, бу рақам Қозоғистонда — 6,1, Қирғизистонда — 22,7, Туркменистонда — 9,4 ни ташкил этади. Республикада ҳар бир одамга 0,17 га экин майдони тўғри келса, Қозоғистонда — 1,54, Қирғизистонда — 0,26, Россияда — 0,67 га ер тўғри келади¹.

Ўзбекистонда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни, шаҳарларни ривожлантиришга, уй — жой қурилишига янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда.

Табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга, тупроқ нураши, шўрланиши, ер усти ва ер ости сувларининг сатҳи пасайиши ва бошқа ҳодисалар рўй бермоқда. Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун экологик муаммодир. Ерларни оммавий суратда ўзлаштириш, ҳатто шўрланган ва мелиорацияга яроқсиз йирик — йирик, яхлит майдонларни ишга солиш ана шунга олиб келди.

Экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишларини Президент И.А.Каримов қуйидагича асослаб берди:

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари". Т. "Ўзбекистон". 1998 й., 509 — бет.

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Саноат корхоналарида атмосферага, сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқлардан кенг фойдаланган ҳолда масъу — лиятни ошириш даркор. Уларда замонавий самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак.

2. Республиканинг фойдали қазилмалардан оқилона фой — даланиши — долзарб масала.

3. Катта — катта ҳудудларда табиий шароитларни, табиий заҳиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъмин — лайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асослан — ган тарзда ўзлаштириш.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳи — собига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур.

6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бутунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга даҳлдор муаммо бўлиб, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаёт — ганлиги, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим.

Халқаро тузилмаларнинг заҳиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш — биринчи даражали вазифадир.

Бутун дунё ва Ўзбекистон учун кенг кўламдаги экологик танглик таҳдидини барҳам топтиришга эришиш, жисмонан соғлом ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шарт — шароитлар ҳамда экология жиҳатидан мусоффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧЛАР

Экологик муаммолар — инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида атроф — муҳитга етказилган зарар.

Экологик муаммоларнинг умумийлиги — экологик му — аммоларнинг миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун ин — сониятнинг умумий муаммосига айланишидир.

Янги технологик ишлаб чиқариш маданияти — у ўз моҳиятига кўра экологик маданиятга айланмоғи лозим. Бу ерда чиқиндисиз технология бўлиб майдонга чиқмоқда. Улар ёрдамида ишлаб чиқариш ва табиат ўртасидаги қарама — қаршиликни юмшатиш, кейинчалик эса тугатиш, иқтисодий ўсишнинг экологик чекланишларини олиб ташлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мумкин.

Умумбашарий муаммоларга янги концептуал ёндашув — ҳозирги даврда дунёнинг яхлитлигига, унинг муаммолари бири — бири билан чирмашиб кетганлигига, бутун сайёра миқёсида ҳамкорлик зарурлигига асосланувчи мутлақо янги концептуал ёндашувлар ва амалий тадбирларнинг зарурлигидир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛАР

1. Умумбашарий муаммоларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Умумбашарий ва минтақавий боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорлигини қандай изоҳлайсиз?
3. Ўзбекистонда экологик муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари нималардан иборат?
4. Орол муаммосини ҳал қилишда халқаро ҳамкорликнинг зарурияти ва аҳамияти нималардан иборат?
5. Экологик хавфсизликни кучайтиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат? ..
6. Умумбашарий муаммоларни биргаликда ҳал этишда халқаро ташкилотларнинг роли ва ўрни нималардан иборат?

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: "Ўзбекистон", 1992 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Т.: "Ўзбекистон", 1993.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: "Ўзбекистон", 1995 й..
- Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 319 – 6.
- Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 321 – 6.
- Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент, 1996. – 216 – 6.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: "Ўзбекистон" 1997 й.
- Каримов И.А. "Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи". Т. "Ўзбекистон" 1997 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: "Ўзбекистон" 1998 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон буюк келажак сари китобида. – Тошкент "Ўзбекистон", 1999. – 11 – 6.
- Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда" Т. "Ўзбекистон", 1999 й.
- Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда". Тошкент, "Ўзбекистон", 1999.
- Каримов И.А. "Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз". Тошкент, "Ўзбекистон", 1999 й.
- Каримов И.А. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз". Тошкент, "Ўзбекистон", 2000 й.
- Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазиғамиз. "Халқ сўзи". 2000 й. 15 феврал.
- Каримов И.А. "Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишлари". Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи" рўзномаси. 17 феврал 2001 йил.
- Каримов И.А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 5 – сессияси. "Халқ сўзи" рўзномаси, 2001 й. 15 май.
- Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни.
- Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатлаш ҳақидаги" қонуни.
- Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.
- Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.
- Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида"ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.
- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. – Тошкент "Ўзбекистон", 1999. – 20 – мода.
- Курс Экономической теории. Учебное пособие (Руководитель авторского коллектива и научный редактор проф. А.В. Сидорович) М.: МГУ. Изд во "ДИС", 1997 г. Макконел К.Р. Брю С.Л. "Экономика" Принципы, проблемы и политика. М.: "Республика", 1992 г.
- Реферат учебника Самуэльсона П., Нордхауса В. "Экономика". Ч.1, Гл.1. Введение.

- Ж. "Экономическая наука". М.1990. № 1.
- Курс экономической теории. Учебник. Под ред. Проф.Чепурина М.Н. и Киселевой Е.А.. Киров. Изд. "АССА". 1995.
- "Экономическая теория". Под ред. Академиков Ведянина А.И., Журавлевой Г.П., Гулямова С.С., Шарифходжаева М.Ш., Абдурахманова К.Х.. Т. "Шарқ". 1999.
- Введение в рыночную экономику. Учебное пособие под ред. Лившица А.Я.. Гл.1. М. "Высшая школа". 1994.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмаленз Р. Экономика. Перевод с англ. со 2-го издания. М.: "Дело ЛТД" 1993 г.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Меҳнат", 1995 й.
- Севлякянц С.Г., Отто О.Э., Тешаев Б.Т. Экономика – основа жизни общества. Т.: "Шарқ", 1998 г..
- Ивашковский С.Н. Экономика: микро и макроанализ. – М., Изд.Дело, 1999. – С.151.
- Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Т.: "Меҳнат", 1997 й.
- Долан Э.Дж, Линдсей Д.Е. Рынок: микроэкономическая модель. – Санкт – Петербург, 1992. – С. 14 – 15.
- Зогорулько М.М. и др. Основы экономической теории и практики. Учебно – методическое пособие. Издательства Волгоградского университета, 1994. – С.56 – 58.
- Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон 2000. – Тошкент, "Ўзбекистон", 2001. 2 – боб.
- Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Тошкент, 2000.
- Чжен В.А. Язык бизнеса. – Ташкент "ИПК Шар=", 1995. – С.258.
- Перо М. Международные экономические, валютные и финансовые отношения. Пер.с.франц. М. Прогресс. "Университет". 1994. Гл. 3 – 4.
- Основы внешнеэкономических знаний. Учебник под ред. И.В. Фламинского. М. Банки и биржи. 1995.
- Қодиров А. ва бошқалар. "Иқтисодиёт назарияси" Т."ТДТУ нашриёти", 1997.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

- Абдуллаев Е., Бобокулов Т. Кредит, Тошкент, "Меҳнат", 1996.
- Абдуллаев Е., Яхяев Қ. Солиқ. Тошкент, "Меҳнат", 1997.
- Абдуллаев Ё. "Бозор иқтисодиёти асослари". Тошкент. "Меҳнат", 1997.
- Абдуллаев Ё., Қоралиев Т. "Пул". Т. "Меҳнат", 1996.
- Абулқосимов Х.П., Вахобов А.В. ва бошқалар. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари. Т. 2001 й. 61 – бет.
- Ғуломов С.С. Менежмент асослари. – Тошкент, 1998. – 13 – б.
- Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. Тошкент, "Универ – ситет", 1993.
- Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. – Тошкент "Ўзбекистон", 1999. – 268 – б.
- Парпиев У., Саломов И. "Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш". Тошкент, "Шарқ", 1996.
- Умаров К. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, "Университет", 1998, 5, 16 – мавзу.
- Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. "Менежмент". Тошкент. "Меҳнат". 2000.
- Ҳақимова М. ва бошқалар. "Халқаро иқтисодий муносабатлар". Т. "Ўқитувчи". 1997.
- Ғуломов С., Усмонов Қ. "Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди". Т. 2000 .
- Эркаев Б., Каримова Г., Абулқосимов Х.. "Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари". Т. "Шарқ". 1996.
- Қобилов Ш. "Иқтисодиёт назарияси". Кўрғазмали ўқув кўлланмаси. Т. "Шарқ". 1997.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I Боб. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИНING ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ..4	
II Боб. МУЛКЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИ.	11
III Боб. ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ. ПУЛ	22
IV БОБ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УМУМИЙ МУАМ- МОЛАРИ.	31
V Боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МОҲИЯТИ. БОЗОР ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ.	39
VI Боб. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ.	53
VII Боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ. 60	
VIII Боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ДАРОМАД. КОР- ХОНАЛАРНИНГ ФОЙДАСИ.	69
IX БОБ. НАРХЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ.	77
X БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ.	84
XI Боб. БОЗОР ШАРОИТИДА ИШ ҲАҚИ ВА БАНДЛИК МУАММО- ЛАРИ.	99
XII БОБ. ДАРОМАДЛАРНИ АҲОЛИ ГУРУҲЛАРИ ОРАСИДА ТАҚСИМ- ЛАШ. ШАХСИЙ ВА ОИЛАВИЙ ДАРОМАД.	108
XIII Боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ: АСОСИЙ НАТИЖАЛАР ВА УНИНГ ЎЗГАРИБ ТУРИШИ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК. 118	
XIV Боб. АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС.	133
XV БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИ. ПУЛ МУОМАЛАСИ. БАНКЛАР.	146
XVI Боб. ИНФЛЯЦИЯ. ИНФЛЯЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИР- ЛАРИ.	163
XVII Боб. ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРТИБЛА- НИШИ.	171
XVIII Боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ	181
XIX БОБ. ЖАҲОН БОЗОРИ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ВА ВАЛЮТА ТИ- ЗИМИ.	186
XX Боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИДА УМУМБАША- РИЙ МУАММОЛАР.	199

**Умаров Камолжон Юсупович,
Хошимов Пазлиддин Зуҳурович, Бекнозов Норбой,
Содиқов Наримон Каримович, Холмирзаев Аҳмаджон,
Сапаров Турдиали Ортиқович, Турсунов Абдунаби**

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

(ноиқтисодий олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма)

Муҳаррир З.Ахмеджонова

Босишга рухсат этилди 24.12.2001 й. Бичими 60x84¹/₁₆. Нашриёт ҳисоб табағи 13,7. Шартли босма табағи 22,4. Адади 2000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 92.

“Университет” нашриёти. Тошкент — 700174. Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, маъмурий бино.

“Гротекс” Ўзбек — Америка қўшма корхонасида босилди. Навоий кўчаси, 30.